

РАҲИМЖОН УСМОНОВ

САОДАТНОМА

Танланган асарлар

Тўплаб нашрга тайёрловчи тарбияшунослик фанлари
номзоди, доцент С. ҲАСАНОВ

ТОШКЕНТ "ЎҚИТУВЧИ" 1995

У 70

Усмонов, Рахимжон.

Саодатнома: Танланган асарлар /Тўплаб
нашрга тайёрловчи С. Ҳасанов. —Т. Ўқитувчи,
1995. 368 б.

87. 7

4306010000 — 174
У _____ 180 - 93
353 (04) — 95

© "Ўқитувчи" нашриёти, 1995

ISBN 5-645-01984-9

ИНСОН ОДОБИ БИЛАН ҒЎЗАЛ

Тарбияшунослик илмининг зукко билимдони Раҳимжон Усмоновнинг “Саодатнома” асарини нашрга тайёрлар эканман, ҳозирги кунда одамлар ўртасидан кўтарилган меҳрмурувват, диёнат, ҳамдардлик, сахийлик, уларда етишмаётган одамийлик, мардлик, дўстлик, ҳалоллик, покизалик, ростгўйлик сингари хислатлар, ғўзал инсоний фазилятлар ҳақида чуқур ўйга толаман...

Муаллифнинг “Саодатнома” асарида одамлар ўртасидаги ҳозирги кунда етишмаётган ўша инсонпарварлик, одамийлик, инсон ғўзаллиги, умуман, кишининг энг яхши инсоний сифат ва хислатлари ҳақида кенг фикр юритилади: “Чин инсон Қуёшдек ҳотам бўлади. Бундай инсонлардан эса одамлар беминнат баҳра оладилар. Инсон учун энг катта бахт пок одамларнинг қалбида абадий яшай билишдадир... Меҳнатсевар кишининг ажралмас сифати — унинг инсонпарварлигидир. Меҳнатсеварлик она бўлса, инсонпарварлик унинг энг яқин дилбандидир”.

Бу пурҳикмат сўзлар муаллифнинг ўзига ҳам бевосита тааллуқлидир. Чунки Раҳимжон Усмонов ўзининг дилкашлигини, билим ва маҳоратини, энг яхши инсоний фазилятларини, ўз бахтини ҳалол меҳнати, ижодий изланиши, хайрли ишлари туфайли топганлиги шубҳасиздир.

Муаллифнинг “Саодатнома” асари Шарқ халқларининг “номачилик” услубида, яъни халқ дидактикаси аъъанасида ёшларга оқилона ўғитлар ва дил суҳбати тарзида ёзилганлиги учун ўқувчини теранроқ ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Ҳурматли ўқувчи, китобнинг ҳар бир саҳифасини ўқиганингиз сайин жавоҳир тергандай бўласиз. Ўзингизни енгил ҳис қиласиз, меҳр-муҳаббатингиз мисли дарёдай жўшади, уммондай тошади. Одамохун нурунийлар, хушахлоқ ва сертавозе дўсту биродарлар, меҳрибон устозлар даврасига тушиб қолгандай ҳузурланасиз. Ҳар сатридан оламжаҳон маъно ва мазмун англайсиз. Фазилятларингиз яна бир бор ортгандай ҳис қиласиз ўзингизни ва иложсиз

қолда дилдан қуйидаги дурдона сатрларни қайта-қайта так-
рорлайсиз: “Инсон хулқи зеболик касб этиши гўзал
фазилат, лекин у бошқаларнинг ҳам шундай бўлишига
ёрдам берса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Инсондаги гўзаллик туйғуси бамисоли гунча бўлса,
унинг мумтоз хулқи, одоби бу гунчанинг ҳусн жамолидир.
Бу фазилатлар бир-бирларини безайдилар ва
бойитадилар...”.

Китобнинг “Ҳаёт-устоз, халқ-муаллим”, “Фарзанд —
умр меваси”, “Дилнома”, “Одобнома”, “Инсон — гўзаллик
бунёдкори”, “Устоз ва шогирдлар” сингари бўлимлари маъ-
нолар кони, жавоҳирлар тўла сандиқни эслатади. Олим бу
асарида узоқ йиллар давомида ёшлик гулшанига соҳиблик
қилиш жараёнида тўплаган ҳаёт сабоқларини, илмий
тарбиявий кузатишларини умумлаштирганлиги яққол
сезилиб турибди. Шундан бўлса керак, олимнинг ўз умр
сабоқларидан келтирилган ибратли мисоллар ва панду
насиҳатлар асарга алоҳида жозиба бағишлаган. Китобдаги
оламжаҳон маъно касб этувчи ҳар бир сатрида ўз
ифодасини топан теран дидактик фикр=мулоҳазалар гўё
ҳаёт гулшанидан танлаб терилган чиройли гулдастани эс-
латади, ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйган тарбияшу-
нослик борасидаги долзарб масалалар бўлиб жаранглайди.
Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, муаллифнинг мак-
таб ва ўқитувчининг ёш авлодни баркамол инсон ва гўзал
одоб-ахлоқ эгаси қилиб тарбиялашдаги шарафли иши
маҳорат билан таърифланганлигининг гувоҳи бўламиз:
“Мактаб — ёшлик гулшани, болалар эса гулшанининг бебаҳо
ниҳоллари, устоз ўқитувчилар — бу гулшанининг доно
соҳибкорлари... у кўкартирган ниҳолларнинг ноёб ҳосили
авлоддан-авлодга ўтиб, ундан баҳраманд бўлаверади”. Бу
теран фикрларнинг қиммати ва тарбиявий аҳамияти шун-
даки, муаллиф халқ тарбиячиликлари меросига ижодий ёндо-
шади, уни давр билан уйғунлаштириб, “халқни устозим,
ҳаётни муаллими деб билгайсиз”, деб таъкидлаганлиги
бежиз эмас. Бу билан ҳаёт инсонларнинг ўзига хос дорилфу-
нуни эканлигини, ундан сабоқ олиш лозимлигини
ёшларимизга қайта-қайта уқтирадики, бундай киши ҳаётда
ҳеч ҳам қоқилмайди, ўз ўрнини топа олади, ўтган ишга
эса саловат деб минг афсус-надомат чекмайди, дейди.

Энг муҳими шундаки, муаллиф асарида инсон фар-
зандининг баркамол эътиқодли, имонли, диёнатли, меҳр-
муҳаббатли, иродали, меҳнатсевар, илму ҳунар эгаси,
ҳаётий масалалардан фаоллик кўрсата оладилар, ота-онага,

қариндошларга, дўстларга меҳрибон, тарбиячи устозларни ва ўзидан катта-кичикларни иззат-ҳурмат қиладиган, бо-бокалонларимиздан бизга мерос бўлиб қолган урф-одатларга содиқ, ўлкамиздаги моддий ва маънавий бойликларда му-жассамлашган гўзалликни қадрлайдиган сифатларга эга бўлган инсонни шакллантириш ғоясини илгари суради. Ин-сон ҳар бир соҳада виждон амри билан ҳалол ишлаши кераклиги ва ўша ишлаб турган жамоа уни доимо меҳр-муҳаббат ва ҳурмат билан тилга олишини эшитиб беҳад ҳузурланиш кишининг умрига умр, ишига эса барака бе-ради, деб таъкидлайди. Устоз киши эрта билан ишга ошиқса, ишда ҳурмати, иқболи яхши, ишдан сўнг уйга, оиласи қучоғига барвақт шошса, уйда фароғати яхши, дейди. Бу сатрлар шундан далолат берадики, асар муаллифининг ҳаёти ва ижодий фаолияти ана шу халқчил ўғитларнинг айна исботидир.

Муаллиф асарида халқ таълими соҳасига, хусусан, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига раҳбарлик қилиш одоби хусусида ҳам кенг фикр юритади. Раҳбарлик одобига хос маънавий баркамоллик, пўлатдек мустаҳкам ирода, онг билан амалий фаолият бирлиги, ҳаққонийлик, ахлоқий поклик, соф виждон ва ҳаётда ҳалоллик, ижтимоий фаоллик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, изланувчанлик, ижодкорлик, янгилликни ҳис эта билиш, ишчанлик, меҳнат-севарлик, бурчга садоқат, ошкора ҳаққоний танқидга таварлиқ, ҳар томонлама мусаффолик, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик каби фазилатларни ва раҳбарликнинг ўзига хос бўлган қирралари ва хусусиятларини ёритиб беради. Бугунги раҳбар ёшлик гулшани бўлган мактаб, билимгоҳ қучоғида тарбия олган шогирдларимиздир. Бу шогирдларимизнинг ҳаётда қозонган ютуқларида бизнинг ҳам ҳиссамиз бор. Бизни уларнинг ҳаётда қўлга-киритаётган муваффақиятлари қувонтиради ва биз учун бу катта хуррамликдир. Уларнинг қозонган ютуқларига ҳам, йўл қўйган хато ва камчиликларига ҳам биз маълум да-ражада шерикмиз. Бунинг учун биз ҳам жамият олдида жавобгармиз, дейди.

Устоз Раҳимжон Усмонов “Боланинг шаклланишида фақат мактаб ва оилагина эмас, балки уни ўраб турган ижтимоий муҳитнинг ҳам, тарбияга раҳбарликнинг ҳам таъсири бор”, деган масъулиятни ва бурчни олдинга сурак-кан, ўз шогирдларининг иқбол ва истиқболи ҳақида ҳам қайғуради, ҳаёт бўстонида ўзларига муносиб ўрин топишлари, эл ҳурматиغا сазовор бўлишлари хусусида ғам-

хўрлик қилади ва бу билан тарбияшунос олим ўзининг жамият олдидаги маънавий жавобгарлигини ҳам қис этади.

Китобда ёшларнинг иноқ-иттифоқ, дўст бўлишлари, оилавий турмуш муаммолари — оилани пойдеворини бунёд этиш, оилада ўз турмуш ўртоғи билан бўладиган инсоний муносабатлар, фарзанд тарбияси борасида ҳам муҳим тарбиявий ўтишлар баён этилган. Дарҳақиқат, муаллиф мактаб ва билимгоҳлар қучоғида ёшларга фақат илму фан асосларини ўргатибгина қолмасдан, балки уларни оилавий турмушга қабул этиб, тарбиялаш долзарб масала эканлигини таъкидлайди. Кекса тарбияшунос ёшларни камрон, бахтиёр кўришдек мумтоз ниятда эканлигини, энг муҳими — оилавий ҳаётда пок яшаш, оиланинг бахтиёрлигини, тинчлигини таъминловчи омил деб билади.

Раҳимжон Усмоновнинг “Саодатнома” асарига киритилган китобларини баҳолаган тақризчилар “Ҳаёт-устоз, халқ-муаллим” рисоласини “XX аср қобусномаси”, “Дилнома” ни эса “Ўқитувчи поэзияси ёки одоб-ахлоқ ҳақидаги поэма” деб бежиз таъкидламаган эди. Муаллифнинг асардаги ифода услуби ўзбек миллий тарбияшунослигининг ҳаётга янада яқинлашганлигини кўрсатади. Муҳим ҳаётий масала ва муаммолар содда баён этилганлиги туфайли китобхонни саҳифадан саҳифага ўтишга шопилтиради, оламжаҳон маъно ва мазмун тўлқинида сузаётганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Хуллас, “Саодатнома” асари дунё кўрган, мазмунли ҳаёт кечирган зукко тарбияшунос олимнинг одамийлик ҳақидаги чуқур мулоҳазалари дурдонасидан иборатдир. Шубҳасиз, шунинг учун ҳам бу асар умримиз меваси бўлмиш фарзандларни чин инсон қилиб тарбиялашда ота-оналар, ёшлик гулшанининг меҳри дарё боғбонлари бўлмиш ўқитувчи-тарбиячилар учун ҳамда келгусида халқ таълими муассасаларида раҳбар бўлиши мумкин бўлган ва раҳбарликка энди киришган кишилар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади, албатта. Муаллифнинг қуйидаги фикрлари эса бунинг исботидир. “Бу китобда қайд этилган эзгу тилакларимни, азиз шогирдларим, сизга бўлган беқийёс меҳрим, эътиқодим рамзи деб билгайсиз. Агар ундаги дил туйғуларим шарафли ишларингизда озгина бўлса ҳам асқотса, кўмаклаша олса, мен ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблайман. . .”.

*Солий Ҳасанов,
тарбияшунослик фанлари номзоди.*

“САОДАТНОМА” ҲАҚИДА

Маънавий гўзал инсонни вояга етказишда донишманд меҳнаткаш халқ яратган ва бебаҳо бисотимизга айланган маданий мерос дурдоналари алоҳида ўрин тутади.

Бу масалага шарқ халқлари ҳам алоҳида эътибор берганлар. “Қобуснома”, “Бўстон”, “Гулистон”, “Калила ва Димна”, “Қутадғу-билиг” каби жуда кўп дурдоналарнинг одоб-ахлоқ масалаларига бағишлангани бежиз эмас. Халқ оғзаки адабиётида ҳам педагогика ва дидактикага доир қимматли фикрларни кўплаб учратамиз.

Кўп йиллик халқ педагогикаси тажрибаларини ижодий ўрганиб ривожлантираётган, одоб-ахлоқ ҳақидаги дурдоналар ҳазинасини бойитишдек, эзгу ишга муносиб ҳисса қўшаётган олимлардан бири Тошкент Давлат дорилфунуни профессори, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи, меҳнат фахрийси Раҳимжон Усмоновдир.

Унинг “Ҳаёт-устоз, халқ-муаллим”, “Дилнома”, “Фарзанд-умр меваси”, “Одобнома”, “Инсон-гўзаллик бунёдкори”, “Устоз ва шогирдлар” каби таълим-тарбияга оид асарлари ҳурматли китобхонларимиз учун фойдали қўлланмалар бўлиб қолди.

Раҳимжон Усмонов ўзининг ярим асрдан ортиқ давр ичида тўплаган ҳаёт тажрибалари асосида “Муаллим” ва “Мулла Тўйчи ҳофиз” каби тарбиявий аҳамиятга молик бўлган радио ва телеспектакллар ҳамда сахна асарлари ҳам яратди.

Муаллифнинг ҳурматли китобхонларга тақдим этаётган “Саодатнома” деб аталган ушбу рисоласи ҳам кўп йиллар давомида ёшлар ҳаётини кузатиш ва илмий тадқиқ қилиш ишларининг маҳсулидир.

Рисолада муаллиф инсон гўзал ва шарафли ишларни бунёд этиш учун туғилганлиги, меҳнатни севиши, меҳнаткаш халқни ҳурмат қилиши, фан асосларини чуқур эгаллаши, ўз касбига садоқати, эътиқодли ва темир иродали бўлиши, Ватанни матонат билан севиши, ўзидан каттани, ота-онани ҳурмат қилиши, камтарлик, севгига, давр талаби асосида гўзал ва аҳил оила бунёд этиш олдидаги бурчга садоқатли бўлиши, устозлари, ўқитувчиларни ҳурматлаши, хушмуомала, меҳр-оқибатли бўлиши каби муҳим ҳаётий масалалар борасида ҳаёт бўстонида зарралаб тўплаган дурдона фикрларини баён қилади.

Асар адабиётнинг энг муҳим, айна вақтда анча мураккаб жанри ҳисобланган оформистик услубда ёзилган бўлиб, унда ахлоқий муаммоларнинг илмий принциплари содда ва тушунарли тилда баён этилган. Бу борада ҳам муаллиф халқ педагогикасининг бой анъанасидан ижодий ва ўринли фойдаланган. Нозик ҳиссий ва мураккаб психологик кечинмалар, теран фикрлар содда ва тушунарли тарзда баён этилган.

Раҳимжон Усмоновнинг бошқа рисолалари қатори “Саодатнома” ҳам йигит-қизларимизга доимий йўлдош бўлиб қолади.

НАЗИР САФАРОВ,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза
номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори.

Шогирдим, балки сен нима учун домламнинг дили мен билан суҳбатлашишни қўмсапти, деб ўйларсан? Бунинг боиси шундаки, оппоқ сочларим кечган узоқ ва тотли онлар мажмуасини, дилда боримни шогирдларим билан ўртоқлашишга қистаётганлигини ҳис этмоқдаман. Қолаверса, ҳаёт берган умр сабоқларини, узоқ йиллар маҳсули — тарбия борасидаги тажриба замирида туғилган фикрларни авлодлар билан ўртоқлашмаслик мумкин эмас. Шу боис, қўлга қалам олишга ва уларни оқ қоғозлар бетига кўчиришга жазм қилдим.

Азиз шогирдим, меҳнаткаш доно халқимиз “Камтарга-камол, манманга-завол”, дейди. Чиндан ҳам камтарлик улуғлик белгисидир. Сен шу нарсани асло унутмаслигинг лозимки, дунёда камтарлик билан эл-юртга ўрнак бўлган азиз одамлар жуда кўп.

Камтарлик ҳақида фикр юритар эканмиз, бу соҳада Ал Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Ал-Форобий, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий сингари юнон алломалар ҳаёти ва фаолияти ҳаммамиз учун ёрқин ибрат мактаби бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Мўмину мусулмонларга хос камтарлик, инсоний ифтихор туйғулари ҳамда одамларга бўлган самимийлик уларнинг ўзларида ва асарларида тўла мужассамлашган.

Ўзбекона камтарлик: ўзини ҳеч қачон халқдан юқори қўймаслик, аксинча, халқ билан доимо бир тан, бир жон бўлиб яшаш, оилада, турмушда, юриш-туриш, кийинишда ортиқча зеб-зийнатга берилмай, оддий яшаш, ўзаро маданий муносабатда бўлиш ва одамларга самимият билан яхшилик қилиш, шуҳратдан, мақтанчоқликдан холи бўлиб, ютуқлар олдида мағрурланмаслик, кибру ҳаво ва манманликка берилмаслик, катталарга ҳурмат, ёшларга меҳрибонлик кўрсатиш, билим чуқур бўлса ҳам, ўзини билағон қилиб кўрсатмаслик, мансабпарастликдан холи бўлиш, амал ва шахсий манфаат учун лаганбардорлик қилмаслик, аксинча, халқ манфаати йўлида меҳнат қилиш, ҳар қандай шароитда ҳам инсоний одобни унутмаслик каби қатор ажойиб фазилатларни ўз ичига олади.

Ёш дўстим, сен келгусида бирор лавозим эгаси бўлишинг мумкин, эҳтимол, ҳозир масъул ходимдирсан, умуман, ким

бўлиб қаерда ишлашнингдан қатъи назар, сен ўз ҳаётингда ҳам, иш услубингда ҳам улуғ сиймоларга эргашсанг, ҳурматинг ва бахту иқболнинг орта боради. Сенинг бахту иқболнинг эса биз ўқитувчи-тарбиячиларнинг катта қувончимиздир. Сохта шуҳрат кетидан қувиш ва лаганбардорларнинг мақтовларидан шишиниб кетиш каби одамийликка муносиб бўлмаган иллатлардан бутунлай ҳоли бўлишинг сенга таълим-тарбия бераётган тарбиячи ва ўқитувчиларингнинг истағидир. Шунинг учун қуйида камтарликнинг улуғворлигини ва кибру ҳаво, манманлик, шуҳратпарастлик каби иллатларнинг зарарли оқибатлари ҳақидаги фикрларимни, ҳаёт сабоқларимни сен билан ўртоқлашмоқчиман.

Ҳар бир авлод меҳнат ва кураш жараёнида ҳаётдан мисқоллаб тўплаган сабоқларини, қимматли ишлаб чиқариш тажрибаларини ўзига эргашиб бораётган янги авлодга қолдириш учун ҳаракат қилади. Бу кишилик жамияти тараққиётининг муҳим заруриятидир. Чунки бебаҳо бойликларнинг қонуний вориси бўлган ёш авлод тўпланган ҳаётий тажрибаларга доимо эҳтиёж сезади. Ёш авлод ундан оқилона, ижодий фойдаланади. Ҳаётда тўплаган тажрибалар асосида уни бойитиб ижодий ривожлантиради. Бусиз жамиятнинг ижтимоий камолотини тасаввур этиш қийин.

Бизнинг мақсадимиз адолатли ва ҳақиқат барқарор жамиятни бунёд этишдир. Бу шарафли мақсад эса ўз навбатида ҳар томонлама камол тошган, улуғвор инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, ҳаётни, борлиқни янада гўзалроқ қилиш учун ўз ҳиссасини қўшадиган бунёдкор инсонни вояга етказишни тақозо этади.

Қўлингиздаги “Саодатнома” китоби ҳам муаллифнинг “Ҳаёт — устоз”, “Халқ — муаллим” деб аталган рисоалари каби ота-боболаримизнинг тарбияга оид таълимотлари ва уларнинг бу борадаги йўл-йўриқлари, шунингдек, меҳнаткаш халқнинг тарбияга оид мақол, масал ва маталлари, илғор ўқитувчи-педагоглар ва тарбиячи ота-оналарнинг тажрибаларини ўрганиш, ва ниҳоят, ярим асрдан ортиқ педагогик фаолияти самараси ўлароқ тўпланган сабоқлари асосида бунёдга келди. Уни яратишда шарқ мутафаккир ва олимларининг тарбия соҳасидаги мерослари, А. Авлоний, Ҳамза, Т.Н. Қори-Ниёзий ва бошқа улуғ намоёндаларнинг одоб-ахлоқ хусусидаги илмий тадқиқотлари, таълим-тарбия соҳасидаги қарашлари муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилди.

Рисолада халқ ишига эътиқод, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва меҳнат аҳлини ҳурмат қилиш, инсонпарварлик, гўзал ахлоқий сифатларни ўзида мужассамлаштириш, дўстлик, ҳамдардлик ва ҳамдамлик, камтарлик

каби фазилатлар эгаси бўлиш ғояси олға сурилди, фан асосларини чуқур билиш, муносиб касб танлаш ва уни севиш, ундан оқилона фойдаланиш, оилада бола тарбиясига жиддий эътибор бериш ва бошқа чин инсонга хос эзгу ахлоқий фазилатлар мадҳ этилди.

Тарбиячи учун, ота-она учун, устоз мураббий учун ўз ўқувчисини, фарзандини, шогирдини комрон ва саодатманд кўришдан ортиқроқ бахт бўлиши мумкинми! Педагог ҳам, ота-она ҳам, устоз ҳам тарбияланувчини ҳар жиҳатдан баркамол, хулқи зебо, ақли дониш, гўзаллик бунёд этувчи инсон бўлишини истайди.

Азиз, навқирон дўстим! Сен Улуғ Ватаннинг қайси ерида, ким бўлиб ва қандай вазифада ишламагин, биз — ота-онанг, тарбиячиларинг сенинг иқболингга бефарқ қарай олмаймиз, балки ўзимизни маънавий масъул, деб биламиз. Биз устозлар шогирдларимизнинг ҳаётда қозонган ютуқлари ва бахту иқболлари, топган шон-шуҳратлари билан беҳад қувонамиз.

Бу китобда қайд этилган эзгу тилак ва истакларимни, азиз шогирдларим, Сизга бўлган беқийёс меҳрим, эътиқодим рамзи деб билгайсиз. Агар ундаги дил туйғуларим шарафли ишларингизда озгина бўлса ҳам асқотса, кўмаклаша олса, мен ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблайман.

ИНСОНИЙ ЭЪТИҚОД, МЕТИН ИРОДА

Ҳаётда учрайдиган қийинчиликларни ва зиддиятларни енгиб ўтиш кишидан кўп риёзат ва машаққат чекишни талаб этади, бу омиллар одамнинг оқил инсон бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

Янги ғоялар дурдонаси осмондан тушмайди, балки у борлиқни кузатиш ва меҳнаткаш халқнинг ҳаётий тажрибасини ижодий ўрганиш, уни бир бутунликда таҳлил қилиш ва ижодий ривожлантириш маҳсулидир.

Шогирдим, баъзан сен дилингдаги пок ва беғубор ҳисларга зид бўлган айрим шахсларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб, ҳайратда қолишинг мумкин. Ана шундай вазиятда ҳеч иккиланмай, ўзингнинг улуғвор эътиқодингга содиқ қола билишинг энг яхши фазилатдир.

Ота-онанг қошида асло нолиш қилма, уларнинг осойишталикларига путур етказасан. Нолиш қилиш — ношукур, беқаноатларнинг иши.

Иродасиз, лақма мансабдор — ясаниш-тусанишга ва бойлик тўплашга ҳирс қўйган хотинининг қўлида қўғирчоқ бўлади, бурнидан арқон борланган туядек уни истаган томонга етаклайди. Қайси идишга тушса, унинг шаклига

кирадиган суюқлик каби, бир онда тўққиз турланадиган, маслаксив, қиёфасив шахслар ҳам учраб туради.

Оқибатини ўйламай иш қиладиган кишининг хатти-ҳаракати тубида нима борлигини билмай, сувга калла ташлаётган одамни эслатади. Кўпинча бундай кишиларнинг бошлари харсангга тегаети.

Кишининг ўз олдига қўйган мақсади, унга эришиш йўлидаги хатти-ҳаракати унинг ақли-идроки қандайлигидан далолат беради.

Сув бўш заминдан ўзига йўл топгандек, ифвогар, туҳматчи ҳам ўз мақсади йўлида иродасив, маслаксив шахслардан фойдаланади. Ундай маслаксив кишилар қамишнинг попути каби кучсиз шамолда ҳам силкиниб турадилар.

Ютуқлардан ҳовлиқмаслик, қийинчиликлардан чўчимаслик оқиллик ва мардлик белгисидир.

Оқил ва матонатли инсонни ҳаётда учрайдиган зиддиятларни сабот билан енгиб ўтишдек гўзал фазилат безайди.

Тубанликдан юз ўгириш яхши улуғликка интилган инчунун яхши.

Тушкунлик ва парокандаликдан холи бўлишнинг муҳим шарти — улуғ ҳаётнинг паст-баландликларида, сўқмоқларида юриб чиниқишдир. Инсоний этиқод кишиси мансаби ўзидан юқориларга лаганбардорлик, ўзидан лавозими кичик бўлганларга эса кибр билан қўполлик қилмайди. Чунки унинг этиқоди бунга йўл қўймайди.

Шогирдим, ҳаётда мустаҳкам тура олишинг учун, энг муҳими халқнинг сенга бўлган ишончи ва этиқодига эришишинг лозим.

Маишатпарастлик кишини аждаҳо каби ўз комига тортади, иродали ва матонатли инсонгина унинг домини четлаб ўта олади.

Инсоннинг дилида ниш урган мумтоз ниятлари ва умидорзулари шундай нурли шафақки, у жозибали сеҳри билан кишини мудом бунёдкорликка чорлайди.

Ғояси саёз киши ҳаёт уммонининг тубига ета олмайди ва ундаги жавоҳирларни теришга ҳам қодир бўлмайди.

Инсонни тез қаритадиган оғу руҳий тушкунликдир.

Руҳий кўтаринкилик ҳаёт чўққисига, тушкунлик эса қабристонга олиб борадиган йўл.

Пишиб етмаган ғоя билан чала-чулпа яратилган ғўр асар чала туғилган болага ўхшаб умри қисқа бўлади, кўпинча, туғилади-ю, ўлади.

Эл қошида шон-шуҳрат топишни истасанг, ақлу иродангни шарафли мақсад сари йўналтир.

Уддабуронлик ҳаётда учрайдиган қийинчиликлардан чекиниб, енгил ҳаёт излашда эмас, балки қийинчиликларни енгил учун мавжуд имкониятларни топа билиш ва уларни ишга солишдадир.

Адолат тантанаси учун курашдан қўрқиб, мурасасозлик кайфияти билан яшаш — ҳам уят, ҳам жиноят.

Ҳаётда инсон баъзан пок ва нопок икки айри йўлга тўғри келиб қолади, улардан қайси бирини танлаш унинг ақлига ва ирода кучига, виждон амрига боғлиқ бўлади.

Хонадонинга кирмоқчи бўлган жаҳлу жаҳолатингни бахт қароқчисининг ўз ичингдаги жосуси деб бил.

Шогирдим, ироданг кучи ноўрин қўзғалган ғазабингни боса олишингга қараб ўлчанади. Доно халқимиз: “Жаҳлинг чиқса, ўнгача сана”, деб бежиз айтмаган.

Ваҳший ҳайвонни енгил учун куч, маҳорат керак. Лекин, нафсни, жаҳолатни, худбинликни енга олиш учун эса темир ирода керак.

Инсон бир қояга кўтарилгач, янги қояга дуч келганидек, дилидаги бир орзуси ушалиши билан янгиси туғилаверади. Шу зайл у мудом юксакликка интилади.

Иродасиз, лақма киши шамолдан турли томонга липиллаётган шамнинг шўъласидек беқарор бўлади.

Агар кутган бир орзу-умидингга етсанг, асло иқбол излашдан тўхтама, чунки орзу-умид чексиз, унинг бирига етганинг ҳамона иккинчиси бошланади.

Дилдаги орзу-умидлар билан иқбол ўртасида бир кўприк бор, у эзгулик сари тинимсиз интилишдир.

Агар кишининг улуғвор фикр-ғояларига ва гўзал ҳистуйғуларига монанд амалий хатти-ҳаракати қўшилса, олтин узукка ёқут кўз ўрнатилгандек, беқиёс гўзаллик туғилади.

Киши улуғ боболарнинг шарафли ишларини ва жамиятда тутган ўринларини чуқур билмай туриб, бугунги ҳаёт нашъасини ҳам, келгусининг моҳиятини ҳам тўлиқ англаб етмайди.

Ўтмишни аниқ ва равшан кўра олган кўз, келгусини ҳам равшан кўришга қодир бўлади.

Мардлик ва ботирликка ақлу идрок, тадбиркорлик қўшилса, узоқ йўллارни босиб ўтиш тезлашади, ижроси мушкул бўлган муаммолар ҳам осонроқ ечилади.

Қаноти қисқа ва кучсиз қушлар узоққа парвоз қилолмаганидек, билими саёз, ривожланиш қонунларидан беҳабар, калтабин кишиларнинг ҳам узоқни кўриш имкониятлари чекланган бўлади.

Эътиқод унга амал қилиш билан гўзал, амал қилинмаган эътиқод ҳароратсиз шульадир.

Ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган ва енигиб ўтган инсонга чуқур назар солсанг, унинг поклигига, ички дунёси гўзаллигига ишонч ҳосил қиласан.

Умар Хайём дебдиларки:

Қийинчилик чекиб, одам ҳур бўлур,
Садафда қамалиб қатра дур бўлур.

Инсонни ўзга мавжудотдан фарқ қилдирувчи муҳим фазилатлардан бири шундаки, у ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини олдиндан фикран кўра билади. Шундай экан, асло ўйламасдан иш қила кўрма.

Инсон аъзолари билан иродаси ўртасида ўзаро ҳамдамлик қонуниятини мавжуд. Агар ирода кундалик ҳаёт қонуниятини бузмаса, аъзолар ҳам ўзини бемалол ҳис қилади.

Яхши хатти-ҳаракатлар ҳам, носоз хатти-ҳаракатлар ҳам кўп такрорланаверса, улар инсонни ўзига тобе қилади ва одатига айланади.

Инсонни бошқа мавжудотлардан аллақачонлар ажратган муҳим бир фазилат ҳар бир ишни бажаришдан олдин онгли равишда унинг оқибатини тасаввур этиши, англаши ва истиқболни кўра билишидир.

МЕҲНАТСЕВАРЛИК — БЕБАҲО ФАЗИЛАТ

Инсон фаолиятдан тўхтаса, камолотдан тўхтайти, чунки камолотнинг замри фаолиятдир.

Қозонингга меҳнат ҳосилидан бўлак ҳаром-ҳариж нарса тушмасин, билъақс уни истъёмол қилган фарзандларинг сенга бемеҳр, бемурувват бўладилар.

Умрида бир туп гулми-ниҳолми кўкартирмаган киши гулшан ва боғ қадрини қаердан билсин...

Меҳнат ҳосили билан яшаган инсон ўз эркига ҳоким, юлғичлик билан бойлик тўплаган хасис ўз иқболига золим.

Ҳаётда фаолиятлилиқ ва ташаббускорлик эл қошидаги қадрингни ва иқболингни орттирувчи фазилатдур.

Меҳнатсеварлик бебаҳо фазилат, унга ижодий ташаббускорлик қўшилса, нур устига аъло нур.

Меҳнатсеварлик бамисоли бир олтин узук бўлса, унинг жавоҳир кўзи ижодий ташаббускорликдир.

Инсон қайси бир лавозимда ишласин, уни шараф деб билиши ва шарафли ишлар қилиши лозим.

Танбаллик ва фаоллик икки йўл бўлиб, улардан бири эл ҳурматига, иккинчиси эса нафратга дучор қилади.

Бекорчилик ҳосили бўлган носоз ҳис-туйғулар ақлни лақиллатади.

Меҳнат қилмай, дарахт соясидан нари кетмай, танбал ўсган бола қуёш тик келганда, эсанкираб, ўзини билмай қолади.

Ташаббускорлик ижодий ишларни, янгилик яратиш ва уни биринчи бўлиб ҳаётга жорий этиш демакдир.

Ватанпарварлик ҳақида асар ёзишдан аввал ўз қалбингга қулоқ солиб, бу туйғунинг поклигига, жўшқинлигига ишонч ҳосил қил.

Ялқов оғзини эснагунча лобар ҳаммаёқни ораста қилади.

Касбдаги қўним ишдаги унумнинг муҳим бир гаровидир.

Тамбалликнинг ҳосили хасталикдадир.

Танбал ва баднафс меҳнат тақсимида кетмоннинг кичигини, овқатланишда эса товоқ-қошиқни каттасини танлайди.

Ёш дўстим, тарбиячиларинг сенга “Меҳнатни сев” дер эканлар, аввало меҳнатга онгли ва ижодий муносабатда бўлишингни, ундан кутилган мумтоз мақсад жамият аъзоларини саодатманда этиши, ҳаётни янада гўзал қилиш лозимлигини англашни, илғорлар тажрибасини кузатиб, ўрганиб, ўз малакасини, меҳнат самарасини оширишни, ниҳоят ўз истъдодингга ва қобилиятингга монанд жамият учун зарур бўлган касбни танлай билишни ва унинг шукуҳи билан яшашни кўзда тутадилар.

Тақинчоқлар билан безанган юлғичнинг нопок қўлидан ҳазар қил. Қўли меҳнат қадоқлари билан безанган кишига қўлингни тут.

Агар боладаги касбга бўлган муҳаббат тасодифан туртилган бўлса, у шунча тез сўниши мумкин. Касбга бўлган ҳавасни тарбиялаш мавсумий иш эмас, балки у бутун ўқув-тарбия изчиллигининг қонуни бўлмоғи лозим.

Табиатни севиш, уни янада гўзалроқ қилиш учун ҳисса қўшиш ақли комил, хулқи зебо инсоннинг иши. Уни вайрон қилиш эса бефаросат, хулқи норасоларнинг касби.

Боланинг ҳаёт неъматларини яратувчи, мумтоз ниятли, эзгулик сари интилувчи меҳнат аҳллари билан тез-тез учрашиб туриши уни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг энг яхши омилдир.

Ернинг ҳам ўзига хос мутаносиблик қонуни бор. Агар унинг даромадидан буромади ошиб кетса, у қашшоқ бўлиб қолиши мумкин. Шундай экан, уни озиқлантиришни унутманг.

Меҳнат билан топилган молу мулк уйга шодлик олиб келади, юлғичликдан ортирилган бойлик эса ташвишу таҳлика келтиради.

Оқилона тежамкорлик ҳам, бемаъни исрофгарчилик ҳам кишининг болаликдан ҳар бир нарсага эришиш замирида меҳнат ётганлигини нечоғли англаб ўсганлигига боғлиқ бўлади.

Касб тавлашда, аввало, шу касбга бўлган ҳавасинг, истеъдодинг борлиги ҳақида чуқур ўйлаб, ишонч ҳосил қил, ниҳоят уни чуқур эгаллаш йўлида ақлу иродангни ишга сол.

Шогирдим, ҳаёт — томошабоғ, сен эса — томошабин эмассан, балки ҳаёт меҳнат бўстони, сен эса унинг боғ-бонисан.

Кечаётган ҳосил йилидан келгуси ҳосил йилига олиб ўтадиган бир кўприк бор, у деҳқоннинг миришкорлиги-ю, тадбиркорлиги.

Вужудимиз ерники, лекин шарафли ишларимиз элники.

Истеъдодингга меҳнат билан ўқиш, касб ўрганиш иштиёқи қўшилса, гўзал ишлар бунёд этиш учун интилсанг, бахтнинг ўзи эшигингни қоқиб келаверади.

Эл назарида ўз манфаатинигина кўзлаб молу мулк йиққан бойлик гадоси эмас, балки эл учун шарафли ишлар қилган меҳнатсевар инсон қолади.

Ҳеч ким танбалликдан — бахт, ичкиликдан — обрў, юлғичликдан — иқбол топмаган.

Кексалик фаолиятсизликка ниқоб бўла олмайди. Балки оқил инсон умрининг охиригى онларигача, имконияти борича меҳнат қилишга интилади.

Бола қилаётган меҳнатининг оқибати гўзаллик яратишдан иборат эканлигини чуқур англаб етсагина, у келгусида чинакам гўзаллик бунёдкори бўлади.

Ер меҳнатингга яраша мурувват, хизматингга яраша ҳиммат кўрсатади.

ИЛМУ ҲУНАР — ТУГАНМАС ЖАВОҲИР

Илм шайдоси бўл, шуҳрат гадоси бўлма! Кишидаги билимга эътиқод ва меҳнатга бўлган иштиёқ уни ғийбату иғволардан халос этадиган ва гўзаллик бунёд этишга йўллайдиган омилдир.

Илм соҳиби бўлсанг, сенинг билим чашмангдан одамлар беминнат баҳра олсинлар. Улуғ сиймоларнинг беғубор билим чашмаларидан эллар беминнат фойдаланиб келадилар.

Боладаги риёзиёт билим ўзаро мантиқий боғланган ҳалқалардан тузилган занжир бўлиб, улардан бирортаси бўш бўлса, занжир шу еридан узилади.

Меҳнаткаш халқ ўтмишда айтилган ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрларни давр элагидан саралаб ўтказади, но-

матлубларини чиқариб ташлаб, дурдоналарини ардоқлаб, келажак авлодга узагади.

Модомики, илм бўстонига кирар экансан, аввало, бу бўстонга эътиқод билан қадам қўй, унинг буюк қояларига чиқиш учун эса қийинчиликлар қошида тушкунлик ва парокандаликка берилмаслигинг, энг муҳими, метин ирода билан муттасил ижодий изланишда бўлишинг зарурлигини асло унутма.

Олим ҳақиқатга зид бирор фикр айтгудек бўлса, у ўз обрўсига путур етказади. Чунки чин олим илмий ҳақиқатларнинг кашфиётчиси ва тарғиботчисидир.

Кипшининг билим доираси билан ақл доираси бир-бирини безаши, тўлдириши керак.

Илмий тадқиқот илмий ҳақиқат хазинасини очувчи калитдир.

Риёзиёт миқдорлар воситаси-ла, фикрни ифодаловчи аниқ тилдир.

Ҳар бир касбга истеъдодсиз кишининг қадам қўйиши ёмон, хусусан шифокорлик касбига қобилиятсиз кипшининг кириши инчунун ёмон. Чунки у кўп кишиларнинг умрига завол бўлиши мумкин.

Фанга шайдолигу, умр йўлдошига меҳрибонликни та-розу паллаларидек мувозанатда тута билиш оқилларнинг иши. Билъакс фанга беҳад берилиб, оиласини унутганлар ҳам учрайди.

Агар сен атрофингдаги табиат ва жамиятда рўй бераётган ҳодиса ва воқеаларни сиғочовлик билан кузатиш ва таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлмасанг, олимликни даъво қилмаганинг маъқул.

Шогирдим, фан ва маърифатнинг истиқболига чорлаган улуг сиймоларга содиқ қола билиш виждонли фан шайдоларининг иши.

Бир тулпор бор: у сени энг учқур қушлардан тез учиради, беқиёс қудрат берадиган, энг муҳими, кўз гавҳарингни жуда узоқни, келажакни кўра оладиган қилади, ақл-идрок, зебо хулқ бахш этади. Бу тулпор фан асослари бўлиб, ёшликданоқ уни яхши эгаллаб олишга интил.

Фан уммонининг тубидан ғаввос каби машаққат чекиб, жавоҳир излайдиган заҳматкашларгина тарихда қолади. Сохта шуҳрат изидан қувиб, ўзини кўз-кўз қилиб, ўзини сув юзида сузиб юрган шуҳратпарастлар кўпик каби ўчиб кетади.

Заррача ҳиссаси бўлмаган ҳолда мансаби ва унвонидан, ҳар-қайси илмий, ижодий ишга ўз номини тиқиштираётган шахс чўнтаккесардан ҳам тубан ўғридир.

Ёшлик чоғингдан илму ҳунар камари билан белингни маҳкам боғлаб олмоғинг лозимки, у сени ҳаёт чуққисига кўтарилишингда мададкор бўлади.

Киши буюк сиймоларнинг фан йўлида чеккан беқиёс риёзат ва машаққатларини қанчалик чуқур англаса, унинг фан асосларини эгаллашга бўлган матонати шунчалик кучли бўлади.

Чин олимлик ва одамийликнинг муҳим белгиси ўздан олдин ўтган кишиларнинг фан ва маърифатга қўшган ҳиссаларини ҳалол баҳолай билишидадир.

Кибру ҳаво касалига йўлиққан киши илму маърифат деб аталмиш дорини кўпроқ истеъмол қилмоғи даркор.

Агар талаба илм олса-ю, лекин илмий ҳақиқатни очиш усулларини билмаса, у бир қаноти синган қуш каби ҳаётда парвоз қилолмайди.

Касбдаги қўним, унга бўлган садоқат ва муттасил ижодий изланиш маҳсулот сифатининг муҳим гаровидир.

Кишининг билими, маҳорати унвонга яраша, ошиб бормаса, эл назаридан қолади. Доно халқимиз бундайларни: “Оти улуғ, супраси қуруқ”, дейди.

Ўқув-тарбия ишининг моҳиятига чуқур кириб бориб, илмий асосда таҳлил қилиш ўрнига, “хўжа кўрсин” зайлида ўтказиладиган тантанабозлик ва мажлисбозликлар кўзбўямачиликнинг энг зарарли шаклидир.

Яратган яхши асарларинг элга хизмат қилса — катта бахт, лекин мақтовлардан талтайиб, кибру ҳавога берилсанг, асарларингдаги ғояларингга ўз қўлинг билан болта урган бўласан.

Пул, молу дунёга ҳирс қўйиб, улар кетидан қувган кишидан кўра илму ҳунар эгаллаш ва халқ ҳурматига сазовор бўлиш учун интилган одам ҳам бахтиёр, ҳам барҳаёт инсондир.

Одамдаги ақллилик ва билимдонлик билан такаббурлик ва манманлик хислатлари тескари мутаносибдир.

Таълим ва тарбиянинг умумий қонуниятлари ҳамда муайян характерини англамаслик, тарбияшуносликнинг фан эканлигини, у муайян ҳақиқатлар мажмуаси эканлигини инкор этишдир.

ВАТАНПАРВАР ИНСОН — ЭЛИГА ПОСБОН

Улуғ Ватанамиз шундай гўзал гулшанки, унинг кўрки ва муаттар гулларидан барча қардош халқлар баҳра олади.

Пул, мол гадолиги ватангадоликка олиб ўтадиган хатрли кўприқдир.

Болаиғ билан Ватан ўртасида қай бирини танлаш вазияти турилганда “Ватан!” дея олмасанг, сен ватанпарвар эмассан

ва фарзандингни ҳам ватанпарвар қилиб тарбиялай олмайсан.

Ватанпарварлик туйғуси уйингнинг остонасидан бошланади, дейдилар, бу — тўғри, лекин у бошланган ерда тўхтаб қолса, миллий маҳдудликка, маҳаллийпарастликка айланиб қолиши мумкин. Билъакс, Улуғ Ватан сари йўл бошласа, у сени халқлар дўстлигининг гўзал бўстониغا олиб кирази.

Яшаб турган ўлканга бўлган муҳаббатинг халқлар дўстлиги чашмасининг бош ирмоғи бўлиб, бу ирмоқлар қўшилиб байналмилал дўстликнинг улуғ уммониغا қуйилади.

Она-Ватаннинг гўзал табиатидан завқлана билмаган ва уни зебо қилиш учун курашмаган кишидан ватанпарвар чиқмайди. Чунки унинг дилида Ватан ишқи йўқ.

Бепоен ўрмонларнинг бебаҳо инъомларидан фойдаланиб, сўнгра ўт қўйиб, уни ваҳшиёна вайрон қилаётган шахс кўкатга ағанаб, уни пайҳон қилаётган ҳайвонни эслатади.

Она-ерга бўлган меҳр билан элга бўлган ҳурмат эгизакдир.

Она-ер ҳақида қуруқ гап сотган киши эмас, балки унинг бойлиги ва гўзаллиги устида ғамхўрлик қилган инсон ҳақиқий ватанпарвардир.

Она-ер бизга ризқу рўз беради, умримиз тугагач, яна ўз бағрига олиб, вужудимизни яширади.

Она-ердан ўз ризқ-рўзимизни олиб, лекин ернинг эҳтиёжи устида ўйламаган киши — деҳқон қиёфасидаги юлғичдир.

Ватан ҳимояси у ун жон фидо қилиб курашиш қаҳрамонлик, лекин руш оловини ёқувчи ёвуз ниятли золимларни жиловлаб қўйиш беқиёс қаҳрамонликдир.

Жамиятнинг моддий ва маънавий бойлигини кўз қорачиғидай асрай ва уни кўпайтира бориш устида сидқидиллик билан меҳнат қилиш — чин ватанпарварнинг иши.

Чин инсоннинг севгиси унинг Ватанга бўлган муҳаббати билан эгизак бўлади ва бу ҳиссиётлар бир-биридан қувват олади.

Яшаб турган ўлканг, оиланг, ўқиб турган билим ўчоғинг билан фахрланиб яшашга одатланмоғинг лозим, чунки инсондаги ватанпарварлик туйғуси ана шулардан бошланади.

Узингдаги барча фазилатлар учун аввало она-Ватандан ва олижаноб инсонлардан қарздорсан.

Биздан Ватаннинг қудрати авлоднинг, ватанпарварлик туйғуси билан мутаносиб равишда ривожланади.

Она-ерни севамаган боладан ватанпарвар чиқмайди.

Фарзандларимиз ўз камолоти учун она-Ватанда яратилган шароит меҳнаткаш халқнинг меҳнат ҳосили эканлигини қанча чуқур англасалар, улар Ватаннинг, меҳнаткаш халқнинг қадрини шунча яхши тушунадилар.

Мансаби ва шуҳратини кўзлаб, ўз халқининг манфаатини ўзгаларга соғадиган хоиндан шу элнинг ити афзал. Чунки ит ўз элатига вафо қилади ва уни ёвузлардан асрайди.

Атрофини ўраб турган боғу бўстонлардан, бепоён дала-лардан завқланишга одатланмаган боланинг қалбида нафосат ва ватанпарварлик туйғуси ҳам бўлмайди. Чунки ватанпарварлик ва нафосат туйғуси бир дарёга қўшиладиган икки irmoқдир.

ИНСОНПАРВАРЛИК — ОДАМГА ҒАМХЎРЛИК

Шогирдим, ҳар куни иложи борица одамларга, жамиятга яхши, шарафли ишлар қиламан, деган мумтоз ният билан уйингдан чиқ. Яхши ниятинг — содиқ йўлдошинг.

Баъзи киши ўз ҳуқуқини беш бармоқдек билиб олади-ю, лекин жамият қошидаги бурчига келганда нўноқлик қилади.

Гул муаттар бўйини ёш ниҳолларга улашгандек, қалби дарё ора-она ҳам фарзандларини инсонпарварлик руҳи билан файзиёб қилади.

Кексайган чоғингда одамлар сенга яхшилик қилаётган эканлар, бу ўтмишингда одамларга қилган шарафли ишларинг ҳосилидир.

Ўзи бир маълум бир манзилга чиқиб олиб, бошқаларнинг камолотига тўғаноқ бўлаётган ва тамагирлик билан йўл тўсаётган худбин шахс қошидан пок одамларнинг ўтиб олишларига йўл очган одам олижаноб инсондир.

Табиатдаги жониворларни офатдан асраш учун фидокорона курашиш — қалби дарё инсоннинг иши.

Худбин кишида ҳуқуқ туйғуси бурч ҳиссидан устун туради.

Одамларнинг бахти ҳисобига бахт излаш — бадбахтлик, уларни бахтли қилиш учун курашиш бахтиёрликдир.

Ижодий камолот сари интилаётган кишининг қўлидан тортилса, у майдонга чиқади, оёғидан тортилса — йиқилади. Биринчиси — инсонпарварлик, иккинчиси — бахиллик ва ҳасадгўйликдир.

Ўлим инсон учун уч ёқлама фожиа: аввало, инсон улуғ ҳаёт билан видолашади, сўнгра илму ҳунар ўрганиш саводатидан маҳрум бўлади, ва энг ачинарлиси, одамларга яхшилик қилиш борасидаги ҳаракатларига сўнгги нуқтани қўяди. Шундай экан, ҳаётнинг қадрини бил, ҳаёт бўстонида

жавлон ур, умрингни илму ҳунар эгаллаш учун сарфла, қўлингдан келгунча одамларга яхшилик қил.

Нопокнинг тирик вужуди ҳам кишиларда нафрат уйғотади, олижаноб инсоннинг жонсиз-тилсиз ҳайкали ҳам шарафли ишларга ундовчи илҳом рамзидир.

Омади келиб, бошига бахт қуши қўнган кишининг атрофида парвоналар кўпаяди. Лекин бошига кулфат тушган одамга ёрдамга ошиқиш — мардларнинг иши.

Инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш иштиёқи ундаги барча фазилатларнинг ҳосиласидир.

Яхши инсон унга одамлар томонидан қилинган яхшиликдан асаларидек бол ҳозирлайди. Яхшиликка — яхшилик қилишни бурч деб билади.

Баъзан: “Сенга ёмонлик қилган кишиларга ҳам яхшилик қилавер”, дейдилар. Лекин меҳрибонлик қилиб елкасини силасанг, заҳар сочадиган илон нусха яхшиларни қўрқоқ, ўзини қудратли деб ҳисоблайдиган носозлар ҳам гоҳида учраб туради. Ундайларга нисбатан яхшилик қилиш эмас, ҳатто бепарво қараш жиноятдир.

Маданиятли инсон бўлиш учун киши хатти-ҳаракат одобини билиши шарт, ҳаётда уларга амал қилиш эса ҳаётий заруратдир.

Бахт ҳақида фикр-мулоҳазалар кўп, лекин бир умумий ҳақиқат бор. Фақат ўз манфаатини кўзлаб эл манфаатини унутган киши ҳеч қачон бахтиёр бўлолмайди; чунки бахтнинг ўзи халқ ҳурматида ва эл назарида яшашдир.

Бошига ҳар қандай оғир кулфат ва мусибат тушганда ҳам чин инсон бўлиб қолиш — бебаҳо инсоний фазилат.

Тотли мевалари билан баҳраманд этиб келаётган дарахт йиқилса, нечоғли ачинсак, бутун умрини иқболимиз учун бахш этган инсон орамиздан кетса, беқиёс оғир изтироб чекамиз.

Боланинг ҳайвон ва ўсимликларга бўлган меҳрибонлиги унинг келгусида инсонпарвар одам бўлишидан бир нишондир.

Гўзаллик қонуни асосида яшашнинг моҳияти жамиятимиз аъзоларининг эртанги ҳаётини бугунгидан ҳам кўра гўзал ва порлоқ қилиш учун кураша билишидадир.

Инсон ўз атрофидаги муҳитни ҳар жиҳатдан гўзаллаштириб, бойита бориб, ўзи ҳам гўзалликка, маънавий камолотга эришади.

Гўзал табиат қучоғида гўзал ҳаёт кечира билиш ҳам нафосатли инсонга хос кўркем фазилатдир.

Тинчлик учун кураш қуруқ шиор эмас, балки ҳаёт-мамонт масаласидир. Ҳар бир тинчликсевар инсон уни таъминлаш учун ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Шогирдим, одамларга бирор яхшилиқ қилмаса турол-майдиган инсон бор, кишиларга ёмонлик қилмаган куни хотиржам ухлай олмайдиган баъзи шахс ҳам бор, ҳар иккиси ҳам буни ўзига хос бир одат қилиб олган. Бу одатта одам болалигидан ўрганади.

Чин инсоннинг одамларга яхшилиги покиза виждон амри туфайли қиладиган ишларидир.

Шогирдим, ижодий камолот йўлида баъзи бир йўлтўсарларга дуч келиб қолишнинг мумкин. Уларни енгиб ўтиб, очиқ камолот майдонига чиқиб олиш сендан пўлат ирода, ақлу заковат талаб этади. Лекин ўзинг уларнинг бу хилдаги номатлуб ишларини асло такрорлама.

Одамларга яхшилиқ қилиш ҳаётий эҳтиёжга айланган инсон чин инсонпарвардир. Бундай инсон одамларга яхшилиқ қилмай яшай олмайди.

Ҳар қандай эҳтиёжнинг бўлганда ҳам носоздан иложи борича илтимос қилмасликка ҳаракат қил. Яхши ва пок одамларнинг ишлари тушса, ҳожатбарорлик қилишни ўз борчинг деб бил ва бу ишни беминнат қил.

ОДАМЛАРГА ЯХШИ КАЙФИЯТ БАХШ ЭТИШ — ҚАЛБИ ЗЕБО КИШИНИНГ ИЦИ

Яхши кайфият осмондан тушмайди, балки у яхши инсонларнинг оқилона мулоқотлари ва санъат, адабиёт асарлари таъсирининг маҳсулидир. Шундай экан, дўстлар, бир-биримизга руҳий озуқа бағишловчи ижодкор бўлайлик, хушсуҳбат бўлайлик.

Одамнинг одамларга яхши кайфият бахш этиши замирида унинг хушмуомалалиги, инсоний ғамхўрлиги ётади.

Кўча-кўйда, жамоат жойларида бирор хатти-ҳаракат қилишдан олдин унинг одамларнинг кайфиятига кўрсатадиган таъсирини ўйла, чунки бу одамгарчиликнинг муҳим мезонидир.

Ўз хатти-ҳаракати билан одамларга яхши кайфият бахш этиш тўғрисида ўйлаш — одамийлик белгиси.

Бўлғуси шифокорнинг таълим ва тарбиясидаги гавҳар тожи инсонга яхши кайфият бахш эта билишдадир.

Қалб қутисининг қопқоғи оқилона табассум билан очиқ бўлган одамнинг дилида гина-кудурат бўлмайди.

Оқил ва одил раҳбар ходимларга худди ота-онадек меҳрибон бўлади. Керак бўлганида тартибга ҳам чақиради, уришиб қойишни ҳам, лекин асло уларнинг оёқларига "болта урмайди".

Ҳар қандай шарафли ишда ҳам кечикиш номатлуб, айниқса, уруш оловини ёқувчиларни жиловлаб қўйиш эса эртага қўйиб бўлмайдирган бутун прогрессив инсониятнинг бугунги шарафли бурчидир.

Ҳар бир қилинган шарафли иш инсонни улуглайди. Лекин уруш оловини ёқувчиларни жиловлаш йўлидаги хатти-ҳаракат барча шарафли ишларнинг энг аълосидир.

Инсон руқий кайфияти яхши бўлиши унинг ўзи учунгина эмас, балки атрофдагилар учун ҳам керак.

Инсонга руқий озуқа берадиган санъат ва адабиёт дурдоналарининг иш унумига ва ақлий ҳамда жисмоний камолотимизга бўлган таъсирини ўлчай оладиган тош-тарози йўқ.

Хулқи зебо улфатлар анжуманининг муҳим бир фазилати бир-бирига яхши кайфият, ижобий руҳият бунёд эта билишдадир.

Қалби зебо инсон одамларга роҳат бахш этади.

Инсондаги зебо кайфият унинг руҳига таъсир этувчи барча зеболикларнинг инъикосидир.

Одамларга яхши кайфият бахш этиш учун ақл ва истеъдод керак, лекин уни бузиш учун нодонликнинг ўзи кифоя.

Турли миш-миш, ваҳима гаплар тарқатадиган одамлар яхши кайфият кушандасидир.

Дили очиқ одам ёрқин қуёшга, писмиқ киши эса қора булутга ўхшайди. Бири дилингни равшан этса, иккинчиси зимистон қилади.

Биқиқ, заҳар киши кулча бўлиб ётадиган совуқ илонга ўхшайди, очиқ ва қувноқ инсон эса, қалбингга илҳом бахш этаётган завқли булбулга ўхшайди.

Дили қора, ҳасадгўй, тили аччиқ киши яхши кайфият қароқчисидир.

Инсон чеккан барча азоб-уқубатлар ичида энг оғири руқий эзилишдир.

Одамга нисбатан қалтис ҳазил қилиш, хусусан, кишидаги қандайдир табиий камчиликларга шама қилиш ўта беодобликдир. Доно халқимиз: “Ҳазил — таги зил”, деганида шундай қалтис ҳазилни кўзда тутати.

Бир воқеани эслатиб ўтмоқчиман: ётоқхонада уч талаба бирга истикомат қилишарди. Иттифоқо, бир киши меҳмон бўлиб келиб қолди. Ҳамхоналаридан бири ҳаммомга борган экан, кўп ўтмай келиб қолди. Унга ҳамхоналардан бири: “Дўстимиз ҳаммомдан сип-силлиқ бўлиб кептиларми”, деб аския қилди. Йигитча меҳмонлар ҳузурида қилинган бу ҳазилдан уялиб қизарди, жуда оғир изтироб чекди, суҳбатга аралаша олмай, узоқ сукутда ўтирди. Чунки ҳамхонаси унинг чўтирлигига шама қилган эди.

Бундай ҳазил қалтис, қолаверса, меҳмонлар ҳузурида одобсизлик эди.

Ифвогар яхши кайфиятнинг ашаддий душманидир.

Ишдаги кайфият уйдаги кайфиятнинг давоми бўлади — ҳар иккиси яхши бўлса, иш самарали бўлади.

Эрта билан айтилган бир оғиз ширин сўз одамга кун бўйи яхши кайфият инъом этадиган руҳий озиқдир.

Заҳарли сўзнинг нишони қалб, ҳосили эса руҳий вайронликдир.

Одамларнинг бир-бирига инъом этган яхши кайфиятлари шифобахш гиёҳлар гулдастасидир.

Маданиятли инсоннинг энг улуғ фазилати шундаки, у ҳеч қачон жаҳолатга берилиб, инсон қалбига озор бермайди.

Илму ҳунар эгаллаш билан бирга, одамлар қалбига йўл топа билиш ва мулоқотда яхши яшай билиш санъатини ҳам эгалламоқ зарур. Акс ҳолда, элдан ажралиб қоласан.

Чин маънодоги маданий муомала эгаси одамларга яхши кайфият бахш этувчи малҳамдир.

Эзма ва бемаъни сўзловчи билан мулоқотда бўлган одам қовоғари тўлиб қолган уйдаги кишининг кўнгилсиз аҳволини эслатади.

Ҳар қандай ҳақ гап айтишнинг ҳам вақти ва ўрни бор.

Ўзаро маданий муомала — икки қалб хуш кайфиятнинг зарур омилдир.

Қўпол муомаланинг нишони — инсон асаби. Вайрон бўлган асаб эса турли хасталиклар маконидир.

Инсоннинг гузал муомалага ва ширин сўзга эҳтиёжи сув ва ҳавога бўлган эҳтиёж кабиدير.

Хушхон булбул гулшанга файз берганидек, суҳбати ширин, дилкаш диловор, хулқи зебо киши ҳам одамлар даврасини безайди.

СЎЗ — АҚЛ ТАРОЗУСИ

Анжуманда сўзлаш тартибига риоя қилиш нотиқнинг ҳам одобидан, ҳам маданиятидан бир нишонандир.

Нодон бақириб-чақирса, унчалик ажабланмаса бўлади, лекин дониш, оқил одам шундай қилишга мажбур бўлса, бунинг сабабини ўйлаб кўриш керак.

Тил бамисоли шундай нафис бир мусиқий асбобки, оқил одамлар ундан ёқимли ва сеҳрли садо чиқариб, инсон қалбини ўзларига мафтун этадилар, нодонлар эса нохуш садо чиқариб, инсон асабини қирғичлайдилар.

Моҳияти чуқур англамай юзаки ўқилган маъруза қондаги пуч ёнғоққа ўхшайди, шақиллайди-ю, меваси бўлмайди.

Оғиз бўшлиғида бир парча эт ҳаммада ҳам бор, лекин у орқали сўз дурларини зебо талаффуз либосига ўраб ифодалаш — улуғ санъат.

Оддий масалани мураккаблаштириш ёки мураккаб масалани ўта соддалаштириш ҳам оқилларнинг иши эмас.

Солиштирма оғирлиги катта бўлган элементларнинг миқдори кам, қиммати эса ортиқ бўлганидек, қисқа ва мазмунли нутқ ҳам қадрли бўлади.

Ҳар қандай сўзни ҳам ҳадеб такрорлайверса, тингловчиларнинг меъдаларига тегади ва сўзнинг қиммати, сўзловчининг эса ҳурмати кетади. Такрорлашнинг ҳам меъёри бор.

Кўп сутни сиздириш учун катта идиш керак, лекин унинг қаймоғини эса кичкина идишга жойласа бўлади. Фикр ҳам шундай, асосий маъзини, қаймоғини баён этиш кўп вақт олмайди, аммо чуқур фикрлашни талаб этади.

Энг яхши нутқ қалбдан айтилган сўзидир.

Баъзилар ўзларини билимдон қилиб кўрсатиш мақсадида гажакдор ва баландпарвоз ибораларни кўп ишлатиб, нутқ сўзлайдилар, улуғ кишилар эса доим оддий, равшан ва жозибали гапирадилар. Агар ҳаққоний, мазмундор фикр нуқтадонлик, гўзал талаффуз ва ёқимли услуб либоси билан безанса, ундай нутқ тингловчини сеҳрлаб оҳанграбо каби ўзига жалб этади ва нафосат оламига олиб кириб, юксак ҳис-туйғулар уйғотиб, фикр уммонидан баҳраманд этади.

Донолар ҳаётини ўрганиш шуни кўрсатадики, кишининг ақлий камолот даражаси билан нутқининг узун-қисқалиги тескари мутаносибдир.

Айтилмоқчи фикрни ўткир қилувчи чарх ҳаққонийликдир.

Нўноқ “нотиқнинг” саёз фикрини тинглаётган кишининг ҳолати намаксиз ва сифатсиз таомни зўрлаб еяётган одамнинг ачинарли аҳволини эслатади.

Тили заҳар умр йўлдош — гўрковнинг энг яқин сафдошидир.

Олтин узукни кўз безаганидек, мазмундор нутқни ҳам нотиқлик безайди.

Асоссиз ваъдабозлик, дабдабабозлик, сохта шуҳратпарастлик камолотимиз йўлидаги зарарли тўсиқлардир.

Баъзи бир бола тилёғламалик қилади, иккинчисида эса дилидаги тилида бўлади. Биз баъзан бунинг фарқига бормай, биринчисини мақтаймиз иккинчисини эса шартакиликда айблаймиз.

Ваъдалашиб вақтида келган киши вақтини, келмаган киши эса субутини йўқотади.

Табиатнинг сенга берган энг улуғ инъомларидан бири тилингдир. Ундан оқилона фойдалансанг, бошингга бахту иқбол қўнади, билъакс ташвишу таҳлика келтиради.

Оғзига кирадиган ичкилик миқдори билан оғиздан чиқаётган сўз мазмуни ўртасида мутаносиблик йўқ.

Беш бармоқнинг биттаси кам бўлса, у кам, битта ортиқ бўлса ортиқ бўлганидек, сўзинг ҳам меъёридан ортиқ бўлса, сергап, беҳад кам бўлса, камгап дейдилар. Унинг олтин меъёрини билиш керак.

Оёқ-қўли вазифасини ҳам тилига юклаган кишидан иш эмас, қуруқ гап оласан.

Бирор масала юзасидан мунозарага қатнашишдан аввал ўз позициянингнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қил. Билгилки, мунозарада ишончли далиллар, уларни исбот қила билиш ва нутқингдаги мантиқ ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Баъзи сўзамоллар чиройли ва баландпарвоз ибораларни ниқоб қилиб, саёз, ҳатто унча тўғри бўлмаган фикрларни тарғиб қилишга уринадилар. Сен ниқоб тагидаги фикрнинг моҳиятини англаб олишни одат қил.

Баъзилар: “Иложи борича анжуманда гапирмай, сукут қилганлар оқил ҳисобланади”, дейдилар, лекин ўрни келганда ақлу одоб билан фойдали фикрни айтилгани маъқул, чунки оқиллар билан бўлган суҳбат инсон учун ақлий камолот омилидир.

ГЎЗАЛ ХУЛҚ — ГЎЗАЛ ҚАЛБ ИФОДАСИ

Хулқи зебо, маданиятли инсон мулоқотда одамларга руҳий озиқ бахш этади ва бундан ўзи ҳам бир дарё завқ олади.

Яхши инсон кўркем фазилатлар чашмасидир. Одамлар унинг меҳр булоғидан мудом баҳра оладилар.

Барча хатти-ҳаракатта оид қонун-қоидаларимиз виждон амри билан битилган. Шунинг учун ҳар бир хатти-ҳаракатингни виждон амри билан қил. Вақти-вақти билан виждонинг қошида танҳо қолиб, у билан суҳбатлашиб туришни одат қил.

Киши ёшликдаги қиёфасини мудом сақлаб қололмайди, лекин ёшликда касб этилган хулқи зеболикни сақлаб қолиш, уни камол топтириш инсоннинг ўз қўлидадир.

Жавоҳирлар ичида гавҳар хилма-хил нурлар сочиб, зеболик намоен этганидек, инсон ҳам гўзал фазилатлари ва сермазмун мулоқотларга бой хулқи зеболик ва жозибадорлик касб этади.

Хушмуомала бўлиш сендан ортиқча бир нарсани талаб этмайди, лекин унинг ҳосили бебаҳодир.

Агар инсоннинг виждони бир кўркам қаср бўлса, бу қасрнинг зеболиги яхши хулқи ва юксак маданиятида зоҳир бўлади.

Маънавий камолотнинг қай даражада эканлиги жамият аъзолари билан мулоқот доиранинг кенглиги, ранг-баранглиги билан ўлчанади.

Одоб гулшанингта яхши одамлардаги гўзал сифатлар ниҳолидан кўпроқ кўчиришга ҳаракат қил.

Агар одамлар сендан узоқроқ юришга интилсалар, ўз хулқ-атворингта разм сол. Ҳатто асалари ҳам хушбўй кўкатта интилади, бадбўйидан қочади.

Инсон хулқи зеболик касб этиши гўзал фазилат, лекин у бошқаларнинг ҳам шундай бўлишига ёрдам берса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Бурчга садоқат ахлоқий фазилатлар гултожидир.

Инсондаги гўзаллик туйғуси бамисоли ғунча бўлса, унинг мумтоз хулқи, одоби бу ғунчанинг ҳусн жамолидир. Бу фазилатлар бир-бирларини безайдилар ва бойтадилар.

ҲУРМАТ ИСТАСАНГ, КАМТАР БЎЛ!

Мансабдорларнинг қош-қовоғига қараб иш юритиш қобилиятсиз ва истеъдодсиз шахсларнинг одатидир.

Оқил раҳбар жамоани муҳим ишларга йўллайди-ю, лекин икир-чикирига аралашавериб, бошқаларнинг эркини ва ташаббусини бўғмайди, чунки маъмуриятчилик ташаббускорликнинг кушандасидир.

Тарих саҳифаларига сохта, уйдирма гапларни қўшиб бўлмаганидек, ундаги тарихий ҳақиқатларни ҳам ўчириб бўлмайди. Чунки тарихнинг ўзи энг хассос ва энг адолатли муҳаррирдир. У ўз саҳифасида фақат объектив ҳақиқатнигина сақлаб қолади.

Киши одамларга қилган яхшилиги ҳақида қанча кўп гапирса, унинг эл назаридаги ҳурмати шунча камаяди.

Модомики, одамда оқил дўстларининг фойдали маслаҳатларини менсимаслик касали бошланган экан, бу унинг бошига кибру ҳаво микроблари кира бошлаганидан нишонидир.

Баъзи кеккайган амалдорлар ўз қилмишларининг нақадар номақбул эканлигини бошига мушкул иш тушганида билишади.

Сенга халқ ишониб амал берса, омма билан бевосита мулоқотда бўл. Шунда сен ҳаётни ўз кўзинг билан кўрасан, керакли сабоқ топасан, эл ҳурматига сазовор бўласан.

Сенга раҳбарлик насиб этса, лаганбардорлар шаънингта не-не гапларни тўқиб-бичиб, мақташлари ҳам мумкин.

Лаганбардорларнинг мақтови сени оммадан ажратиб, саҳрога элтадиган сароб бўлса, меҳнаткаш халқнинг меҳри, ишончи иқбол бўстониининг сарчашмасидир.

Халқ сенга ишониб лавозим берса, идоранг атрофидаги парвоналар доирасида ўралашиб қолма. Омма ичига борганинда ҳам хушомадгўйлар билан эмас, балки меҳнат аҳли билан бевосита мулоқотда бўл. Шундагина сен ҳаётни, ҳақиқатни, ҳатто ўзингни ҳам чуқур англаб оласан.

Ўзини дониш фаҳмлаб, анжуманда ҳаммага ақл ўргатиб, бўлар-бўлмасга насиҳатгўйлик қилиб, ҳатто кишиларнинг нафсониятига тегиб, танбеҳ берадиган киши — беодоблар беодобидир.

Ўз ақли ва қобилиятига таянмай, заҳмат чекмай мансаби ёки унвони бор кишилар атрофида гирдикапалак бўлиб, лавозим ёки унвон топган киши истёбодли кишиларнинг истиқбол йўлига тўғаноқ бўлади, жамият учун бу катта фожиадир.

Манманлик ва мақтанчоқликнинг энг хунук кўриниши тўй-маросимларда қилинаётган сохта саҳийликдир.

Агар кишининг ўзи ва сўзи кўҳлик бўлсаю, аммо нутқида кибр-ҳаво анқиб турса, у ранги кўҳлик, лекин нисори бадбўй гулни эслатади.

Баъзи бир чиранувчи қудалар ўртасидаги олиқ-солиқ қурилмоқчи бўлган оила қасрининг тагига олдиндан қўйилган портловчи моддадир.

Манманлик билан тўйда беллашаётган қудалар беҳуда уришиб, курашаётган чиранчиқ полвонларга ўхшайди. Кўпинча бу курашда икки томоннинг бели баравар узилади.

Шухратпараст икки шахс ўртасидаги адоват уларнинг изидан бораётган ёшлар учун энг хунук совғадир.

Сохта йўл билан топилган мансабдан мағрурланма, чунки эл назарида бунинг аниқ ҳисоби бор.

Шогирдим, қандай лавозим, қандай унвон эгаси бўлмагин, барибир оммага бўлган эҳтиёжингни унутма. Маълумки, катта дарёлар ҳам мудом ирмоқларга эҳтиёж сезади.

Ўзининг тарбияга бўлган эҳтиёжини сезмаслик кибру ҳаво белгисидир.

Мен мукамал тарбия олдим дейишнинг ўзи тарбиясизликдир.

Халқ назаридан қолма, билъакс, барча обрў-эътиборинг бир пул бўлиб қолади.

Шухрат гадоси ор-номусни ҳам, виждонни ҳам сотишдан тортинмайди.

Агар мунофиқ кишилар сени мақтаса, бунинг устига мақтовлар ўзингга ёқиб, талтайиб кетсанг, одамлар сендан ҳазар қилиб, четлансалар, асло ажабланма.

Ҳасадгўйлик ёмон касал, лекин ўсиб келаётган ёшларнинг ижодий камолотини кўра олмаслик — инсон ҳазар қиладиган иллат.

Киши гапга, нафсга, мақтанчоқликка қанча зўр берса, унинг эл олдидаги ҳурмати шунча камаяди.

Бошингга кибру ҳаво микробларининг кириб қолишидан сақлан. Акс ҳолда одоб жарроҳи мия қобирғини очиб, ундаги ёвуз микробларни бартараф қилишда жуда қийналади.

Бор имкониятларни чуқур ўрганмай, таҳлил қилмай, фақат хўжақўрсин учун режа кетидан қувиб, тантанабозликка ружу қилинадиган жойда кўзбўямачилик авж олади.

Калтабин кишининг тумшуғи мансабига қараб ўзгариб туради. Мансаби ортса, тумшуғи кўтарилади, мансаби пасайса, тумшуғи тушади.

Бирор ташкилотга бошлиқ бўлсанг, ҳузуригга кирган кишиларнинг ишларини чуқур таҳлил қилиб, моҳиятини билиб, аниқ ва узил-кесил ҳал қилишни одат қил. Билъакс, ишга юзаки қараб, сансалорлик қиладиган бюрократ кишиларни халқимиз “ўтмас пичоқ” ёки “латта чайнар” дейди.

Жамоа аъзоларини ташаббусга ундаш ва улар кўтарган таклифларни сезгирлик билан англаш, қўллаш тўғри раҳбарлик услубидир. Билъакс, масаланинг илмий ва амалий моҳиятини тушунмай, билар-билмас кўрсатма бериш ва ташаббусни бўғиш, калтабинларнинг иши.

Элдан, халқдан ажралган бошлиқ дарё юзига қалққан кўпикка ўхшаб, бир кўпирадию тез ўчади.

Жамоа ичидаги айрим гап ташувчи ифвогарларнинг фикри билан иш қиладиган, оммадан ажралган бошлиқнинг ўрадиган ҳосили ўзаро ишончсизлик ва ноаҳиллик бўлади.

Ишдаги хато ва камчиликлар гўё бир ажриқ ўт бўлса, дабдабозлик, мақтанчоқлик унинг устига ёғаётган ёмғирни эслатади. Бу ёмғир қанча кўп ёғса, ажриқ шунчалар гуркираб ўсади.

Одамнинг сўзини мақтанчоқлик ўтмас қилади, ҳаққонийлик эса қиличдек ўткир қилади.

Амалга ошиши мумкин бўлган ваъдаларнигина бериш ва уларнинг ижроси учун матонат билан курашиш раҳбарнинг кўркам фазилатидир.

Агар камтарликни унутиб, ўз-ўзини мақташ ва тақдирлаш каби номатлуб иш услубига ўргансанг, камчиликларни кўрадиган кўз гавҳарини парда босиши мумкин.

Масаланинг моҳиятини англашга интилмайдиган бошлиқнинг қўйилган масалага жавоби мужмал ва ноаниқ бўлади.

Ўзидан юқорироқ мансабдаги кишининг хатти-ҳаракати номатлуб бўлса ҳам, унинг хоҳишига мослашишга уриниш лаганбардорликнинг бир кўринишидир.

Ўз ҳуқуқи ва мавқеини бошқаларга бериб қўйиб фақат савлатга ўтирган бошлиқ витринага қўйилган қўғирчоқни эслатади.

Боши қовоқ кишини мақташнинг хунук оқибати шундаки, ундай шахс ўзини чиндан ҳам ақлли деб ўйлай бошлайди, ҳадеб мақтайверилса, у бор ақлидан ҳам ажралади.

Минбарга чиққанингда ўзингни аллома фаҳмлаб, одамларга қўлингни бигиз қилиб нутқ сўзлама. Аввало, бу кибру ҳаво, одобсизлик нишонаси, қолаверса, оммага нисбатан ҳурматсизликдир.

Кишининг қалбида шуҳрат туйғуси қанча кучая борса, виждон ҳисси шунчалик камая боради.

Бирор шахснинг сохта шуҳратта интилаётганлигини билгани ҳолда ўз манфаатини кўзлаб, уни зўр бериб мақтаётган киши бемаҳал қичқираётган хўрозни эслатади.

Ўз бахтини эл бахти билан муштарак кўриш ўрнига “давринг келди, сур бегим” қабилида иш тутувчи шахснинг чувви тезда чиқиб, шарманда бўлади.

Оқил, пок инсоннинг раҳбарлик лавозимини эгаллаши элнинг бахти, яхши одамлар қувончи, ишончи ва таянчидир, чунки у яхши ишларни қўллаб-қувватлайди, ҳаммани эзгуликка бошлайди.

Жамоага самимий ният билан кирмаган бошлиқни жамоа ҳурмат қилмаса, асло ажабланмаслик керак.

Сенинг эларо ҳурматинг сенга бўлган меҳнаткаш халқнинг эътиқоди билан ўлчанади.

Жамоада меҳнат қилаётганлар билан ўзи бевосита мулоқотда бўлмай, одамлар ўртасида гап ташувчи носоз шахсларнинг сўзи билан иш тутадирган мансабдор адолатдан узоқда туради.

Оқил раҳбар ҳодимларнинг ижобий ишларини ҳам, камчиликларини ҳам ақл тарозисида аниқ ўлчайди, уларга инсонпарварлик, талабчанлик нуқтан назаридан одилона муносабатда бўлади.

Қийшиқ ортилган юк манзилга етиб боролмаганидек, сохта шуҳрат ҳам узоққа бормайди.

КУНДАЛИК ҲАЁТ ВАРАҚАЛАРИДАН УМР ДАФТАРИ ҲОСИЛ БЎЛАДИ

Вақтдан ўзиш меҳнатда зафар қозонишдир. Даврдан орқада қолиш эса танбаллик мевасидир.

Умр чин инсон бўлиб шаклланишинг учун берилган муддат. Шундай экан, умринг борича инсоний гўзал фазилатларни ўзингда мужассамлаштиришга интил.

Ёшингни яшаб, лекин ҳаётда ўз ўрнингни топа олмаган экансан, билгилки, сен ҳали яшамабсан.

Агар ўтган бирор кунинг сенга сабоқ бермаган бўлса, у кунни умр дафтарингдан ўчир.

Сохта кулги юзни буриштиради,
Қалб кулгуси эса умрни узайтиради.

Бўлар-бўлмасга тутақиб, тажанг бўлаверадиган киши ёшлик тароватини тезроқ йўқотади. Чунки ёшлик тароватининг кушандаси — тажангликдир.

Одамларга билдирган яхши тилагинг ва шарафли ишларинг умрингни узайтиради, уларга рашк ва ҳасад билан ёмонлик қилсанг, умринг қисқаради.

Эру хотиннинг қўша қариши яхши, лекин оқилона, тотув умр кўриш — катта бахтдир.

Фақат ўз манфаати учун яшаган кишининг йиллик умридан эл манфаати учун яшаган инсон умрининг бир они афзал.

Умр дафтарингни сермазмун бўлишини истасанг, унинг ҳар бир саҳифасини бойитиш учун кураш.

Ёшлик дафтарининг қадр-қимматини билмаган киши кексайга эл назаридан қолади.

Баъзан менга “Нега сиз ўз тенгқурларингиздан ёш кўринасиз?” деб савол берадилар. “Бола-чақаларим меҳрибон, бунинг устига дўстларим ҳам қалби дарё одамлар, қолаверса муттасил жисмоний машқ билан шуғулламанан” деб жавоб бераман.

Умр бўйи тетик, бардам инсонни кўрсанг, билгинки, руҳий кўтаринкилик унга доимо йўлдош бўлган.

Чин инсон ҳаётлигида ўзи баҳраманд бўла олмаслигини билгани ҳолда келгуси авлодни ўйлаб ниҳол экади.

Оқил инсон эски йилни кузатиб, янги йилни кутиб олишда ўтмиш сабоқларини чуқур таҳлил қилиб, келажак учун эзгу ишларни амалга ошириш тadbирларини тузади.

Бир боғни бўстонга айлантириш учун қанчадан-қанча меҳнат қилиш ва машаққат чекиш керак бўлади. Аммо уни вайрон қилиш учун эса нодоннинг бир онлик носоз ҳаракати кифоя.

Аросатда қолмасликнинг энг тўғри усули ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб, мудом олдинга интилишдир.

Нафосатга гўзаллик қонуни асосида яшаганлар эришади. Бунинг учун одам гўзалликни англаши, энг муҳими, уни

янада кўркам, янада мазмундор қилиш учун ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Ҳаёт сабоқларидан хулоса чиқара олмаган одам омиларнинг омисидир.

Ҳар бир ўтган кун якунини сарҳисоб қилиш, йўл қўйган хато ва камчиликларни эътироф этиб, тегишли хулоса чиқариш ўз-ўзини тарбиялашнинг энг яхши омилidir.

Ҳаёт оқимидан четда туриш, унинг талабларидан тубан яшаш кишини беқадр ва беобрў қилади.

Узоқ умр кўрган кишининг ҳаёти диққатга сазовор, агар у ақлу одоб, шарафли ишлар либосига безанган бўлса, олқишга сазовордир.

Босиб ўтилган ҳаёт йўлига чуқур назар ташлаш, уни таҳлил қилиш келгусини кўра билишга ва оқилона фойдаланишга ёрдам беради.

Инсон умрининг тўрт фасли бир-бири билан узвий боғлиқ. Агар умр баҳорини беғамликда, ёз фаслини лоқайдликда ўтказсанг, куздаги ҳосилинг — аттанг, умрнинг охири — қиш фасли эса ҳасрат-надоматдан иборат бўлади.

Одамнинг умр баҳорида чеккан қийинчиликлари ва машаққатлари умрининг куз фаслида ҳосил байрамига айланса, у энг бахтиёр инсондир.

ДЎСТЛИК МАКОН ҚУРГАН УЙГА БАХТ ЭШИК ҚОҚАДИ

Инсондаги барча гўзал фазилатлар бир марварид шодаси бўлса, унинг дур-гавҳари чин инсоний муҳаббатга асосланган дўстлик туйғусидир.

Қалбида дўстлик ҳисси йўқ кимса дунёда энг фақир, энг иқболсиз, энг истиқболсиз кишидир.

Ноаҳил, ноиттифоқ минг кишидан, оқил ва ҳамдам ўн киши қудратли ва устун бўлади.

Кўпчилик бир-бирига таянч бўлади.

Элдан ажралганнинг ҳоли аянч бўлади.

Халқлар дўстлигининг улуғворлиги шундаки, ҳар бир халқ ўзига хос ажойиб ва гўзал анъаналари билан бир-бирини бойитади, ҳаётини гўзаллаштиради.

Маънавий бойлик яратувчи бунёдкорлар ичида олижаноблари халқлар ўртасида дўстлик ва тинчлик ниҳолини экаётган, дўстлик боғини яратаётган боғбонлардир.

Умр бизга дўстлик ниҳолини экиш, уни кўкартириш ва халқлар дўстлиги гулшанини обод этиш учун ҳам берилади.

Инсон қалби уммонидаги гўзал туйғулар ичида энг гўзали ва бебаҳо жавоҳири халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳурмат туйғусидир.

Оилага дўстлик деб аталган азиз меҳмон қанча кўпроқ йўл олса, бахту иқбол ҳам шунча кўпроқ эшик қоқади.

Дўстлик бир ниҳол бўлса, ҳар икки қалбнинг меҳр чашмаси шу ниҳолни ўсиб-униши учун муттасил суғормоғи керак.

Дўст орттириш ҳар ёшда ҳам зарур, лекин ёшликда бошланган дўстликнинг илдири жуда чуқур ва мустаҳкам бўлади.

Улфатларнинг ақли расо, дили пок одамлар бўлса, улар сени шарафли ишлар бунёд этишга чорлайдилар, номатлуб ишлардан асрайдилар.

Яхши дўст бамисоли шундай сезгир барометрки, у устингдан ёриши мумкин бўлган жала хавфини олдиндан сезади ва бундай хатардан сени огоҳ қилади.

Дўстларнинг ишончини сунистеъмом қилаётган киши дарахтнинг мевасини еб, унинг шохини синдираётган бетамизга ўхшайди.

Номатлуб хатти-ҳаракат билан содиқ ва оқил дўстларини йўқотиш нодоннинг иши, уларнинг сафларини ошириш учун интилиш ақли расоларнинг иши.

Яхши қўшни бўлишнинг муҳим шарти бир-бирларининг ҳуқуқ ва бурчларига бефарқ қарамасликдир.

Йўқотишлар ичида энг оғири дўстларингни сендан юз ўттиришидир.

Давлат ва халқ сирларини сақлай билиш оқил ва идрокли инсоннинг иши, лекин бир-бирининг сирини ҳам ошкор этмаслик дўстлик ришталарининг узилмаслигига хизмат қилади.

Жамоани менсимаслик хунук дард. Бу дарднинг табиби ҳам жамоанинг ўзидир.

Инсонни ботқоққа ботишдан асраб қоладиган қудратли таянч дўстларнинг қўлидир.

Баъзан оилада рўй берган кўнгилсиз кайфиятни иш жойидаги одамларнинг аҳиллиги, дил сўзлари, ҳамдамлиги даволайди.

Икки инсон ўртасида дўстлик ипини боғлаш — чин инсоннинг иши, уни узиш эса, нопокнинг касби.

Ўз тинчини кўзлаб, бошлиқнинг хатосига бепарво қараб, уни хаспўшлашга уринган киши бошлиққа ҳам, жамоага ҳам, ҳатто ўзига ҳам дўст эмас.

МУҲАББАТ ЗАБТ ЭТГАН ҚАЛБ ЭЗГУЛИК, ГЎЗАЛЛИК КАСБ ЭТАДИ

Қалб торининг муҳаббат садоларини янграувчи кўз илғамас нозик ришталари бўлади. Агар у севган кишининг қалб тorigа ҳамоҳанг бўлса, ҳаёт симфонияси баралла янграйди.

Севиб ва севилиб турмуш қуриш катта бахт, лекин бир умр севгини ардоқлаб, ҳамоҳанг, ҳамдард бўлиб яшай билиш эса улуғ саодатдир.

Модомики, севиб турмуш қурган экансан, муҳаббат жа-воҳири сақланган қалб қутингни қулфлаб, уни кўз қорачигидек асра!

Муҳаббат ҳақидаги баландпарвоз сўзлардан гулдаста тутадиган маккордан пок қалбини тутган камтарин чин инсонни ажрата бил.

Чин муҳаббат бир зум очилиб, дарров тўкиладиган ло-лақизғалдоқ каби кўз қувончи эмас, балки қалб билан бирга сўнадиган қалб ўтидир.

Муҳаббат ўти тушган қалб алангаланеди, лекин бу алан-гада иффату одоб доирасидан чиқмаслик иродаси кучли, ақли расоларнинг иши.

Севги шундай ҳассос соҳибки, у икки қалб эгасини бир жон, бир тандек қилиб пайванд этади. Бу пайванднинг камолоти ва умр боқийлиги эса ҳар икки қалб меҳр бу-лоқларининг жўшқинлигига боғлиқ.

“Фалончини сев, пистончини севма” деб, инсон қалбига фармойиш бериш жуда кулгили, чунки севги ашё эмаски, уни буюртма қилинса.

Қалбнинг чуқур қатламларига кириб олган биринчи муҳаббатнинг алангали туйғулари ўша қалб билан бирга сўнади.

Севги ҳақида ҳаммага бир хил сабоқ бериб бўлмайди, у инсон қалбини, онгини, бутун вужудини қамраб оладиган, виждонли инсонга хос беқиёс, қудратли, жўшқин ва гўзал бир туйғу бўлиб, унинг устози ҳам севгининг ўзидир.

Чин севгининг энг ишончли гувоҳи виждондир.

Ишқда беқарор дайдиларгина чин инсоний муҳаббатнинг мавжудлигини инкор этадилар.

Жозибадор мусиқа муҳаббат билан ҳамоҳанг бўлади, иккиси ҳам инсон қалбини обод қилади.

Кекса қалбга муҳаббат қуши қўнғудек бўлса, унинг баҳори янғидан бошланади. Чунки муҳаббат ўзи билан баҳор олиб келади.

Севган кишисига ўз муҳаббат туйғуларини назокат билан изҳор қила билиш ҳам инсоннинг кўркем фазилатидир.

Тез сўнадиган муҳаббатнинг туғилмагани яхши.

Севгида беқарор ва беқўнимлар дуч келган шамолга бўса учун юзини тутаётган беорлардир.

Қизи қалбидаги муҳаббат жавоҳирларини қалин пули, мол-мулкка сотишни кўзлаган ота ёки она қалби йўқ худбин савдогардир.

Муҳаббат ақл эгаларини яна ҳам доно қилса, калтабинларни эса бор ақлини ҳам ўғирлаб тентакка айлантиради.

Ишқ ўти билан ёнган қалб эгасининг кўзи кўр, қулоғи кар бўлади, дейдилар. Бунда маълум бир ҳақиқат бор: баъзи бир севги оғушида бўлган кишига насиҳат кор қилмайдиган бўлиб қолади.

Маишатга, ишратга берилган киши очкўз тулките ўхшайди, у бир ошиқ билан қўлтиқлашиб туриб, кўзи иккинчи маъшукани излайди.

Тўғри, баъзи ёшлар тасодифан учрашиб қолиб, бир кўришдаёқ севиб қоладилар. Лекин бундан бир-бирларининг ички маънавий дунёларини ўрганишга зарурият йўқ деган гап келиб чиқмайди, албатта, бильякс, баъзи бир енгилтак ёшлар ана шундай тасодифий учрашувларнинг қурбони бўлиб кетадилар.

Севган ва севилган қалб эгалари то тирик эканлар, ўрталаридаги меҳр-муҳаббат чашмасини тўхтатиб бўлмайди.

Йигит ва қизнинг ўз севган кишисигаги мавжуд гўзал инсоний фазилатларни чуқур англаши, у билан фахрлана билиши инсондаги энг зебо ва мумтоз муҳаббат туйғусидан нишонадир.

Ўғил-қизнинг севган кишиси билан турмуш қуришга йўл қўймай, бошқа киши билан турмуш қуришига мажбур қилаётган ота-она қуёш нурини тўсмоқчи бўлган булутни эслатади.

Севган йигитидан кечиб, молу мулкка учиб, бошқа бировга беишқ турмушга чиққан қиз муҳаббатнинг куясига учрайди.

ОИЛАДАГИ ДЎСТЛИК — УЛУҒ ДЎСТЛИК БЎСТОНИНИНГ НИҲОЛИ

Оила қурувчилар тинч-тотув яшаб, болаларига панду насиҳат қила оладиган ота-она бўлсалар ва уларнинг ҳаётий тажрибаларини хулқи зебо фарзандлари ижодий

ўрганиб, ривожлантира оладиган бўлсалар, бундай оила ҳаёти мазмунли ва кўнгилли кечади.

“Бахт уйи”га боришдан олдин ўзингга: “Танлаган умр йўлдошим билан бир умр меҳр-муҳаббатли, ҳамдам, ҳамдари бўлиб, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини бирга тота оламанми, ирода билан турмушнинг қийинчиликларини енгиб ўта оламанми, умуман турмуш қуришга руҳий-физиологик ва маданий-маънавий жиҳатдан тайёрманми?” деган саволларни бериб кўр. Қалбингдан ижобий жавоб эшита олсангинга бу муътабар қошонага қадам қўй.

Хулқи зебо, содиқ умр йўлдошингни тошган экансан, бахтиёр ва бадавлатсан, чунки унинг ўзи сенга ҳам бахт, ҳам зебу зийнатдир.

Умр йўлдошини сайлашда ақлу одобини иккинчи даража ҳисоблаб, ҳусн, молу мулк, мансабу унвонларига ушганларнинг турмушлари кўпинча беқарор бўлади.

Умр йўлдошини сайлашда тарозининг ҳусн палласини эмас, ақлу одоб палласини танлаш мақбул, чунки биринчиси кўзинг учун, томоша учун, иккинчиси эса қалбинг учун, ҳаётинг учун керак.

Умр йўлдошини танлашда сенга қалбини тутаётган инсонни юз хил жозибали макр билан ўзига чорлаётган сеҳргардан ажрата билишинг керак. Чунки биринчиси ҳаётингга посбон, иккинчиси умрингнинг эговидир.

Иморатни заминини мустаҳкам жойга қур, қизни эса иқлими монанд ва пок жойга узат.

Билгилки, ҳали сен умр йўлдошингнинг орзу-армонларига ҳамдам бўла олмаган экансан, демак, сен ҳали ёлғиз яшаётган экансан.

Чин муҳаббат ҳисси барқарор бўлган эр-хотин ўртала-рида бир-бирларидан дил сирларини яширадиган парда йўқ.

Баъзи бир ёшлар турмуш қуришни гўё фароғатда яшайдиган боғи эрам деб ўйлайдилар. Лекин ҳаёт йўли доимо теп-текис бўлавермайди, унинг ўнқир-чўнқирлари ҳам, аччиқ-чучуклари ҳам, шоду хуррам, оромбахш онлари ҳам бўлади. Оқил инсон машаққатларни сабот ва ирода билан енгиб ўтиш учун олдиндан ўзини руҳий жиҳатдан тайёрлайди.

“Бирга қўша қаринглари”, деган жумладан ўзаро меҳрибон ва хушмуомала бўлиб яшанглари, деган ниятни уқиш керак. Билъакс, бир-бирига кавуш отадиган чол-камширлар ҳам учрайди.

Фарзанд эр-хотин ўртасидаги муҳаббат қасрининг мустаҳкам таянчидир. Шу билан бирга бола ота-она меҳр-шафқат чашмасидан баҳра олади. Оқил эр-хотин ўзаро меҳр чашмасининг кўзларини яна ҳам кўпроқ очадилар.

Ортиқча зеб-зийнатга ва маишатга интилиш ҳатто барқарор оилани ҳам емиради.

Бир-бирига кўнгилсиз эр-хотиннинг ҳаёти қафасдан қутулишга интилаётган қушнинг ҳолатини эслатади. Агар улардан бирининг умри тугаса, иккинчиси дарҳол турмуш қуришга ошиқади.

Бир-бирига гал бермай танбеҳ бераётган эр-хотин ҳузуридаги меҳмон заҳар сочаётган иккита иловнинг ёнида ўтирган одамнинг аянчли аҳволига тушади.

Аҳиллик бўлган ерда тор жой ҳам кенг бўлади, ноаҳиллик кирган хонадон ҳатто катта сарой бўлса ҳам торлик қилади.

Эр-хотиннинг бир-бирларига қалб амри билан инъом этган меҳр-муҳаббатига тенг келадиган жавоҳир йўқ.

Инсон учун умр йўлдошининг унга нисбатан бепарволигидан оғирроқ кулфат бўлмаса керак.

Оила иқболининг ёвуз қушандаларидан бири зикриликдир.

Оила ўртасида виждон хасталиги бошланса, ташвиш ва таҳлика эшик қоқа бошлайди.

Севгига хиёнат қилиб, пок туйғуни оёқ ости қилар экансан, вақти келиб у сени жарга қулатади.

Баъзи бир-бирларини севиб турмуш қурган кишиларнинг оиласи бузилиб кетишига севгининг қушандаси бўлган рашк сабаб бўлади.

Доно халқимиз: “Келиннинг қандайлигини бир қовун пишиги ўтгандан кейин биласан”, дейди. Бунда маълум бир ҳақиқат бор. Бу ўринда кўчирилган ёш ниҳолнинг янги муҳитга кўникиш даври кўзда тутилган.

Баъзан, ёшлар уйлангач, ота-оналаридан бўлак туришлари керак, деган фикрни айтадилар. Тўғри, улар мустақил ҳаётга ўрганадилар. Лекин бунга қанчалик зарурият борлигини чуқур ўйлаб иш тутмоқ лозим. Билъакс, кексаларнинг набирадек ширин “мағиз” билан бирга яшаш орзумидларини ҳам поймол қилмаслик керак.

Яхши қайнона топган оқила келин, меҳрибон боғбон ўстираётган ниҳол каби унинг меҳр чашмасидан баҳраманд бўлади ва барқ уриб ривожланади.

Ёш келинчакнинг оилада кўниб, камол топишида қайнона алоҳида ўрин тутати. Қалби дарё қайнона уни ўз қизидек кўриб, меҳр чашмаси билан суғоради.

Ўғли билан келинининг иноқлигини кўролмайдиган, келини қанчалик яхшилик қилса ҳам унга меҳрибонлик кўрсатмайдиган одамёқмас қайнона ўз қизини ана шу ёш келинчакнинг аҳволига қўйиб кўрса, эҳтимол, бундай номаъқул ишни қилмаган бўлур эди.

Қайнона мутлақ ҳоқимликка интиладиган бўлса, бунинг устига умр йўлдоши фикрсиз, лақма бўлса, бундай хонадондаги келиннинг аҳволи мушкул бўлади.

Эр-хотин ўртасидаги муҳаббат ришталарини мустаҳкамлайдиган ва уни чўққига кўтарадиганлар оқил ҳамда қобил фарзандлардир.

Эрни қариндош-уруғлари билан ҳамдам, ҳамдард қиладиган ҳам хотин, улардан жудо қиладиган ҳам хотин.

Янгалар билан қайсингиллар ўртасидаги оқилона муносабат оилада кўнгилли ва ёқимли иқлимни бунёд этувчи энг муҳим омилдир.

Оқил йигит, оқила қиз турмуш қургач, тарозининг бир палласига ота-онасини, иккинчисига эса умр йўлдошини қўяди ва тарозу шайини мудом мувозанатда тутати.

Ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида хусусий манфатнинг устун бўла бошлаши ўзаро дўстликнинг инқирозидан нишонадир.

Уйдан таъби хира бўлиб чиқиб, унинг устига ишда ҳам бирор кишидан оғули сўз эшитган кишининг аҳволи, ёмғирдан сўнг дўлга йўлиққан одамнинг ачинарли аҳволини эслатади.

Бир-бирларини ширинсўз ва меҳрибонлик билан ишга кузатиб ва очиқ юз билан қарши оладиган қалби дарё оила бўстон, оғу сочиб кузатиб, жанжал билан қарши оладиган оила гўристондир.

Эр-хотин ўртасидаги хушмуомалалик маданияти аввало мавжуд муҳаббатнинг равнақи учун, қолаверса, фарзандларининг зебо хулқ эгаси бўлиши учун зарур.

Хулқи зебо аҳил оила аъзолари ипга тизилган дур ва гавҳар каби бир-бирларини безайдилар.

Кўпинча ажралишаётган эр-хотин бир-бирларига иложи борича кўпроқ маломат тошини отишга интиладилар. Бу ишда ҳар икки томоннинг ҳам озми-кўпми хато ва камчиликлари бўлади. Лекин қалбида заррача инсонпарварлик туйғуси бўлган инсон фарзандларини зор-зор қақшатиб, тирик етим қилмайди.

Эридан бева қолган оқила аёл янги турмуш қуришдан аввал фақат ўзига ёр бўладиган кишини эмас, болаларига меҳрибон ота бўладиган кишини танлайди. Билъакс, танҳо ўтади. Фарзандлари қошида ҳам ота, ҳам оналик бурчини адо этишга интилади.

Умр йўлдошининг боши ёстиққа текканида болаларидан кечиб, ўз роҳат-фароғатини ўйлаб бошқа билан турмуш қуришга ошиқаётган эркак ҳам, аёл ҳам худбинларнинг худбинидир.

Ажралишган эр билан хотин янги турмуш қуриши ҳам мумкин. Аммо ўртада қолиб, ҳар икки томондан ўғайлик

турткиси ва азобидан изтироб чекаётган фарзандларнинг аҳволини у бағритошлар қаердан ҳам биларди!

Ўзи нопок яшаб, фарзандларини ҳам меҳнатга лаёқатсиз қилиб эрка ўстирган ота-онанинг болалари кўпинча умр йўлдошига бемеҳр ва бемурувват бўлади.

Умр йўлдоши билан ажралишиб кетиб, лекин фарзандларидан бир умр хабар олмайдиган ота-онада на меҳр-шафқат ва на инсонпарварлик туйғуси бўлади. Чунки инсонпарварликнинг ибтидоси болажонликдир.

Худбин фарзандлар ўстириб, қаровсиз қолган ота-она ҳақида доно халқимиз: “Қизи еб қирга кетди, ўғли еб гўрга кетди...”, дейди.

Киши оиладан, фарзандларидан кечиб, турмушини бузишдан олдин ўзини виждон судига топширмоғи лозим, чунки энг адолатли ҳукм виждон ҳукмидир.

Ота-оналари ажралишиб кетган фарзандлар ҳатто улғайиб турмуш қурганида ҳам уларнинг меҳрсизлигидан одамлар орасида оғир изтироб чекадилар.

Қиз келгусида яхши хотин ва меҳрибон она бўлиши учун, аввало, ёшлигидан чин инсон сифатларини касб этмоғи лозим, чунки яхши она бўлишнинг энг муҳим шарти яхши инсон бўлишдир.

Бир томон оқилона мулоқот истаб, олдинган интилса-ю, иккинчи томон ўжарлик қилиб, аравага тескари қўшилган отга ўхшаб орқага тортса, оила тарқаб кетади.

Қайнона келинга: “Қизим, супургини тикка ушлаб супурсангиз уч кунга, энгаштириб супурсангиз уч ойга, идишдаги ёғни ўпириб олсангиз тўрт кунга, қириб олсангиз қирқ кунга етади, дебди. Она бунга тежамкорлик маъносида айтибди. Келин эса онани хасисликда айблабди.

Умр йўлдошининг манфаатини ўз манфаатидан устун қўя олиш чин марднинг иши – мевали дарахтларга назар сол — улар меваларини иссиқ, совуқ, бўронлардан сақлаб инсонларга ҳада этадилар.

Оқила аёл қандай лавозимда ишламасин, у қўлини пахса қилиб ноҳўя ибораларни ишлатмайди. Айниқса, номатлуб одамларни уйига олиб келмайди, чунки иффату латофат аёлларни безайди.

Келин бўлиб тушган жойда тик этган гапни ўз уйига ташийдиган қиз ҳам, моҳиятини чуқур англамай туриб, унинг сўзига ишонадиган лақма ота-она ҳам ёш оила иттифоқининг кушандаларидир.

“Тор қорнимга сиққан, кенг уйимга сиғмайдими”, деб ноўрин меҳрибонлик кўрсатаётган она аслида уй бузувчилардан бўлади.

Душманга айланган дўстдан заҳарли илон яхши.

Индамас, писмиқ, тили заҳар киши билан умр йўлдош бўлгандан кўра, заҳарли илонлар ўртасида истиқомат қилган афзал.

Тўй-маросимларга меҳмонлар ейиш-ичиш учун эмас, балки икки ёш қалбнинг бир умр ҳамдам ва ҳамдард бўлиб яшашлари ҳақидаги аҳду паймонларига гувоҳ бўлиш учун ташриф буюрадилар.

Келгусида фарзандларимга қайси юз билан қарайман, дейдиган мулоҳазали ота-она умр йўлдошига садоқатсизлик қилиб, болаларини ташлаб кетмайди.

Узатилган қизини бўлар-бўлмасга уйига чақираверадиган она ёш ниҳолни борган жойида яйраб-яшнашига халал бераётган уйбuzардир.

Баъзи йигитнинг онаси: “Мени десанг, хотинингдан кеч!”, хотини эса: онангдан кеч”, дейди. Бундай вазиятда икки ўтнинг ўртасида қолган чорасиз кишидек ачинарли аҳволга тушади. Бу ҳолда тарозининг олтин шайини мувозанатда тутта билиши учун сабру тоқат билан уларни сулҳга олиб келиш керак. Бу эса йигитдан ирода ва оқилона тадбиркорлик талаб этади.

Эр-хотин ўрталарида йиллар давомида нифоқ тўплана борса, бу миқдор ўзгаришлар бирдамас-бирда қандайдир бир сабаб билан сифат ўзгаришига олиб келадики, оқибатда умид билан боғланган турмуш риштаси бутунлай узилиб кетиши ҳам мумкин. Шундай ҳодиса рўй бермаслиги учун хонадонингга нифоқ кирмаслигига интил.

Оила — моддий жиҳатдан ҳар қанча фаровон бўлса ҳам, лекин эр-хотин бир-бирларидан маънавий озик тополмаса, у энг қашшоқ оиладир.

Баъзан бева қолган эркак ёки аёл турмушига фарзандлари бепарво қарайдилар, ҳатто уйланишига рашк қиладилар. Маълумки, инсоннинг ҳамдам ва ҳамдард умр йўлдошига бўлган эҳтиёжини дово халқимиз: “Инсонга тани маҳрам зарур”, дейди.

Магнит таъсирида бўлган темир ҳам магнитланганидек, узоқ умр билан ҳаёт кечирган эр-хотиннинг ҳам бир-бирига таъсирлари ўтади, лекин яхши сифатлари ўтгани маъқул.

Эр-хотин фақат фарзандлари учунгина эмас, балки бир-бирларига мудом ижобий ўртак кўрсатишга ҳаракат қилмоғи лозим. Бу бир-бирларидаги нуқсонларни тугатишнинг энг мақбул усулидир.

Баъзан эр-хотин бир-биридаги қандайдир камчиликларни сеза бошлайдилар. Одатда бу камчиликларни бетга очиқ айтиш ҳар икки томонга ҳам ёқавермайди. Лекин энг яқин кишининг меҳр-муҳаббат ва одоб билан айтган ҳақ гапига

тоқат қилиш, энг муҳими, сезилган қусурларни бартараф қилиш оқилларнинг иши.

Ўзи фаросатсиз, нафосатсиз аёл умр йўлдошининг ҳам ораста бўлиб юришига ҳаракат қилмайди.

Хонадон аъзоларининг ўзаро маданий, самимий муомилада бўлиб, бир-бирларини эъозлашлари оила иттифоқининг муҳим омилдир.

Оила аъзоларининг бир-бирларини тушунишга ва билишга бўлган интилишлари оила иттифоқининг замиридир.

Инсондаги барча гўзалликлар устига уй-жой гўзаллиги қўшилса, нур устига аъло нурдир.

Агар уй бекасининг гўзал хулқи, очиқ чеҳраси турар жойдаги орасталикка монанд бўлса, бу хонадон инсонни сеҳрловчи жозиба касб этади.

Муҳаббат учрашишдан, бахт бирликдан, истиқбол эса меҳнатдан бошланади.

Ўзаро ҳурмат, ишонч, меҳру вафо ҳамда садоқат оила қасрининг устунларидир.

Оилани идора қилишнинг олий қонуни адолатли бўлишдир.

Сен шундай оқила, комила келин бўлгилки, оёқ қўяётган хонадонингга ўзинг билан файзу иқбол, шоду хуррамлик олиб боргил. У хонадон соҳиблари сенингдек хулқи зебо келин билан фахрлансинлар.

Умр йўлдошинг қувноқ ва сенга меҳрибон бўлса, у сенинг ҳукмронингдир.

Оила ўзига хос бир хўжалик. Уни оқилона идора этиш, рўзғор тебратиш, ҳалол даромад билан буромад ўртасида мувозанат сақлаш, ортиқча исрофгарчиликка ҳам, хасисликка ҳам йўл қўймаслик каби тadbиркорликка ота-она болани ёшлигидан ўргатмоғи лозим.

БАДХУЛҚЛИК — БАХТУ ИСТИҚБОЛИНГ ЗАВОЛИ

Энг тубан шахс худбин кишидир, чунки у бошқаларнинг иқболини ўйламайди, лекин ўз манфаати йўлида ҳеч қандай жиноятдан ва тубанликдан тоймайди.

Фақат ўз манфаатинигина ўйлайдиган, ўта худбин шахсгина фарзанд кўришни ҳам истамайди, чунки у фарзандни ўзи учун ортиқча юк деб билади.

Бадхулқ кишига бир умр яхшилик қилсангиз-у, ўртада бир марта қандайдир кўнгилсиз гап ўтиб қолгудек бўлса, у барча яхшиликларингизни шу он унутади.

Яхшиликка ёмонлик қайтарадиган киши чаённи эслатади, чунки асал бериб тарбият қилсанг ҳам, унинг вужуди асалдан ҳам заҳар тайёрлайди.

Баъзи кишилар учун улуғлик билан тубанлик орасидаги масофа бир шиша арақнинг бўйига тўғри келади.

Кураш ва изтиробдан чўчиб дилидаги бор ҳақиқатни очиқ айтмай, виждон азобида яшагандан кўра, ҳақ гапни айтиб тортилган уқубат лаззатли.

Фақат ўз манфаатинигина кўзлаб иш тутадиган шахс ўзини энг оқил одам деб ҳисоблайди. Аслида бундай шахс худбин, эл учун яшаб ўз манфаатини бошқаларникидан устун қўймайдиган одам эса чин инсондир.

Чиқими киримидан ортиб кетса, ҳатто денгиз ҳам қуриши мумкин, хўжалик ташкилотининг ҳам буромади даромадидан ошиб кетса, унинг ходимлари камомад ботқоғига ботиши мумкин.

Атрофига фақат ўз қариндош-уруғларини тўплайдиган мансабдор худбинларнинг пиридир.

Худбинлик — тотувликнинг энг ашаддий кушандаси.

Мол-мулкни ўғирлатиш, шубҳасиз ёмон, лекин одамларнинг сенга бўлган ишончларини йўқотиш ўта бебахтликдир.

Илон чақса, бир киши азобини тортади, лекин ифвогарнинг миш-миши ва гулғуласи кўплаб одамларни безовта қилади.

Пора виждон қушини илинтириш учун дон сепиб қўйилган тузоқ, унга илинмасликнинг ягона таянчи — пок виждондир.

Одамлар олдида қилинган ясама хатти-ҳаракатлар ғашга тегади. Хулқи зебо кишиларнинг хатти-ҳаракатлари самимий бўлиб, дилга ёқади.

Ичкиликка муккасидан кетган киши субутсиз бўлади, чунки ичкилик субут ўғрисидир.

Ҳамма нарсани ўз комига тортмоқчи бўлган юлғич, ўз қалбининг қутиси — виждон бойлигидан ажралиб, бўм-бўш бўлиб қолаётганини қаердан билсин.

Чин инсоннинг биринчи гувоҳи виждондир.

Кек сақлайдиган, фақат ўч олиш нияти билан яшайдиган дили қора қасоскор шахснинг ўзи ҳам пировардида олган ўчларининг қурбони бўлади.

Қашшоқлар ичида энг оғири одоб-ахлоқ йўқсиллигидир.

Май гўё кишига ором бергандек бўлиб туюлса ҳам, аслида у ором ва осойишталикнинг энг ёвуз қароқчиси.

Ифвогардан сўрабдилар:

— Умрингда бир кун ифвосиз яшаганмисан?

Ифвогар дебди:

— Кўриб турибсизки, мен ҳали тирикман. Агар бирон кун ифво қилмасам, ўша кунни ўлган бўлар эдим.

Афсуски, қалби пок, оқкўнгил инсоннинг қўйнига сипсиллиқ бўлиб кириб олиб, сўнгра заҳар соладиган инсон-нускалар ҳам бўлади.

Гап ташувчининг фикри билан иш қиладиган шахснинг бошига бир кун эмас, бир кун ўша гап ташувчининг ўзи етади.

Фитначи аллақачонлар кўмилиб кетган эски ўраларни ковлаб, сув қуйиб, бадбўй ҳид тарқатиш каби пасткашликдан завқ топади.

Одамларнинг оёғидан тортма. Бу феълинг ўзингни оёқ ости қилади.

Раҳмдиллик қилиб қўйиб юборилган чаён қавакда писиб ётиб, яна кўпроқ заҳар тўплайди-да, бошқа бир инсонга ниш уради.

Киши ғийбатчи билан ҳамсуҳбат бўлганидан кўра, ёлғиз қолиб, ўз қалби билан гаплашгани фойдали.

Ханжарни қинсиз, ифвогарни қаровсиз қолдириб бўлмайди.

Устингда ҳар қачон оғир юк кўтарсанг оғир эмас, лекин эл юклаган заррача нафрат жуда оғир ва уқубатли юкдир.

Қинғир танадан қийшиқ соя тушганидек, қийшиқ қўйилган қадамнинг ҳосили ҳам қинғир бўлади.

Кўнгилсиз ҳодисанинг ўзидан кўра ҳам унинг таҳликаси даҳшатлироқ бўлади.

Агар ичкиликбозлик турли кўнгилсизликларнинг онаси бўлса, маишатпарастлик унинг дояси.

Эл назарига кирган азиз одамга ҳасад қилиб, унга тош отаётган шахс ойнинг ҳуснига рашк қилаётган нодонни эслатади.

Ифвогар суянчиқ ичига илон жойлашган ёстиқдир.

Кайфида ҳотамтой бўладиган шахс бир стакан араққа бутун оламни сотиб юборади.

Ифвогарлик ҳам бекорчиликнинг ҳосили, чунки бирор фойдали машғулот тополмаган киши бу пасткашлик билан шуғулланади.

Юлғич пулдан ўқ ясаб, порахўрнинг жиғилдонини нишонга олади. Чунки порахўрнинг виждони жиғилдонида бўлади.

Кешининг бебаҳо бойлиги бу одамийликдир, одамийликнинг қароқчиси эса баднафслик, ҳаром-хўрликдир.

Субутсиз киши сувсиз қолган ариққа ўхшаб, бора-бора эл назаридан қолади.

Ифвогар девпечакка ўхшайди; девпечак ҳам, ифвогар ҳам озгина илдиз олса борми, бири ўсимликни, иккинчиси одамнинг ҳаётини кемиради.

Озгина ичкилик улфатни бир-бирига қовуштиргандек туюлади-ю, лекин у кўпая бориб, орага нифоқ солади, турли кўнгилсизликлар келтириб чиқаради.

Ичкилик ўжарни қайсар, эзмани сергап, жанжалкашни эса уришқоқ қилади.

Доно халқимиз: “Яхшининг яхшилиги ҳар ерда тегади, ёмоннинг ёмонлиги эса тор ерда тегади”, дейди. Чунки ёмон киши яхши инсонга қаерда панд беришни билади.

Бирор одам билан уришиб қолишдан олдин эртага у билан қариндош бўлиб қолишинг мумкинлигини ҳам ўйла.

Ўз виждони қошида жавобгарлик ҳисси бўлган инсонгина номақбул ишлардан тийилади.

Қилмиши қинғир кишининг қалбини ҳар он ҳадик чертиб туради.

Оила аъзоларидан биттаси ичкиликка ружу қилса, бу — ташвиш, агар бу касал бошқаларига ҳам юқа бошласа, у — фожиадир.

Агар ҳар кимса ўз виждонига қоровуллик қилганида, жамият мулкани қоровуллашга эҳтиёж қолмаган бўлур эди.

Ўғри чўнтакни, ифвогар эса умрингни қирқади.

Меҳнаткаш халққа маъқул бўлмаган гоёни айтган ҳам, хатти-ҳаракат қилган ҳам эл назаридан қолади.

Пок одамларнинг ҳаётини заҳарлаш йўлида тухмат қилаётган иблисни кўриб кўрмасликка олаётган киши ўз бошига кулфат тушганда, пушаймон қилади.

Агар виждон дуру гавҳар бўлса, унинг мезон тоши ор-номусдир.

Тулкисимон шахс носоз ишларни бошқаларнинг қўллари билан қилади. Агар жавобгарликка учраб қолгудек бўлса, ҳамма айбни уларнинг елкаларига юклаб қўйиб, ўзини четга олади.

Ҳар қандай маккорнинг ҳам оқибат қисмати шармандалик.

Қалб сандиғига ор-номус ва одамийлик жавоҳирларини тўпла, унга виждонингни соқчи қил, ҳеч қандай нопок бундай қалб қасрига йўл тополмайди.

Ичкилик ўзи билан шундай бўрон олиб келадики, у ҳатто ақлу ҳушингни ҳам бирга учириб кетади.

Анорнинг пўчоғи қўшиб ейилмаганидек, ўтмиш анъаналарнинг ҳам ноксрак жойлари ташланади.

Одамларга фойдаси тегмай, зарар етказётган киши, кўкнинг камолотига халал бераётган бегона ўтга ўхшайди.

Ўз виждонидан андиша қилмаган киши ҳеч кимдан уялмайди.

Агар ор-номусингни ўғирлатган бўлсанг, умр бўйи маънавий қашшоқ бўлиб яшайсан. Чунки у қайта тикланмайдиган мулк.

Истеъдодли, оқил инсоннинг эл аро эътибори қанча орта борса, ҳасадгўйнинг дилидаги ўти шунча алангаланadi.

Носоз киши одамларнинг оёқлари тагига тарвуз пўчоқ қўйиб, тийғантиришга уринади. Яхши инсон эса, тийғанчоқ ерга қум сепиб, одамларни йиқилишдан асрайди.

Жала билан жанжалнинг ҳосили битта — вайронгарчилик.

Фожиа шундаки, ифвогар ўзини одил, худбин эса инсон-парвар, хасис ҳотамтой, нодон эса оқил одам деб ҳисоблайди.

Тил қисиклиги билан виждон нопоклиги эгизак.

Пок одамларнинг иқболи кулса, ҳасадгўйнинг уйи куяди.

Ҳасадгўй ҳатто дўст-биродарларининг хонадонига ҳам яхши ният билан қадам қўймайди. Чунки унинг кўзида ҳасад пардаси, дилида эса рашк микроби бўлади.

Бир ифвогарнинг ниқоби йиртилгунча қанча пок дил одамларнинг асаблари бузилади.

Ифвогар билан мулоқотда бўлишнинг ўзига хос усули бор. Калтабин киши унинг ногорасига ўйнайди, оқиллар эса уни осонгина фoш этадилар.

Ҳасадгўй бошқаларда мавжуд бўлган, унинг ўзида етишмаган фазилатларга рашк қилади.

Илон бошидан ажралмагунча заҳар сочишни, ифвогар эса тили кесилмагунча ифво қилишни тарк этолмайди.

Тоғ деб суяниб юрган кишинг соя бўлиб чиқса, оғир ташвиш.

Нодонни қайта тарбиялашнинг мушкуллиги шундаки, у ўз қилмишини мақбул, ўзини эса ҳаммадан оқил деб ҳисоблайди.

Ҳақиқатни аниқлаш ва унинг тантанаси учун кураш йўлида чекилган ранжу машаққат чин инсон учун оромдир.

Чин инсон учун “Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ” зайлида иш тутиб, ҳақиқатни айтишдан қўрқиб, муроса-созлик билан яшашдан кўра оғирроқ виждон изтироби бўлмаса керак.

Ўз қалбига қулоқ солишни билмаган кишида ўзгаларнинг қалб садосига қулоқ солишга мойиллик бўлмайди.

Гўзаллик, нафосат ҳис-туйғулари бўлмаган қалб нопок нарсалардан ҳазар қилишни билмайди.

Ҳаётдаги гўзалликларни идрок эта билмаслик — маънавий қашшоқлик белгиси.

ЁШЛИК ГУЛШАНИНИНГ МЕҲРИ ДАРЁ СОҲИБЛАРИ

Ҳаётдаги ранг-баранг ҳодиса ва воқеаларни кузатиш натижасида бола қалбида жўш урган ҳис-туйғулар уни мунозара-мушоҳадаларга ташна қилади, буни ўз вақтида пайқаш биз тарбиячилардан ниҳоятда сезгирликни талаб этади.

Шогирднинг ўз касбида қозонган маҳорати устози учун ҳам бахт, ҳам завқ-шавқ манбаидир.

Педагогнинг имтиҳон жараёнида адолатсизлик қилиши, ёш қалб эгасининг ҳақиқатга бўлган ишончи ва эътиқодини поймол қилиши мумкин.

Ёш ўқитувчининг биринчи бор қозонган тарбиячилик обрўси муваффақиятли уланган пайвандга ўхшайди. Бу куртанинг камолоти ундан ижодий изланишни ва бу гулшандаги устоз-соҳиблардан эса меҳрибонлик ва тарбиятни кутади.

Устоз ўқитувчининг фазилатларидан бири унинг келгусига назар ташлай билишидир, чунки шогирдлари унинг кўзи билан келажакка боқадилар.

Яхши билан ёмонни ажрата олмайдиган мураббийнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегади. Чунки у талабасини ҳамияша шу руҳда тарбия қилади.

Катта ёшдаги тарбиячиларнинг берган оқилона ўғитларига амал қил, чунки уларнинг умр сабоқлари сен учун ҳаёт мактабидир. Қолаверса, улар сени яна бахтлироқ, ақллироқ кўришни истайдилар.

Илғор тарбиявий тажрибаларни кузатмай ва ўрганмай, ўзининг билим доираси билан чегараланиб қолган ўқитувчи фан-техника ютуқларидан бебахра қолган касибни эслатади.

Бола қалбидаги дард-аламга, чекаётган изтиробларига ва муваффақиятларига шерик бўлолмаган тарбиячи унинг меҳрини забт эта олмайди.

Ёмон номнинг фожиаси шундаки, у фақат ўзи учунгина эмас, балки фарзандлари учун ҳам оғир исноддир.

Устоз-ўқитувчи болани ҳаётдаги ҳодиса ва воқеаларни синчковлик билан кузатишга ўргатар экан, айна чоғда уни эзгулик билан ёмонлик ўртасидаги курашга, ҳаётни яна гўзал қилиш учун ҳисса қўшишга отлантиради.

Маҳоратли тарбиячи шогирдлари онгига ҳаётдаги ҳодиса ва воқеаларни таҳлил қила билиш, шу асосда келгусини кўра олиш, фаол бўлиш каби фазилатларни сингдира олади.

Устоз-ўқитувчи қисқа луқма, жумлалар билан кенг ва чуқур мазмунли фикр айта билиш маҳоратига эга бўлади.

Моҳир ўқитувчи дарс ва маъруза жараёнида шогирдларнинг қалбини кўзга кўринмас жозиба ришталари билан шундай боғлаб оладики, у айтаётган фикр ва мулоҳазалар тингловчиларнинг кечинмаларига айланади.

Фақат ўзи гапириб, ўзи тинглаш санъат эмас, балки тингловчиларнинг қалбини сеҳрлаб, уларни ҳам бирга фикрлашга ва ўз фикрларини ифодалашга ундай билиш катта санъат.

Агар ўқитувчининг вақтини бўлар-бўлмас гаплар билан ўтказсанг, у улғайгач, сени вақт ўғриси сифатида эслайди.

Ҳар бир инсон, инчунун ўқитувчи тажанглик, қўполлик, шошқалоқлик, бесабрлик каби номатлуб сифатлардан бутунлай мусаффо бўлиши шарт.

Тарбиячининг энг қудратли таянчи ҳам, оромбахш ёстиғи ҳам унинг покиза виждонидир.

Чин устоз обрў-эътибор қозонгач, кетидан келаётган кишилар йўлига ғов бўлмайди, билъакс уларга ҳамдам ва ҳамкор бўлади.

Шогирд ўз устозига гўзалликларни, ақлу идрок ва нафосатни ўзида мужассамлаштирган олижаноб инсон деб, эътиқод билан қарайди. Бу эътиқодни оқлаш ўқитувчининг бахтидир.

Шогирдларига пухта ва чуқур билим беришни истаган моҳир ўқитувчи ғаввос каби фан уммонида билим жавҳарларини тера билишини, альпинист каби фаннинг машаққатли чўққиларига муттасил кўтарила бормоғи лозимлигини ўргатиши керак.

Болани меҳнатсеварлик ва халққа муҳаббат руҳида тарбиялашни истаган тарбиячи ўзи ҳам меҳнатсевар халқни ҳурмат қилиши зарур.

Моддий ва маънавий бойликлар яратаётган азиз одамларнинг ҳар бирида қўлида ва қалбида ардоқлаб кўтарган меҳрибон онаси — ҳаётга йўлланма берган устози бор.

Шогирдларни орзу-умид, эзгу ниятлар уфқига учирма қилиш, эзгуликка ишонтириш ва бунёдкорликка йўллай олиш устоз-ўқитувчининг фазилатидир.

Ўқитувчи шогирдлар қалбини ёққан чироққа, уларнинг катта ҳаёт йўлини ёритувчи машъалга айланади.

Юраги тор кишидан ўқитувчи чиқмайди. Чунки ҳақиқий ўқитувчи қалби дарё инсондир.

Тарбиячи болани улуг ғоялар ва мумтоз мақсадга ишонтириши тарбия жараёнининг биринчи зинапоясидир, уни юқори пояга йўллай билиши чинакам тарбиявий маҳоратдир.

Тарбия билимгоҳи ва олийгоҳига таҳсил олиш учун қадам қўйган ҳар бир одам, аввало, инсонни севиши зарур.

Ўқув китоблари бизга асосий йўналиш беради. Лекин моҳир ўқитувчилар ундаги фикрни ўз ижодий изланишлари ва ҳаётий тажрибалари оқибатида тупланган умр сабоқлари билан тулдириб, бойитиб мазмундор қилиб, шогирдлари қулоғига қуяди.

Ўз фанини чуқур билган, билим доираси муттасил кенгайиб бораётган, ўз фикрига шогирдларини ишонтира оладиган, маъруза ўқиш маҳорати юқори бўлган устознинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳатто нигоҳи ҳам таълим ва маъно касб этади.

Халқ таълими раҳбари ўқув-тарбия ишларининг муайян ривожланиш қонуниятларини ва инсон тафаккури қонунларини чуқур билиши ва бу қонуниятларга зид бўлган фармойишлар беришдан сақланмоғи лозим. Билъакс, фанга ва Халқ таълими ходимларининг илғор тажрибасига қарши ҳар бир ҳаракат ўқув-тарбия ишларига катта путур етказди.

Ҳақиқий устозликнинг моҳияти ҳаёт тақозо этаётган ахлоқий фазилатларни ёш авлодга сингдириш, эътиқодини мустаҳкамлаш, энг муҳими, одамийлик фазилатларини эгаллашни унинг кундалик хатти-ҳаракатига айлантира билишидадир.

Агар тарбиячилар ёш авлодда мустақиллик ва ташаббускорлик фазилатларини тарбиялай олмаган экан, бу - тарбиячилик маҳоратининг бўшлиғидан нишона.

Баъзан ўқитувчиларни ҳайкалтарошга ўхшатадилар, лекин бола жонсиз тош эмас, балки қалби, сезгиси, туйғуси бор инсон фарзандидир.

Яхши билан ёмонни ажратолмайдиган мураббийнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегади. Чунки у талабасини ҳам шу руҳда тарбия қилади.

Оқил шогирд устозини ўз қабулхонасида асло куттириб қўймайди.

Ўқитувчи обрўси бамисоли бир муҳташам қаср бўлса, унинг замини касбини, фанини севишида, билишида, тушунтириш маҳоратини эгаллаганида ҳамда хулқининг зеболигидадир. Бу қасрнинг қудрати, қадри ва безағи эса унга элнинг ҳурматидаир.

Тарбиячи ҳар доим ўқитиш хонасига катта жавобгарлик ҳисси билан кирмоғи лозим. Шундагина у талабанинг ҳурмат-эътиборини қозонади.

Ўқитувчиларга бўлган халқ ишончи ва ҳурмати қанча ортса, эл олдидаги маъсулияти ҳам шунча оша боради.

Устознинг билим зиёсидан фойдаланиб, сўнгра уни сиқиб чиқариб, ўрнини эгаллашга уринаётган шогирд дарахтнинг шоҳида юриб, мевасини еб, сўнгра тағига тушиб, илдизини кемираётган ҳашоратни эслатади.

Фан асосларини ўқитувчиларга тушунтириш санъати ўқитувчининг ўз фанини чуқур билишига боғлиқ. Бир риёзиётчи дўстимнинг қуйидаги гаплари сира эсимдан чиқмайди: “Бугун бир теоремани ўқувчиларга бир марта тушунтирсам, тушунишмади, иккинчи марта қайтарсам ҳам тушунишмади. Учинчи марта тушунтирган эдим, ўзим ҳам тушундим, улар ҳам тушуна қолишди.

Ўқув юрти жамоасини бирлаштириб ва бир мақсад томон йўналтира билиш ўзига хос бир санъат бўлиб, унга раҳбарлик қилувчи бошлиқлардан таълим-тарбия система-сининг моҳиятини чуқур билишни, ташкилотчилик истеъ-додига эга бўлишни талаб этади.

Ўқувчига оқилона ўғитлар айта билиш устознинг фа-зилати, лекин ана шу айтганларига, ҳаётда ўзи ўрناق эканлигига шогирдларини ишонтира олса, нур устига аъло нур. Шундагина у ёш авлоднинг қалбини мафтун эта олади.

Қалби дарё, оқил устоз шогирди ўзидан ўзиб кетса, фахрланади, лекин бу шогирдим меъдан қачон ўзиб кетади, деб қўл қовуштириб ўтириш, деган сўз эмас, албатта. Бизнинг касбимиз муттасил ижодий изланиш ва олға ин-тилишни тақозо этади.

Тарбиячи ҳеч қачон яхсини ёмон, ёмонни яхши дея олмайди. Чунки у ҳақиқатнинг фаол тарғиботчисидир.

Чин устоз шогирд учун ақл чироғи, уни номатлуб иш-лардан асровчи, шарафли ишларга йўлловчи меҳрибон да-рғадир.

Ўз касбини севиш, унинг фахри билан яшаш ва унга садоқат билан ишлаш - бахт.

Ҳақиқий тарбиячи маъруза жараёнида талабаларни ўзи-га ром қилиб, бирга фикрлашга чорлайди, маҳоратсиз но-тиқнинг маърузасида эса тингловчининг сурати ўтирадию, хаёли оламни кезади.

Ўз тажрибаси доирасидагина ўралиб қолган тарбиячи-нинг камолот даражаси ҳам чекланган бўлади.

Устоз-ўқитувчи дилида жўш урган ҳаётбахш ҳис-туй-ғуларини мудом меҳнаткаш омма билан ўртоқлашиб, ўзи ҳам қониқиш ҳосил қилади, бошқаларга ҳам маънавий озука беради.

Устоз шогирдлари орқали келгуси учун кўприқдир.

Нутқ, нуқтадонлик, чуқур мантиқ ва мазмундорлик ҳар ким учун керак, айниқса, ўқитувчи учун зарурдир.

Моҳир устоз-ўқитувчининг сеҳрли маърузасини, айта-диган дурдона фикрларини шогирдлари муштоқлик ва иш-тиёқ билан тинглайдилар.

Шогирдлар онгида фан ва техниканинг ютуқларини эгал-лаш зарурлиги ҳақида ишонч ҳосил қила билиш ва уларни

бу борада ижодий изланишга ундай билиш таълим-тарбия борасида давр тақозо этаётган энг муҳим бурчимиздир.

Кўргазмали ўқитиш - синфни суратхона, дарсни эса томошага айлантириш дегани эмас, балки кўргазма воситалари билан болани ҳис ва туйғулар уммонига олиб кириш, онгли мушоҳада қилишга ундашдир.

Агар ёш авлодга унинг ўзи кимлигини ва дунёга келиб-кетишининг моҳияти нимадан иборат эканлигини англата олсак ва уни эзгулик сари йўллай билсак, ёш қалб соҳиби деган номни оқлай олган бўламиз.

ОТА-ОНА РОЗИ — ЭЛ РОЗИ

Ўз ота-онасининг қадрини билмаган одам, дўстларининг ҳам ҳурматига арзимайди.

Ота-онанинг қалби меҳр-мурувватга тўлиқ бўлади, фарзандларидан жонини ҳам аямайди. Лекин яхши фарзанд уларнинг меҳр чашмасидан оқилона фойдаланади, асло суниестеъмол қилмайди.

Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути — тимсол, нимаики жўшқин ва қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри — тимсол, нимаики чидамли, сабр-тоқатли бўлса, она иродаси тимсол, кимда-ким пок муҳаббат ва меҳри дарёлик даъво этса, онанинг пок қалби тимсол. Шунинг учун ҳам биз она юртим ва она тилим, деймиз.

Меҳри дарё онанинг болажонлик фазилати унинг гўдақлигидан, қўғирчоқни севишидан бошланади.

Ота-онанинг ҳаётлигида кўнгилларни овлаш, вафотларидан сўнг қабрларини обод ва зият қилиб туриш, аввало, одамийлик белгиси, қолаверса, жамият қошидаги инсоний бурчинг.

Фарзандларнинг ота-онага бўлган ширин сўзи, хушмуомаласи, меҳрибонликлари устига уларнинг жамият учун қилган гўзал ишлари ҳам қўшилса, нур устига аъло нур бўлади.

Ота-онанг умри боқий бўлиб, тетик яшашини истасанг, доимо улар руҳини кўтариб, кўнгилларини шод эт.

Оқил ўғил, комила қиз: "Ота-онамни шод қилиш учун нима иш қилолдим?", деб виждони билан суҳбатлашиб туради.

Ота-онанинг ўзаро ҳурмати ва муомала маданияти фақат уларнинг ўзлари учунгина эмас, балки фарзандларининг ахлоқий камолоти учун инчунун зарурдир.

Агар хонадонингдан ота-онанг қадамини тортиб қўйса, у хонадондан файз, хайру барака, иқбол қочади.

Ота-онага қилган дилозорликни ювиш учун бир умр етмайди.

Ота, она бўлиш жуда шарафли, айти вақтда жуда масъулиятли вазифа.

Турмуш бузилиб, оиладан ота ёки она кетиб қолгудек бўлса, аввало уйдан файз кетади, қолаверса, болалар оғир изтироб чекадилар. Чунки болалар учун ҳам ой нури, ҳам қуёш ҳарорати керак.

Биз ота-оналар, тарбиячилар фарзандларимизнинг яхши ва ёмон қилмишларига маълум даражада шерикмиз. Ножўя хатти-ҳаракатлари учун жамият аъзолари қошида жавобгармиз.

Ота-онасининг фарзанд қошидаги бурчларини яхши билиб олиб, лекин улар қошидаги ўзининг фарзандлик бурчини билиб, билмасликка оладиган шахс одам қиёфасидаги тулқидир.

ХУЛҚИ ЗЕБО ФАРЗАНД — ВАТАН КЎРКИ

Бола қалбида касбга ҳавас ўтини ёқа олиш — санъат, лекин касбини унинг эҳтиёжига айлантира билиш мураббийнинг чинакам маҳоратидир. Билъакс, ёқилган ҳавас ўти бир лов этиб сўниб қолиши ҳам мумкин.

Меҳнатда зафар топган хулқи зеболар билан кўпроқ мулоқотда бўл. Нопоклардан узоқроқ юр. Доно халқимиз: "Яхшининг шарофати, ёмоннинг касофати тегади", дейди.

Ҳаётда чин қалбдан севмай туриб, севилиб бўлмайди. Айниқса, ёш авлодни қалбдан севмай туриб, унинг қалбини мафтун этиб бўлмайди.

Ёшлигида фақат она-онадан меҳрибонлик кутиб, ўзи уларга ғамхўрлик қилишга одатланмаган бола улғайгач, сув ютиб, сув бермайдиган ўпқон каби одамлардан манфаат кутиб, манфаати тегмайдиган худбин бўлиб қолади.

Инсон учун оила бунёд этиш, фарзанд кўриш шарафли ва эзгу истак, лекин фарзандларни чин инсон қилиб вояга етказиш эса ҳам фарз, ҳам қарз.

Ота-онанинг болага кўрсатган ноўрин меҳрибонлигидан устоз-ўқитувчининг оқилона танбеҳи афзал.

Ота-онадан фарзандлари учун қоладиган номатлуб мерос уларнинг эларо бадномлигидир.

Ота-она учун ўзидан сўнг ноиттифоқ фарзандлар қолаётганлигини билиб, кўз юмишдан кўра уқубатлироқ ўлим бўлмаса керак.

Ёшлардан маслаҳат олишдан ор қилмаслик керак. Доно халқимиз: "Ақл ёшда эмас, бошда", дейди.

Ота-онани бола наздида беобрў қиладиган хатти-ҳаракатлар ичида энг ёмони субутсизликдир.

Оқил, фозил ота оиланинг таянч устунни, оила гулшанининг меҳри дарё заҳматкаш соҳиби, ақл чироғи, фахри-ифтихори, ор-номусидир.

Она болага нисбатан ортиқроқ меҳрибонлик кўрсатиши табиий, чунки у нурийдасини тўққиз ою, тўққиз кун қорнида, икки йил қўлида, бир умр қалбида беминнат кўтариб юради.

Эрта билан ювиниб-тараниб, ота-онага салом бериш ва "ишга соғ-саломат бориб, қайтинг", деб кузатиш, қайтгач, қучоқ очиб қарши олиш фарзанднинг фазилатидир.

Фарзанднинг ширин сўзи, хушмуомаласи, меҳрибонлиги унинг гўзаллик бунёдкорлигига муштарак бўлса, ота-она умрбод бахтиёрдир.

Истеъдодли бўлиш жуда яхши. Истеъдоднинг эса ҳаётда турли қийинчиликларни, ҳатто қаршиликларни енгиб, сайқал топади ва ўзи учун мақбул муҳитда вояга етади. Шунинг учун истеъдоднингга темир иродангни ҳамдам қил.

Боладаги мактаб мулкига бўлган муносабат унинг келгусидаги жамият мулкига муносабатининг алифбосидир.

Қайси ўқув юртида ёш авлоднинг ақлий ва ахлоқий шаклланиши учун зарур бўлган руҳий муҳит, шароит яратилган бўлса, у ерда таълим-тарбия иши самарали бўлади.

Куни узайтирилган мактабнинг моҳияти кунни чўзиш ёки кунни ўтказиш эмас, балки болани мустақиллик, таппаббускорлик, ижодий камолот сари йўллаш демакдир.

Болаларингизни ҳадеб мақтайверманг, у катта бўлгач, чекишга ўрганган кишидек мақтов кашандаси бўлиб қолиши мумкин.

Бола бурнига ва қулоғига сув кириб, сувда сузишни ўрганганидек, одам ҳам турмуш уммонининг катта тўлқинларида жавлон уриб, ҳаётий тажриба ва ақлий камолот топади.

Боланинг ҳаётини ва дил туйғуларини қанча чуқур билсанг, у шунча кўпроқ тасаввурингда бўлади.

Мудом ота-она калтаги билан ўсган бола аждаҳо илонинг қошида турган қуёндек титроқ ва қўрқоқ бўлиб қолади.

Бола тойчоқ эмаски, уни тизгин билан етакласанг, агар қалб риштасига қалбингни боғлай олсанг, у ҳаёт бўстонида жавлон уриши мумкин.

Боланинг кўча-кўйда дайдиши —

Эртага ота-она ташвиши.

Боланинг бешиги тепасида биринчи бор янграган она алласи умр бўйи эшитадиган дилрабо куйларнинг дебоҳасидир.

Агар ота-она фарзандининг бир бор живоятини хаспўшлаган экан, бу билан у яна оғирроқ жиноят қилиш учун катта дарвоза очади. Чунки нина ўғирлаган, туяни ҳам ўғирлайди.

Боланинг ақлу одоби устида ўйлаш қанчалик зарур бўлса, унинг жисмоний камолоти устида ҳам ўйлаш шунчалик зарур. Акс ҳолда, у бир қанотли қуш каби ҳаёт бўстонида парвоз қилолмайди.

Ёшларга бериладиган ўғит қуруқ насиқатгўйлик бўлмай, балки уларнинг қалбларига бориб етадиган ва эътиқодларига айланиб, амал қиладиган ҳаётий дастур бўлмоғи лозим.

Боланг бахтли инсон бўлишини истасанг, аввало ўзинг шарафли ишлар бунёд эт.

Топшириқ олишда синчков бўлган бола унинг ижросида ҳам қушёр ва тadbиркор бўлади.

Бола қалби шундай қасрки, уни шовқин-сурон солиб, зўрлик билан забт этолмайсан. Унинг хаёлини, дилидаги орзу-истакларини билиб, яқиндан мулоқотда бўлсанг, бу қасрнинг эшиги сенга осон очилади.

Боланинг боши сифими чегарасиз идиш эмаски, унга нима тўғри келса, шуни тикиштираверсак. Унинг имкониятини оқилона ҳисобга олиб, илму ҳунар, хулқи-одоб жавоҳирларини ниҳоятда заршунослик билан белгили тартибда жойлаб бормоқ лозим.

Болага берилган билим бамисоли икки хил зарядланган модда бир-бирига интилгандек, унинг янада кўпроқ билиш учун бўлган иштиёқини кучайтирсин.

Режасиз иш қиладиган бола кўпинча кераклиси қолиб, кераксиз нарсага қўл уради.

Болани ўраб турган муҳит нечоғлик гўзал бўлса, унинг гўзаллик бунёд этишга бўлган иштиёқи ҳам шунчалик ривожлана боради.

Кундалик хатти-ҳаракатидан сабоқ чиқара билиш ўз-ўзини тарбия қилишнинг энг муҳим воситасидир.

Ахлоқий тарбия санъатининг муҳим хусусияти бола қалбида виждон ҳиссини қўзғата олишдадир.

Бола тарбиясига ижобий таъсир этувчи барча воситаларни бир нуқтага тўплаш, номатлубларини ундан йироқлаштириш ахлоқий камолотнинг муҳим шартидир.

Мураккаб вазиятда қолган болани энг мақбул ечим топа билишга ўргатиш тарбиячидан юксак маҳорат талаб қилади.

Бўладиган бола ҳатто туғилмасданоқ маълум бўлади, дейдилар. Бунда маълум ҳақиқат бор, лекин унинг чин инсон бўлиб вояга етишиши учун маълум муҳит ва тарбия зарур.

Болада бошқалар фазилатларини сезиш ва ҳурмат қилиш ҳиссини шакллантира олиш тарбиячилардан алоҳида маҳорат талаб этади.

Боладаги чақимчиликка мойиллик унинг келгусида иғвогар бўлиб етишувидан нишонадир.

Боланинг озода, ораста бўлиб юриши бошқа зебо фазилатларни ўзига чорловчи оҳанграбо одатдир.

Икки ноиттифоқ оила ўртасида ўсган бола кўпроқ гап ташувчи ва иккиюзламачи бўлиб қолади.

Гўзал санъат бола ҳаётининг бир қисмига айланмоғи лозим, шунда у нафосат меваларидан баҳраманд бўлади.

Саёқ боланинг баҳонаси кўп бўлади.

Бола тилидан биринчи бор эшитилган иғво унинг тарбиячилари учун ташвишли сигнал бўлмоғи лозим, чунки боладаги иғвогарликнинг бошланиши унинг иқболи забун бўлишидан нишонадир.

Боланг одамларга ҳасад қила бошлаган экан, ўз қалбинга бир назар ташлаб билгилки, ўзинг бу иллатдан мусаффомисан?

Боланг ўйинқароқ, тарбиясиз тенгдошига илашган экан, билгинки, ниҳолингги зарпечак ўрай бошлабди. Уларни бир-биридан қанча тез ажратсанг, ниҳолинг камолоти шунча самарадор бўлади. Билъакс, кечиксанг, ниҳолингги зарпечак хароб қилади.

Болада ҳаётни ва муҳитни кузатувчанлик йўқола борса, унинг ўрнини бепарволик ва бефаросатлик эгаллайди.

Ёш қалбдаги биологик ҳиссиёт пўртанага ўхшайди, у оқилона идора қилинса — яхшиликка, ўз ҳолига қўйилса — кўнгилсизликка айланиши мумкин.

Ўғил-қизларимизга оила қуришнинг ижтимоий моҳиятини ўз вақтида англашиб бормасак, улар турмушда ноқобил бўлиб қолишлари мумкин.

Болани эркин фикрлашга йўл қўймай, фақат ўз хоҳиши билангина яшашга мажбур қилаётган тарбиячи, аслида бола ижодий камолоти йўлидаги тўсиқдир.

Жаҳолатга берилиб, болани: "Кўзимдан йўқол" деб ҳайдашдан кўра, кўзни каттароқ очиб, унинг аҳволи-руҳиятини билиш ва қалбига қулоқ солиш ижобий самара беради.

Болани қобилиятли қилиб ўстирмаган экансан, унда ижодий фазилатларни шакллантира олмайсан, чунки гўзал фазилатлар оқилона фаолиятнинг хосиласидир.

Бола назарида қозонилган зўрма-зўраки обрў нафратли бўлади.

Болани қобилиятини ҳисобга олмай тарбиялашга уриниш, ўсимликни нурсиз, сувсиз ўстирмақчи бўлган кишининг интилишини эслатади.

Яхшилардан гўзал фазилатларни ўз хатти-ҳаракатига қўчириш учун муттасил интилиш ўз-ўзини тарбия қилишнинг энг муҳим омилidir.

Болада эркинлик туйғуси билан виждон ҳисси мутаносиб равишда ривожланмоғи лозим. Шунда у ўз эркидан виждонига қарши фойдаланмайди.

Ҳар жойда ҳам, инчунун, болалар бор ерда оила иттифоқига нифоқ солувчи гапларни асло айта кўрма, улар тўтиқуш каби гапингни такрорлаб, сени шармисор қилади.

Бола қалбида сеҳрли ҳодиса ва воқеаларни билиш иштиёқининг қўри бўлади. Ана шу қўрни алангалатиш уни билим олиш йўлида учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир қилади.

Ота, она, ўқитувчи, тарбиячи бола қалбида китоб ўқишга бўлган ҳавасни уйғотиш учун ўзи китобхон бўлмоғи керак.

Буюк санъаткор яратган расмлар болага таъсир кўрсатиши ва нафосат туйғуларини шакллантириши шубҳасиз. Лекин унинг ўзи ижод этган оддий бир асар нафосат камолотининг зинапоёсида бир босқич деса бўлади. Шунинг учун бўлса керак, Жавоҳарлал Неру ўз мукофотини жаҳондан келган энг яхши расмлар ичида бир гўдакнинг оддий доирага кўз-қош қўйиб, "Она" деб атаган суратини лойиқ кўрганлиги бунинг ёрқин далилидир¹, чунки унда боланинг онага бўлган қалб меҳри акс этганди.

Боладаги билимдонлик ва ахлоқий баркамоллик ўз-ўзини тарбиялашнинг асосий заминидир.

Болани гўдаклигидан бошлаб ҳаётдаги гўзал ва нафосатли нарсалар билан кўпроқ мулоқотда бўлишга, уларни ҳис этишга ва баҳра ола билишга одатлантира бориш унинг қалбини зебо қилувчи энг асосий омиллардандир. Қалби гўзал инсон эса борлиқни, ҳаётни янада гўзал қилишга интилади.

Гўдаклигида калтак, сўкиш, қарғиш оқибатида эти ва бети қотиб қолган болани назокат ва нафосат воситалари билан гўзалликни ҳис этишга ундай олиш тарбиячилардан катта маҳорат, сабр-чидам талаб этади.

Қиз бола-бўлғуси она, уй бекаси ва бирор касбнинг эгаси. Шунинг учун ҳам қизлар оилада, ўқув юрти қучоғида ана шу шарафли, айни вақтда жуда масъулиятли бурчини адо этишга тайёр бўлиб камол топишлари зарур. Бунинг учун у иффатли, латофатли, болажон, оқила, ҳар бир

¹ Мен Ҳиндистонда ишлаган вақтимда бу воқеанинг гувоҳи бўлган эдим. (Р.У.)

хатти-ҳаракатининг оқибатини ўйлаб қадам қўювчи, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан, катта ёшдагиларни ҳурмат қилувчи, камчиликларга меҳрибон, саранжом-саришта, дид-фаросатли, ораста, умр йўлдошига меҳрибон, садоқатли, хушмуомала бўлиши лозим.

Болага гўзаллик тарбияси бериш учун фойдаланадиган воситаларимиз ҳам гўзал бўлиши лозим.

ФАЗИЛАТЛАР СОҲИБИ БЎЛ!

Ёқимли ҳаво, ҳаётбахш сув, ноз-неъмат манбаи бўлган табиат бойлиги сенинг камолотинг учун нечоғлик зарур бўлса, сеҳрли мусиқа, жозибали қўшиқ, умуман, гўзал санъат дурдоналари ҳам маънавий камолотинг учун шунчалик зарур.

Нафис завқли инсоннинг санъатга бўлган қалб ҳаваси ва дил ҳароратини на ўчириб, на сундириб бўлади. Чунки, бу ҳис, бу туйғу унинг бутун вужудини қамраб олган ва унинг ҳаётий эҳтиёжига айланган.

Дил-фаросат, эстетик назокат билан безатилган кўркем хонадонни мезбоннинг гулгун чеҳраси обод қилиб турса, бу уй меҳмон учун оромбахш боғи эрамга айланади.

Диловар, жозибали куй кўз ўнгингда дилрабо, ширинсухан дўстингни гавдалантиради.

Сеҳри мусиқанинг оромбахш садосидан лаззатлана билмаган киши ҳис-туйғусиз, нафосатсиз одамдир. Ҳатто ҳайвон ва ўсимликларда ҳам мусиқани инстинкт равишда сезиш қобилияти бор.

Жозибали мусиқа, сеҳрли ашула тингловчининг бутун вужудини қулоққа айлантириб юборади. Носози эса бор қулоқни ҳам кар қилади.

Яхши одам ҳам, агар у маданий муомала одобини яхши ўрганмаган бўлса, мулоқотда ўнғайсиз вазиятга тушиб қолиши мумкин.

Мезбон меҳмонлар қошидан ҳадеб ташқарига чиқаверса, анжумандан файз кетади. Чунки улфат мезбон билан гўзал.

Инсоннинг онги билан хатти-ҳаракати ўртасида боғловчи бир кўприк бўлади. У кўприк ундаги шаклланган яхши одатлар мажмуасидан бино бўлгандир.

Санъат танловида қозонилган ғалаба йиллар давомида қилинган меҳнат ва чекилган машаққатлар тантанасидир.

Санъат соҳибидан ҳақиқий фусункор юмор билан бачканалик ўртасидаги нозик пардани ажрата оладиган ўткир кўз ва чуқур нафосат талаб этилади. Билъакс, одамлар унинг бачканалигидан ва бефаросатлигидан кулишлари мумкин.

Ётоқда бирга яшаётган ҳамхона талабалар ўртасидаги фусункор юмор ўрнига ноўрин ҳазил ва бачканалик кира бошласа, ўзаро ҳурмат ва дўстликка путур етказди.

Фанда ва санъатда ялт этиб бир кўриниб, шовқин солиб учадиган истиқболсиз кишиларга эмас, балки қуёш янглиғ зиёси сўнмас маърифат зиёкорларига тақлид қил, доимо барҳаёт бўласан.

Ҳақиқий ижод сохталикдан мустасно бўлади.

Инсон қаерда бўлмасин, у ўзининг ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракати, муомала воситалари билан одамлар назарида ва кузатув доирасида яшайди.

Эҳтимол қош-кўзни бўяш керакдир, лекин ақлу одобга сайқал бериш устида уриниш ундан кўра муҳимроқ.

Ҳатто ёпиқ қозонга ҳадеб буғ йиғилаверса, қопқоқни отиб юбориши мумкин. Инсон юрагига ҳам ғам-ғусса тўлаверса, ёрилиши табиий. Шундай экан, вақти-вақти билан яхшилар, қувноқлар даврасида бўлиб, қалбнинг кулги қопқоғини очиб, ғам-ғусса буғларини ҳайдаб туриш лозим.

Баъзи кишилар қизиқ бўлади: меҳрибонлик қилсанг, чумолига ўхшаб бошингга чиқади, талабчанлик қилсанг, қўнғизга ўхшаб писиллайди.

Оиладаги озодалик, орасталик руҳий тетикликнинг муҳим омилдир, чунки инсоннинг кайфи чоғлиги поклик билан эгизакдир.

Бола-чақали бўла туриб, уйга кеч қайтганингда ота-онанг хавотир олсалар, асло ажабланма, чунки сен улар учун ҳамон боласан.

Қалби сохта кишининг кулганини ҳам, йиғлаётганини ҳам билиб бўлмайди. Чунки у сохта кулиб, сохта йиғлайди.

Томошабинларнинг олқишлари билан санъаткорнинг ижро маҳорати ўртасида мутаносиблик бор, лекин бу мутаносибликнинг сақланиши санъат соҳибидан муттасил изланишни талаб этади.

Шавқ-завқсиз ижро этилган ашула инсоннинг қалб кўрига сепилган кул деса бўлади.

Табиат инсонга қанот бермаган бўлса ҳам, бебаҳо ақлу идрок берган. У ақл билан ҳар қандай учқур қушдан ҳам тез ва узоққа уча олади.

Айрим қалам соҳиби самодаги юлдузлар таърифи ва тавсифига кўп вақт сарфлайди-ю, лекин ўзи яшаб турган муҳитдаги зиё билан зулмат ўртасидаги курашни кўрмайди.

Агар кишининг ички гўзаллиги бир гулдаста бўлса, унинг муаттар ҳиди, унинг маданий муомаласидир.

Ҳар бир инсоннинг алоҳида эътиқод қўйган, севиб тинглайдиган битта савъаткори бўлади. У айтадиган ашулалардан, айниқса, биттасининг сеҳри билан яшайди. Чунки шу куй қандайдир бир шароитда унда ўчмас таъсир қолдирган бўлади.

Кимки мудом таомнинг тузини ё шўр, ё паст қилар экан, бу оилада пазандачилик ва фаросат тарбиясига етарли эътибор берилмаслигидан бир нишонадир.

Барча мавжудотлар сув, ҳаво, озиқасиз яшай олмайдилар, лекин инсон учун булардан ташқари маънавий озиқ ҳам зарур.

Ҳар кимнинг хонадони ва эшик олди озода бўлса, умуман шаҳар покиза бўлади.

ЁТОҚХОНАДА ЯЩАШ ОДОБИ ВА НАФОСАТИ

Шогирдим! Талабалик давридаги гўзал ёшлик онларининг энг кўрам фурсатлари ўқув юртининг ётоқхоналарида кечади. Бу даврлар инсон хотирасида асло ўчмайдиган из қолдиради.

Дўстим, сенинг ёшлик маскани — ётоқхонадаги ҳаётинг, ҳар бир хатти-ҳаракатинг қандай инсон бўлиб шаклланишингда жуда муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, ётоқхонангни иккинчи уйим деб бил. Ўз ҳаётингда гўзал ва пок яшашинг жамият аҳамиятига молик бўлган муҳим масаладир. Шунинг учун ҳам биз педагоглар, ота-онанг сенинг ёшлик диёридаги турмушингга асло бепарво қарай олмаемиз.

Сенинг чин инсон бўлиб шаклланишинг учун жамият қошида маънавий жавобгармиз. Ҳар томонлама ривожланган, ахлоқий ва нафосат жиҳатдан баркамол, илғор маданиятли бўлишинг бизнинг орзуемиздир.

Нафис ва маданий хулқ тушунчаси жуда кенг ва кўп қиррага эга бўлиб, у инсондаги ахлоқий поклик, маънавий бойлик ва бошқа ижобий фазилатларнинг мажмуаси, баркамол инсоннинг сифати бўлиб, у жамиятнинг ахлоқ нормаларидан келиб чиқади. Бу фазилат жамиятимиз улуғворлигини англаш ва жамият аъзоларини ҳурмат қилиш, улар билан маданий муомалада бўлишни кўзда тутади.

Юқорида зикр этганимиздек, нафис ва маданий хулқнинг мазмуни юриш-туриш, феъл-атвор, кийиниш, пардоз-андоз (косметика), ювиниш-тараниш, оилада, ётоқхонада, иш ва ўқиш жойида одамлар билан маданий муомала қила билиш, уй-турмуш маданияти, жамоат жойларида ўзини яхши тутиш, сўзда нуқтадонлик ва ширинсўзлик, нутқ маданиятини эгаллаш, адабиёт ва санъат дурдоналарини севиш ва улардан завқлана билиш, умуман ҳаётимиздаги, табиатдаги, одамлардаги гўзалликни баҳолай билиш, хуллас жамият аъзоларининг ҳаёти кўнгилли ва янада гўзал бўлиши устида доим ғамхўрлик қилиш каби кўп сифатларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам уни барча инсоний фазилатларнинг мажмуаси, ҳосиласи ва кўрсаткичи деймиз.

Биз учун ахлоқий нафис ва маданий хулқ борасида ҳам ёрқин ва гўзал тимсол буюк сиймолар — миллий маданиятимиз классиклари ҳаёт фаолиятидир.

Мен ҳаётим давомида хизматимга кўра кўпгина талабалар ётоқхоналарида бўлиб, уларнинг турмуш маданиятини кузатганман. Талабаларнинг дид билан безатилган, турмуш учун зарур бўлган ҳар бир буюм ўз ўрнига қўйилган, озода ва ораста хоналарини кўриб бир дунё завқ олганман. Лекин нафосатсиз, дидсиз жиҳозланган, нима тўғри келса деворларга ёпиштирилган, тартибсиз, полиҳафта давомида ювилмаган, ифлос хоналар ҳам учраган.

Ётоқхонадаги ҳаётда бўлғуси мутахассис, олим, ўқитувчи, тарбиячи, оила эгаси шаклланади.

Ёш дўстим, фан асосларини, жумладан, бадий адабиёт, физика-риёзиётни билиш сен учун қанчалик зарур бўлса, рўзғор ишини билиш ҳам шунчалик муҳим. Рўзғор сенинг кўзгунгдир. Ётоқхонада яшашнинг яна бир жуда муҳим томони шундаки, ёшлар бир неча йиллар бирга ҳаёт кечириш натижасида уларнинг ўрталарида чин дўстлик ва дугоналик ришталари боғланади.

Бир-бирларининг феъл-атворини тушунадилар, ҳамдам ва ҳамдард бўладилар. Шодликлари ва қийинчиликларига шерик бўладилар.

Ўз ҳаётида гўзал ва яхши яшаш учун ҳар бир ўқув юрти ётоқхонасида хатти-ҳаракат қоидалари белгиланган. Уларга қатъий амал қилиш талабалар жамоаси олдидаги виждоний бурчингдир. Ёш дўстим, Сен ётоқхонада амал қилишинг лозим бўлган айрим талаблар ҳақида баъзи бир мулоҳазаларимни эслатиб ўтмоқчиман.

Маълумки, инсон жамиятдан ажралиб ёлғиз яшай олмайди. У одамлар билан бирга ижтимоий муносабатда жамоа бўлиб яшайди. Кишининг маданий савияси одамлар билан муомалада, қўллаган муомала воситаларида намоён бўлади.

Ётоқхона жамоа жойидир. Сен у ерда одамлар билан мулоқотда бўлиб яшайсан. Сенинг у ерда энг муҳим ахлоқий нормаларга, нафосат талабларига амал қилишинг сенга таълим бераётган меҳри дарё устоз ўқитувчиларинг дил орзуларигина бўлмай, балки улуғ ҳаёт тақозосидир.

ДЎСТЛИК — ОДАТ, ОҒА-ИНИЛИК — ҚОНУН

Инсон ҳамхона бўлиб яшаш жараёнида содиқ дўст ва дугоналар орттиради. Айниқса, ота-онадан, оиладан узоқда яшаб турган ёшлар тез иноқлашиб кетадилар.

Чин инсоний дўстлик турмушнинг гўзал ва мазмунли кечиси учун катта ёрдам беради.

Ўзаро содиқ дўстлик — ётоқдаги ҳаётнинг энг бебаҳо безаги ва бойлиги. Ўқиш жараёнида содиқ дўст ёш инсон учун илму ҳунар билан баробар зарур. Садоқатли дўстлари кўп бўлган инсон энг бахтиёр одамдир. Илму ҳунар туганмас бойлигинг бўлса, дўстларинг, дугоналаринг — иқболинг, истиқболингнинг қудратли таянчларидир. Ётоқдаги талабалик ҳаётида инсон бошидан хилма-хил кечинмалар ўтади. Шодлигингдан ҳам, ғам-ташвишларингдан ҳам сени ёлғиз қолдирмайдиган кишилар — дўстларинг, дугоналаринг бўлади. Улар билан қийинчиликларинг ҳам енгиллашади. Юрагингда ғам, ташвиш тўлиб тошганда ҳам, шодлик ҳислари жўш урганда ҳам дилингдаги бор кечинмаларни айтиб, юрагингни бўшатадиган кишилар ҳамхона дўст-дугоналаринг бўлади.

Дўстлик ёки дугоналикнинг иқболи ва истиқболи ҳақида ўйла. Дўстингнинг ҳаётда тўғри йўлдан бориши устида мудом меҳрибонлик қилишни ўз бурчинг деб бил. Дўстингнинг иқболи ва истиқболи учун маънавий жавобгар эканлигингни унутма. Ҳамдард ва ҳамдам бўл.

Мен бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Икки дўст Собиржон билан Қодиржон бир хонада истиқомат қилиб, дарс тайёрлашар, яхши ўқир эдилар. Фалсафадан имтиҳон топшириш учун улар бир неча кун бирга тайёргарлик кўришди. Талабага имтиҳонда доим бир кун етишмай қолади, деганларидек, улар тавсия этилган ҳамма асарларни ўқиб чиқдилар-у, лекин биттасини ўқиб чиқишга улгуролмай қолишди. Тасодифан Собиржонга худди шу асардан савол тушиб қолди. Шу сабабли имтиҳонни зўрға “3” баҳога топширди ва жуда изтироб чекди.

Доим яхши ўқиган Собиржон тушқунликка туша бошлади. Буни сезган ҳамхона дўсти Қодиржон ундан кўра ортиқроқ изтироб чекди ва дўстига тасалли берди. Шу асарни бирга қайта ишлаб чиқишди. Домлага бориб, ростини айтишди, қайта имтиҳон олишини сўрашди. Натижада Собиржон яхши баҳо олди.

Ётоқхонада бирга яшаш одобининг энг муҳим талабларидан бири тенгликни, ўз бурчи ва ҳуқуқларини тўғри англаш принциpidир. Тотув яшашнинг замири тенглик, кушандаси эса манмавлик ва ўзини ўртоқларидан устун қўйишга интилишдир. Чунки дўстлик муқаддас туйғу бўлиб, у тенгликни тақозо этади.

Агар киши ҳамхоналарини ёқтирмаса ва менсимаса, билгилки у ўзгаларнинг иззат ва ҳурматига асло сазовор бўла олмайди. Одамови — барча дарвозалари тамбаланган киши. Одамлар уни айланиб ўтишади. Шундай экан, азиз

шогирдим, сен билан бир ётоқда истиқомат қилаётган дўстларинг билан самимий, очиқдил бўл!

Сен моддий жиҳатдан жуда яхши таъминланган, истёдодли, кучли бўлишинг мумкин. Лекин булар сенинг одамларга, шу жумладан, ётоқхонада яшаётган талабалар жамоасига бўлган эҳтиёжларинг ўрнини асло боса олмайди. Кибрланиб, бошқа талабаларсиз ҳам ўзим танҳо яшай оламан, деб мағрурланиб кета кўрма. Шу ҳақиқатни асло унутмагилки, ёлғиз киши, ким бўлишидан қатъи назар, кўпчиликдан заифдир. Тенглик, ҳамкорлик ақидасига амал қил. Ётоқхонадаги меҳнат тақсимоотида ўз ҳиссангни бил ва уни сидқидилдан ижро эт.

Сенда ташкилотчилик қобилияти намоён бўлиб, олийгоҳда турли лавозимларга кўтарилишинг мумкин. Шунда сен кибрланма, фахрлан. Дўстлик ва ҳамхоналик касб ва лавозимга қараб ўлчанмайди. Чин дўстлик тарозусининг олтин шайни мудом мувозанатда бўлмоғи зарур. Баъзан айрим жисмоний кучлироқ бўлган талаба хонада ҳокимликка, фармондорликка интилмоқчи бўлади. Оқил инсон учун жисмоний устунлик ҳеч қачон дўстлар устидан ҳокимлик қуроли ва воситаси бўлмайди. Ёш дўстим, шеринг билан бамаслаҳат иш тут. Дўстингнинг фойдали маслаҳатига ўзинг ҳам қулоқ сол. Ужарлик, кажбаҳслик каби дўстликка раҳна соладиган хатти-ҳаракатлардан мутлақо холи бўл. Фақат ўз шахсий манфаатингни кўзлаб худбинлик қилма.

Яна шу ҳақиқатни ҳам унутмагилки, киши ҳаётида тўғри йўлдан адашиб қолиши мумкин, бу ёмон, лекин уни тўғри йўлга солувчи дўстлари бўлмаса, ундан ҳам ёмон.

Киши ёмон йўлга қадам қўйганини пайқаш биланоқ, берилган маслаҳат — олтин. Лекин у қулоғигача ботқоққа ботиб бўлгандан кейин берилган маслаҳат ёниб бўлган уйга челақда сув олиб чопаётган кишининг ҳаракатига ўхшайди. Ўзинг ўйла, шогирдим, от жарнинг ёқасига етиб қулай бошлаганида тизгин тортишдан не фойда. Айниқса, дўсти носозлар тузорига илинаётганлигини сезган ҳолда, уни тўғри йўлга боришга журъат қилолмаслик — лоқайдликдан нишона, дўстларининг фойдали маслаҳатига қулоқ солмаслик, кибру ҳаводан ва калтабинликдан нишона. Одам ҳар томонлама қобилиятли ва истёдодли бўлсин. Кимки одамларнинг, дўст, ёри-биродарларнинг фойдали маслаҳатларини менсимаса, эл ҳурматига сазовор бўла олмайди. Узига муносиб, садоқатли, ақли расо, ҳамдард ушфат танлай билиш кишидан катта ақл ва дид-фаросатни талаб этади, ёш дўстим.

Танласанг бир дўст, ундан одобу ахлоқ иста,
Сўзласанг бир сўз ундан маъно-ю, мазмун иста.

Баъзилар чин дўстлик ҳақида сўзамоллик қиладилар-у, аммо ўзлари унга амал қилмайдилар. Дўстлик ва унинг қадр-қиммати ҳақида аюҳаннос соладиган сўзамолдан эмас, балки ҳаётда ҳамдам-ҳамдард бўлган инсондан қадр-қиммат кут. Шуни эслагилки, тез қизийдиган нарсалар тез совигандек, ичкилик ҳарорати билангина боғланган ошно-ларнинг дил ҳарорати ҳам узоққа бормайди.

Шогирдим, яна шу нарсани ҳам унутмагинки, сув замини бўш ва нишаб ердан ўзига йўл қидирганидек, жиноятчи, иродаси бўш, маишатга мойил кишилардан ўзига ҳамроҳ излайди. Кайф-сафо, маишатарастлик кишини аждаҳо каби ўз қомига тортади, иродали, матонатли инсон унинг домидан четлаб ўтади, тортилганларни тўғри йўлга йўллаш учун курашади.

Шогирдим, гўзал хулқли инсон ўзининг кўркем хатти-ҳаракати билан одамларга руҳий озиқ ва кўтаринки кайфият бахш этишга ҳаракат қилади. Одамларнинг руҳини кўтариш тўғрисида ўйлаш — одамийлик белгисидир.

Айниқса, ҳамроҳинг бетоб бўлиб қолса, унинг соғайиши устида жонбозлик қил. Дўстинг қандай эканлиги инсоннинг боши ёстиққа текканда билинади. Инсон бетоб бўлганида, яқин дўстларини қўмсайди. Улар билан кўришса, бир нафас суҳбатлашса, дарди енгиллашади. Дўстинг нигоҳи кўзга тўтиё, каломи дардга мўмиёдир.

Бу ўринда мен икки дугона ўртасидаги кечинмани эслайман. Тошкент Давлат дорилфунунининг риёзиёт куллиёти талабалари Адолат ва Эркина тўрт йил бир хонада истиқомат қиладилар. Улар опа-сингиллардан ҳам аъло дугона, ҳамдард ва ҳамдам бўлиб яшадилар. Қўшни хонадагилар уларни “Фотима-Зухра” деб аташарди.

Кунларнинг бирида Адолат бетоб бўлиб қолди. Эркина жон-дили билан уни парвариш қилди. Адолатнинг аҳволи оғирлашгач, уни касалхонага олиб кетишади. Эркина ҳар доим ўқишдан кейин дугонасининг аҳволидан хабар олади. Курсдошларининг ҳам галма-гал Адолатни бориб кўришларини ташкил этади. Ўтилган маърузаларнинг матн-мазмунини унга етказиб туради. Адолат учун Эркина қон топширади. Адолатнинг ота-онасига хат ёзиб, унинг аҳволидан хабардор қилиб туради.

Касалхонадан чиққач, дугоналар учрашар экан, Адолат Эркинага кўз тикиб термилади-ю, ҳеч нарса гапира олмайди, кўзларидан ёш томчилари сизарди... Дугонам... Дугонажоним, деди-да, бағрига босиб, юзларидан тўйиб-тўйиб ўпади.

Курсдошларининг, дугоналарининг кўрсатган ёрдами ва меҳрибонлиги оқибатида Адолат курсдан курсга кўчади.

Ёш дўстим, ҳамхона дўстингни, дугонангни туғилган куни билан табриклашни ҳам унутма. Бундан унинг боши осмонга етади.

Ёш дўстим, ҳамхона дўстинг, дугонанг ким билан улфат тутинганлигига асло бепарво қарама. У носозлар билан боғланганини сезганинг он тўғри йўлга чорлаш устида матонат ва фидоийлик билан кураш. Ўзинг ҳам ҳамхонангнинг фойдали маслаҳатларига қулоқ солишни дўстинг қошидаги инсоний бурчинг деб бил.

Билгилки:

Носоз бўлса ҳар кимсанинг улфати,

Эшик қоқиб келади қўша-қўша кулфати.

Шогирдим, яхши кишилар билан дўстлаш, уларга ўрناق бўл, дўстларинг, улфатларингни фақат шарафли ишларга даъват эт. Бунинг яхши ҳосилини кўрасан. Ёмонликка йўлласанг, ўзинг ҳам жабрини тортасан.

Ётоқда тотув яшашнинг яна бир муҳим омили ўзаро ишончдир. Умуман инсонлар ўртасида, хусусан ҳамхона бўлиб бирга яшайдиган кишиларни бир-бирига боғлайдиган мустаҳкам ришта, бу — ўзаро ишончдир. Хонадошлар ўртасидаги моддий ва маънавий бойликлар тўла ва комил ишонч билан ўртага ташланади. Улар ўртасидаги ишонч виждон ҳисларига таянади. Худбинлик, қаллоблик, қўли эгрилик, хиёнаткорлик каби иллатлардан улар бутунлай мустасно бўладилар.

Бу иллатлар кирган жойдан эса ишонч йўқолади. Ўзаро ишончнинг ягона таянчи эса тўғрилиқ ва ҳалолликдир.

Ҳамхона ёшлар ўртасидаги дўстлик риштасига эгри қўллик ва ҳаромзодалиқ путур етказади. Шундай ҳамхонасидан дил туйғуларини яшириш, ёлгон гапириш ўртадаги дўстлик илдинини қирқадиган қайчидир. Қўли эгрилик нечоғлик ёмон бўлса, ўз ҳамхоналарига асоссиз шубҳа билан қараш ҳам шунчалиқ хунук.

Шундай экан, ҳамхона дўстлар ўртасида ишонч ўзаро ривожланиши учун мудом курашмоқ лозим. Ўзаро ишонч ўсиши учун ҳаёт кечиришда ростгўйлик, дилида борини бир-бирига очиқ-ёруғ айтиш, асло мунофиқлик ва риёкорлик, маккорлик қилмаслик зарур. Бу ўзаро ҳурматда яшашнинг муҳим шартидир.

Ётоқда баъзи оқар дарё каби окқўнгил одам билан ичимдагини топ дейдиган писмиқ ёки муғомбир киши ҳамроҳ бўлиб қолади. Бундай ҳол рўй берган тақдирда муносабат бирмунча мураккаб кечади. Хушнисор гулнинг муаттарлиги унга ҳамсоя бўлган гулларга кўчганидек, яхши фазилатли инсон ҳам нечоғли машаққатли бўлса-да, чидам ва бардош билан ўз таъсирини ҳамроҳига кўрсата олиши керак. Ўзининг ижобий фазилатларини чидам ва матонат

билан ҳамроҳига кўчира билишнинг ўзи чин одамийлик ва мардлик белгисидир.

Дўстим, шу нарсани яна бир бор эслатаманки, хушнисор гулга сассиқ алафнинг ҳиди кўчмаслиги учун курашмоқ лозим, чунки айрим ҳолларда гўзал, зебо хулқли йигит-қизлар ахлоқсиз одамлар таъсирига берилиб қолишади.

Шунинг учун инсон ўз-ўзини тарбиялаб, ўзида энг кўркем ва олижаноб одатларни шакллантириши керак. Сенинг ахлоқ қасрининг ускуналари сендаги мавжуд одатлар бўлиб, бу ускуналар нечоғли яхши сифатли ва кўркем бўлса, ундан тузилган ахлоқ қасри ҳам шунчалик гўзал ва кўнгилли бўлади.

МАДАНИЙ ХУЛҚ ГЎЗАЛЛИГИ

Ёш дўстим, сени келгусида Она-Ватанимизнинг малакали мутахассис ходими бўлиш каби бахту истиқбол кутмоқда. Сен яхши муҳандис, шифокор, ўқитувчи, олим, ҳатто истеъдодли қалам соҳиби бўлишнинг мумкин. Энг муҳими, сен гўзал ишларни бунёд этувчи, гўзаллик қонуни билан яшайдиган, ҳар ерда “Нафосат иқлими” ни ярата оладиган зебо хулқли, юқори маданиятли инсон бўлишнинг ҳам-мамизнинг дил истагимиздир.

Сен ўзингда эзгулик билан зебо хулқни узвий равишда мужассамлаштиришнинг лозим. Шу ҳақиқатни асло унутмагилки, кишида ички дунё бойлиги бўлмаса, ташқи гўзаллиги ҳеч қандай қимматга молик бўла олмайди. Фазилатларинг юқори гўзал дидинг билан уйғунлашгандагина ҳуснингга ҳусн қўшилади.

Нафис дид ва фаросат, хулқ-атвор одамлар билан муносабатда намоён бўлади. Кишилар ўртасида, кўпчилик орасида, турли маросимларда киши ўзини қандай тутуши ва қандай хатти-ҳаракат қилиши, яъни ахлоқ нафосати, муомала-муносабат қоидалари мулоқот одоб кўрсаткичи деб аталади. Одоб кўрсаткичи эса нафосат билан гўзал ахлоқнинг мажмуаси деса бўлади. Гўзал одоб кўрсаткичи гўзал хулқ ва маданий муомалада ўз ифодасини топади.

Кишидаги маданий кўрсаткич — унинг юришида, сўзлашида, овқатланишида, одамлар билан кўришишида, хайрлашишида, ҳамроҳини рақсга таклиф этишида, ҳатто кулишида, мусиқа-ашула тинглашида, ётоқхонасини қай хилда тутушида ва безашида, хуллас, ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён бўлади.

Ётоқхонада яшаш одобини билиш ва ўрганиш ҳам кишидан маданий муомала қоидаларини ўзлаштириш борасидаги муттасил машқ қилишни талаб этади.

Шогирдим, ётоқни гўзал дид ва фаросат билан жиҳозла. Нима тўғри келса, шуни деворларга ёпиштириб, уй кўркини бузма. Хонада ўсадиган гуллар озода ва чиройли сақланса, уйга кўрк ва файз беради. Ҳар куни каравотингни, ўринкўрпаларингни, чойшабларингни текис ва чиройли қилиб ясашиб қўйишни унутма. Ётоқхонанинг безатилиши у ерда истиқомат қилувчи талаба ёшларнинг нафис дидини кўрсатувчи кўзгудир.

Ётоқхонанинг гигиеник талаблар асосида озода сақла, уй ҳавосини доим янгилаб тур. Уй ичидаги нарсаларни асло чанг босмасин. Ўринга кийим-кечак билан ётма. Тартибли овқатлан. Овқатланиб бўлгач, идиш-товоқни ва столни дарҳол йиғиштириб, ювиб қўй. Соғлиғинг гарови тозаликдир.

Ҳар ким бир туп гул экса, шаҳар гулшанга айланади. Ҳар бир талаба ўз ётоқхонасининг поклиги учун курашса, ётоқхона озода бўлади.

Ёш дўстим, ётоқхонада, кутубхонада ақлий меҳнатнинг гигиенаси ва маданияти юзасидан қўйилган талабларга риоя қил. Бунинг учун дарс тайёрлайдиган жойнинг белгили бўлиши, чироқ ва табиий нур чап томонингдан тушиб туриши, иш столингни ёритганлик даражаси юз люкс бўлиши керак, ўқув китобларинг, қуроқларинг тартибли жойлашмоғи лозим. Стол устига ортиқча нарсаларни қўймаслик керак. Дарс тайёрлаш жараёнида вақти-вақти билан тан аъзоларига танаффус бериш ва жисмоний ҳаракатда бўлиб, бир оз бадантарбия қилиб олиш иш унумига ёрдам беради.

Агар биз доноларнинг сўзларига амал қилиб, ақлий ва жисмоний машғулотни мунтазам боғлаб олиб борсак, танани ёшликдан чивиктира бориб, табиатнинг сув, қуёш нури каби зарур неъматларидан ўринли фойдалана билсак, айниқса, қўлимиздан келганича бир-биримизга руҳий кўтаринкилик кайфияти инъом этиб, асаб қасрини асрасак, ҳар қайсимиз ўз истиқомат жойимизга тобора озодалик расмини кирита борсак, касалхонага кам қатнаб, жонкуяр шифокорларимизга ҳам ортиқча машаққат чектирмаган бўлур эдик.

Тошкент Давлат дорилфунунининг 84- ётоқхонасида истиқомат қилувчи, риёзиёт куллийетининг талабаси Жўраева Муҳаббатнинг ўз студентлик ҳаёти ҳақида ёзган қуйидаги сўзлари диққатга сазовор.

“Ётоқхона бизнинг иккинчи уйимиз. Ётоқхонада муваффақиятли ўқишимиз ва камолотимиз учун барча шароит мавжуд. Талабаларнинг дарс тайёрлаши учун ўқув зали,

маданий дам олиш учун хона бор. У ерда турли бадий адабиётлар, санъатга оид китоблар, сиёсий онгимизни ошириб боришимиз учун турли газета ва журналлар, ойнаи жаҳон бор. Ётоқхонанинг биринчи қаватида ошхона. Клуб ишлайди. Клубда қизиқарли лекциялар, меҳнат ветеранлари ва Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлар бўлиб туради. Байрам кунлари турли танловлар ҳам ўтказилади. Ётоқхонада қилинадиган барча ишлар талабалар кенгаши раиси ва аъзолари томонидан талабаларнинг фаол иштирокида ташкил этилади.

Бизнинг хонамиз нафис дид билан безатилган. Буни уч дутона бамаслаҳат қилдик.

Валиева Ҳайринисо Сурхондарёдан, Ҳамроева Меҳринисо Бухородан ва мен Наманганданман. Биз аҳил дўстмиз. Хонамиз кенг ва ёруғ. Хонада 3 та кийим илгич бор, ҳар биримизга устар-курси, каравот бор. Китоблар учун расталар қўйилган. Адабиёт, санъат ва фан асосларига оид зарур китобларни тўплаганмиз. Деворда соат, кўзгу ва ҳар бир каравот ёнига деворга биттадан эсдалик совға ўрнатилган. Деразага хона кўркига монанд қилиб парда тутилган. Дераза олдида гулдонлар. Гуллар хонамизнинг кўркига кўрк қўшиб туради. Эшик ёнида хонанинг тозалигини белгилаб бориш учун санитария дафтарчаси илиб қўйилган.

Бизда ҳамдам ва ҳамдардлик қонун. Бир-биримизнинг шодлигимизга ҳам, қийинчиликларимизга ҳам шерикмиз. Бамаслаҳат иш қиламиз. Ота-оналаримизга хат-хабар ёзиб, ўз ҳаётимиздан хабардор қилиб турамиз. Мен ишонаманки, бу ёшлик гулшанида бошланган дутоналик риштаси бир умр узилмайди ва давом этади. Биз шундай аҳду паймон қилганмиз".

Ёш дўстим, сенга таълим-тарбия бераётган устоз ўқитувчиларинг ва тарбиячиларинг сенинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишувингни кўзда тутадилар. Чунки ҳаёт фаолиятида феъл-атвор ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Маданий хулқ кўникма ва малакаларини ўзингда шакллантириш борасида узвий ва изчил равишда машқ қилмоғинг зарур. Энг муҳими, ижобий хатти-ҳаракатлар сенинг ҳаётинг эҳтиёжинга айланмоғи лозим. Шундагина сен ҳар қандай шароитда ва истаган жамоода намунали, яхши ишлаш имкониятига эга бўласан ва ҳаётда учрайдиган қийинчиликларни енгиб ўтасан.

ҲАР ДАРЁНИНГ КЕМАСИ БОР, ПАРДОЗ-АНДОЗНИНГ ЧАМАСИ БОР

Азиз шогирдим, инсон нафосати ва дид-фаросатининг кўрсаткичларидан яна бири нафис кийиниш, ўринли ва меъёрида пардоз-андоз қила билишдир.

Инсон ўзининг ёши ва қиёфасига монанд, оддий, озода кийиниши керак. Бунда давр талабини ҳисобга олиш лозим. Лекин нима дуч келса, шунга ҳанг-манг бўлиб, уни мода деб, кетидан қувиш деган сўз эмас, албатта. Кишининг кийиниши унинг дид-фаросати ва табиатини кўрсатувчи ойнадир. Одам уйда, иш жойида, сафарда, курортда, кино-театрда, тўй-ҳашамларда ва бошқа жойларда ўша муҳитнинг талаб ва эҳтиёжларига монанд кийиниши лозим. Афсуски, баъзи бир бефаросат кишилар жамоат орасига уй кийими билан чиқадилар. Ёки, айрим ёшлар ўзига ярашадими-ярашмайдими, буни ҳисобга олмай, мода изидан қувадилар. Фақат башанг кийинишни маданият деб, биладилар. Ваҳоланки, янги мода инсон қиёфасини яна гўзал ва нафосатли қилиши керак.

Афсуски, баъзи йигит-қизларни кийимидан, сочидан, умуман ташқи қиёфасидан қайси жинсга мансублигини ажратиб бўлмай қолади. Сочи елкасига тушган, алвасти сифат йигитлар ҳам йўқ эмас.

Маълумки, одобли, маданиятли одам бўз либосга ўралса ҳам чиройли, нодон зарга ўралса ҳам хунук, чунки кишининг чиройи кийимда эмас, балки ақлу фаросатда, одобида, маданий хулқида, шарму ҳаёсида. Танадаги нуқсонни кийим билан яшириб бўлади, аммо хулқ-атвордаги нуқсонни ҳеч қандай либос яшира олмайди.

Ёш дўстим, шу билан бирга ётоқхонадаги дўстларинг, дугоналарингнинг кийим-кечак танлашдаги таъбларидан кулиш одобдан эмас. Маълумки, ҳар бир кишининг ўз таъби, ёқтирган, унга ярашадиган, қиёфасига монанд кийим-кечаклар бўлади. Ўзинг ўйла, ёш дўстим, агар ҳамма одамлар фақат сенинг таъбингга қараб бир хилда кийинсалар эди, у ҳолда кийинишдаги кўркем, ранг-баранглик ва ўзига хосликдан айирилиб қолган бўлардик.

Пардоз-андоз ҳақида гап борганда шуни айтиш керакки, бу борада ҳам меҳнаткаш халқимизнинг ўзига хос анъанаси бор. Кишини хушрўй, муаттар, кўркем қилишга, соғлиқни, ҳусни сақлашга ёрдам берадиган гигиена талабларига мувофиқ пардоз-андоз ўринли ҳамда фойдали. Ҳамманинг ҳам ҳусндор, хушбичим бўлгиси келади. Доно халқимиз

“Ҳатто онангни отанга бепардоз кўрсатма” деб, бежиз айтмаган, айниқса, хотин-қизлар нафосат талабига монанд зебо бўлишлари, озода-ораста юришлари уларнинг ҳуснларига ҳусн қўшади. Билъакс, ўзининг ташқи қиёфасига бепарқ қараш, пала-партиш юриш, умуман инсон учун, аёллар учун инчунун номатлуб ишдир.

Лекин пардоз-андозга ортиқча берилиб кетиш хунук одат. Доно халқимиз “ҳар дарёнинг кемаси бор, ҳар ишчининг чамаси бор”, дейди. Пардоз-андознинг ҳам меъёри бор. Афсуски, ҳаддан ортиқ пардоз-андоз қиладиган, ярашмайдиган бўёқларни юзга суртаверадиған айрим дидсиз ёшлар учрайди. Ундай серпардоз кишилар ойна қошида ўтадиган умрларининг лоақал бир қисмини ақллари ни пешлашга сарфлаганларида эди, ҳуснлари ортиб, эл ҳурматига сазовор бўлар эдилар. Инсон учун энг яхши безак ақлу одоб, шарму ҳаёдир. Айниқса, оқила қизларимизни иффату латофат ва назокат безайди.

Баъзан зеб-зийнат, тақинчоқларга беҳад берилган аёллар ҳам учрайди. Улар ҳатто ўз вақтида емай-ичмай тақинчоқлар топиш ва тақишга ҳаракат қиладилар. Вақти келиб, оғир хасталик бошга тушганда, бу тақинчоқлар ҳатто оғир юк бўлиб қолишини ўйламайдилар. Ёш дўстим, тақинчоқлар ичида энг гўзали ва зебоси —хулқи зеболик ва тани соғлиқ эканлигини асло унутма. Маданий муомала касб эт, маданий муомала инсон учун бебаҳо зийнатдир.

МАДАНИЙ МУОМАЛА — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Сен жамоа барча аъзоларига нисбатан хушмуомала бўл. Саломингни қанда қилма. Икки оғиз ширин сўзинг ҳамхонанг учун ҳам, қўшниларинг учун ҳам кун бўйи руҳий озиқ бўлади. Чин инсон учун одамларга шарафли ишлар қилиб топган завқдан кўра ортиқроқ ором бўлмайди.

Баъзи кишилар ўзини маданиятли қилиб кўрсатиш мақсадида, сохта, ортиқча сермулозаматлик қиладилар. Сохта ва ортиқча манзират ғашга тегади.

Ётоқхонада ўзингни тута билишинг, ёши катталарни ҳурмат қилиш, кичик ёшдагиларга меҳрибонлик кўрсатиш — сени улуғловчи гўзал фазилатлардир.

Йигит киши учун қизларга нисбатан нафосатли, маданий муомалада бўлиш алоҳида аҳамиятга молик. Шу боисдан, оқил ўрлим, сенга айтадиган алоҳида дил сўзим бор. Чунки сен йигитсан. Қиз билан учрашганда йигитнинг безаги ғайрату шижоатидир. Сен баҳодирлигинг, мардлигинг, ахлоқий камолотинг, гўзал хулқ-атворинг билан қизларнинг

мадҳига сазовор йигит бўл. Бунинг учун улар билан маданий муомалада бўл, кибру ҳавога берилиб, манманлик, қўполлик, дағаллик қилма. Улар билан учрашганда, олдин қўл узатма. Папирос чекиб саломлашма.

Йўл бўшатишни, қўлларида оғир юк бўлса, ёрдам беришни, меҳрибонлик кўрсатишни одат қил. Қалби дарёлик йигит кишини безайди.

Ҳизлар билан гаплашганда, хунук жаргон ибораларини ишлатма. Суҳбатдошинг бу ёқда қолиб, кўзинг атрофдан олма-кесак термасин. Айниқса, суҳбатдошингга гап бермай, ҳадеб ўзинг гапираверма. Асло ўзингни мақтама. Оқида қизлар зийрак бўладилар. Улар гердайган, мақтанчоқ йигитни яхши кўрмайдилар. Чунки гердайиш, мақтанчоқлик ақлу фаросат камлигидан нишона. Кибру ҳаво кишининг боши бўш бўлади. Афсуски, баъзан қизлар ётоқхонасига келиб, ҳуштак чалиб чақирадиган беодоблар ҳам учрайди. Ўзинг ўйла, азиз шогирдим, ҳазрати инсон зотини бошқа мавжудотлардан фарқловчи бойлиги забон эмасми!

Аёллар табиати нафис гул каби нозик бўлади. Улар сендан меҳрибонлик, ширинсуханлик кутадилар. Шоир айтганидек:

Аёл бир лутфу ҳимматга сазовор,
Гўдакдек меҳру шафқатга сазовор.

Азиз, оқида, комила қизим, сенга ҳам айтадиган икки оғиз сўзим бор. Сен, тарбиячи-мураббий, шу билан бирга уй бекаси, келгусида она бўласан.

Қизларни иффату латофат, одобу иболи бўлиш, жозибадорлик, дилраболик каби гўзал фазилатлар безайди. Шуни ҳам унутмагилки, эркакнинг аёлга бўлган меҳр-муҳаббати қизлардаги иффату латофат ва хулқи зеболик билан мутаносибдир.

Қиз боланинг ётоқхонадаги ҳарифи ҳам гўзал бўлиши керак. Чунки баъзилар туяқушга ўхшаб попиллаб оёқ ташласалар, баъзилар товуста ўхшаб кўркам, назокат билан қадам қўядилар. Айниқса, қиз болага папирос чекиш, кўча-кўйда, даҳлизларда овқат кавшаниб юриш ярашмайди.

Оқида, комила сингилларим! Қиз бола ўзининг гўзаллиги, покизалиги, орасталиги ва хулқи, зеболиги билан атрофдаги одамларга руҳ бахш этади. Шунинг учун ҳеч бир жойда асло кир-чир бўлиб юрма, йигитлар қошига ювинмай-таранмай, пала-партиш кийиниб чиқма. Ҳатто дастрўмолингни ҳам озода сақла, булар кичкина нарса, лекин уларнинг ҳар бири сенинг ким эканлигингдан сўзлайди.

Ёш дўстим, мутлақо камчиликсиз, ҳаёти теп-текис кечадиган оила учрамайди. Яхши оила аъзолари ўртасида

ҳам баъзан жузъий келишмовчиликлар чиқади. Оилавий муросада бирданига уруш-жанжал аланга олмайди. Аввал тутуни чиқади. Оқиллар тутун чиқа бошлаганини сезган он аланганинг олдини оладилар. Ана шундай вазият рӯй берган тақдирда ҳамхона дўстлар бир-бирининг камчиликларини кечирishi ва тўғри йўлга йўллаш билиши қалби дарё инсонларнинг ишидир.

Дур маржон қобирига яширинганидек, кўпинча яхши одамлар ҳам ўзларидаги яхши, гўзал фазилатларини камтарлик либоси билан яширадилар. Ана шу қобиқ ичидаги дурни англаш билиш эса кишидан ақлу фаросат талаб этади. Билъакс, шундай кишилар ҳам учраб қоладикки, улар ўзларининг хувук мақсад ва табиатини маҳорат билан, кўпинча сохта мулозамат ва хушомадгўйлик воситасида яширадилар. Бундай ҳолда ҳушёр ва зийрак бўл, ундайларга иложи борица ижобий таъсир кўрсатишга урин. Бунинг учун ундаги яхши сифатларга таян, ташвишига, қийинчиликларига ҳам, шодлигига ҳам, хуллас, барча кечинмаларига ҳамдард бўлмоғинг лозим. Акс ҳолда, унга ижобий таъсир кўрсата олмайсан.

Бунга эришмоқ учун унинг ишончига, ҳурматига эга бўлишинг ва қалбини мафтун этиш учун ҳаракат қилмоғинг, қўлингдан келганича унга мурувват кўрсатмоғинг лозим.

Сен ўз ҳамхонангни қанча кўп ҳурмат қилсанг, ўзинг ҳам шунча ҳурматга сазовор бўласан.

Дўстлик бамисоли бир ниҳол бўлса, ўзаро иззат ва ҳурмат эса бу ниҳолни суғуровчи бир обиҳаёт чашмасидир. Бу чашма сув беришдан тўхтаса, ниҳол қуригандек, ўзаро иззат ва ҳурмат тўхтаса, дўстлик тугайди. Ёш дўстим, эҳтимол, сенинг ҳамхонанг унча ижобий фазилатларга эга бўлмаслиги мумкин, лекин сен ундаги мавжуд қандайдир яхши фазилатларни аниқлаб ва уларга таяниб, унга яхши инсон деб қараб, инсоний муносабатда бўлсанг, бу билан уни яхши фазилатли одам бўлиш учун чорлайсан. Бунинг учун сен ҳамхона дўстинг билан шундай оқилона суҳбат ва мунозаралар кўргилки, у фикрлашга, ҳаётий ҳодисаларни англашга ва фаҳму фаросат билан уларни таҳлил қилишга мажбур бўлсин, энг муҳими, тегишли хулосалар чиқаришга одатлансин.

Ҳамхона дўстлар ўртасидаги муносабатда бир-бирида учрайдиган айрим камчиликларни очиқ-ойдин юзига айтиб, тўғри йўлга йўллаш ўзаро тарбиянинг муҳим воситасидир. Аввало, чин инсон содиқ дўстнинг дўстона танқидини мардлик билан эътироф этади ва у ўз нуқсонларини йўқотишга ҳаракат қилади. Лекин юзига айтилган ошкор танқид ҳаммага ҳам ёқармайди. Чин дўстликнинг муҳим белгиси

шундаки, дўстнинг ҳаққоний ўғитлари оғир ботмайди. Лекин танқиднинг ҳам ўзига хос одоби ва нафосати бор. Танқид қилиш асло инсоннинг дилғни вайрон қилиш деган сўз эмас, албатта, балки камчиликларни оқилона одоб билан кўрсатиб, уни тўғри йўлга йўллашдир. Чин дўст сенинг ўз хато ва камчиликларингни очиқ ва равшан кўришинг учун ёрдам берадиган равшан бир кўзгудир.

Умуман, ҳар ерда, айниқса ётоқхонадаги ҳам-роҳларининг айрим табиий камчиликларига шама этиб, қалтис ҳазил қилиш одобдан эмас, бу кўпинча кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлади.

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Ёш дўстим, тилда гап кўп. Ширин тил — жон озиғи деб, бежиз айтилмаган. Баркамол инсон-кишилар билан муомалада ширинсухан бўлишади, асло қўполлик ва дағаллик қилиб, одамларнинг дилларини оғритишмайди. Чунки энг хунук хулқ дилозорликдир. Сени дўст ва ёру биродарларингдан жудо қиладирган ҳам, уларнинг қошида ҳурматингни оширадиган ҳам тил. Шу билан бирга ётоқхонада бирга истиқомат қилувчи талабалар жамоаси аъзолари орасидаги дўстликни, ўзаро ҳурматни мустаҳкамловчи қурол ҳам, билъакс улар ўртасида низо ва ноиттифоқлик туғдирадиган ҳам тилдир. Милтиқ ўқи инсоннинг турли жойига тегиши мумкин, лекин тилдан отилган ўқнинг нишони битта, у фақат инсон қалбига тегади. Инсон асабининг қирғичи ҳам тил, мўмиёси ҳам тил. Ширин ва оқил сўз умр озиғи ва дўстликнинг мустаҳкам калитидир. Қўпол ва ёмон сўз қаҳратон қишдаги ёқимсиз изғиринга ўхшайди, қаерга бориб теккудек бўлса, теккан жойини музлатади. Гапи ва хулқи совуқ киши музхонага ўхшайди, у билан бир марта мулоқотда бўлган одам қайтиб унинг ёнига бориб "музлашни" асло истамайди. Заҳар тил одамларнинг асабларини бузади, умрларини қисқартиради. Ҳар қандай хушрўй қизни ҳам, йигитни ҳам хунук қиладирган нарса унинг заҳар тилидир. Яхши сўзинг хусвингга камол, ёмон сўзинг эса иқболингга завол деб бил.

Ёшлиқдан ширинсуханликни одат қил, билъакс кеч бўлади. Заҳарли илоннинг заҳарли тишини олиб ташлай оладиган жарроҳ топилади. Лекин ёшлиқидан сассиқ сўзлашга ўрганиб қолган одамнинг тилини ширин қилиш оғир ва мушкул иш.

Ҳар жиҳатдан баркамол инсон қайси сўзни, қаерда ва қай хилда гапиришни яхши билади. Меҳнаткаш халқимиз "Тил — ақл тарозиси" дир, "Тилга эътибор — элга эътибор"

деб бежиз айтмаган. Сўзлаган сўзинг сенинг ақлу зако-
ватингдан гувоҳлик беради. Шундай экан, айтмоқчи бўлган
гапингни аввало фикр дошқозонида яхшилаб пишир, сўнгра
тил дастурхонига узат, агар у хом-хатала сузилса, одам-
лардан хижолатга қоласан. Агар фикр бир ғунча бўлса,
унинг гули сўзидир. Мантиқсиз гап гапиришдан сақлан.
Намаксиз таом қанчалик бетаъм бўлса, мантиқсиз нутқ
ҳам шунчалик бемаъни бўлади.

Нутқнинг жавоҳир безаги мантиқдир. Мантиқли нутқ
тингловчини фикр уммонига етаклаб, ғаввос қилиб, унинг
теран замирида сузишга ва ундан фикр дурдоналарини
теришга ундовчи жозибали бир оҳанграбодир.

Ётоқхонада баъзи бир сергап, эзма вақт ўғрилари ҳам
учраб туради.

Ёш дўстим, баркамол инсон сўз меъёрини яхши биледи.
Сўзамоллик асло сергаплик эмас, чунки уларнинг бири
-ақлнинг кўплигидан, иккинчиси эса етишмаслигидан
нишона.

Бемаза сўз бетамизликдан нишонадир, олтин ва дур-
жавоҳирларнинг қиммати уларнинг ноёблигида. Гапнинг
ҳам миқдори ортса, қадри камаяди, сўзловчининг эса
обрўси тушади.

Ётоқда бирга тотув яшашга халал берадиган, одоб ва
ғўзаллик талабларига зид бўлган хатти-ҳаракатнинг яна
бир тури жаҳолатга берилиб, ўзини тута билмаслик.

Сершовқин, серзарда, сержаҳл, лабзсиз ва беандиша
киши умр-муросанинг, тотувликнинг заволи бўлади.

Лабзи тез одам жаҳолатга берилиб, ўзига шундай
ёмонликлар қиладики, уни ақлли одам душманига ҳам раво
кўрмайди. Аввал одамнинг қалб косасини чил-чил синдириб,
кетидан унга тасаддуқ жон бўлиб, бошидан юз бор ўргилиб
айланаётган одам, биллур косани тошга уриб майдалаб,
сўнгра ачиниб уни тераётган кишининг ҳамма тури ҳам
ёмон, лекин лабзи тезлик, дилозорлик уларнинг ҳаммасидан
ҳам хунук.

Шогирдим, илму ҳунар эгаллаш билан бирга одамлар
қалбига тўғри йўл топа олиш, ғўзаллик ва одоб талаблари
асосида мулоқотда яшай билиш санъатини ҳам эгалламоғинг
зарур. Акс ҳолда одамлардан, элдан ажралиб қоласан.
Чунки, инсон поклиги, одамлар билан ғўзал мулоқот, ҳам-
корлик қилгани учун эл ҳурматига сазовор бўлади.

ҲАЁТ КУШАНДАСИ

Ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатнинг ҳар
қандай кўринишига асло йўл қўйма. Чунончи, ётоқхонада
маст бўлгунча ичиш, жаҳолатга берилиб, қўполлик, дағал

муомала қилиш, жанжал чиқариб шовқин-сурон кўтариш, магнитофонни бақиртириб қўйиш, қимор ўйнаш, ётоқда чекиш қатъий тақиқланиши шарт.

Ётоқхонанинг тартиб-қоидаларини бузаётган талабаларга лоқайд қарама. Уларни интизомга чақириб сенинг жамоа олдидаги бурчинг.

Шогирдим, ичкилик шундай қароқчики, у инсоннинг энг бебаҳо бойлиги — ор-номусни ўғирлайди. Оиладан, ёр-биродарлардан, ота-онадан бегона қилади.

Май ичишга ружу қўйиб, ундан елкаси ерга тегмаган паҳлавонни билмайман. Маст-аласт бўлиб, қўпол муомаланг билан одамларнинг, дўстларингнинг дилини оғритиб қўйсанг, ўз қилмишингга бир умр пушаймон бўласан.

Инсон халқнинг ҳурматига тоққа кўтарилаётган киши каби ғоят машаққат билан эришади, аммо битта ноҳўя қилмиши уни беобрў қилади.

Азиз шогирдим, бундай кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермаслиги учун нима қилиш зарур деган қонуний савол туғилади. Бунинг учун жамиятимизнинг хатти-ҳаракати нормалари, қонун-қоидаларини тўғри тушунишинг, аҳамиятини илғашинг, улар сенинг ҳаётинг эҳтиёжларингга айланиши лозим. Ахлоқий гўзал фазилатларни касб этишда киши ўз-ўзини тарбиялаши ҳал қилувчи омиллардан биридир. Айниқса, ўз хато ва камчиликларига танқидий ёндоша билиш, уларни йўқота билиш одамнинг иродаси кучлилигидан далолат беради.

Азиз дўстим, уй-рўзгор илмини билиш, ўз тасаруфидаги сармойани оқилона, тежамкорлик билан сарфлаш кишидан ақлу фаросат талаб этади. Афсуски, талабалик нафақаси теккан кун “байрам” қилиб ресторанга югурадиган, ғарра-шарра сарфлаб қўйиб, қолган кунлари тийинга зор бўладиган ёшлар ҳам учраб туради. Шогирдим, шуни эслагилки, хасислик билан исрофгарчилик тарозининг икки палласи, тежамкорлик ва тadbиркорлик улар ўртасидаги олтин шайндир. Ота-онангдан эҳтиёжингдан ортиқ пул олишга уринма. Чунки ортиқча, беҳисоб пул бошингга ташвиш-таҳликани харид қилиш учун йўл очади.

Шу ерда Аббосхон исми бир талабанинг ётоқхонада бошидан кечган саргузаштларини эслаб ўтиш ўринли.

Аббосхон анча пулдор оиланинг фарзанди эди. Унга беҳисоб пул ва ноз-неъматлар келиб турар эди. Аббосхон ичкиликка қаттиқ берилиб, ҳамхоналарини менсимай қўйди.

Хонадаги талабалар Қобилжон, Шокиржон Аббосхонга кўп насиҳат қилишди. Ўзгариш бўлмагач, хат ёзиб, отасини чақирди.

Беҳисоб пул Аббосни издан чиқараётганини отасига айтишди. Аммо яхши гап бекор кетди. Отанинг ўзи юлғучлардан эди. Бунинг устига ота ичкиликка, маишатга берилиб кетгани учун бола олдида заррача обрў-эътибори йўқ эди.

Фожиа шундаки, Аббосхон ардоқлаб ўстирилган эркатой эди. Шунинг учун у ўқишдаги қийинчиликларга бардош беролмади. Ўқишга ҳам ўз хоҳиши ва иқтидори билан кирмаган эди.

Ўқишга қатнамай ва ўз устида ишламай қўйди ва ҳатто ҳар куни маст бўлиб келиб, ётоқдошларига ҳам халал бера бошлади.

Қобилжон ҳамхонасининг истиқболига бефарқ қаролмас эди ва унинг қошида ўзининг маънавий жавобгарлигини ҳис этиб, изтироб чека бошласа ҳам, унга таъсир кўрсатиш ва тўғри ҳаётга йўллаш ниятидан асло чекинмади.

Аббосхон яна бир ёмон ҳунар чиқарди. Улфатлари билан ёнидаги бор пулини сарфлаб қайтиб, эртасига ҳамхоналарига ёнимдаги пулим қани, деб маломат қила бошлади. Бу аҳвол Қобилжонни ҳам, Шокиржонни ҳам яна кўпроқ ташвишга солди.

Иродаси кучли Қобилжон бу ҳам навбатдаги қийинчиликлардан бири бўлса керак, деди. Осойишталик, тadbиркорлик қилиш лозим деган фикрни ўз дилига жо қилди. “Азоб чекмаслик инсонга хос эмас, унга чидамаслик эса эр кишига ярашмайди”, деган сўзни дилидан ўтказди. Биз икки кишимиз деди шеригига, Аббосга ўз таъсиримизни ўтказа оламиз.

У Аббостўранинг улфатларини топишга ва улар билан гаплашишга қарор қилдилар.

Бир куни Аббос отланиб кетаётган эди. “Бугун мен ҳам сен билан бирга бораман”, деди Қобилжон. Аббостўра бу таклифни ёқтирмаса-да, ноилож рози бўлди. Улар шаҳардаги ресторанлардан бирига боришди.

Рестораннинг эшиги олдида уларни ниҳоятда башанг кийинган икки йигит ва уч қиз кутиб турган эдилар. Улар билан Қобилжонни таништирди. Ресторанга киришлари билан уларни таниш официантка илиқ қарши олди. Бироз ўтмай коньяклар, ароқлар ва турли-туман таомлар келтирди. Қизлар ҳам папирос чекиб, оёқ чалиштириб, коньякни бетакаллуф ичмоқда эдилар.

Орада Аббосхон ёнидан 25 сўмлик пул чиқариб музикачиларга ўзи хоҳлаган ашулани буюртма қилди. Рақсга тушишди. Хуллас, кетиш вақти бўлиб, ҳисоб-китоб қилиш керак эди. Қобилжон ёнидан 20 сўм пул чиқариб Аббосхонга узатди.

Аббос: “20 сўмингни чўнтагингга солиб қўй! Агар тўласанг ҳаммамиз учун тўла”, деб масхараомуз кулди.

Официанткага 150 сўм бериб ҳисобимиз тўғри бўлган бўл-са керак", деди-да ўрнидан турди. Бошқалар ҳам туришди.

Қобилжон ҳамхонасини ўраб олган муҳит ҳақида бирмунча тасаввур ҳосил қилди.

Қобилжонни ҳам ўз муҳитларига тортиш учун айниқса саёқ қизлар анча ҳаракат қилдилар. Айниқса, улфатда бирга бўлган Хуморой исмли қиз кунора телефон қилиб, у ёқ-бу ёққа чақиравериб ўз ҳолига қўймади.

Аждаҳо каби ўз домига тортаётган бу маишатпарастларнинг гирдобидан ҳамхонасини олиб чиқаман деб, ўзи ҳам тузоқа илиниб, қолишлигини пайқади ва бу даврадан узоқлашиш учун кескин ҳаракат қилди.

Лекин қозонга яқин юрсанг, қораси, ёмонга яқин юрсанг балоси юқади деганларидек, улфатда бўлган йигитлардан бири хонадонга ўғирликка кириб, қўлга тушади. Улар билан улфат бўлган Аббосхон ва қизлар ҳам терговга тортилади ва ҳаммаси кўп ташвишу гап-сўзга қолади.

Ёш дўстим, кўрдингки, беҳисоб келган ҳаром пулнинг миқоби бўлади. У ўз эгасини қутуртиради ва турли ношоён йўлларга бошлайди. Меҳнат ҳосили бўлган ҳалол даромад ҳисобига қаноат билан яшаш виждонли инсоннинг гўзал фазилатидир.

РЕЖАСИ БОРНИНГ — ИҚБОЛИ БОР

Ёш дўстим, ўз касбингни ва фанингни қанча севсанг, кундалик фаолиятинг учун қатъий режим туз ва унга оғишмай амал қил. Вақтинг исроф бўлишига асло йўл қўйма. Билимдонлигинг, ҳосил этадирган кўникма ва ма-лакаларинг ҳам ўқиш ва меҳнат жараёнида пайдо бў-ладиган ҳосиладир. Кишининг фан асосларини, ҳаётни, айниқса, одамларнинг меҳнатини ҳурмат қилиш вақтнинг, умрнинг қадрини англай билиши билан узвий боғлиқдир. Вақтнинг қадрини билмаган киши эса фан сеҳри билан яшовчи, ҳақиқий илм шайдоси бўлолмайди. Одам истеъ-додининг ривожланиши унинг ўз тасарруфидаги вақт сар-моясидан оқилона, тежамкорлик билан фойдалана билишига боғлиқ.

Сен буюк фан соҳибларини ва меҳнат қаҳрамонларини шон-шуҳрат қозонган ва қозонаётган азиз инсонларнинг ҳаётларига чуқур назар солсанг, улар ўз умрларининг ҳар бир дақиқасидан ниҳоятда тежамкорлик билан фойдалан-ганликларига ишонч ҳосил қиласан. Исрофгарчиликнинг ҳамма тури ҳам ёмон, аммо улар ичида ҳаммасидан ёмони умр исрофгарчилигидир. Йўқолган жавоҳир яна топилиши мумкин, аммо бекор кетган умр қайтиб келмайди. Вақт сенинг ихтиёригдан ташқарида ўтади, лекин ундан унумли

фойдаланиш сенинг ихтиёрингда. Ер шари бир суткада битта айланиб ҳаммага бир хил умр қўшади, лекин бу вақтдан ҳар ким ҳар хил фойдаланади.

Маълумки, ҳеч ким икки марта яшамайди, лекин бир марта бериладиган азиз умрнинг қадрига етиб, тўғри, ҳалол ва пок яшай билиш энг улуғ фазилатдир. Афсуски, баъзилар ёшлигида умрнинг қадрини билмайдилар ва буни қариган чоғидагина пайқаб ўқинадилар, бироқ халқ тили билан айтганда, “сўнгги пушаймон — ўзингга душман”.

Ёш дўстим, бекорчилик ёмон, ҳосили эса ундан ҳам ёмон. Чунки ёмон фикр, хунук туйғу ва ноҳўя хатти-ҳаракатлар бекорчиликнинг ҳосилидир.

Минг афсуски, бебаҳо умр шарафли ишлар бунёд этишда фойдаланиш ўрнига қачон қарасанг бекор ўтириб, ўтган-кетгanning “уроғини оладиган”, мудом одамларни ғийбат қиладиган ифвогарлар ҳам учраб туради. Ундай носозлар неча-неча азиз одамларнинг олтин онларини ўғирлайдилар, асабларини вайрон қиладилар. Айниқса, “юмалоқ хат” ёзишни касб этган туҳматчи ифвогарларнинг касби кармон кесар киссавурлардан ҳам тубандир. Чунки улар инсоннинг энг бебаҳо бойлигини — умрини ўғирлашади.

Азиз шогирдим, бундайлардан ҳазар қил, умрингни гўзал, яхши ишлар бунёд этиш учун сарфла, ўқув юртингнинг ётоқхонаси ғийбатга ва ифвога ўчоқ бўлиши мумкин эмас, балки у гўзалликни мадҳ этувчи нафосат гулшанидир.

Вақтни тежашда ойнаи жаҳонни мақсадли ва тартибли кўриш муҳим роль ўйнайди. Ўринли томоша қилинса, ойнаи жаҳон катта маънавий озиқ беради. Лекин баъзи бир режасиз ёшлар ойнаи жаҳон қошида кеча-кундуз мукка тушиб ётиб оладилар. Улар нимани қачон ва қанча вақт, қандай томоша қилишни билмайдилар. Нима тўғри келса, шуни кўраверадилар. Афсуски, нафосат манбаи бўлган ойнаи жаҳон бундай кишилар учун вақт кушандаси бўлиб қолади. Ҳатто ўзларининг бебаҳо онларини туну кун карта, қимор ўйнаш каби бефойда ва бемаъни машғулотга сарфлайдиган калтабин ёшлар ҳам учраб туради.

Азиз дўстим, ҳар оқшом ўтган кунингни якунлашга одатлан, бугун сен олтин вақтингдан қандай фойдаланганингни, эртага нима қилишинг кераклигини ўйла. Шундай экан, асло бугунги ишни эртага қўйма, чунки эртаги куннинг ҳам ўз вазифаси бор.

Бу ўринда биздан таълим олаётган бир талабамизнинг кун тартибини намуна сифатида тавсия қилмоқчиман, унга ижодий ёндашиб, ўз кун тартибингни тузгайсан. Чунки ҳамма учун ва ҳар қандай шароитга бир хилда кун тартибини тавсия қилиб бўлмайди.

Дарс машғулоти мунтазам тартибда бўлишига эриш. Машғулот жараёнида ҳамроҳингга ҳалал берма. Ўқув залида тинчлик ва тартиб сақла. Ётоқхонадаги давлат мулкани кўз қорачиғингдек асра. Ўқув китоблари, ётоқхонадаги буюмлар сендан кейинги авлод учун ҳам кераклигини унутма. Хонангда сенгача яшаб ўтган кишиларнинг ҳаётини, яхши анъаналарини билишга ва уларни ривожлантиришга ҳаракат қил.

Дўстим, меҳмон қабул қилиш одоига ҳам риоя қил. Кимни, қачон ва қандай шароитда чақиришни бил. Бу борада ўқув юртида белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга оғишмай амал қил. Сергап, эзма бўлишдан, кишиларни бошлаб келиб, соатлаб гап сотиб ўтиришдан сақлан. Чунки ундай кишилар вақт ўғриси. Дўстингнинг муваффақиятли ўқишига ғамхўрлик қил, имтиҳонлардан қандай ўтаётганлигини кузатиб тур. Зарурият туғилса, бирга дарс тайёрлаб, унга ёрдам бер. Унинг ижодий мустақил ўзлаштира олиш қобилияти ривожланишига ёрдам бер. Сен етакчи, у етакланувчи бўлиб қолмасин.

ИНСОНИЙ ҒОЯВИЙЛИК ВА ТЕМИР ИРОДА — УЛУҒВОР ФАЗИЛАТ

Оқил ўғлим, оқила ва комила қизим! Юқорида зикр этганимиздек, инсоннинг ҳар ердаги, шу жумладан ёшларнинг ётоқхонадаги хатти-ҳаракати, уларнинг одоби онглилик даражасига боғлиқ. Инсоннинг дунёвий онги қанчалик юқори бўлса, узоқни "кўра билиш", ҳар бир ишнинг оқибатини ўйлаш, ҳаётдаги ҳар қандай қийинчиликларни бартараф қилиш каби фазилатларга эга бўлади.

Азиз шогирдим, улуғвор ғояларга эътиқодли бўлиш, ўз олдига шарафли мақсадлар қўйиш, унга эришиш йўлида зўр ирода билан муттасил ҳаракат қилиш, матонат кўрсата олиш инсонни ҳар жиҳатдан безовчи олижаноб фазилатлардир. Бунинг учун ғоявий камолотинг устида мунтазам ишла, рўзнома, ойномалар ва радио орқали муҳим ахборотлардан мунтазам равишда хабардор бўлиб тур.

Сенинг дунёқарашинг шаклланишида она-Ватанимизнинг ҳалол меҳнатлари туфайли эл ҳурматига сазовор бўлган илғор кишилари: ишчилар, колхозчи-деҳқонлар, устоз тарбиячилар, олимлар, қалам соҳиблари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва бошқа касб эгаларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари ўзига хос катта бир дорилфунундир. Сенинг бугунги иқболингда неча-неча азиз одамларнинг кечган олтин умрлари, чеккан машаққатлари,

тўқилган муътабар қонлари бор. Ўша одамлар туфайли сен бу улуғвор бахтга эгасан.

Ётоқхонада Ватанимизнинг илғор кишиларини чақириш ва улар билан жамоа бўлиб учрашувлар ўтказиш борасида ташаббускорлик кўрсат ва бу учрашувлардан ўзинг учун керакли хулоса чиқариб ол.

Гулшанга кирсанг хушбўй, хушнисор гулларнинг яхши нисори текканидек, оқил, илғор, одобли кишилар билан қанча кўп мулоқотда бўлсанг, уларнинг меҳнатсеварлиги, одамийлиги ва хулқ гўзаллиги ёш қалбларда чуқур из қолдиради. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган катта ёшдаги муътабар кишиларнинг берган оқилона ўғит ва панд-насиҳатларига қулоқ сол ва амал қил, уларнинг умр сабоқлари сен учун ҳаёт мактабидир. Қолаверса, уларнинг мумтоз ниятлари сени янада бахтлироқ, ақллироқ кўришдир.

Ёш дўстим, азиз одамларнинг ўғитларини англаганинг яхши, унга амал қилсанг, яна ҳам яхши, агар унга ташаббусингни қўша олсанг, нур устига аъло нур.

Ётоқхонада бадиий адабиёт ўқиш, санъатга оид турли машғулотлар ва ижодий кечалар ўтказишда, турли жойларга саёҳатлар уюштиришда ташаббускор бўл. Талабалар жамоасидан ажралиб, ёлғиз, яккаланиб қолма. Кўпчилик бир-бирига таянч бўлади. Буни унутма.

Инсонлар учун ўзаро дўстлик — одат, оға-инилик эса туганмас давлатдир. Ҳар бир кишининг узоқ-яқин ўлкаларда ҳақиқий дўстлари бўлгани яхши, ундай одам ҳар ерда иззат ва ҳурматда бўлади. Энг бадавлат киши ким, деб сўрасалар, содиқ дўстлари кўп одамни кўрсатиш керак. Қалбида дўстлик ҳисси йўқ кимса, дунёда энг фақир ва иқбол-истиқболсиз кишидир. Байналмилал дўстлик бахт-иқболнинг замиридир. Бахт сўзи эса тўрт ҳарфдан иборат, у бирлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, тотувлик бор жойни танлайди.

ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ИФТИХОРИ УЧУН КУРАШ

Оқил ўғлим, оқила қизим, чин инсон ўзи ўқиб таълим олаётган ўқув даргоҳи билан ифтихор қилади, унинг иқбол-истиқболи учун муттасил фидойлик, сидқидиллик билан курашади. Бу эса кўп сояли талаба ёшларимизнинг ажойиб анъанаси ва ҳаёт рамзидир.

Олий ўқув юртларида кўпгина ажойиб анъаналар мавжуд. Ўқув юртини битириб кетган талаба-ёшлар маълум бир даврда учрашиб турадилар. Бу учрашувларда ўқув юрти қучоғида кечган ёшлик ҳаётларини эслайдилар,

ҳаётда ўз ўринларини қандай топганлари ҳақида фикр алмашадилар.

Шундай учрашувлардан бири Тошкент Давлат дорилфунувининг журналистика куллиётида бўлиб ўтган. Улар 25 киши бўлиб, шу йил ўзларининг ўқув юртини тугатганларига 25 йил тўлган тарихий кунни жуда яхши тайёргарлик билан нишонладилар. Энг муҳими шундаки, уларнинг ҳаммаси ўз ўринларини топа олдилар ва ўқув юртининг шоншарафини оширдилар. Улар шу куллиётда ўқиб турган бўлғуси журналистлар билан учрашдилар.

Улар ётоқхонадаги ҳаётлари, енгиб ўтилган қийинчиликлар, қизиқ саргузаштлар ҳақида ёшларга ҳикоя қилиб беришди. Бу учрашув ва эсдаликлар ёш журналистлар учун ўзига хос мактаб бўлди.

Ўқув юрти қучоғида биздан таълим олган шогирдларимизнинг ҳаётда муносиб ўрин топганликлари, муҳим ва фаол ўринни эгаллаганликлари ҳамда бахт-иқбол топганликлари биз ўқитувчи-тарбиячиларга катта қувонч ва беҳад хуррамлик бахш этади.

Лекин айрим ёшлар орасида жамиятимиз қонун-қоидаларига риоя қилмай номатлуб хатти-ҳаракатлар билан талаба номига доғ тушираётганлар ҳам учраб турибди.

Ёш дўстим, кузатиш шуни кўрсатадики, ёшлар ўртасидаги бундай кўнгилсиз хатти-ҳаракатлар асосан бекорчиликдан келиб чиқади. Бекорчилик ёмон, ҳосили эса ундан ҳам ёмон, носоз туйғулар ҳам номатлуб хатти-ҳаракатлар ва бекорчиликнинг бекор ҳосилидир. Инсонни номатлуб хислатлардан халос этадиган энг пок, шифобахш дори фойдали машғулотдир. Шунинг учун мудом ўзинг учун ижтимоий фойдали машғулот топишга ҳаракат қил, ётоқxonанинг тартиб-қоидаларини бузиб, кечалари бевақт кўча-қўйда, бебош санқиб юрма. Белгиланган вақтда ётоқхонада бўл, доно халқимизнинг “Саёқ юрсанг — таёқ ейсан”, деган нақлини унутма. Гулшанни кезиб юрсанг, гулларнинг хушбўй нисори тегади, мудом нопок муҳитда санғиган кишига хулқи-зеболик қаердан келади?

Дўстим, ҳар бир онингни одамлар бахти учун сарфлашга интил, қинғир йўлда юрма, “Қинғир ишни қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади” деган халқ ўғитига ишонч ҳосил қилишни истасанг, қинғир йўлга кирганларнинг истиқболига назар сол. Номинг барҳаёт бўлишини истасанг, яхши ишлар билан шуғуллан.

Қандай маданий ҳордиқ чиқаришни бил ва бу борада одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қил. Белгили тартиб асосида кино, театр ва бошқа маданият масканларига бориб тур. Лекин бу борада ҳам кўп вақтни сарфлаб, умрингни беҳуда

ўтказма. Жамоат жойларида ҳам ахлоқ нормаларига, тартиб-қоидаларига ҳеч оғишмай риоя қил.

Кино-театрга, умуман жамоат орасига маст бўлиб бориш, кечикиб кириб жой талаш иш, бақириб-чақир иш, шовқин солиб гаплаш иш, фильм ёки пьесанинг мазмунини олдиндан гапириб ўтириш, стадионда ўртага нарса отиш, жамоат жойига чиқинди ташлаб, булғатиш каби ноўрин хатти-ҳаракатлар атрофдаги кишиларнинг оромини бузади, дилларини ранжитади.

Ноўрин хатти-ҳаракат қилиб, ўқув юртининг шаънига доғ туширма. Гўзал хулқинг, кишиларга маданий муносабатинг билан ҳар ерда ўрнак бўл. Ўқув юртининг обрўйи учун кураш. Жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз ўқув юртига қўлидан келганича яхшилик олиб кирса, жамоанинг иқболи баланд кўтарилади, жамият олдида шон-шухрати ортади. Ҳар бир жамоа аъзосининг олижаноб фазилати иложи борича бутун жамоанинг иш фаолиятига кўтаринки руҳ қўша билишидадир. Жамоа ҳурматида яшашнинг замири ҳам ана шунда деб бил.

Сен таълим олаётган ўқув юртиндаги ёшлик гулшанининг соҳиблари бўлмиш барча меҳри дарё устоз тарбиячилар, ректорат, умуман барча жамоатчилик сенинг иқболинг, истиқболинг ҳақида ғамхўрлик қилади. Ота-онанг, тарбиячиларинг, таълим бераётган устоз-ўқитувчиларинг ёнингда бўлмасликлари мумкин, лекин улар қаерда бўлмасинлар, умид билан сенга кўз тикиб турибдилар, уларнинг ишончини оқла, сен билан мудом ҳамдард, ҳамчафасликларини унутма. Уларга ёруғ юз билан қарай (ладиган ва ишончларига муносиб чин инсон бўл.

Сен ота-онангни мактуб билан тез-тез йўқлаб тур. Ўзинг ўйла, ота-она учун нуридийдасининг соғлиғи ҳақида хабардан қимматлироқ нарса борми? Яна шуни ҳам унутмагилки, ота-она қаерда бўлмасин, уларнинг қалби сен билан бирга юради. Уларнинг руҳи сенга ҳамроҳ эканлигини, улар қошида маънавий жавобгар эканлигини асло унутма. Сен улар қошида маънавий жавобгарлигини ўз манфаатингдан устун қўй. Ота-онангнинг ишончини бебаҳо бойлик деб бил, оқлашга интил. Ота-онанг — энг яқин дўстинг. Ишонч йўқолган жойда чинакам дўстлик бўлмайди. Шундай экан, ота-онангнинг ишончини муқаддас бил.

Жуда кўп сонли талаба шогирдларим билан ота-онани ҳурматлашнинг моҳияти ва фарзандларнинг бу борадаги бурчи юзасидан педагогик иншо олиб, суҳбат ўтказдим. Тўпланган ёзма иншоларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар ота-она қошидаги ўзларининг фарзандлик

бурчларининг моҳиятини чуқур англайдилар. Ёшларнинг бу фазилатлари шогирдларимга бўлган меҳру муҳаббатимни яна ҳам орттиради. Мен қуйида улардан намуна келтирмоқчиман.

Тошкент Давлат дорилфунуни риёзиёт куллийетининг V курс талабаси Собирова Эркинанинг ота-онаси врач ва ҳамшира бўлиб ишлашади. Эркина улар қошидаги фарзандлик бурчини жўшқин сатрлар билан ифодалайди: “Агар ота-онам менга берган барча маслаҳатларию чеккан риёзатларининг зое кетмаганлигини билсалар ва шунга ишонч ҳосил қила олсам, мен ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Ота-онам қошида бош эгиб таъзим қиламан. Бутун умрим давомида фарзандлик бурчимни адо қилишга интиламан. Фарзандлик бурчимни бажарсам, уларнинг қалбларига шодлик бахш эта олсам, ўзимни бениҳоя бахтиёр ҳисоблайман”.

Шу курс толибаси Ғозиева Маликанинг ота-онаси колхозчи. Улар 8 фарзандни не-не машаққатлар билан вояга етказганлар. Малика ўз ота-онасининг уни мафтун этган энг олижаноб фазилатлари ҳақида ёзади: “Мен ота-онамдаги кўп яхши фазилатлар қаторида, айниқса, меҳнатсеварликларини алоҳида яхши кўраман. Улар жон-диллари билан меҳнат қилишади. Шу билан бирга дадам илмли, фозил кишиларни жуда яхши кўрадилар. Шунинг учун бўлса керак, бизларнинг ҳаммамизни сидқидилдан ҳалол ўқишга, билим олишга даъват этадилар. Энг муҳими, виждонли, пок инсон бўлишимизни истайдилар. Мен уларни қандай ўқиётганим ва қандай яшаётганим ҳақида тез-тез хабардор қилиб тураман. Улардан узоқда бўлсам ҳам ота-онамнинг сиймоси кўз олдимда. Мен яхши инсон деган шарафли ном учун курашаман ва шу йўл билан ота-онамнинг ишончларини оқлайман”.

Азиз шогирдим! Ҳар хил вазиятга ярайдиган ҳаммабоб ахлоқий нафосат қоидалар рецепти йўқ. Энг улуғ устоз — ҳаёт. Ҳаётни, одамлар хатти-ҳаракатларини кузатишни одат қил. Хулқи зебо, маданиятли, фаросатли одамларнинг гўзал хулқини, хатти-ҳаракатини, ўзини қандай тутиши ва одоб сақлашини, умуман кишилар билан мулоқотда фойдаланаётган хилма-хил гўзал муомала воситаларини ўрган, улардан ижодий фойдалан.

Нафис ахлоқий хатти-ҳаракат талабларига риоя қилмаётган, ўзларининг ўринсиз қилиқлари ва хунук хатти-ҳаракатлари билан одамларнинг нафратларига учрайдиган кишилардан ҳам ўзинг учун тегишли хулоса чиқар.

Ёш дўстим, энг муҳими, ҳар кунги хатти-ҳаракатинг устида ўз-ўзингга ҳисоб беришни ва тегишли хулоса

чиқаришни унутма. Маданиятли, хушмуомалали, одобли одам бўлишнинг муҳим омили — ўз-ўзини тарбиялашдир.

Табиатдаги, ҳаётдаги одамлардаги барча гўзалликларни, санъат ва адабиёт дурдоналарининг моҳиятини идрок этиб, чуқур англамоқ ва уларни баҳолой билмоқ, энг муҳими, борлиқни, ҳаётни янада гўзалроқ қилиш борасида ўз ҳиссасини қўшмоқ ҳаёт тақозосидир.

ЎҚИТУВЧИ ГЎЗАЛЛИК СОҲИБИ

Ёшлик чаманининг боғбони. Ўқитувчи гўзаллик соҳибидир. У олижаноб, шарафли касб эгалари ҳақида не-не азиз одамлар қўлларига қалам олиб жўшқин ҳисларини, энг яхши эзгу тилаklarини оқ қоғозлар бетига битмаган дейсиз. Ҳаёт абадий. Аммо у ёш авлод билан барҳаёт. Авлод бор экан, унга таълим ва тарбия берадиган меҳри дарё ўқитувчилар ҳам абадий барҳаёт яшайверади. Ҳаётнинг бу шарафли касб эгаларига бўлган эҳтиёжи ҳам абадийдир. Ўқитувчи бамисоли боғбон. У ёшлик гулшанининг боғбони. Мактаб, ўқув юрти — ёшлик гулшани, ёш авлод унинг бебаҳо ниҳоллари, устоз ўқитувчилар бу боғнинг оқил, миришкор, меҳрибон боғбонларидир. У ўз боғидаги меваларнинг ранго-ранг ва соғлом бўлишини умид қилади. Гулшанида биронта ҳам шумғия ўсмаслиги учун курашади. Ҳар бир шогирдини бахтиёр кўришни орзу қилади. Дарахтни ширин мева, ўқитувчини эса оқил, баркамол шогирд безайди.

Бу касбни г фахру ифтихори шундаки, ўқитувчи тарбиялаб ўстирган ниҳолларнинг ҳосили қанчадан-қанча авлодларни баҳраманд қилади. Энг бахтиёр, пири бадавлат одамлардан бири ўқитувчи. У дунёдаги ҳар қандай жа-воҳирдан ҳам қимматли бўлган инсон фарзандини вояга етказиб, уни улуғ ишларга ворис қилади. Ўқитувчиларнинг бахт-иқболи шундаки, маърифат қасрини бунёд этувчи азиз авлодни тарбиялаш каби шарафли ишга даъват этилганмиз. Касблар ичида алоҳида фахр ва ифтихор билан тарона этиладигани ўқитувчилик касбидир. Чунки бирор соҳа йўқки, унга ўқитувчининг бевосита ёки билвосита қўшган ҳиссаси бўлмасин. Ўқитувчининг билимидан, ақл-заковатидан, меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлмаган киши йўқ.

Замонамизнинг забардаст олим ва шогирдлари, шоир ва санъаткорлари, фазогирлари, ишчиси, ўрмончиси, шифокори, қурувчи-инженери — ҳаммаси ўқитувчидан таълим олган. Шунинг учун ҳам халқимиз тоғ чўққиларидан юксак меҳр-муҳаббатини, қуёш нуридек

жўшқин қалб ҳароратини “ўқитувчи” деган сўзга сиғдирган ва бу номни катта эъоз билан тилга олади.

Биз ўқитувчилар касбимиз билан қанча фахрлансак, умримизнинг бебаҳо ҳосили — севган касбимизнинг дурдона меваси, фахру ифтихоримиз бўлган шогирдлар билан бахтиёрмиз. Улуғ Ватанимизнинг қайси ерига борсак, “Салом, устоз, ўқитувчим”, деб шогирдларимиз пешвоз чиқишади. Биз шунда ўзимизни қанчалик бахтиёр инсон эканлигимизни чуқурроқ ҳис этамиз. Умримизга яна умр қўшилгандек ўзимизни тетик сезамиз. Ана шу нарса бизга яна куч-қувват ва касбимизга беқиёс муҳаббат бахш этади.

Ўқитувчи меҳнатини тақдирлаш “Халқ ўқитувчиси” деган юксак унвоннинг таъсис этилишида яна бир ёрқин ифодасини топди.

Ўқитувчи ўзига бўлган бу ҳурмат билан бирга унга ёш авлодни тарбиялаш каби фахрли, айни замонда жуда мураккаб ва масъулиятли вазифа ишониб топширилганлигини жуда яхши билади. Бундай ишончни оқлаш биз ўқитувчилардан жуда катта масъулият талаб этади.

Илмий-техника тараққиёти катта суръат билан ривожлана бораётган бир шароитда улуғ ҳаёт бизнинг олдимизга янгидан-янги муҳим вазифаларни қўймоқда.

Дарс биздан меҳнаткашлар тарбиясига атрофлича ёндашишни, ёш авлодни ҳар тарафлама ривожлантиришни талаб этмоқда. Шундай шароитда ўқитувчининг ўзига хос ўрни ва мавқеи қандай бўлиши керак. Бу касб эгаси ўзига хос ижтимоий, сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бера олиши учун у қандай сифатларни ўзида мужассамлаштириши керак, деган қонуний савол туғилади.

Ўқитувчи қуйидаги фазилатларга эга бўлиши керак: инсоний ғоявийлик, инсоний этиқодлилиқ, ватанга содиқлик, меҳнатсеварлик, ижтимоий бурчни чуқур англаш, инсон манфаати сингари улуғвор мақсад йўлида мумтоз ниятлар, темир ирода билан кураша билиш, ҳаққонийлик, принципиаллик, мудом меҳнаткаш халқ билан ҳамдам ва ҳамкорлик, халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш, ҳаётда фаол позицияда туриш, янгилекларни сезиш ва уларни ҳаётга жорий этишда ташаббускорлик кўрсатиш, ахлоқий поклик ва ёш авлодга меҳрибонлик, оқилона талабчанлик, юксак маданий хулқ, нафосат, тил ва дил бирлиги, фан асосларини, жамият, табиат ва инсон тафаккури қонуниятларини чуқур билиш ва амалда қўллаш олиш, ҳар соҳада ёш авлодга ўрнак кўрсата билиш.

Ўқитувчининг жамиятдаги муаллимлик вазифаси ана шу фазилатларни ўзида тўла мужассам бўлишини тақозо этади.

ҒОЯВИЙ БАРКАМОЛ, ҒАОЛ ЖАМОАТЧИ

Ўқитувчи, энг аввало, йўл кўрсатувчи ёрқин юлдуз бўлиб, у ўз фаолиятида юксак ахлоқ-одоб қондаларига таяниб иш кўради ва уни ижодий равишда бойитишга ўз ҳиссасини қўшиб боради.

Маълумки, киши ўз-ўзидан эътиқодли бўлиб қолмайди. Кишидаги инсоний эътиқод табиат тараққиёти, жамият тараққиётига оид фанлар асосларини чуқур эгаллаш ва олинган билимларни ва улуғ ҳаёт тажрибалари билан узвий боғлаб таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали ҳақиқатни, борлиқни англаш ва уни гўзал қилиш учун кураш натижасида шаклланади. Улуғ ғояларга эътиқодни куйдира оладиган ўт, улуғ маслак йўлида курашаётган инсоннинг иродасини бука оладиган куч йўқ.

Ғояси саёз киши ҳаёт уммонининг тубига ета олмайди ва ундан жавҳарларни теришга ҳам қодир бўлмайди, қаноти қисқа қушлар узоққа парвоз қила олмаганидек, ҳаётнинг ривожланиш қонуниятларидан беҳабар киши, хусусан, шундай ўқитувчининг келажакни кўра олиш имконияти чекланган бўлади.

Ҳаётда инсон ўз олдига шарафли ва муқаддас орзу-истакларни қўя билиши зарур. Бу эзгу орзу-истак эса фақат меҳнат ва матонат билан жамланиши мумкин. Яна шу ҳақиқатни унутмаслигимиз лозимки, кишининг ўз олдига қўйган мақсад ва унга эришиш йўлида фойдаланадиган воситалари унинг ақлу идрокининг қандайлигидан далолат беради.

Ирода улуғ ҳаётда, меҳнат ва кураш жараёнида шаклланади, сайқал топади ва синовдан ўтади. Қийинчиликлардан қўрқиб, чекиниш камолотнинг тўхташидан нишона. Чунки камолотнинг замири қийинчиликларни енгиб ўтишда, ҳаётда учрайдиган қийинчиликларни ва зиддиятларни енгиб ўтишида. Азиз касбдошим, ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган ва зиддиятларни енгиб ўтган инсонга чуқур назар соласан, унинг ақлига ва ички дунёси ҳам гўзал эканига ишонч ҳосил қиласан. Улуғ сиймо Умар Ҳайём айтганидек:

*Қийинчилик кечиб одам ҳур бўлур,
Садафда қамалиб қатра дур бўлур.*

Шарафли ва яхши ишлар оғизда эмас, балки амалда бажарилади. Айниқса, ўқитувчининг эътиқоди ва тилак-орзулари унинг амалий фаолиятига айланмоғи лозим. Агар кишининг улуғвор фикр ва ғояларига, гўзал ҳис-

туйғуларига, дилдаги эзгу ниятларига монанд амалий хатти-харакати қўшилса, нур устига аъло нур бўлади.

Зиёкор ўқитувчи ҳалол меҳнат қилиши, ўз бурчини тўлиқ адо этиши, айтган сўзларига амал қилиши зарур. Шунда халқ унга ишонади.

Ўқитувчи — зиё тарқатувчи. У замон билан ҳамнафас одим ташлаши, фан-техника ютуқларини, барча янгиликларни тарғиб этиши керак. Ўқитувчи халқдан бир қадам олдинда юриб, одамларни ўз ортидан эргаштириши даркор.

ТАРБИЯГА МУҲАББАТ

Ўқитувчилик касбига қадам қўйиш ниятида бўлган одам ўз-ўзига: шу касбни севаманми, дилимда бу ҳавас ўти борми? мен болажонлик фазилатига эгаманми? бир умр ана шу ниҳоят мураккаб, лекин шарафли касбнинг жозибали сеҳри билан яшай оламанми? деган саволларни бериб, ўз қалби билан гаплашиб олмоғи лозим.

Инсонни эл ҳурматиغا сазовор этувчи яхши фазилатлардан бири танлаган касбида садоқат билан ишлай билишдир. Касбда қўнимли бўлиш инсонни безовчи зийнат бўлибгина қолмай, ишни унумли қилади. Бир ерда, бир касбда узоқ ишлашда ҳикмат кўп. Доно халқимиз: “Дарахт бир ерда камол топади” деб бежиз айтмаган. Умуман ҳар бир инсон бир касбда, иложи борича бир жойда қўним билан ишлаши унинг ўзи учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам фойдали. Билъакс ишда, касбда қўнимсизлик одамнинг ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойдасиз.

Минг афсуски, айримларнинг иш фаолиятини кузатар экансиз, унинг меҳнат дафтарчасида ўнлаб иш жойини алмаштирганлигини кўриб, гоҳо фикрга толасиз. Бир ерда қўнолмайдиган, ишда қўнимсиз бундай читтак нусхалар кўпинча жамиятимиз тартиб-қоидаларига риоя қилмаётган, интизомсиз кишилардир. Ҳатто қандай бўлмасин бир амаллаб диплом олишнинггина кўзлаб, педагогика ўқув юртларига кириётган, кейинчалик ишдан-ишга кўчиб юрган кишилар анчагина учраб туради. Бундай кишилар ўқитувчиликка ўз хоҳиши биланмас, балки ота-оналарининг ва бошқаларнинг гапи билан кириб қолган бўлади. Чунки уларнинг тарбиячилик касбига меҳри йўқ, бу касбнинг шавқ-завқини сезмайдилар. Шунинг учун уни ардоқламайдилар.

Давр биз педагоглардан, ота-оналардан, тарбияшунос олимлардан бола истеъдодини ёшлигида, боғчада ва мактабда аниқлаш, жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга

олган ҳолда уни ўстириш шакл ва методларини яратишни талаб этмоқда. Ҳар қандай киши ҳам ўқитувчи бўла олмаслигини илмий тадқиқотлар кўрсатмоқда. Ўқитувчилик касбини эгаллаш учун кишида қобилият, муайян малака ва маълум тайёргарлик бўлиши лозим.

Кўпгина ўқитувчилар ўзларининг касбига фидоийлиги ва маданияти, гузал маънавий фазилатлари билан эл ҳурматиغا сазовор бўладилар.

Бир касбда, бир жойда қўним билан ишлаб, эл ҳурматиغا сазовор бўлган устоз мураббийлардан бири жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи марҳум Муҳиддин Муродовдир. Унинг меҳнат дафтарчасига жумҳурият стенография мактабига 1930- йилда ишга кирди, деб ёзиб қўйилган, холос. У ана шу мактабнинг ташкилотчиларидан бири эди.

ЎҚИТУВЧИ БИЛИМИ

Ўқитувчи бўлиш учун касбни севишдан ташқари, ўз фани бўйича чуқур, шунингдек ёндош фанлар соҳасида ҳам кенг билимга эга бўлиш керак. Бола билимдон ўқитувчини ҳурмат қилади. Ёш инсон қошида обрў қозонишни истаган ўқитувчи ўз камолоти устида муттасил, доимий ишламоғи лозим.

Ҳаёт, фан ва маданият жуда катта суръат билан ривожланмоқда. Ҳозир ахборотлар ниҳоятда кўпайган давр. Ахборотлар оқими ичидан ўзи учун энг муҳимини топа олиш биз ўқитувчилардан тинмай ўқишни талаб этмоқда.

Афсуски, олий ўқув юртида олган билими билан чекланаётган, билим доираси дарсликдан нарига ўтмайдиган ўқитувчилар кўп. Бундай ўқитувчи ўз ўқувчиларидан орқада қолмоқда. Чунки ўқувчи бой ва кўп қиррали ахборотдан баҳраманд. Бу ўқитувчининг обрўйини туширмоқда.

Ўқитувчи ўз устида ишламаслигининг ёмон оқибати шундаки, у ўқувчилар умрини зое кеткизади. Ўқувчининг олтин вақтини беҳуда оладиган ўқитувчи эса бир умр зиё бермай, дудлаб ётган чироқни эслатади. Зиёкор-ўқитувчи эса мудом порлаб нур бермоғи, ўз зиёсидан авлодни баҳраманд қилиши лозим.

Инсон бошқа бировга нур бериши учун ўзи порлаши керак. Ўз устида ишламай, ҳаётдан орқада қолаётган айрим ўқитувчиларнинг ишлари кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шундай экан, азиз ўқитувчи, синфда сенга термилиб турган ва сендан руҳий озиқ кутиб ўтирган қора кўзлар

олдига асло тайёрланмай кира кўрма! Акс ҳолда, у чўлпон кўзларда ўзингга нисбатан ғазаб ва нафрат ўтини ёққан бўласан.

* * *

Ўқитувчи ўз билимини ўқувчиларга бера билиши, энг муҳими, уларда билимга қизиқиш уйғота олиши, мустақил ўқиш кўникмаларини тарбиялаши ва бу борада бола фаолиятини ташкил этишга раҳбарлик қилиши керак. Бунинг учун ўқитувчи тарбияшуносликни, руҳиятни ва ўз фанининг методикасини чуқур эгаллаши, фаннинг янги ютуқлари билан изчил қуролланиб бориши зарур.

Ўз билимини ўқувчиларга етказа олмайдиган ўқитувчилар ҳам учраб туради. Уларнинг дарсида кўпинча интизомсизлик, шовқин-сурон кўтарилади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини тинчитиб беришни мактаб раҳбарларидан илтимос қилган кулгили ҳоллар ҳам учраб туради.

Ўқитувчига обрў ўз-ўзидан келмайди У муттасил ижодий изланиш ва чекилган риёзатнинг натижаси бўлади. Ўқитиш маҳоратини эгаллаш учун Улуғ Ватанимиздаги барча халқларнинг илғор тарбиявий тажрибаларини муттасил кузатиб, улардан ўрганиши ва ижодий фойдаланиши зарур.

Тарбия маҳоратининг муҳим бир томони ўқувчини фаоллаштириш билан боғлиқ. Чунки таълим-тарбия жараёни — икки ёқлама жараён. Ўқитувчи таълим беради, ўқувчи уни ўзлаштиради.

Тарбиячилик маҳорати сирлари билан талабалар дастлаб педагогик практикада танишадилар.

Маълумки, педагогик практика талабаларнинг ўз касбини эгаллаш бобида йиллар давомида олган таълимининг яқунлари десак бўлади. Рамзий қилиб айтганда, қуш ўз қушчаларини учирма қилиб мустақил парвозга тайёрлаганидек ёки учувчи ўз шогирдини мустақил парвоз учун кўкка кўтарганидек, тарбиячилар ҳам ўз шогирдини катта ҳаёт учун ҳозирлайдилар. Ана шу муҳим тадбирни янада мукамаллаштириш зарур. Ҳозирги вақтда тарбияшунослик замондан ортда қолмоқда.

Баъзи ўқитувчилар ўқувчилар билан унча фикрлаш ва изланиш талаб қилмайдиган осон масалаларни ҳал этиш билан чекланадилар. Бунинг оқибатида ўқувчининг камолоти ҳаёт тараққиётидан орқада қолади. Бу тарзда дарс берган ўқитувчи болани олдинга томон эмас, орқага тортади. Тарбия маҳорати боланинг миясини далил ва рақамлар билан тўлдиришдан иборат бўлмай, балки болага уларни

таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқара билишни ўргатишдадир. Эндиликда бутун ўқитиш фаолиятимизда бола камолотини ривожлантиришни тезлатиш энг муҳим масала бўлиб қолади.

Бунинг учун боланинг бугунги ёки кечаги ҳолатини эмас, балки келгуси имкониятига таяниб иш кўришимиз керак. Иложи борича бола олдига, уни фикрлашга даъват этадиган муаммоли масалаларни кўпроқ қўйиб, ва зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб, уни изланишга ўргатиш лозим.

Моҳир ўқитувчи шогирдларни ҳаётдаги ранг-баранг ҳодиса ва воқеаларни синчковлик билан кузатадиган, таҳлил қила оладиган, илмий тадқиқот ишига қизиқадиган, бир умр ўзи ўқитган фаннинг сеҳри билан яшайдиган қилиб тарбиялайди. Ундай моҳир устозларни шогирдлар бир умр эслайдилар.

Бу ўринда олий мактабда таълим берувчи устоз мураббийларнинг ўзларига хос айрим хусусиятларини эслаб ўтиш лозимдек кўринади. Чунки бўлғуси ўқитувчи ва бошқа мутахассисларнинг иқболи ва истиқболи кўп жиҳатдан уларга боғлиқ. Олий мактаб ўқитувчиси олим, тарбияшунос ва мураббийдир.

Тарбия маҳоратининг муҳим бир кўрсаткичи нутқ маданиятидир. Сўзда нуқтадонлик, мантиқ ва мазмундорлик тарбиячи учун энг зарур сифатдир. Бунинг учун ўқитувчи ўз нутқи устида муттасил ишлаши, қисқа ифодада кўп фикр айта билиш маҳоратини эгаллаши зарур. Ҳақиқий тарбиячи маъруза жараёнида шогирдларини ўзи билан бирга фикрлашга чорлайди, маҳоратсиз педагогнинг маърузасида эса тингловчиларнинг сурати ўтиради-ю, хаёли олма теради. Чинакам маҳоратли устоз ўқитувчининг сеҳрли маърузасини ва айтадиган сўз дурдоналарини шогирдлари муштоқлик ва иштиёқ билан тинглайди.

ТАРБИЯЧИ ОДОБИ

Илғор ғоялар ва янгиликларнинг тарғиботчиси бўлган зиёкор энг маданиятли инсон бўлиб, бу фазилат унинг юриш-туришида, феъл-атворида, кийинишида, оилада, иш жойида, одамлар билан маданий муомала қилишида, рўзгор юргизиши, жамоат жойларида ўзини яхши тута олишида, нутқ маданиятида, адабиёт ва санъат дурдоналарини севиш ва улардан фойдалана билишида, ҳаёт, табиат ва одамлардаги гўзалликларни баҳолаши ва қадрлашида, барча хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Бу фазилатлар ўқитувчининг гўзал ички дунёсининг ташқи ифодасидир. Ўқитувчи ўқувчиси билан муомалада тарбия одобига риоя

қилиши, ўзини тутта билиши, шароитни ҳисобга олиб, таълим-тарбия усулини танлаши керак. Ўқитувчи ёш қалб эгасининг энг яқин дўсти ва йўл кўрсатувчи мураббийсидир. Афсуски, ўқиган бўлса ҳам, маданиятсиз, етарли тарбия олмаган, феъл-атвори хунук, ҳаётдан орқада қолган, омма орасида заррача обрўси йўқ, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ўқитувчилар ҳам учраб туради. Маълумот даражаси юқори, аммо кулди хунук одамлар бор. Бунинг сабаби шундаки, бу кишиларнинг олган билим ва тушунчалари эътиқодга ва амалий фаолиятга айланмаган.

Тарбиячилик истеъдоднинг туб моҳияти ва мактабнинг муҳим вазифаси ўқувчиларни ўз-ўзини тарбияловчи, мустақил билим олишга қодир, ҳар томонлама камолотга интилувчи инсон этиб тарбиялашдир.

Биз ўқитувчилар бу борада ёшларга ижобий ўрнак кўрсата олишимиз, ўз ҳаётимизни нафосат қонуни асосида яратмоғимиз ва ижодий ҳаётни, табиатни, борлиқни янада гўзал қилиш йўлида курашмоғимиз ҳал қилувчи омиллардандир. Бунга эришмоқ учун биз ўз камолотимиз устида тўхтовсиз ижодий изланишимиз, энг мақбул таълим ва тарбия усулларини ҳаётга жорий этмоғимиз лозим.

Ёш авлодни инсоний ахлоқ руҳида тарбиялашда даъват этилган ўқитувчи ёмонликнинг ҳар қандай кўринишидан мусаффо бўлиши керак. Лекин ўқитувчилар орасида ифвогар, ҳасадгўй, ичкиликка, маишатга муккасидан кетган, ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўядиган худбин, таъмагир кишилар, фикри бузуқ гуруҳбозлар, маҳаллийчилар бор.

Ифвогар одамлар ўртасига нифоқ ташлайди, жамоани бузади, таълим-тарбияни издан чиқаради. Бу шахс бугун мени сизга ёмонлар экан, билингки эртага сизни менга ёмонлашдан тоймайди. Пашша билан ифвогарнинг ҳунари бир. Фарқи шуки, уларнинг бири кишилар орасида юқумли микробларни тарқатса, ифвогар фисқ-фасод ва бузғунчилик уруғини сепади. Шунинг учун ҳам ифвогарнинг фисқ-фужур тузоғига илиниб қолмай, балки уни оқилоналик билан танқид остига олиш, эл-юрт қошида фош этиш ҳаммамизнинг муҳим бурчимиздир. Ичи қора, ҳасадгўй киши ақлли ва истеъдодли кишилардан ўрганиш ўрнига уларга бахиллик қилади. Истеъдоднинг шаштини қайтаришга, уни ишдан чалғитишга ҳаракат қилади. Бундай истеъдодли кишилар фаолияти халқ камолотининг муҳим омили эканини ҳисобга олсак, ифвогар, ҳасадчи, гуруҳбозлар халқ учун зараркунандадирлар. Бундай разил кишиларнинг қабиҳ ниятини фош этиб, истеъдодли кишиларни асраб қолиш ҳар биримизнинг келажак олдидаги инсоний бурчимиздир.

Олий ўқув юрти қучоғида ўқиш жараёнида юриш-туриш, кийинишда маданий хулқ-атвор касб этиб, аммо ишга боргач, қишлоқдаги илғор, маданиятли кишилар даврасига қўшилиб, оммага ўрнатилган кўрсатиш ўрнига маишатга муккасидан кетган кишилар билан улфат тутиниб, ўзининг маънавий камолотига, ташқи қиёфасига қарамай, ачинарли ҳолга тушаётган ўқитувчилар ҳам учрайди. Бунинг учун, аввало, унинг ўзи айбдор. Лекин мактабга янги келган ёш мутахассис ходимнинг ўзини тутиб олишига ёрдамлашиш ўрнига уни саргардон қилаётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Унинг кимлар билан улфат тутингани, кимлар билан дўстлашгани, турмуш тарзи қай ҳолда бошлангани, моддий шароити, маънавий камолоти устида қандай ишлаётгани, юриш-туриши, ҳатто кийиниши, одамлар орасида, жамоада ўзини қай ҳолда тутаяётгани билан қизиқиш, қийин дамда кўмаклашиш мактаб жамоасининг бурчи. Ўқитувчининг биринчи қадами унинг камолоти учун муҳим замин бўлади.

Ичкиликка муккасидан кетиш — иллат, ўқитувчининг обрўсига путур етказиши. Иложи борича ичмаслик, лекин зарурат туғилиб қолганда, ким билан, қачон, қасрда, қанча ичиш мумкинлигини асло унутмаслик зарур. Ичкиликка қаттиқ ружу қилиб, елкаси ерга тегмаган паҳлавонни биз билмаймиз. Улуғлик билан тубанлик ўртасидаги масофа бир шиша ароқнинг бўйига тенг келади. Ўқитувчи оқ гулга ўхшайди, унинг шаънига жиндек доғ тушгудек бўлса, доғ дарҳол кўзга ташланади.

Ўқитувчи ўз оиласидаги мавқеи ва ҳурмати билан ҳам элга ўрнатилган бўлмоғи лозим. Маълумки, оила қасрига путур етказаяётган кушандалардан бири яна шу ичкиликдир. Ароқ — аччиқ, оила, фарзанд эса — ширин. Бирига яқинлашган одам иккинчисидан узоқлашади. Маънавий гўзал, ахлоқи пок, таълим ва тарбия фанини чуқур эгаллаган ўқитувчи фақат ўз оиласининггина эмас, балки ҳамма ота-оналарнинг ҳам энг яқин маслаҳатгўйи ва содиқ дўстидир.

Лекин ўқитувчилар орасида ҳам оилани қисиб, болаларига ўқиши ва яшаши учун шароит яратмай, ҳатто вақтида иссиқ овқат едирмай, юпун-йиртиқ кийдириб, неча йиллар давомида шу тарзда пул йиғиб ном чиқарга тўй қилиб, ичкиликни анҳор қилиб оқизиш қўйиб, отарчиларни тўплаб, бор-йўғини сочиб, қарздор-абгор бўлаётганлар ҳам йўқ эмас.

Илғор анъаналарнинг тарғиботчиси бўлган, янги турмуш тарзини оммага олиб кириши лозим бўлган айрим ўқитувчиларнинг бундай номатлуб хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлаб кўриш учун фурсат етмадимикан? Бизнинг

ишончимиз комилки, қалби дарё илғор, азиз ўқитувчиларимиз ўз касбдошларидаги нуқсон ва камчиликларга бепарво қарай олмайдилар. Балки уларни бартараф қилиш учун ўзларининг оқилона маслаҳатларини берадилар. Энг муҳими, ундай кишиларни тўғри йўлга йўллашга ёрдам берадилар. Ўқитувчини безовчи фазилатлар ҳақида хулосалаб шуни айтиш лозимки, мактаб ўқитувчиларининг илмий унвони йўқ. Лекин ўқитувчи, аввало, чин инсон бўлиши, касбини севиши ва чуқур билим бериш санъатини эгаллаши ижтимоий ҳаёт тақозо этаётган зарур фазилатларни ёш авлоднинг онгига сингдира олиши шарт. Бунда унинг ўзи ҳар борада ижобий ўрناق бўлиши ҳал қилувчи омилдир.

Ниҳоят, шуни ҳам эътироф этиш керакки, мактаб ва ўқитувчининг обрўси фақат унинг ўзи учунгина эмас, балки ёш авлоднинг иқбол-истиқболи учун ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Ўқитувчининг обрўси, юқорида зикр қилганимиздек, кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, обрўсини кўтариш борасидаги ғам-хўрлигига ҳам боғлиқ.

Меҳнаткаш халқнинг ҳисобига яшаётган ва бойлик тўп-лаётган баъзи бир юлғичлар ҳалол меҳнат билан кун кўраётган азиз ўқитувчиларни назар-писанд қилишмайди. Биз деймизки, азиз касбдошим, ўзини сендан устун қўймоқчи бўлган юлғичлар қошида руҳингни асло туширма, ўз касбинга бўлган эътиқодинг ва ифтихоринг билан яшайвер, чунки адолатли эл назарида ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Донишманд одам фан, мансаб, бойлик чўққисига кўтарилганда ҳам ўз устозларини асло унутмайди. Чунки унинг эришган барча муваффақиятларида устозларнинг ақл-заковати, чеккан риёзати, қолаверса, азиз умри бор. Устоз қадрини билмаган баъзи бир калтабинларга буюк Алишер Навоий деган:

*Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила,
Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.*

Навоийнинг улуғвор фикрларини баъзи бир ақли калталарга эслатиб туриш лозим. Зора, бундай калтабин киши ўзи учун тегишли хулоса чиқариб олса.

Бу воқеа 50 йил муқаддам бўлиб ўтган эди: мен жуда ёш эдим. Тошкент шаҳрининг атрофида Чимбой мавзеида боғимиз бўларди. Кунларнинг бирида эшик тақиллаб, боғ қўшнимиз марҳум Комилжон ака келдилар. Дадам билан Комилжон ака суҳбатига халал бермаслик учун боққа чиқдим. Бир оздан сўнг дадам чақирдилар:

— Комилжон аканг фарзанд кўрибдилар. Ўғлига Раҳимжон деб ном қўйиш ниятида келган эканлар. Қўшни бўлганимиз учун ҳурматимизни қилиб розилик сўра-
яптилар.

Комилжон ака сўзга қўшилдилар:

— Сизнинг оилангиз — ўқитувчилар оиласи. Менинг ҳамма амакиларим ўқитувчи эдилар, менинг фарзандим ҳам ўқитувчи бўлишини орзу қилар эдим.

Дадам раҳмат айтиб, бажону дил, ўғлинингизнинг икбалини кўринг, дедилар.

Бу воқеани ҳикоя қилишнинг боиси шуки, давр ўтиб мен ҳам, адашим Раҳимжон ҳам бирга ўқитувчилик қилдик ва тарбияшунослик фанлари номзоди деган унвонга муяссар бўлдик.

Қизиги шундаки, Раҳимжон ҳам, мен ҳам журналистика соҳасига бирга қадам қўйдик. Мен “Совет мактаби” журнаliga муҳаррир бўлдим. Раҳимжон эса мендан кейин аввал “Совет мактаби”га, кейин “Ўқитувчилар газетаси”га муҳаррир бўлди. Мен Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий текшириш институтида директор бўлиб ишладим.

Раҳимжон шу институтда катта илмий ходим бўлиб ишлади.

Ҳар иккимизнинг фамилиямиз Раҳимжон Усмонов бўлгани учун бизни баъзан адаштириб ҳам юришади.

Мени фахрлантирадиган нарса шундаки, Раҳимжон ҳозирда Ушинский номидаги республика ўқитувчиларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ўқитувчиларнинг ўқитувчиси бўлиб ишламоқда. Мен унинг тарбиячилик истеъдоди ва қобилияти, хулқи зеболиги, билимдонлиги, камтарлиги ва инсонпарварлигини чин қалбимдан ардоқлайман.

Яна шундай воқеалардан бири, яқинда ҳозир истиқомат қилиб турган жойим — Тошкент шаҳридаги “Илғор” маҳалласида бўлиб ўтди. У ерда бир қанча дўст, биродар, улфатларим бор. Бир ўспирин келиб, уйдан чақирди ва улфатларим бир жойда йиғилганликлари ва мени улар қошига олиб боражагини айтди. Мен кийиниб чиқиб, унга ҳамроҳ бўлдим. Йўлда ўспириннинг исмини сўрадим. У “Раҳимжон” деб жавоб берди.

— Сиз кимнинг фарзандисиз?

У марҳум Асқар аканинг ўғли эканлигини айтди.

Шу он бундан 17 йил муқаддам бўлиб ўтган воқеа хотирамга келди.

Кунларнинг бирида уйимга тандирдан энди узилган тўртта иссиқ нон кўтариб, Асқар ака кириб келди. У киши ота-боболаридан тортиб новвой ўтган. Уйга кириб, бирга

чай ичдик, гаплашиб ўтирдик. Асқар ака ўғил кўрган эканлар. У киши менга мурожаат қилиб, деди:

— Раҳимжон ака, менга худо фарзанд берди. Исмини Раҳимжон қўймоқчиман. Сиз бир фотиҳа берсангиз, ўғлим сизга ўхшаб ўқитувчи бўлса деган орзуда эдим.

— Асқар ака ниятингизга етинг, ўрлингизни бахтини кўринг, — дедим мен.

Ҳамроҳим ўша Раҳимжон эди.

Раҳимжон ўнинчи синфни тугатган, педагогика ўқув юртига кириш ниятида экан.

Мен ёшлик гулшанининг боғбониман, устоз Фафур Ғулум сўзи билан айтганда, ёш авлодни камрон ва бахтиёр кўришни истайман. Кичик адашим Раҳимжонга ҳам бахту иқбол тилайман.

Ҳурматли касбдошим! Менинг исмига бу ҳурматни бир умр ўқитувчилик касбининг сеҳри билан яшаганим ва шу шарафли касбнинг шайдоси эканлигимдан деб тушунмоқ керак.

Хуллас, биз шу ҳақиқатни эътироф этишимиз шартки, эл қошида мактаб ва ўқитувчининг обрў-эътиборини қанчалик кўтарсак, ёш авлоднинг ақлий ва ахлоқий камолоти шунчалик самарали бўлади. Чунки ўқитувчининг обрўси унинг шахсан ўзи учунгина эмас, балки ёш авлоднинг иқболи ва истиқболи учун керак.

Ёшларда ўқитувчилик касбига қизиқиш, меҳр уйғотиш, азиз касбдошлар, бизнинг жамият қошидаги бурчимиздир. “Зар қадрини заргар билади” тарбиячилик қадрини унинг бир умр сеҳри билан яшаган кишилар яхши билишади. Афсуски, ўқитувчилар ҳаёти ва фаолиятини ёшларга намуна қилиб кўрсатиш борасида тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилмаган.

Бизнинг наздимизда минглаб ёш авлод тарбияланаётган мактаб катта бир оила. Оилага ҳам ота, ҳам она керак. Бола тарбиясида отанинг ҳам, онанинг ҳам ўз ўрни бор. Ота — оиланинг карвонбошиси.

ЎҚИТУВЧИ ҲИКМАТЛАРИ

*Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.
Абдурахмон Жомий*

Ҳақиқий устозликнинг моҳияти улуғ ҳаёт тақозо этаётган ахлоқий фазилатларни ёш авлоднинг онгига, эътиқодига, энг муҳими, унинг кундалик хатти-ҳаракатига айлантира билишдир.

* * *

Ўқитувчини безовчи фазилатлардан бири келажакка назар ташлай билишдир, чунки шогирди унинг кўзи билан ҳаётга боқади.

* * *

Ўқитувчининг обрўси бамисоли бир муҳташам қаср.

* * *

Ўқитувчи ва тарбиячи талаба ёнида ҳар доим катта масъулият сезмоғи лозим. Унинг талаба қошидаги обрўси ана шу ҳиссиёт билан мутаносибдир.

* * *

Истеъдодли тарбиячи тарбияланувчини ҳаётдаги хилма-хил ва мураккаб фазилатларга юзма-юз қўяди ва мақбул ечим топишга ўргатади.

Баъзан ўқитувчиларни ҳайкалтарошга ўхшатадилар, лекин бизнинг иш манбаимиз жонсиз тош эмас, балки қалби, сезгиси, туйғуси бор инсон фарзандидир.

* * *

Ёш авлодда мустақиллик ва ташаббускорлик етишмас экан, бу бизнинг тарбиячилик маҳоратимиз бўшлигидан нишона.

* * *

Ўқитувчи обрўйини топиш учун чуқур билим эгаллаб, ақлу одоб касб этиб, бир умр ҳалол риёзат чекмоқ лозим, лекин ундан айрилиш учун битта ақлсиз ҳаракат кифоя.

* * *

Дунё халқларининг илғор тарбия тажрибаларини кузатмай ва ўрганмай, ўзининг билим доираси билан чегараланиб қолган ўқитувчи фан-техника ютуқларидан бебаҳра қолган косибни эслатади.

* * *

Биздан таълим олаётган бўлгуси ўқитувчи шундай билим ва ақлу заковат чуққисига кўтарилмоғи лозимки, унинг ақл кўзи жуда узоқни кўра олсин, ёш авлоднинг қалбини чароғон қилсин.

* * *

Ўқитувчининг обрўси ва мавқеи фақат унинг ўз шахси учунгина эмас, балки ёш авлоднинг ақлий ва ахлоқий камолоти учун зарур.

* * *

Бола қошида зўрлик билан қозонилган обрў унинг нафрати билан йўғрилган бўлади.

* * *

Ҳаёт оқимидан секин, унинг талабидан тубан яшаш ўқитувчини беобрў ва беқадр қилади.

* * *

Яхши билан ёмонни ажрата олмайдиган мураббийнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегади. Чунки у болаларни шу руҳда тарбия қилади.

* * *

Биров ёзган ишга қўшилиб олиш, бўлиш — бу ҳам ўғрилиқ.

* * *

Болани одамларнинг фазилатларини сезиш ва ҳурмат қйла биладиган этиб тарбиялаш катта маҳорат талаб қилади.

* * *

Биздан таълим олаётган шогирд фақат бугунги куннинг эҳтиёжигагина эмас, балки келгуси даврнинг талабига ҳам монанд бўлиши керак.

* * *

Сохта йўл билан топилган унвон ва мансабдан мағрурланма, чунки эл назарида аниқ ҳисоб-китоб бор.

* * *

Ёш дўстим, унвон инсонга шуҳрат учун эмас, балки яна кўпроқ одамийлик касб этиш учун бериладиган шаҳодатномадир.

* * *

Чин олимлик ва одамийликнинг муҳим белгиси ўзидан олдин ўтган кишиларнинг фан ва маърифатга қўшган ҳиссаларини ҳалол баҳолай билишдир.

* * *

Кибру ҳаво касалига йўлиққан киши илму маърифат деб аталган дорини кўпроқ истеъмол қилмоғи лозим.

* * *

Педагогнинг имтиҳонда адолатсизлиги ёш қалб эгасининг ҳақиқатга ишончи ва эътиқодини поймол қилади.

* * *

Азиз касбдошим, гўзаллик қонуни билан яшашнинг моҳияти шундаки, киши эртанги ҳаётини бугунгидан кўра ҳам гўзалроқ ва мазмунлироқ қилиш учун интилади.

* * *

Ўқитувчининг фикри ва зеҳни нечоғлик теран бўлса, унинг нутқи шунчалик ихчам ва мазмунли бўлади.

* * *

Касб танлашга енгилтаклик билан қараган киши ҳаётда читтакка ўхшаб беқўним бўлади.

* * *

Тарбиячининг бола қалбига касбга ҳавас қўрини ташлай олиши — санъат, лекин бу ҳавас ўти бир лов этиб, сўниб қолмаслиги учун танланган касб унинг онгли эҳтиёжига айланмоғи лозим.

* * *

Ҳар бир соҳада ўз меҳнат ветеранларининг ҳурматларини ўрнига қўйиш жуда зарур, бу эса ёшларнинг шу касбга эътиқодини тарбиялашнинг муҳим омилidir.

* * *

Ёшларни ўқитувчилик касбига йўллаганда унда боғ сайрига боряпман деган тушунча ҳосил бўлмаслиги керак. Бу касбнинг қийинчиликларидан ҳам хабардор қилиш лозим.

* * *

Маҳоратли устоз шогирдларини турмушдаги майда-чуйда ҳодисалар доирасида ўралаштириб қўймайди, ҳаётдаги энг муҳим ва асосий масалаларни ажрата олишга ўргатади.

* * *

Ўқитувчининг билимини баҳолашда ундан адолат талаб этилиши нечоғлик тўғри бўлса, унинг бу борадаги ҳуқуқ ва бурчига маъмуриятчилик йўли билан аралашавермаслик ҳам шунчалик зарурдир. Билъакс унинг бола қошидаги обрўсига катта зарар етади.

* * *

Азиз касбдошим, ўзини сендан устун қўймоқчи бўлган юлғичлар қошида руҳингни асло тушира кўрма, ўз касбинга бўлган эътиқодинг ва ифтихоринг билан яша, адолатли эл назарида ҳар кимнинг ўз ўрни бор.

* * *

Ўқитувчи учун энг оғир изтироб ва уқубат шогирдларининг номатлуб хатти-ҳаракатларидан етади.

* * *

Ўқитувчи учун энг катта бахт шогирдларининг ҳаётда ўз ўрнини топиши ва унинг номини фахр билан тилга олишидадир.

* * *

Биз ўқитувчиларга бўлган халқ ишончи ва ҳурмати қанча орта борса, эл қошидаги масъулиятимиз ҳам шунча катта бўлади.

* * *

Устозининг билим зиёсини олиб, сўнгра уни йўқотиб, ўрнини эгаллашга уринган шогирднинг дарахтнинг шохиди юриб, мевасини еб, сўнгра тагига тушиб, илдинини кемирган ҳашаротдан фарқи йўқ.

* * *

Ўзининг фарзандлик бурчини билиб, билмасликка оладиган шахс одам қиёфасидаги тулкидир.

* * *

Ҳаётдаги ранг-баранг ҳодиса ва воқеаларни кузатиш натижасида бола қалбида жўш урган ҳис-туйғулар уни илмий мунозара-мушоҳадаларга ташна қилади, буни ўз вақтида пайқаш биз тарбиячилардан зийраклик талаб этади.

* * *

Беҳис маъруза ўқиган муаллим шогирдларини ҳам завқлантира олмайди.

* * *

Ота-онанинг ёмон номи фарзандларга ҳам иснод келтиради.

* * *

Ота-она учун ўзидан сўнг ноиттифоқ фарзандлар қолаётганлигини кўриб туриб, бундан кўз юмишдан кўра оғирроқ уқубат бўлмаса керак.

* * *

Яхши ўқитувчи бўлиш учун юксак илмий даражага эришиш шарт эмас, фанни чуқур билиш, билганларини баён этиш маҳорати, энг муҳими, чин инсонлик каби фазилатлар унинг учун муҳим.

* * *

Сўзда нуқтадонлик, чуқур мантиқ ва мазмундорлик, айниқса ўқитувчи учун энг зарур сифатдир.

* * *

Касбни севиш, унинг фахри билан яшаш ва садоқат билан ишлаш бахт калитидир.

* * *

Болани қайта тарбиялашга тарбиячи ишонса, истеъдод билан тарбияласа ва бунга тарбияланувчининг хоҳиши қўшилса, қайта тарбия самара беради.

* * *

Ёшлардан маслаҳат олишдан ор қилмаслик керак, доно халқимиз: “Ақл ёшда эмас, бошда”, дейди.

* * *

Шогирдим, кекса ота-оналар унар-унмасга кўз ёши тўк-салар, таажжубланма, инсон кексайган сайин кўз ум-монидаги дийда кўз гавҳарига яқин келиб қолади.

* * *

Ҳақиқий тарбиячи маъруза жараёнида талабаларни ўзи билан бирга фикрлашга чорлайди, маҳоратсиз тарбиячининг

маърузасида эса тингловчининг сурати ўтиради-ю, хаёли оламни кезади.

* * *

Биз одамларга “Қўша қаринглар” деб истак билдиришимиз яхши, лекин унга меҳр-муҳаббат билан ҳамдам, ҳамдард бўлиб яшанглар, деган тилакни ҳам қўшмоғимиз лозим.

* * *

Моҳир ўқитувчи шогирдлари ҳаётидаги ҳодиса ва воқеаларни таҳлил қила билиши, шу асосда келгусини кўра олиш, ҳаётда фаол позицияда туриши каби сифатларни шакллантира олади.

* * *

Ўқитувчи қисқа ифодада кўп фикр айта билиш маҳоратига эга бўлмоғи лозим.

* * *

Моҳир ўқитувчи дарс ва маъруза жараёнида шогирдларининг қалбини шундай кўзга кўринмас жозиба ришталари билан боғлаб оладики, у айтаётган фикр ва мулоҳазалар тингловчини мафтун этади.

* * *

Фақат ўзи гапириб, ўзи тинглаш санъат эмас, балки тингловчиларнинг қалбини сеҳрлаб олиб, уларни ҳам бирга фикрлашга ва ўз фикрларини ифодалашга ундай билиши катта санъат.

* * *

Азиз касбдошим, агар сен ўқувчининг вақтини олдиқочди гаплар билан ўтказсанг, у улғайгач, сени вақт ўғриси сифатида эслайди.

* * *

Ўқитувчи тажанглик, қўполлик, шошқалоқлик, бесабрлик каби номатлуб сифатлардан бутунлай мусаффо бўлиши шарт, унинг касби шуги тақозо этади.

* * *

Бир риёзиётчи дўстимнинг қуйидаги сўзлари эсимдан сира чиқмайди. “Теоремани ўқувчиларга бир марта тушунтирсам тушунишмади, иккинчи марта тушунтирсам ҳам тушунишмади. Учинчи марта тушунтирган эдим, ўзим ҳам тушундим, улар ҳам тушуна қолишди.

* * *

Шогирдим, устозингдан ўзиб кетолсанг, бу сенгагина эмас, балки қалби дарё устозингга ҳам шуҳрат келтиради.

* * *

Шогирдим, умр йўлдоши манфаатини ўз манфаатидан устун қўя олиш чин инсоннинг иши, мевали дарахтларга назар сол, улар бўронларга бардош бериб, одамларга мева бердилар.

* * *

Биз талабалар қошига турли унвонларимиз билан кирамиз, лекин улар қошидаги обрў-эътиборимизни эса билимимиз, ақлу идрокимиз, педагогик маҳоратимиз ва хулқ-атворимиз белгилайди.

* * *

Чин инсон юқорн поғонага чиқиб олгач, кетидан келётган кишилар учун ҳеч қачон ғов бўлмайди.

* * *

Инсон фарзандида характер шакллантиришга даъват этилган тарбиячи ўзи характерга эга бўлиши шарт, характерсиз киши болада характер шакллантира олмайди.

* * *

Болани меҳнатсеварлик ва меҳнаткаш халққа муҳаббат руҳида тарбиялашни истаган тарбиячи ўзи меҳнатсевар ва меҳнаткаш халқни ҳурмат қилиши зарур.

* * *

Моҳир ўқитувчининг жозибали маърузасини ва айтадиган сўз дурдоналарини шогирдлари муштоқлик ва иштиёқ билан тинглайдилар.

* *

Кимки отса тош ақли комил устозига,
У уради болта ўз иқболу истиқболига.

* * *

Кибр-қаво — ёмон, устозни менсимаслик гуноҳи азмдир.

* *

Ўз билимини ошириш учун янгидан-янги чўққиларга интилмаган педагог шогирдларидан орқада қолади. Чунки эндиликда шогирдлар бениҳоя бой ахборотга эга.

* * *

Ҳақиқий устоз шогирдига чуқур фан асосларини ўргатиш билан бирга унга ҳаётни ўргатади ва уни ҳаётга тайёрлайди.

* * *

Педагогнинг энг қудратли таянчи ҳам ва оромбахш ёстиғи ҳам унинг покиза виждонидир.

* * *

Биз ота-она тарбиячилар фарзандларимизнинг яхши ва ёмон қилмишларига маълум даражада шерикмиз.

* * *

Педагог аудиторияга кириш олдидан ўз фикрини равшан, услубини эса жозибали қилиш устида наққошдек ижодий изланиши лозим.

* * *

Педагогнинг нутқи муаттар гулга ўхшаб хушнисор ва табиий бўлади.

* * *

Ўқитувчи илғор педагог тажрибаларини қунт билан кузатиши ва ўрганиши керак. Лекин баъзи бир тадқиқотчиларнинг ҳали илмий асосланмаган “гипотеза” ларига танқидий ёндаша билиш ҳам зарур.

* * *

Ўқитувчи пенсияга чиққанда ҳам фикри-зикри ёш авлоднинг иқболидан узоққа кета олмайди.

* * *

Азиз касбдошим, ўқувчи билимини баҳолашдаги адолатсизлик, кўзбўямачилик халқни жаҳолат ботқоғига ботиради.

* * *

Биздан кейин қоладиган авлод биздан кўра бахтлироқ ва яна ҳам гўзалроқ ҳаёт кечиради, деган эзгу тилак ва унга бўлган комил ишонч бизни фидокорлик сари чорлайди.

* * *

Устоз ўқитувчи боланинг тилидан кўра кўзидан, қилиқларидан кўпроқ маъни ўқийди.

* * *

Ўқитувчи тарбиялаб ўстирган ниҳолларнинг ҳосили қанчадан-қанча авлодларни баҳраманд қилади.

* * *

Энг пиру бадавлат одам — ўқитувчи, у дунёдаги ҳар қандай гавҳардан ҳам қимматли бўлган инсон фарзандини вояга еткази.

* * *

Илмий-сиёсий савиясини муттасил ошириб бормаган ўқитувчи, беқаров дарахтга ўхшаб, охири мевадан қолади.

* * *

Боланинг бирор фанга ҳаваси аввало шу фан ўқитувчисига боғлиқ бўлади. Ҳақиқий устоз ўқувчининг қалбида шу фанга муҳаббат уйғотади.

* * *

Ўқитувчи хушбўй гулга ўхшайди, шогирдлари унга асаларидек ёпишиб, ундан ўзлари учун қимматли маънавий озиқ олади.

* * *

Ўқитувчи оқ гулга ўхшайди, агар унинг шаънига жиндек доғ тушгудек бўлса, у дарҳол кўзга ташланади ва у эл назаридан қолади, у поклик мезони.

* * *

Ўқитувчи кибру ҳаво ва такаббурлик асло ярашмайди, чунки ёш авлод ундан ибрат олади.

* * *

Ўқитувчи шогирдларининг иззат ва ҳурматига сазовор бўлмоғи учун, аввало, ўз устозларини самимий ҳурмат қилиши лозим, ҳар ким экканини ўради.

* * *

Ҳар қандай баланд минорага пастдан чиқилганидек, илмнинг чўққисига йўл бошланғич мактабдан бошланади.

* * *

Бошланғич таълим ўқитувчиси мактабда ёш ниҳолларни ўтқзади ва тарбиялайди, тўғри экилган ниҳол яхши ўсади.

* * *

Ўқитувчилик — энг мураккаб санъат. Ёш болаларнинг ишонч ва ҳурматини қозона билиш ўқитувчидан буюк маҳорат талаб этади.

* * *

Дилда кек сақловчи ғаразгўй киши асло ўқитувчи бўла олмайди. Бола энг адолатли ва софдил одамларнигина ҳурмат қилади.

* * *

Беморга дори беришдан олдин, унинг касалини аниқлаш зарур бўлганидек, ўқитувчи болаларнинг билимидаги камчиликларни бартараф қилиш учун аввало бу камчиликларнинг сабабини билиб олиши керак.

* *

Мактаб ва оилада шундай покиза гулшан бўлиши керакки, унда бирорта ҳам бегона ўт-ўлан битмасин.

* * *

Ўсимликнинг яхши ўсиши учун қуёш нури, сув ва ҳаво қанчалик зарур бўлса, боланинг ўсиб-униши учун ота-она, ўқитувчи ва совет жамоатчилигининг ғамхўрлиги шунчалик зарурдир.

* * *

Ўқитувчининг ҳар бир сўзини ва хатти-ҳаракатини ҳар соатда қирқ жуфт қулоқ эшитади, қирқ жуфт кўз кузатади.

* * *

Ўқитувчининг маҳорати у тарбиялаган шогирдларининг ахлоқ-одоби ва билимдонлиги билан ўлчанади.

* * *

Моҳир нотик-ўқитувчининг таълимини олган шогирд ҳам сўзга чечан бўлади. Агар ўқитувчи хаттот бўлса, шогирд ҳам унга тақлид қилади. Аксинча, ўқитувчи хунук ёзса, ўқувчилар ҳам бадхат бўладилар.

* * *

Боланинг ҳис-туйғулари ғоятда нафис ва нозикдир, уни ҳаёт билан ҳамоҳанг қилиб вояга етказиш ўқитувчи ва тарбиячиларнинг муқаддас бурчидир.

* * *

Ўқитувчи дарсга бепарво қарайдиган ўқувчини доимо кўздан кечириб туриши керак, чунки бундай ўқувчи бошқа болаларнинг ҳам диққатини чалғитади.

* * *

Бола бирор қонун-қоидани қуруқ ёдлаб олиши учун ўқитувчидан на санъат ва на маҳорат талаб этилади. Гап боланинг фан асосларини уқиб ола билишида. Ўқиган олим эмас, уққан олимдир.

* * *

Яхши ўқитувчи бўлмоқ учун боланинг тилини ва дилини билмоқ керак.

* * *

Ўқитувчи баъзан болаларнинг қандайдир хато ва камчилигини кўриб, доимо унинг нуқсонларини пеш қилавериши тўғри эмас. Боладаги ўсиш ва ўзгаришни синчиклаб кузатиб бориш ва тўғри баҳолай билиш зарур, акс ҳолда, бола мен ҳарчанд уринганим билан ўқитувчининг фикри ўзгармайди, деган нотўғри хулосага келиши мумкин.

* * *

Ўқитувчининг шогирдига панд-насиҳат қилиши яхши, лекин уни қуруқ насиҳатгўйликка эмас, балки унинг

тагидаги ғояларни амалга ошириш учун курашадиган қилиб тарбиялаши лозим.

* * *

Бола ўзига бўлган ишонч билан фахрланади. Отананинг ва ўқитувчиларнинг ишончига сазовор бўлиш болани айниқса қувонтиради, шунинг учун ҳам тарбиячи болага талабчанлик билан ишончини оқилона равишда бирга қўшиб олиб бориши бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

* * *

Ўқитувчи-тарбиячининг болага бўлган талабчанлиги овқатга солинадиган тузга ўхшайди. Овқатга туз кўп солинса, шўр, кам солинса, бемаза бўлади. Худди шунингдек, болага ортиқча қаттиққўллик қилинса, унинг дилида нафрат туйғулари уйғонади, ҳаддан ортиқ “меҳрибонлик” қилинса, у ота-онани писанд қилмай қўяди.

* * *

Дарёда чўмилишдан олдин сувда сузишга қанчалик куч ва қобилиятинг борлигини чамалаб кўрганингдек, болалар қошига ўқитувчи бўлиб киришдан аввал бу касбга бўлган иқтидорингни ва билимингни яхши ўйлаб ол.

* * *

Боланинг ноўрин қилиқларини кўра била туриб, унга индамайдиган гумроҳ тилнинг болани ёмонликка ундовчи ёвуз тилдан фарқи йўқ.

* * *

Ўқитувчи ёруғлик манбаига, ўқувчи эса ёдитиладиган майдонга ўхшайди. Манба майдонга қанчалик яқинлашса майдон ёруғлик нурларидан шунчалик кўпроқ баҳраманд бўлади.

* * *

Болани қайта тарбия қилиш таъсидан суви қоча бошлаган дарахтни қайта кўкартиришдан ҳам ма-шаққатлироқдир.

* * *

Боланинг ҳатто кичкинагина айбини ҳам беркитиб бўлмайди, акс ҳолда кичик жиноятдан катта жиноят ўсиб чиқиши мумкин. Халқ айтган: нина ўғирлаган, туя ҳам ўғирлайди.

* * *

Бола шундай бир қушга ўхшайдики, унинг бир қаноти ота-онаси, иккинчиси эса ўқитувчи ва жамоатчиликдир. Бу қанотлар бир-бирига мос ҳаракатлар билан болани ҳаётга йўллайди. Агар боланинг қанотлари қарама-қарши томонга ҳаракат қилса, бола қулаб тушади.

* * *

Болани тарбиялашга фаросати етмаган кишигина унинг устидан шикоят қилади.

* * *

Болани қўрқитиб тарбиялаётган киши ҳақиқий обрўга эга бўлмайди. Қўрқитиш ёш қалбни, севгини вайрон қилади.

Бола қалбига кўр-кўрона йўл излаган тарбиячи худбин, кўзи боғланган йўловчидек манзилни тополмай сарсон бўлади.

* * *

Бола қалбида ниш урган қизиқишни тарбиячи ўз вақтида қўллаб-қувватламаса, у сўниб қолади.

* * *

Бола қалби очилмаган тилсим, уни очадиган калитни топа билиш эса тарбиячининг маҳоратига боғлиқ.

* * *

Ўз хато ва нуқсонларини мардонавор эътироф этиб, уларни тузатишга қодир бўлмаган ўқитувчи шогирдларини ҳам бундай мардликка ўргата олмайди.

* * *

Болани жазолашга уста, тақдирлашни билмайдиган тарбиячида инсонпарварлик ҳислари бўлмайди.

* * *

Ўқитувчининг ақли билан қалби мувозанатда бўлмоғи керак. Шундагина унинг болага меҳрибонлиги ҳам, талабчанлиги ҳам меъёрда бўлади.

* * *

Ўқитувчи шогирдлари билан барҳаёт. Бизнинг қандай инсон эканлигимизни кўрсатувчи кўзгу уларнинг ақл-заковати, хулқ-атворидир.

* * *

Синф раҳбари ўқувчининг энг яқин сирдоши ва ҳамдарди, маслаҳатгўйи бўлмоғи лозим. Бунинг учун аввало унинг сўзи билан иши бир бўлмоғи ва бола ишончига кирмоғи керак. Чунки ишонч бўлмаган ерда, сирдошлик ҳам бўлмайди.

* * *

Ёш авлодни пок дилли ва бадиий дидли қилиб тарбиялаш биз тарбиячилардан зебо қалб ва нафис дил талаб этади.

* * *

Педагог талабаларнинг имтиҳон дафтарчасидаги бошқа баҳоларга эмас, жавобига қараб баҳо қўймоғи лозим.

Ота-онасига нисбатан қўполлик қилаётган нодон, ўз болалари худди шундай қилишини кўз олдига келтира олса эди, эҳтимол бундай ноўрин хатти-ҳаракатни қилмаган бўларди.

* * *

Ўз фанини чуқур билмаслик, ўқувчининг билимини объектив баҳоламаслик ва субутсизлик ўқитувчини бола қошида жуда беобрў қилади.

* * *

Устоз олимларнинг фан соҳиблари тайёрлаш йўлида чеккан барча риёзат ва машаққатлари ҳақиқий ўринбосарлар фаолиятида ўз ифодасини топади.

* * *

Ота-онага “болангиз ундоқ, болангиз бундоқ” деб, фақат танбеҳ бериш унча қийин эмас, аммо уларга бола тарбияси учун зарур йўлланма бера олиш катта тарбиявий маҳорат талаб қилади.

* * *

Дарахтни — ширин мева, устозни — оқил шогирд бекзайди.

* * *

Ўзгаларга зиё бахш этмоқ учун қалбнинг қуёш каби ёниб порлаши лозим. Ёнмай туриб зиё сочиб бўлмайди.

* * *

Мураббий бола қалбида ниш ура бошлаган умид гунчаларининг меҳрибон соҳибидир.

* * *

Ўқитувчи қалбида қуёшнинг жўшқин ҳарорати, продаси пўлатнинг чидами, узоқни кўра оладиган бургутдек ўткир кўзи, ойнанинг шаффоф нуридек ақл чироғи, зилол чашмадск туганмас меҳр ва билим булоғи бўлмоғи керак.

* * *

Шогирдларининг асарлари бахш этган завқ-шавқ устозга ором беради.

* * *

Ўз хулқида жиддий камчиликлари мавжуд бўлган тарбиячи болага талаб қўйишга қийналади, чунки ўзидан чўчийди, изтироб чекади.

Дилда борини тилда баён эта билиш — тарбиявий маҳорат.

* * *

Бир синф ўқувчиларига йиллар давомида таълим бериб, лекин бирортасини ҳам ўз касбига даъват қилолмаган ўқитувчи яхши ўқитувчи эмас.

* * *

Ўқувчининг адабиётдан ёзган иншоси маълум даражада ўз ўқитувчисининг билими ва ақл-заковатидан бир андазадир.

* * *

Ўз устида ишлашдан тўхтаган ўқитувчи ўқитишдан ҳам тўхтагани маъқул.

* * *

Оқил устознинг покиза руҳига хиёнат қилган киши илму маърифат руҳидан четда турган нодондир.

* * *

Агар кишидаги илмий унвон билан ундаги ақлу фаросат ўртасида мутаносиблик бўлмаса, бу жуда кўнгилсиз ҳодиса.

* * *

Илм-ҳунар шундай беминнат мулкки, одамга ҳеч қачон уларнинг оғирлиги тушмайди, балки юкингни снгиш, мушқулингни осон қилади.

* * *

Билим — меҳнат билан, тилак — ғайрат билан гўзал.

* * *

Халқ педагогик мероси — уммон, биз билган педагогик фикрлар ундан бир томчи, холос.

* * *

Зўрлаб едирилган ортиқча овқат — боланинг қорнини, меъеридан кўп берилган ўқув материали бошини оғритади.

* * *

Бир вақтлар унвон олиб, ўз устида ишламай, ҳаётдан орқада қолиб кетган “олим” суви қуриб қолган дарахтга ўхшайди.

* * *

Катта машаққатлар билан илм уммони ичига тушиб терилган фан жавоҳирлари инсон қиёфасига гўзаллик бахш этса, ўғирлик, қароқчилик йўли билан олинган тақинчоқлар, ҳатто дурру гавҳар бўлган тақдирда ҳам киши қиёфасини хунук қилади.

* * *

Сохта олимларнинг энг ёмон иши — улар ўз ўрнига ҳам сохта ўринбосарлар тайёрлайдилар.

* * *

Фирибгарлик йўли билан шуҳрат топган киши қирғоқда ўтириб олиб, фан уммони тубидан не-не машаққатлар билан бебаҳо жавоҳирлар териб чиқаётган ҳақиқий фан жонкуярлари йўлларига қармоқ ташлаб, улардан чўтал олиш каби пасткашликка боради.

* * *

Одамлар фирибгар “олимдан” қанчалик жиркансалар, ўзларига унвон излайдиган лаганбардорларидан бундан ҳам кўпроқ жирканадилар.

* * *

Илм — машаққат дарахтида битадиган мева.

* * *

Таълимнинг пойдевори — билимнинг ҳаётда кераклигини боланинг онгига етказа билишдир.

* * *

Шогирдим, чашмаларга назар сол, қатралардан тўпланиб, катта булоқ пайдо бўлади, инсон ҳам шундай қилиб зарралаб билим дурдоналарини ўрганиб, билимдон бўлади.

* * *

Фан уфққа қўйилган бир ёстиқ. Унга бемалол ёнбошлаб ётавераман, деб ўйлаган киши фаннинг моҳиятидан беҳабардир.

* * *

Шогирдим, билимни рафлатда ётган эмас, балки ғайрат, ҳаракат қилиб муттасил ижодий изланишда бўлган инсон топади.

* * *

Киши қуруқ хаёл суриши билан оқил бўлмайди. Маълумки, хаёлпарастлар оқиллар қаторидан ўрин олмаганлар. Балки билим эгаллаб ва тажриба орттириб, уни ҳаётга жорий этиш устида риёзат чеккан киши ақл ва идрок касб этади.

* * *

Билим ақлни пешлайди.

* * *

Одамни катта гавда эмас, ақл юксалтиради.

* * *

Асарни ҳажм эмас, теран мазмун кўтаради.

* * *

Танани — соғлиқ, бошни эса ақл ва билим безайди.

* * *

Боланинг китоб ўқишга ҳаваси — билимга иштиёқининг
ифодаси.

* * *

Билим олишда тортинчоқлик — ғайратнинг қушандаси.

* * *

Шогирдим, билим ва ҳунар эгаллашдан мақсад
одамийлик касб этишдир. Чунки унвонлар ичида энг юксаги
“инсон” деган унвондир.

* * *

Инсон илму ҳунари ва ақл-идроки билан ҳар қандай
қушдан баланд парвоз қилади.

* * *

Киши олий ёки ўрта ўқув юртини тугаллаши мумкин,
лекин ҳаёт дорилфунувини асло тугатиб бўлмайди. Унинг
сабоқлари туганмас.

* * *

Ҳақиқий олим шуҳрат учун эмас, фан равнақи учун
курашади.

* * *

Агар кишидаги илмий унвон билан ундаги ақлу фаросат
ўртасида мутаносиблик бўлмаса, бу жуда кўнгилсиз ҳодиса.

* * *

Болаларингнинг улуғвор ишларини ижодий ривож-
лантира олсанг, сен — бахтиёрсан.

* * *

Агар киши чиндан ҳам илм шайдоси бўлса, у йўлда учрайдиган ҳар қандай машаққатларни ҳам матонат билан енгиб, орзуларига эришади.

* * *

Илм доимо ривожланади, илму фаннинг равнақи учун ҳаётини фидо қилган одамлар доим барҳаёт қолади.

* * *

Ҳар қандай буюк олим ҳам билим чўққисига алифбе зинапоясидан чиқиб боради.

* * *

Таълим билан тарбия ўсимликнинг илдизи, танаси ва япроқлари каби ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирининг тараққиётига ёрдам беради.

* * *

Билимдонликнинг сиру асрори ғайрат ва матонат билан ўқиш ва ўрганишдир.

* * *

Фанни менсимаслик — одамларни менсимасликдир, чунки фан ютуқлари инсон ҳаётининг мевасидир.

* * *

Таълим ва тарбия ажралмас эгизаклар бўлиб, маълумот уларнинг тотли мевасидир.

* * *

Маълумотим етарли деб гердайган киши кўп билимлардан бебаҳра қолади.

* * *

Улуғ кишилар ҳеч қачон фандан даромад изламайди.

* * *

Ижодий меҳнат эгаси ўз билими ва тажрибасини мутасил ошириб бормаса, ўз устида ишлашдан сал тўхтагудек бўлса, ҳаёт оқими уни қирғоққа чиқариб ташлайди.

* * *

Замини бўш ва сизот ерга иморат қуриб бўлмаганидек, бола китобни яхши ўқий олмаса, унга пухта билим бериб бўлмайди.

* * *

Билим олиш яхши, лекин билимларни амалда ишлата билиш ундан ҳам яхши.

* * *

Сувсаган одам тўйиб сув ичса, чанқоғи қолади, илм денгизидан қанча баҳра олсанг, илмга бўлган ташналигини шунча орта бораверади.

* * *

Уй-рўзгор илми ҳам катта билимдир. Уни эгалламаган киши дадил яшолмайди.

* * *

Бизнинг илм-фан соҳасида беқиёс катта ютуқларимизда улуғ боболаримизнинг ҳам ҳиссаси катта, улар қолдирган илғор фикр жавоҳирлари бизга раҳнамо бўлиб келмоқда.

* * *

Хамирни ишлаб, билимни такрорлаб пишитилади.

* * *

Биз тарбиячилар кичкина гўдакнинг хатти-ҳаракат-

ҲАЁТ — УСТОЗ ХАЛҚ — МУАЛЛИМ

МУҚАДДИМА

Қўлингиздаги бу рисоланинг “Ҳаёт-устоз, халқ-муаллим” деб аталиши тасодифий бўлмай, балки бу ном унинг мазмунига озми-кўпми жавоб беради. Бу рисола ни яратиб учун халқ, мактаблар ҳамда ўқитувчиларимизнинг педагогик тажрибалари узоқ йиллар давомида ўрганилди, шунингдек, халқимизнинг тарбияга оид мақол, масал ва иборалари, ўзбек оилаларининг ҳаётий тажрибалари асосида ушбу китоб яратилди.

Бу асарни яратишда Ал Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий каби классик олим ва мутафаккирларнинг ахлоқ ва тарбияга оид фикрларидан ижодий фойдаланилди. Хусусан, М.И. Калинин, А.С. Макаренко, Н.К. Крупская, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, С.Айний ва бошқа атоқли арбобларнинг таълим-тарбия соҳасидаги қарашларига алоҳида эътибор берилди.

Бизда бола тарбияси оиланинг Ватан олдидаги, халқ олдидаги масъулияти, айни замонда, энг шарафли бурчидир. Шунга кўра, китобда ҳар бир кишининг ижтимоий фаолияти билан унинг оиладаги бурчи бир-бирига узвий боғланган ҳолда талқин қилинди.

Бир-бирига аҳил оила жамоасини ташкил эта билиш бола тарбиясининг энг муҳим омилларидан биридир. Ҳар бир оила аъзоси ўз бурчини тўғри англаши ва уни сидқидилдан бажариши лозим. Шу билан бирга, китобда боланинг инсоний фазилатларга эга бўлиши учун ота-онанинг бир-бирига меҳрибон бўлиши ва бир-бирини ҳурмат қилиши лозимлиги таъкидланди. Агар ота-оналар бир-бирларига ҳурматсизлик қилсалар, бир-бирларини ранжитсалар, ёш қалбда очила бошлаган эътиқод ғунчасини ўз қўллари билан юлиб ташлаган бўладилар.

Инсон ҳамма вақт ўз олдига белгили мақсад ва орзу-истаклар қўяди, у шунга эришмоқ учун доимо ғайрат ва матонат билан иш олиб боради. Баъзилар ўз олдига буюк мақсадларни қўйиб, уларни амалга ошириш учун кескин кураш олиб борса, баъзилар эса орзу қилиш, хаёл суриш билангина чекланадилар.

Китобдаги энг муҳим масалалардан бири — ёш авлодни мақсад йўлида матонат билан курашишга ўргатиш зарурлигини талқин қилишдир.

Рисолада кишининг иродали бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Асарда ёшларни ватанпарварлик ва байналмилалчилик руҳида тарбиялашга оид бир қатор фикр ва мулоҳазалар берилган. Она-Ватаннинг бир кафт тупроғи ўзга элнинг бир ҳовуч олтинидан афзаллиги таъкидланади.

Шунингдек, асарда Ватан билан ватанпарварлик эгизак сифатида талқин қилинган. Ҳа, Ватан улўғворлиги ҳар бир ватанпарварнинг ифтихори, шон-шуҳратидир.

Маълумки, ёш авлодни руҳий жиҳатдан меҳнатга тайёрлашдаги муҳим талаблардан бири—меҳнат қилиш ҳаётнинг зарурий эҳтиёжи эканлигини ўргатиб боришдир. Бундай инсон қўлидан келганича жамиятда гўзал ва шарафли ишлар қилиши зарурлиги, шу билан бирга ёшларни ҳам шарафли ишларга йўллаши кераклиги ҳақида фикр юритилди.

Ишда шахснинг инсонпарварлиги унинг меҳнатсеварлиги билан узвий боғлиқ эканлиги талқин қилинди. Шунингдек, айрим шахсларнинг ҳаёт учун, жамият учун зарарли хатти-ҳаракатлари ҳам фош этилган.

Рисолада ичкиликка, маишатга берилишнинг зарари оқибатида ўзининг иззат ва ҳурмати, соғлигини йўқотиши ҳақида қимматли фикрлар берилади.

Кейинги йилларда Шарқ халқларининг қадимий халқ педагогикасига асосланган, турли тарбиявий асарларга эътибор янада кучайди.

Хулоса қилиб айтганда, рисолада инсоннинг кундалик ҳаётида учрайдиган кўпчилик масалалар тўғрисида фикр ва мулоҳазалар гоҳ оддий ўғит шаклида, гоҳ бадиий воситалар ёрдамида ифода қилинган.

ВАТАН ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАҚИДА

Бизнинг фарзандларимиз ўз ватанпарварлик бурчини ўтаса, биз чин инсон тарбия қилдик, деб фахрлансак арзийди.

* * *

Ватан куч-қудратининг ошуви ҳар бир фуқаронинг ифтихоридир.

* * *

Киши туғилган ерида ёпишиб олгани билан чин ватан-парвар бўла олмайди. Ҳақиқий ватанпарварлик — шу улур Ватанни севиш, жонни ҳам фидо қилишга тайёр туришдир. Қаерда бўлса ҳам она-Ватаннинг манфаатлари ва шон-шуҳрати учун фидокорона курашувчи кишигина ҳақиқий ватанпарвардир.

* * *

Ватаннимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилганларнинг номи эл қалбида абадий сақланади.

* * *

Болани Ватан душманларига чексиз нафрат руҳида, дўсларига эса иззат ва ҳурмат руҳида тарбияламоқ лозим.

* * *

Эл пешонасидаги шўрни ювган мардни эл-юрт ҳурмат билан тилга олади.

* * *

Ватанни қадрламайдиган кишини халқ ҳам қадрламайди.

* * *

Она-Ватандан ажралган чин ватанпарвар инсон ҳамиша ўз она юртига ташналик билан интилади.

* * *

Жанг пайтида инда писиб ётган қўрқоқ ғалабадан сўнг “биз энгдик”, деб мақтанади.

* * *

Ватаннинг маккор душмани тилида асал, қалбида заҳар асрайди.

* * *

Ҳар доим ҳам кишининг ташқи қиёфасига қараб баҳо бераверма, унинг дилида нима борлигини билишга ҳаракат қил, шунда панд емайсан.

* * *

Киши униб-ўсган юртига, вояга етказган ота-онасига ва таълим берган устозига ҳар қанча таъзим қилса оз.

* * *

Модомики, дилингда она-Ватанга муҳаббат туйғуси кучли экан, душманинг қоплон бўлган тақдирда ҳам сен албатта, ғолиб чиқасан, чунки бу туйғу сени “арслон” дан кучли қилади.

* * *

Бола меҳрибон онасининг бешикни қучоқлаб айтган алласини, она-Ватан алласини эшитиб камол топади.

* * *

Уруш вақтида Ватан ҳимояси учун мардона курашган жангчини шону шуҳрат кутади, панада писиб ётган қўрқоқни эса ажал қувади.

* * *

Халққа ва Ватанга қилинган хиёнат қирқ йилдан кейин ҳам фош бўлади, чунки хиёнатчи халқ қалбига, ватан душмани Ватан тупроғига яширина олмайди.

* * *

Ватан ва ватанпарварлик эгизак бўлиб, улар қалбдаги барча туйғуларнинг ҳукмрони бўлмоғи лозим. Ана шундай киши эл фарзанди бўла олади.

* * *

Агар жонингни Ватанга фидо қилолмасанг, ўзингни ватанпарвар ҳисоблама. Чунки Ватан — жондан азиз.

* * *

Ор—номус, виждонини сотиб бахт излайдиган ватанфуруш, беномуслар ҳам бўлади. Дўстим, улардан ҳазар қил.

* * *

Халқимиз яратган бой маданиятни менга бай, тарбия бораётган бошқа нафосатсиз ва беибо фарқити чопиш ифтихорсиз кишининг иши.

* * *

Аҳмоқ ва лақма душман устидан галдан қилгани учун ортиқча ақл ҳам, матонат ҳам керак эмас.

* * *

Шогирдим, сен яшаб турган маҳалла-кўйнинг билан фахрланганинг яхши, лекин у ердаги одамлар ҳам сен билан фахрлана олсинлар, бунинг учун сенгинакам инсон бўлишинг керак.

ЎҚИТУВЧИ, ТАРБИЯЧИ, ОТА-ОИВАЛАР ВА УЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Шарафли касб эгаси — ўқитувчи, тарбиялаб ўстирган ниҳолларнинг ҳосили қанчадан-қанча авлодларни баҳраманд қилади.

* * *

Энг бахтиёр пири бадавлат одамлардан бири ўқитувчи деса бўлади. Негаки, у дунёдаги ҳар қандай гавҳардан ҳам қимматли бўлган инсон фарзандини вояга етказиб, уни улуг ишларга ворис қилиб қолдиради.

* * *

Ўқитувчи йиллар давомида шогирдларига таълим ва тарбия бериб, уларни ҳақиқий инсон қилиб етиштириш борасида тинмай ишласа-ю, лекин бир марта ноўрин иш қилиб қўйса, кўп машаққатлар билан тўплаган иззат-ҳурматига жуда катта путур етади.

* * *

Мактаб — ёшлик гулшани, болалар эса унинг бебаҳо ниҳоллари, устоз ўқитувчилар бу боғнинг оқил, миришкор, меҳрибон боғбонларидир.

* * *

Ақлли ва донишманд одам ҳар қандай фан чўққисига, улуг мартабага кўтарилганида ҳам ўз устозларини асло унутмайди, чунки унинг эришган барча муваффақиятларида устозларининг ақли, заковати, меҳнати, қолаверса, азиз умри бор.

* * *

Дилида кек сақловчи ғаразгўй киши асло ўқитувчи бўла олмайди: бола энг адолатли ва софдил одамларнигина ҳурмат қилади.

* * *

Ўқувчи ўқитувчидан доимо оқилона сўз кутади. Агар ўқитувчи ўз нутқига эътиборсиз қараб, ноўрин иборалар, ифодалар ишлатгудек бўлса, унинг ўзи бебурд бўлади, ўқувчилар қошида ҳурмати қолмайди.

* * *

Мактаб ва оила шундай покиза гулшан бўлиши керакки, унда бирорта ҳам бегона ўт-ўлан битмайдиган бўлсин.

* * *

Ўсимликнинг яхши ўсиши учун қуёш нури, сув ва ҳаво қанчалик зарур бўлса, боланинг ўсиб униши учун ота-она, ўқитувчи ва жамоатчиликнинг биргаликдаги ғамхўрлиги шунчалик зарурдир.

* * *

Бизда мактаб ва оила тарбияда бир жон бир тан бўлиб, уни бир мақсад томон етаклайди.

* * *

Ўз устозларининг қадр-қимматларини билмаган ва ўқитувчилик касбининг завқ-шавқини сезмаган киши ўқитувчи бўла олмайди.

* * *

Ота-она фарзандларининг дўстлари ва улфатларини билиши керак, чунки уларнинг дўстлари яхши бўлса, ота-онанинг юзи ерга қарамайди, дўстлари ёмон бўлса, ота-она бадном бўлади.

* * *

Нотиқ ўқитувчининг таълимини олган шогирд ҳам нотиқ бўлади. Агар ўқитувчи ҳаттот бўлса, шогирд ҳам унга тақлид қилади. Аксинча ўқитувчи хунук ёзса, ўқувчилар ҳам бадхат ёзадилар.

* * *

Ҳар бир ота-онага ўз фарзанди ҳамма нарсадан гўзал ва азиз бўлиб кўринади. Бу ота-оналарга хос хислатдир. Доно халқимиз: “Типратикаи ўз боласини юмшоғим, қўнғиз опшоғим” дейди. Лекин ота-оналар ортиқча меҳрибонлик қилиб, болани ноўрин эркалатавериши кўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлади.

* * *

Ҳеч ким ота-онасига қилган хизматлари эвазига улардан миннатдорчилик талаб қилмаслиги керак, акс ҳолда унинг фарзандлари ҳам худди шундай қилишлари мумкин.

* * *

Бола онадан қарздор бўлиб туғилади, она уни иссиқ бағрига босади, оқ сут беради, йиллар бўйи авайлаб ўстиради, тарбия қилади, онанинг чеккан машаққатлари ҳисобига боланинг қарзи орта боради. Қалб ва виждон ҳисларидан маҳрум бўлган шахстинга меҳри дунё онасини ранжитади ва унинг чеккан жафоларидан кўз юмади.

* * *

Боланинг ҳис-туйғулари ғоятда нафис ва нозикдир, уни ҳаёт билан ҳамоҳанг қилиб вояга етказиш ўқитувчи ва тарбиячиларнинг муқаддас бурчидир.

* * *

Ҳар қандай аланганинг иссиғи ва она қалбининг ҳарорати тенг бўла олмайди.

* * *

Фарзанд доғи шунчалик оғирки, у ота-онанинг кўз касасидаги сўнги томчиларни ҳам сиқиб олади.

* * *

Киши умид билан қудуқ қазиса-ю, сув чиқмаса, жуда ёмон, бутун умр бўйи фарзанд боқса-ю, ундан роҳат кўрмаса, яна ҳам ёмон.

* * *

Ота-онанг сени катта ҳаётга парвоз қилдирувчи қудратли қаноатларингдир.

* * *

Кун, ой ва йиллар болага умр қўшади, ҳаёт, меҳнат ва билим унга ақл ва идрок қўшади.

* * *

Модомики ўқитувчилик касбига қадам қўйган экансан, фан уммонида ҳамиша жавлон ур.

* * *

Ойни гўзал қилган қуёшнинг порлоқ нури, шогирдни билимдон қилган устознинг дурдона сўзидир.

* * *

Ўқитувчи дарста бепарво қарайдиган ўқувчини доимо кўздан кечириб туриши керак, чунки бундай ўқувчи бошқа болаларнинг ҳам диққатини чалғитади.

* * *

Кийимингта доғ теккан бўлса, совун билан сувни аяма. Хато йўлга кириб, ўзингта доғ туширган бўлсанг, бу дорни ювмоқ учун эл олдида ҳалол меҳнатингни аяма.

* * *

Боланг дилида хунук доғ бор экан, ўз қалбингни ҳам чуқур текшириб кўр.

* * *

Жамоатчиликдан ажралиб, оилада ўралашиб қолган бола, жамоатчилик ҳисларидан маҳрум бўлади.

* * *

Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ҳамжиҳатлиги бола тарбиясининг мустаҳкам пойдеворидир.

* * *

Қайчининг ҳар иккала томони баравар ишлаши учун икки бармоқ бир хилда ҳаракат қилмоғи зарур, худди шунингдек, болага ота-онанинг сўзи ўтиши учун ота билан онанинг қалби ҳамоҳанг бўлиши лозим.

* * *

Агар оиланинг барча ғам-ташвишлари фақат бир кишининг елкасига юкланаверса, филдек бақувват бўлса ҳам, у кишининг қадди букилиши мумкин.

* * *

Ҳар куни нарса кўтариб келавериб, болаларингни қўлингга қарашга одатлантириб қўйма; бундай бола уйга бегона киши келгудек бўлса, унинг ҳам қўлига қарайдиган,

чўнтагини қовлайдиган бўлиб қолади, бора-бора таъмагир бўлиб ўсади.

* * *

Боладаги виждон ва ор-номус ота-онасининг қадру қимматини тушунишдан бошланади.

* * *

Ўз бурчига виждоний қарамайдиган, аммо фарзандларидан ўз бурчларини сидқидиллик билан бажаришни талаб этадиган ота ёки она болаларнинг назарида худди найранг бозга ўхшайди.

* * *

Яхши ўқитувчи бўлмоқ учун боланинг тилини ва дилини билмоқ керак.

* * *

Бевақт ёққан қор дарахт шохларини ерга эгади: ноқобил фарзанд туфайли бошга тушган кулфат, эл-юрт олдида ота-онанинг қаддини букади.

* * *

Ота билан она ўртасида иноқлик ва меҳру вафо бўлмаса, бунинг азоб-уқубати фақат уларнинг ўзлари учунгина эмас, балки фарзандлари учун ҳам оғир бўлади.

* * *

Бола ўзига бўлган ишонч билан фахрланади, ота-онанинг ва ўқитувчиларнинг ишончига сазовор бўлиш болани айниқса қувонтиради, шунинг учун ҳам тарбиячи болага талабчанлик билан ишончни оқилона равишда бирга қўшиб олиб бора билиши боланинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

* * *

Овқатнинг мазасини қошиқ эмас, балки тил билади. Ҳаётнинг лаззатини сояда ёнбошлаб ётган дангаса эмас,

балки уни ўз меҳнати билан бунёд этган киши билади. Ота билан она ўз фарзандларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаб, инсоннинг бу энг яхши фазилатини унга мерос қилиб қолдирса, болаларини бир умрга бахтиёр қилади. Баъзи ота-оналар эса болага эркатойликни “тортиқ” қилиб қолдириб, уни бир умрга бахтсиз қиладилар.

* * *

Ўғил ва қиз ота-онанинг куч-қуввати ва олтин умри эвазига вояга етади, лекин қиз узатилган жойда, ўғил эса умр йўлдоши билан тиниб-тинчиб кетмаса, ота-она дили мажруҳ бўлади.

* * *

Болани ҳақ гапни гапирадиган, ўлимдан ҳам қўрқмайдиган мард, эл қошида шарманда-ю шармисор бўлишдан уяладиган, ҳаёли қилиб тарбиялаш керак. Хайкалтарошнинг моҳир қўли металда киши ақлини ҳайратда қолдирадиган гўзал сиймони ифодалайди, онанинг ақлу заковати ва қалб ҳарорати эса “бир парча эт” га дил ва тил, фаҳму фаросат киритади.

* * *

Ақл тарозиси билан ер, ҳатто узоқ планеталарни ўлчаш мумкин, аммо фарзанд доғи туфайли инсон устига тушган ғам-ғусса юкининг оғирлигини ўлчай оладиган тарози ясалмаган.

* * *

Субутсиз ва ёлғончи оилада ўсган бола кўпинча ҳеч кимга ва ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳаммага шубҳа кўзи билан қарайдиган бўлиб қолади.

* * *

Баджаҳллик — киши ҳуснини бузувчи хунук одат. Бундай сифат айниқса ўқитувчига ярашмайди. Баджаҳл ўқитувчи ўзининг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам ҳаётига жабр қилади.

* * *

Фарзандга яхши исм қўйиш ота-онанинг бурчи, лекин бу исмга муносиб мазмун ҳам зарур. Афсуски, маст бўлиб, қўчаларда юмалаб ётадиган “Фарҳодлар” ҳам учраб қолади.

* * *

Қалол меҳнат қилмай, юлғичлик билан ўзгаларнинг меҳнати ҳисобига фарзанд ўстирган ота ёки она “мен ота ёки онаман” дейишга маънавий ҳақли эмас.

* * *

Қайси бир оилада ўзаро ҳурмат ва ширин сўз одат экан, у хонадон доимо нурга тўла ва фойзли бўлади.

* * *

Моҳир ўқитувчи ёш авлоднинг қалбида ўз касбига қизғин ҳавас уйғотади.

* * *

Бола тилини она тушунади, чунки боланинг тили аввало она тилидир.

* * *

Эл ҳурматини тиласанг, элни ҳурмат қил, энг муҳими, ҳалол меҳнат қил. Ота-она ўртасидаги чин инсоний ҳурмат ва муҳаббат фарзандлари учун бебаҳо меросдир.

* * *

Ҳар бир оиланинг ўз аъзоларини бир-бирига иноқлаштириб турувчи эътиборли бошлиғи бўлади. У тириклигида ўзига муносиб ўринбосар тайёрлаши лозим. Акс ҳолда, бошلىқдан кейин оилада жанжал, тўполон бошланиши мумкин.

* * *

Баъзи бир ёшлар ота-оналарига ҳаддан ташқари суяниб қолиб, оила учун зарур бўлган ўз вазифаларини бажармайдилар. Бундай болалар ота-оналаридан сўнг мустақил ҳаёт кечира олишлари қийин.

Баъзи бир боланинг руҳий аҳволи қизиқ бўлади. Ота-онаси экиб, обод қилган боғ-роққа бепарво қарайди-ю, лекин ўзи экиб кўкартирган бир туп дарахтнинг атрофида эрта-ю кеч парвона бўлади.

* * *

Агар уй-рўзғори саранжом-саришта, эри ва болаларининг юриш-туриши, кийиниши тартибли ва озода бўлса, у аёлнинг ўзи ҳам тарбияли, озода табиатли бўлиб, покизаларнинг покизасидир.

* * *

Уйдаги бор нарсаларни болаларидан қизғаниб, қулф-калит қилиб қўйиш, уларни очкўз, ўғритомоқ бўлиш йўлига солади.

* * *

Ота-онанинг юлғич бўлиши болага салбий таъсир кўрсатади.

* * *

Кишининг ижтимоий фаолиятини баҳолашда уни оилада ўзини қандай тутишини ҳам эътиборга олиш зарур, чунки кўча хандон, уй зиндонлар ҳам бўлади.

* * *

Боланинг хатти-ҳаракати ва феъл-атвори маълум даражада ота-онасининг қандайлигидан далолат беради. Бола ўқишининг ёмонлигига асосий сабаб, шу фанни яхши билмаслигидир. Уни фаоллаштиришнинг бош омили эса, боланинг билимдаги камчилигини аниқлаш, сўнгра унга ёрдам беришдир. Баъзи бир ота-оналар, тарбиячилар боланинг тарбияси издан чиқиб кетгандан кейин уни тарбия қилишга уринадилар, бу худди жарга қулаётган отнинг

тизгинини тортаётган кишининг ўкинчли ҳаракатига ўхшайди.

Олтин умримизнинг ширин ва бебаҳо мевалари азиз фарзандларимиздир.

* * *

Болани мустаҳкам иродали қилиб ўстирмоқ керак, чунки иродасиз кишининг ҳатти-ҳаракати худди варрак шокиласининг ҳаракатига ўхшайди. Иродасиз киши шокилдага ўхшаб шамол эсган томонга қараб ликиллайверади.

* * *

Ҳаромхўрлик билан бола-чақа боқсанг, хотининг ҳам, бола-чақанг ҳам сендан миннатдор бўлмайди, охир-оқибатда сендан нафратланишади.

* * *

Боланинг гўдаклик чоғида юзига чиққан ёмон жароҳат хунук из қолдирганидек, болалик чоғида ўрганган ноҳўят одатлари ўсиб-улғайгандан кейин ҳам шундай ҳуснбузар бўлади.

* * *

Балорағатга етган ўғил-қизларининг чинакам умр йўлдоши танлаб олишлари ҳақида ўз вақтида ғамхўрлик қилиш ота-онанинг бурчи, уларни ана шундай мустақил ҳаёт йўлига тайёрлаш жуда муҳим вазифалардандир.

* * *

Ширин ва тоза мева тиласанг, дарахтни ниҳоллигидан парвариш қил, оқил ва одобли фарзанд истасанг, уни мурғаклигидан яхши тарбия қил.

* * *

Болани мустақил ва иродали қилиб тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга, ана шундай тарбия олган болаларгина буюк ишларни қила олишга қодир бўладилар.

* * *

Ота-онанинг болаларга мол-мулк тўплаб мерос қилиб қолдиргандан кўра, эл-юрт учун қилган яхши хизматларини мерос қилиб қолдиргани афзалдир, чунки бу мерос авлод учун бебаҳо, умрибоқий тухфа бўлиб қолади.

* * *

Баъзи бир оила аъзолари дастурхон атрофида тўпланиб олишиб, яхши диловар суҳбат ўрнига ўзгаларнинг ғийбатини қилишади. Наҳотки ҳамма ёмон бўлса-ю, фақат шу оила аъзоларигина дунёда энг яхши кишилар бўлса!

* * *

Маълумки, қиз бола кўпроқ онага яқин туради ва ўзининг юрак дардини, барча сирларини фақат онасига айтади. Шу билан бирга, онанинг хусусиятлари ҳам қизнинг хулқ-атворига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади.

* * *

Мевали дарахт кучли бўронларда эгилиб-букилиб бўлса ҳам, шохларини ердан кўтариб туришга тиришади, ота-она ҳам барча қийинчиликларга бардош бериб, фарзандларининг бардам юришига интилади.

* * *

Тўғри тортилмаган арра дарахтни қийшиқ кесади, бир-бири билан келиша олмайдиган ота-она ҳам боланинг нотўғри тарбияланишига сабаб бўлади.

* * *

Болага ота-онанинг фойдали маслаҳат бериши яхши, лекин уларнинг ўз ҳаётий тажрибаларидан намуналар кўрсатиши ундан ҳам яхши.

* * *

Гўдакка қўл югуртирманг. Калтак еган бола ота-онасидан ўзининг ҳамма сирларини яширадиган, ҳеч ким

билан дўстлаша олмайдиган, ҳатто катта бўлганида ҳам, ичимдагини топ, дейдиган писмиқ бўлиб қолади.

* * *

Баъзан биз, ота-оналар, болага қандай қилиб бахтли бўлиш мумкинлиги йўлларини кўрсатиш ўрнига, уларга тайёр бахтни “инъом” қилмоқчи бўламиз. Аммо бизнинг тутиб берган “бахт қушимиз” учиб кетиши мумкин. Биз болаларимизга бахт қушини ўзлари ишлаб топишларини ўргатмоғимиз лозим.

* * *

Икки ёшнинг ҳаёти, бир-бири билан боғланиши, уларнинг зиммаларига турмуш, деб аталган оғир ва машаққатли, айна замонда шарафли бир юкни бир умр ҳамкорликда бўлиш каби катта инсоний бурчни юклайди.

* * *

Бола шундай бир қушга ўхшайдики, уни бир қаноти ота-онаси, иккинчиси эса ўқитувчи ва жамоатчиликдир. Бу қанотлар бир-бирига мос ҳаракатлари билан болани ҳаётга йўллайди. Агар боланинг қанотлари қарама-қарши томонга ҳаракат қилса, бола юқорига кўтарила олмайди.

* * *

Оиладаги тўнғич фарзанднинг тарбияси алоҳида аҳамиятга эга, чунки кичиклари унинг кетидан эрга-шадилар. Катта арава қаёқдан юрса, кичик арава ҳам шу томондан юради, дейди халқимиз.

* * *

Оиладаги ноиттифоқлик боланинг асабига, унинг соғлиғига отилган заҳарли ўқдир.

* * *

Киши оилага ҳар куни қўлидан келганича яхшилик олиб киргани яхши, бу билан оила аъзоларининг умрига умр қўшилади, агар ҳар қайси оила аъзоси туфайли уйга қайғу-ташвиш кираверса, уйдагиларнинг умри қисқаради.

* * *

Оила денгизда сузиб бораётган қайиққа ўхшайди. Оила бошлиғи оқил, мустақкам иродали киши бўлса, оила аъзолари бир-бирлари билан аҳил бўлсалар, у ҳар қандай тўлқинларга бардош бериб, кўзлаган манзилга етиб боради.

* * *

Боланинг танасига тошган ярани ҳар ким ҳам дарҳол кўра олади, гап боланинг ички ҳис-туйғуларини билишдадир. Бу эса ота-оналардан зийраклик талаб қилади.

* * *

Болаларингни мақташ учун вақт сарф қилма, уларда яхши сифатларни тарбиялаш учун қанча вақт сарф қилсанг арзийди, шунда болаларинг ўзгаларнинг мақтовига сазовор бўлади.

* * *

Бола қалби очилмаган тилсимга ўхшайди, уни очадиган калитни топа билиш эса тарбиячининг маҳоратига боғлиқдир.

* * *

Ўз хато ва камчиликларини мардонавор эътироф этиб, уларни тузатишга қодир бўлмаган ўқитувчи шогирдларини ҳам бундай мардликка ўргата олмайди.

* * *

Болани жазолашнинг билиб, тақдирлашни билмайдиган тарбиячида инсонпарварлик ҳислари бўлмайди.

* * *

Носоз фарзанд ота-онасини фақат уларга моддий ёки маънавий эҳтиёжи тушгандагина эслайди.

* * *

Биз ўқитувчилар, шогирдларимиз билан барҳаётмиз. Бизнинг қандай инсон эканлигимизни кўрсатувчи кўзгу эса уларнинг ақл-заковати ва хулқ-атворидир.

* * *

Синф раҳбари ўқувчининг энг яқин сирдоши ва ҳамдарди, маслаҳатгўйи бўлмоғи лозим. Бунинг учун аввало унинг сўзи билан иши бир бўлмоғи ва бола ишончига кирмоғи керак. Чунки ишонч бўлмаган ерда, сирдошлик ҳам бўлмайди.

* * *

Баъзи бир ҳаромхўр кимсаларнинг ҳовлиларига қўшадоқ машиналар, уйларига қўша-қўша мебель-гарнитурлари сиғади-ю, аммо уларга оқ сут берган, уни аллалаб ўстирган оналар ҳеч қаерга сиғмай қолади.

* * *

Ўқитувчидаги ижобий фазилатлар унинг ҳусни ва безаги, буларни шогирдларига кўчира билиш эса катта истеъдод.

* * *

Миришкор соҳиблар ниҳолларнинг соғлом ўсиб, яхши мева бериши устида қайғурадилар. Ёш авлод қалбининг меҳридарё боғбонлари эса боланинг ички ва ташқи қиёфасини гўзал қилиб шаклантириш устида мутгасил ғамхўрлик қиладилар.

* * *

Болани туғиб, уни ташлаб кетадиган бағритош аёллар ҳам, ташланган гўдакни бағрига босиб тарбиялайдиган меҳридарё аёллар ҳам учрайди. Болани туққан эмас, уни тарбия қилиб, вояга етказган ОНА.

* * *

Ёш авлодни пок дилли ва кўҳлик дидли қилиб тарбиялаш биз тарбиячилардан зебо қалб ва нафис дид талаб этади.

* * *

Педагог талабанинг имтиҳон дафтарчасидаги бошқа фанлардан қўйилган баҳоларга қараб эмас, балки ўз фанини қанчалик ўзлаштирганлигини аниқлаб, мутлақо адолатли баҳо қўймоғи лозим, акс ҳолда у ўз обрўйини поймол қилади.

* * *

Ота-онасига нисбатан қўполлик қилаётган нодон, ўз болалари худди шундай қилишини кўз олдига келтира олса эди, эҳтимол бундай ноўрин хатти-ҳаракатни қилмаган бўларди.

* * *

Фарзандларига таълим берувчи устознинг шаънига хунук гаплар қилувчи ота-она ўз қўли билан боланинг тарбиясига болта уради ва унинг шу фанга бўлган эътиқодини поймол қилади.

* * *

Болани ўзига елим бўлиб ёпишишига одатлантирган "меҳрибон" она танасидан елим чиқариб, унинг бўғиши ва сиқишига учраган дарахтнинг ачинарли аҳволига тушади.

* * *

Болага ўйламай ваъда берма. Ваъда бердингми, ижросини унутма. Чунки субутсизлик бола қошидаги обрўйингнинг энг ашаддий кушандасидир.

* * *

Кўча-кўйда бевақт санғиб, ота-онасини йўлига термултирган нодон бола, бу қилмишини ўзи бола кўриб, унга интизор бўлиб эшикка кўз тикканида пайқайди.

* * *

Ўқитувчи, сен табиат ва жамият тараққиёти ҳамда инсон тафаккури қонуниятларини чуқур англаб олмасдан туриб, шогирдларингга таълим беришга уринма. Чунки англамай туриб англашиб бўлмайди.

* * *

Олий ўқув юрти қучоғидан парвоз қилаётган ҳар бир ўғил-қизнинг катта ҳаёт қўйнига эркин кириб кета олиши, биз педагогларнинг дил истагимиз. Чунки улар бизнинг умр меваларимиз.

* * *

Агар киши ўзининг бошлаган шарафли ишлари ва орзу-истакларига муносиб авлодни ворис қилиб, кўз юмар экан, бу инсон абадий барҳаётдир.

* * *

Ота-она учун "менинг куёвим", "менинг келиним" деб, фахрлана олиш ҳам катта қувонч. Бу қувонч уларга умр бахш этади.

* * *

Кўп бола тарбиялаб ўстирган фаросатли, идрокли она бора-бора салкам врач бўлиб қолади.

* * *

Ота-онаси қошидаги фарзандлик бурчини унутиб, молу мулк тўплашга ҳирс қўйган фарзандга фақат беш метр кафанга ўралиб кетаётган мурдани кўрсатиш керак.

* * *

Солиштирма оғирлиги ўқитувчининг берган таълим ва тарбиясига тенг келадиган қимматбаҳо жавоҳир йўқ.

* * *

Ўзгаларга зиё бахш этмоқ учун қалбинг қуёш каби ёниб порлаши лозим. Ёнмай туриб зиё сочиб бўлмайди.

* * *

Оилавий муросада ақл-идрок ва фаҳм-фаросат билан ҳал этилиши мумкин бўлган масалага уриш-жанжални восита қилиб олишнинг ўзи ўта ақлсизликдир.

* * *

Фарзанд кўп жиҳатдан ота-онасига ўхшайди, дейдилар. Бу тўғри, чунки у, аввало, ўз сураат-қиефасини, қолаверса, тил ва дилни, хулқ-атворини ҳам биринчи галда улардан олади.

* * *

Мураббий бола қалбида ниш ура бошлаган орзу-умид ғунчаларининг меҳрибон соҳибидир.

* * *

Шогирдим, қушга бир назар ташла, у тухумни иссиқ бағрига босиб, унга жон бахш этади. Сен ҳам бир парча ғўшт эдинг, онанинг қайноқ меҳридан, оқ ва пок сутидан баҳраманд бўлиб, тил ва дил топгансан. Азиз волидам, унутма!

* * *

Ўқитувчида афсонавий девнинг юраги, қалбида қуёшнинг жўшқин ҳарорати, иродада пўлатнинг чидами, узоқни кўра оладиган бургутдек ўткир кўз, ойнанинг шаффоф нуридек ақл чироғи, зилол чашмадек туганмас меҳр ва билим булоғи бўлмоғи керак.

* * *

Шогирдлари яратган асарлардан олинган завқ-шавқ устоз учун бир дунё оромдир.

* * *

Оила бошлиғи майда-чуйдага аралашавермаслиғи, айниқса, майда гап бўлмаслиғи лозим. Бу унинг обрўйига ва мавқеига путур етказади. Чунки оила аъзолари ундан теран фикр ва оқилона йўлланма кутадилар.

* * *

Баъзи бир калтабин киши умр йўлдошининг бурнидан ип ўтказиб, ўз мақомига етакламоқчи бўлади. Аввало, умр йўлдоши туя эмас, у инсон фарзанди. Демак, бу тубан ҳаракат одамнинг одамийлик фазилатини ҳақорат қилишдир.

* * *

Маълумки, эркаклар ўз рафиқаларини севиб, улар билан бамаслаҳат иш тутадилар. Лекин оқила аёл ҳеч қачон бу ҳурматни сунистеъмол қилмайди ва уни номатлуб ишга йўлламайди. Чунки ана шу ҳурматни сунистеъмол қилиш кўп кўнгилсизликларга сабаб бўлади.

* * *

Ўз хулқида жиддий камчиликлари мавжуд бўлган тарбиячи болага талаб қўйишга қийналади, чунки унинг тили гапиреди-ю, лекин дили изтироб чекади.

* * *

Дилда борини тилда баён эта билиш ҳам тарбиявий маҳоратдир.

* * *

Ота-онангга қўйган ҳайкалинг — инсоний бурчингга бўлган садоқатинг, эл қошидаги ҳурматингдир.

* * *

Болага озгина шамол теккудек бўлса, она қалбига бўрон тегади.

* * *

Болаларинг ўз фондларини дер экан, унга таажжублан-масанг ҳам бўлади, чунки сен ҳам уларни дегансан.

МЕҲНАТ, МЕҲНАТСЕВАРЛИК ВА ИЛМ-ҲУНАР ҲАҚИДА

Саҳар учган серғайрат қуш овқатланиб, оғзини чайқаганида ғафлатда ётган серуйқу қуш эндигина қанотини тараётган бўлади.

* * *

Сершовқинлик, серзардалик, сержаҳллик, серилтифот-лик, сермулозаматликнинг жамини серғайратлик билан ал-маштирилган маъқул, чунки олдингилари обрўга завол, сўнгги ҳурматга камол.

Шогирдим, агар эл эшиги иқболинг учун мудом очиқ бўлишини истасанг, эл хизматига содиқ бўл.

* * *

Дарёда сузмаган қирғоққа, ҳаётга интилмаган мақсадга етолмайди.

* * *

Ҳаво қушга қанотларининг ҳаракати туфайли кўкка кўтарилишига ёрдам беради, инсон ҳам ҳаёт бўстонида ҳаракат ва интилиши туфайли ҳаёт уни ўз чуққиларига кўтаради.

* * *

Меҳнат — инсон орзуларининг амалий манбаидир.

* * *

Билакни меҳнат, тилакни ғайрат безайди.

* * *

"Ғалаба қилдик" дейиш яхши, лекин бу ғалабада ўз ҳиссасини топа билиш ундан ҳам яхши.

* * *

Ёшлигидан минғиллаб иш қиладиган бола бора-бора беминнат иш қилмайдиган бўлиб қолади.

* * *

Чўққига отасининг елкасида чиққан эркатой, тепага ўзи машаққат чекиб кўтарилган меҳнаткаш боланинг чеккан риёзатини қаердан тушунсин?!

* * *

Фойдали машғулот тугаган жойда фойдасиз гап кўпаяди.

* * *

Танбаллик — умрнинг эгови, чунки ҳаёт ҳаракат демак.

* * *

Моҳир қўл тошни ҳам тилга киргизади.

* * *

Ернинг деҳқонга жавоби — меҳнатингга ва ҳикматингга яраша олавер.

* * *

Шогирдим, иқбол ва яхши истиқбол истасанг, шарафли ишларга қўл ур. Чунки шарафли иш бахту иқбол чашмаси.

Ҳар бир касбнинг тобора ривожланиб ва такомиллашиб бориши касб эгаларининг ҳам тўхтовсиз ақлий ва маданий камолотини тақозо этади.

* * *

Меҳнатсиз топилган фароғат кишига лаззат бермайди, чунки унга ташвиш ва таҳлика йўлдош бўлади.

* * *

Ёлғиз қолган одамнинг энг яхши ҳамроҳи фойдали машғулотдир.

* * *

Ўзи меҳнат қилиб моддий неъмат яратмаган бола уй-
рўзгор қадрини, бир бет ижодий иш ёзмаган бола эса
маънавий бойликлар қадрини қаердан билсин.

* * *

Ёшлигидан ўзи ишламай — ука-сингилларини шовқин
солиб ишлатишга ўрганган боладан, икки қўли билан
белини ушлаб, бошқаларга буйруқ берадиган фармонкор
етишади.

* * *

Гўзаллик киши учун катта бахт, аммо кишини безовчи
сифатлар ичида меҳнатсеварлик бебаҳо зийнатдир.

* * *

Кишининг энг яқин дўсти ҳалол меҳнатдир.

* * *

Боланинг қилган яхши ишларини ўрни билан тақдирлаб
туриш фойдали, бу эса уни яна ҳам кўпроқ ижобий ишлар
қилишга чорлайди.

* * *

Она ердан унаётган барча нозу-неъматлар кишилар
меҳнатининг самараси эканлигини ҳар бир бола ёшлигидан
англамоғи ва улғайиб боргани сайин бу меҳнатга онгли
равишда ўз ҳиссасини қўшмоғи зарур. Бола меҳнат маҳсу-
лотлари ва уларнинг бунёдкорлари бўлган меҳнаткашларни
шундагина қадрлай билади.

* * *

Киши ҳаётда турли нарсалардан завқ ва лаззат олиб
яшайди. Лекин унга ўз севган касби ҳамма нарсадан кўра
кўпроқ завқ ва шодлик бахш этади.

* * *

Инсон ўзининг темир иродаси билан меҳнатини ўзининг зарур эҳтиёжига айлантироғи лозим.

* * *

Ота-оналарнинг фарзандларга меҳнатнинг аҳамияти ҳақида ҳадеб ташвиқот қилишларидан кўра, бир маротаба намуна кўрсатганлари маъқулроқдир, чунки бола эшитганидан кўра, кўрганига кўпроқ ишонади.

* * *

Айтилган ишни "хўп" деб бажарадиган бола яхши, лекин зарур ишларни ўзи билиб қиладиган бола ундан ҳам яхши.

Бола нобуд бўлиб қолишининг асосий сабаби, унинг ўзи бажариши лозим бўлган ҳамма ишларни бошқаларнинг бажаришидир, ундай боланинг ҳаёти туртки остида ўтади.

* * *

Меҳнатни мушкул деб биладиган ишёқмас кишини бутулларнинг кўкда сузиб юриши ҳам ғашлантиради.

* * *

Меҳнат қилган яхши, лекин ишнинг кўзини билиб қилган ундан ҳам яхши.

* * *

Ҳар бир болани ёшлигидан бошлаб бирор касбга қизиқтириш ва шу касбнинг шайдоси бўлиш, уни завқ-шавқ билан яшашга ҳозирлаб бориш керак.

* * *

Ёшлигидан бирор касбнинг мухлиси қилиб тарбияланмаган бола катта бўлганида касб тавлашда читтакка ўхшаб бетайин бўлади.

* * *

Умрингни қуруқ гап сотишга эмас, меҳнатга сарфла, биринчисидан дакки ейсан, иккинчисидан эса бол.

* * *

Меҳнатсиз келган мол иллатлидир, пешана тери тўкилган нарса лаззатлидир.

* * *

Ота-она уйга фақат ҳалол мевасини олиб келиши, бола эса ана шу меванинг қадру қимматига етиши керак.

* * *

Кишилар меҳнат билан қудуқ ва ариқ қазиб сув чиқарадилар, баъзи бир нодон унга ифлос нарса ташлаб, сувни булғатади. Сув чиқариш учун фаросат ва матонат керак, уни булғатиш учун эса аҳмоқликни ўзи кифоя.

* * *

Ёшлигидан меҳнат қилдирилмай эрка, тантиқ қилиб ўстирилган бола фақат бошига бир кулфат тушгандагина ота-онасини эслайди.

* * *

Ҳар бир киши одамларнинг ҳурматига сазовор бўлишни истаса, у қуруқ гап билан эмас, амалий иш билан ўзини кўрсатиши керак, чунки одамлар сергап, маҳмадона кишиларни эмас, балки ишчан кишиларни юракдан ҳурмат қилади.

* * *

Дарахт кесишни билар экансан, дарахт экишни ҳам унутма. Бир туп дарахт кессанг, ўн туп дарахт эк.

* * *

Китоб ўқиган жуда яхши, чунки у билим хазинасидир, лекин ҳаётни билиш яна ҳам яхши, чунки китоб ҳам ҳаётнинг мевасиди).

Меванинг қадрини экиб кўқартирган, боланинг қадрини уни тарбиялаб, вояга етказган киши билади.

* * *

Дарахтнинг соя-салқинидан елпиғич билан елпиниб ётган эркатой бола, жазирамада меҳнат қилиб мева етказган боғбоннинг қадрини билмайди.

* * *

Машғулотсиз бола зерикади, зерикиш эса уни ёмон йўлга солади.

* * *

Отаси меҳнат қилдирмай эркалатса, унинг устига онаси ардоқлаб пайпасласа, ундай бола элу-юртини ҳурматламайди.

* * *

Ҳунар эгаси бўлган киши билан фан мухлиси бўлган киши эгизакдирлар, чунки ҳунарни илмдан, илмни ҳунардан айрим тасаввур қилиб бўлмайди.

* * *

Болага билим бериш ҳаётга қобил, ғайратли ва ижтимоий қилиб тарбиялаш лозим. Болани турмушга қобилиятли қилиб тарбиялаш ўқитувчининг муқаддас бурчидир.

* * *

Ишёқмасликнинг асосий белгиларидан бири уйқуга берилиб, кеч туришидир. Киши бу одатга ҳам бошқа одатлар каби болаликдан ўрганеди.

* * *

Авайлаб сандиқда сақланган кийим сандиқзада бўлиб титилиб кетгандек, жонини ардоқлаб меҳнат қилмаган кишининг аъзолари ҳам худди шундай яроқсизланади.

* * *

Ахлоқу одоб меҳнат билан бирга туғилган эгизакдир.

* * *

Текинхўрлик ва бахтсизлик эшигининг калити ишёқмаслик ва танбалликдир.

* * *

Ҳаётнинг аччиғи ҳам, чучуги ҳам бор, ҳар иккаласини тотиган одамгина ҳаётнинг ва одамларнинг қадр-қимматини чуқурроқ ҳис эта олади.

* * *

Ўз вақтида ўқиб ва меҳнат қилиб, миянгни ақлу идрок, фаҳм-фаросат жавоҳирлари билан тўлдири, кечиксанг, афсус қиласан, фойдаси бўлмайди.

* * *

Ҳалол меҳнатинг эвазига келган нарсалар ўзингда қолади, қўлингга осонгина киргани эса шамолдек учиб кетади.

* * *

Боланг ёшлигидан кўп гапириб, оз иш қиладиган маҳмадона бўлса, катта бўлганида ҳам ишдан кўра гапни яхши кўрадиган бўлиб қолади.

* * *

Бир туп дарахт экиб кўкартирмаган киши боғ қадрини билмаганидек, ўзи меҳнат қилмай, ота-она давлати билан уйланган йигит ҳам оила ва турмуш қадрини билмайди.

* * *

Ўжар қилиб ўстирилган бола катта бўлганида ҳам ўзининг нотўғри фикрини маъқуллатишга уринади. У худди қайсар отга ўхшаб бемаъни ўжарлиги билан одамларнинг меъдасига тегади.

* * *

Эл ҳурматига сазовор бўлишни истасанг, ўз кучинг, ғайратинг ҳамда матонатинг билан меҳнат қил! Бахтиёрлик ижодий меҳнат самарасидир.

* * *

Бошқаларнинг меҳнати ҳисобига ўзига бахт излайдиган шахс энг бадбахт кишидир.

* * *

Азиз ўқувчим, шуни билки, пушаймон касалининг даъвоси ҳар бир ишни ўйлаб ўз вақтида бажаришдир, чунки киши кўпинча ўйламай қилган ёки ўз вақтида бажара олмаган ишлари учун пушаймон қилади.

* * *

Арслон бўлиб, доимо чўзилиб ётгандан кўра, асалари бўлиб тинмай гуллардан асал йиққан яхши.

* * *

Ёмғир — кўкат, ҳалол меҳнат — инсон юзини кўркем қилади.

* * *

Ишнинг оқилона бошлангани яхши, муваффақият билан ақунлангани ундан ҳам яхши. Ёмон фикр, хунук ҳислар — бекорчилар машғулотидир.

* * *

Яхши ташаббус бошлаган кишининг изидан қолма,
Ўзинг ҳам ташаббускор бўлишдан толма.

* * *

Янгиликнинг истиқболини кўролмайдиган киши гўё коинотни ҳаракатдан тўхтатмоқчи бўлган нодонга ўхшайди. Янгилик ривожланади, ғалаба қилади, калтабин эса бора-бора эл назаридан қолади.

* * *

Меҳнатсевар, камтар одамнинг қўли, сергап мақтанчоқ кишининг эса тили қадоқ бўлади.

* * *

Меҳнаткаш халқни севиш ва халқ севгисини қозониш учун ҳам меҳнатни севмоқ керак.

* * *

Инсон ўзидан яхши ном қолдириши кераклигини кўпчилик билади. Гап одамларнинг ҳаётини гўзал қилиш йўлида жон фидо қилиб риёзат чека билишда.

* * *

Инсон деган сўз — гўзаллик бунёдкори демакдир.

* * *

Киши учун ўқиб ёки ишлаб кетган жамоаси қошига ёруғ юз билан қайтиб бора олиши катта бахт.

* * *

Мустақил фикри йўқ, лақма киши ким нимани мақтаса, шунга лаққа тушиб, оқибатда бетайин бўлиб қолади.

* * *

Боланинг ота-она учун орттирган ташвиши ва таҳликаси, кўпинча унинг бекор кечган онларининг маҳсули бўлади.

* * *

Отам ва онам учун “менда имтиёз бор” деб, меҳнат қилмай юрадиган эркатой ўз қилмишини ота-она имтиёзи тугагандан сўнг пайқайди.

* * *

Эрта туриб уй-жойга озодалиқ киритишга одатланган боланинг диди ҳам, хулқи ҳам гўзаллиқ касб этади.

* * *

Агар кишидаги илмий унвон билан ундаги ақлу фаросат ўртасида мутаносиблик бўлмаса, бу жуда кўнгилсиз ҳодиса.

* * *

Шогирдим, ўзидан бирор маъноли гап чиқмайдиган, лекин ўзгаларнинг гапларини билар-билмас такрорлайдиган тўти нусхалардан бўлма.

* * *

Илм-ҳунар шундай беминнат мулкки, уларнинг ҳечқачон одамга оғирлиги тушмайди, балки юкингни енгил, мушкулнингни осон қилади.

Билим меҳнат билан, тилақ ғайрат билан гўзал.

ИЛМ, ФАН ВА ҲУНАР ЭГАЛЛАШ ҲАҚИДА

Халқ одоби мероси бир уммон бўлса, биз билган тарбия борасидаги фикрлар ундан бир томчигинадир, холос.

* * *

Фойдали айтилган тарбиявий ғояни ижобий ўрганиш яхши, лекин уни асос қилиб олиб, унга ижобий фикр қўша олиш тадқиқотчининг бурчи.

* * *

Тарбияшунослик тадқиқотчиси ўз изланишини унинг фақат бугунги берадиган манфаатинигина кўзлаб эмас, балки келгуси истиқболи ҳақида ҳам кўпроқ ўйлаши керак.

* * *

Ўқувчилар ўртасида илмий мунозаралар илмий ҳақиқатни англашнинг муҳим воситаларидан биридир.

* * *

Катта машаққатлар билан илм уммони ичига тушиб терилган фан жавоҳирлари инсон қиёфасига гўзаллик бахш этса, юлғичлик йўли билан тақилган тақинчоқлар, ҳатто дурри гавҳар бўлган тақдирда ҳам киши қиёфасини хунук қиладди.

* * *

Олдига сумалак билан ҳолва қўйилса, уни фарқ қилмайдиган баъзи бир киши тиши ўтмаган асарга билар-билмас тақриз ёзади.

* * *

Агар ёзган асаринг нодир ва ноёб бўлиб, узоқ яшашини истасанг, фақат унинг ҳажми эмас, балки сифати ва мазмуни устида чуқур ўйла.

Шогирдим, билимдон бўлиш деган сўз табиат ва жамият ҳақидаги баъзи тушунчаларни қуруқ ёдлаб олиш эмас, балки узвий ўқиш, ўрганиш, фикрларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда тегishли хулосалар чиқара билишни тақозо этади.

* * *

Агар ҳаққоний ёзилган китоблар бўлмаганда, тарихий ҳақиқат бизгача етиб келмаган бўлур эди ва бизнинг кечинмаларимиз ҳам авлодларга мерос бўлиб қолмас эди. Демак, шогирдим, китоб ёзсанг, бор ҳақиқатни ёз.

* * *

Боланинг китоб ўқишга бўлган ҳаваси унинг билимга бўлган иштиёқининг заминидир.

* * *

Олий ўқув юртига янги келган шогирд ҳам кўчирилган ниҳолни эслатади. Унинг ривожланиши янги гулшандаги иқлимга ҳам боғлиқ.

* * *

Билим олишга бўлган тортинчоқлик билимдонликнинг кушандасидир.

* * *

Киши олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тугаллаши мумкин, лекин ҳаёт дорилфунунини асло тугатиб бўлмайди. Унинг сабоқлари туганмас.

* * *

Агар кишидаги илмий унвон билан ундаги ақлу фаросат ўртасида мутаносиблик бўлмаса, бу жуда кўнгилсиз ҳодиса.

* * *

Боболарингнинг улуғвор ишларини ижодий ривожлантира олсанг, сен бахтиёрсан.

* * *

Касб танлашда боланинг қайси касбда жамият учун кўпроқ фойда келтира олиши ҳамда унга бўлган ҳаваси ва истеъдоди ҳал қилувчи кўрсаткич бўлмоғи лозим.

* * *

Ҳар бир касбнинг шайдолари бўлганидек, илмнинг ҳам ўз шайдолари бўлади. Агар киши чиндан ҳам илм шайдоси бўлса, у ўз мақсади йўлида учрайдиган ҳар қандай машаққатларга ҳам матонат билан бардош бериб, улуғ орзулари сари интилади.

* * *

Илм доимо ривожланади, илму фаннинг равнақи учун ҳаётини фидо қилган одамлар доим барҳаёт қолади.

* * *

Фанни менсимаслик одамларни менсимасликдир, чунки фан ютуқлари инсон ҳаётининг мевасидир.

* * *

Денгиз тубига матонат билан қанчалик чуқур тушиб борган киши унинг сиру асрорларидан кўпроқ воқиф бўлганидек, фан оламида ҳам танланган муаммоси устида эринмай, синчковлик билан чуқур илмий тадқиқот ўтказган киши ўз касбининг моҳир устаси бўлади.

* * *

Олимнинг ўзига қадар яшаб ижод этган кишиларнинг бирор масала ҳақидаги танқидий фикрларини асосли шарҳлаб бериши шубҳасиз яхши иш, лекин шу билан чекланмай, "менинг ўзим ҳам фан соҳасида бирор янги фикр айтишим керак" деб ўйлаб, иш кўриши ва янги фикр билан майдонга чиқиши ундан ҳам яхши.

* * *

Буюк фан арбобларининг ҳаёти шунинг учун ибратлики, улар фаннинг ҳақиқий мужлислари бўлиб, бутун умрларини илмга берганлар-у, илм-фан йўли билан халққа хизмат қилишга интилганлар, лекин асло шуҳрат орттиришни ўйламаганлар ва ўз манфаатларини кўзлаб иш тутмаганлар.

* * *

Бизнинг илм-фан соҳасида эришган беқиёс катта ютуқларимизда улўф боболаримизнинг ҳам ҳиссаси жуда катта, чунки уларнинг қолдирган илғор фикр жавоҳирлари бизга раҳнамо бўлиб келмоқда.

УМР ВА УНИ БЕФОЙДА ЎТКАЗМАСЛИК ҲАҚИДА

Киши ўз умрини қанча йил яшаганлиги билан эмас, балки бу фурсатдан қандай фойдаланганлиги ва нима ишлар қилганлиги билан ўлчамоғи лозим.

* * *

Бир аср умр кўриб, ном-нишонсиз ўтганлар ҳам бор: оз умр кўриб абадий ном қолдирганлар ҳам бор. Йўқолган жавоҳир яна топилиши мумкин, аммо бекор кетган умр қайтиб келмайди.

* * *

Узоқ умр кўриш ҳар кимнинг энг яхши орзусидир, лекин қариган сайин оқил ва ширин сўз бўлиб яшаш катта санъатдир.

* * *

Кишининг қачондир умри тугайди. Аммо у ўзидан яхши фарзандлар ва шарафли ишлар қолдирганлигини ҳис қилсагина фахр билан кўз юма олади.

* * *

Инсон дунёга келиб, яхши из қолдириш учун курашмаса, унинг яшаган умри бекор ўтган ғафлат уйқуси билан бирдир.

* * *

Маълумки, ҳеч ким икки марта яшамайди, лекин бир марта бериладиган азиз умрнинг қадрига етиб, тўғри, ҳалол ва пок яшай билиш энг улуғ фазилатдир.

* * *

Исрофгарчиликнинг ҳамма тури ҳам ёмон, аммо улар ичида ҳаммасидан ачинарлиси умр исрофгарчилигидир.

* * *

Афсуски, баъзилар ёшлигида умрининг қадрини билмайди ва буни қариган чоғидагина пайқаб ўкинади, лекин халқ тили билан айтганда, "сўнгги пушаймон, ўзингга душман".

* * *

Куннинг узун-қисқалиги барчага баробар, гап ундан ким қандай фойдалана билишида.

* * *

Қариганда ўлим васвасасига тушиб қолиб, у ҳақда ўйлайверишнинг ўзи ярим ўлим. Жамият манфаатини кўзлаб яшовчи одамнинг бир кунлик умри, ўз шахсий манфаати учунгина яшовчи кишининг бир асрлик умридан афзалдир.

* * *

Азиз ўқувчим, ҳар оқшом ўтган кунингни яқунлашга одатлан, бугун сен ўз олтин вақтингдан қандай фойдаланганлигингни, эртага нима қилишинг кераклигини ўйла.

* * *

Ҳар бир ишнинг ҳам ўз даври ва ўз фасли бор. Худди шундай, йигит-қизларнинг ўз вақтида турмуш қуришларининг ўзига ҳос гашти ва зарурияти бор. Муддатни ўтказиб, узоқ дарбадар юрганлар турмуш қадрини кам биладилар.

* * *

Вақт сенинг ихтиёрингдан ташқари ўтади, шунинг учун ҳам уни тутиб туролмайсан, лекин ундан унумли фойдаланиш сенинг ихтиёрингда.

* * *

Бизнинг бебаҳо ёшлигимиз қарилгимизнинг бахтли кечиши учун берилган олтин фурсатдир.

* * *

Ҳатто тошга битилган хат ҳам томчи-томчи ёмғир суви билан ювилади, лекин эл дилига ёзилган хат эса ҳеч нарса билан ювилмайди.

* * *

Ҳақиқат ва адолат йўлида кечган бир кунлик умр, худбинлик ва разиллик билан ўтган юз йиллик умрдан афзалдир.

* * *

Баъзан кийим-кечакларимизни жуда ардоқлаб асраймизу, лекин ёшлигимизни узоқроқ сақлаб туриш учун ўзимизга борлиқ бўлган тадбиру-чоралар ҳақида кам ўйлаймиз.

* * *

Бемаъни ўтган вақтга ачинишдан кўра, ундан тегшли хулоса чиқариш ва умрнинг қолган қисмидан оқилона фойдалана билиш афзалдир.

* * *

Мол-мулкени асрай оладиган соқчи топилади, лекин бефойда ўтган фурсатни сақлаб қоладиган соқчи топилмайди.

* * *

Инсон умрининг узун-қисқа бўлиши кишининг ўз кўлида, яъни бу фурсатдан қай тарзда фойдалана билишидадир.

* * *

Кўкдаги булутни ушлаб туриб бўлмайди, уни шамол олиб кетади, ёшликни ҳам тутиб туриб бўлмайди, уни вақт олиб кетади.

* * *

Сен эл назарида уй-жойинг ва молу мулкларинг билан қолмайсан, балки халқ учун қилган шарафли ишларинг билан барҳаёт қоласан.

* * *

Ҳар ким ҳам бу ёруғ дунёга фақат бир мартагина саёҳат қилиш имкониятига эга, гап бу саёҳатни ижобий якунлаб ва ундан фойдали саёҳатнома қолдира билишдадир.

* * *

Қимматли вақтни тежаш ҳам, исроф қилиш ҳам бо-
лаликдан бошланади.

* * *

Ер шари суткада битта айланиб, ҳаммага бир кун умр қўшади, лекин бу ўтмиш умрдан ҳар ким ҳар хил фойда-
ланади.

* * *

Умр қисқа деб нолиш ўрнига ундан самарали фойда-
ланишни билишга интилиш маъқулдир.

УМРНИ ЗОЕ ЎТКАЗМАСЛИК ҲАҚИДА

Қарилик биз билан маслаҳатлашиб ва шунчаки ҳазил учун келмайди, балки у давр тақозоси бўлиб, ўзи билан қариликка хос кўнгилсиз совғани олиб келади. Шундай экан, уни қарши олиш учун ёшлиқдан замин ҳозирламоқ лозим.

* * *

Фурсат қадрини ҳаёт режаси ва кундалик вақт режими бор бўлган гўзаллик бунёд этувчи одамдан сўра.

* * *

Ёшларга ёшингни пеш қилаверма, қадринг кетади.
Аксинча, мудом ақлу зеҳнингни намойиш қила бил, иззат
ва ҳурматинг ортади.

* * *

Агар қушлар сайрашдан, шоир ғазал битишдан, бастакор
куй басталашдан, хонанда ашула айтишдан тўхтагудек бўл-
са, инсон ҳаётнинг жуда бебаҳо завқи шавқидан бебаҳра
қолган бўлар эди.

* * *

Ўзидан яхши ном қолдириши кераклигини ҳар бир
инсон истайди, лекин бунга сазовор бўлиш учун киши
ҳаётни янада гўзал қилиш йўлида жон фидо қилиб риёзат
чекмоғи лозим.

* * *

Одамларнинг мушкулларини осон қилиш учун сарфлан-
ган онларингни умрингнинг дурру гавҳари деб бил.

* * *

Шогирдим, гунчага боқ. У гул бўлиб очилади-ю, қайтиб
гунча бўлолмайди. Умр ҳам шундай, ёшлик кетади-ю, асло
қайтмайди. Шундай экан, ёшлик онларини зое кетказма.

* * *

Қариликда тетик ва тийрак бўлишнинг пойдевори
ёшликдан қўйилади.

* * *

Биз вақтни тўхтатиб қола олиш қудратига эга эмасмиз,
лекин у бизни ўзгартириш имконига эга.

* * *

Умрни яхши яшай билиш — санъат, эртанинг бундан
ҳам гўзал бўлиши устида бугун ҳаракат қилиш — ҳақиқий
санъат.

* * *

Тарих нима ёзилган бўлса, ҳаммасини ҳам сақламайди,
балки ўзига кераклигини асрайди.

ЭЪТИҚОД ВА ИРОДА ҲАҚИДА

Улуғвор ғояларга инсониятнинг бахт-саодати йўлида
умрининг сўнгги онларигача сабот-матонат билан курашган
кишиларнинг ҳаёт йўли биз учун буюк дорилфунундир.

* * *

Биз қандайдир фойдали фикр айта олган эканмиз, бунинг
учун аввало улуғ устоз — ҳаёт мактабидан миннатдормиз.

* * *

Катта ҳаёт қозонида қайнаб тобланган фикр асосли бў-
лади.

* * *

Қуруқ орзулар билан яшайдиган хаёлпараст, ғайратсиз
киши, пашшага миниб осмонга учишни ҳавас қиладиган
кўкнорига ўхшайди.

* * *

Илғор ғоялар мўътабар инсонларнинг қаламларида қоғоз
саҳифаларига кўчирилган тажрибалар мажмуасидир.

* * *

Қумга кирса қумнинг, кўкатга кирса кўкатнинг тусини
оладиган қурт ва қумурсқаларга ўхшаб, ҳар лаҳзада тур-
ланиб турадиган маслакисиз шахслар ҳақиқат душманидир.

* * *

Улуғ ғоялар буюк ва олижаноб ишларга, манфаатпа-
растлик эса разолатга элтади.

* * *

Қаттиқ жисмлар бир-бирига қўшилиб жуда чидамли қотишмага айланади, инсондаги улуғ ғоя ва мустақкам ирода ҳам бир-бирига қўшилишиб, уни юксакликка кўта-ради.

* * *

Улуғвор ғоя ҳаёт билан кўкаради ва улғаяди, аммо ўлмайди.

* * *

Илғор фикрли кишилар таъқибларга дучор қилинса ҳам унинг ғоялари абадий яшайверади.

* * *

Ҳаётгий бўлмаган фикрлар тез ўлади, теран фикрлар эса кўп яшайди.

* * *

Маълум бир режа билан иш тутмаган кишилар ҳаёти ҳам бережа бўлади.

* * *

Ҳар бир ишда ўз олдига муайян мақсад қўя билиш, шубҳасиз, яхши фазилат, аммо шу мақсадни амалга ошириш учун кураша билиш ундан ҳам яхшироқ фазилатдир.

* * *

Ҳаётда муваффақиятларга эришиш жуда яхши, аммо улардан мағрурланиб кетиш жуда ёмон.

* * *

Киши ҳеч қачон бепарво бўлмаслиги лозим, чунки бепарволик энг зарарли характердир. Ҳар қандай оғир ва мураккаб қийинчиликлардан қутулишнинг энг тўғри йўли чидам, сабр ва матонатдир.

* * *

Оқил киши ўз нуқсонларидан ачиниш ўрнига улардан тўғри хулосалар чиқаради.

* * *

Катта чинорлар асрлар оша қарийди, лекин улуғ кишиларнинг ғоялари бир умрга яшайди.

* * *

Улуғлар айтган фикрлар худди электрон тўлқинларга ўхшайди, яъни у ҳамма тўсиқларни ёриб ўтади ва жаҳонга тарқаб кетади.

* * *

Илоҳий, афсонавий жаннат йўқ, лекин улуғвор адолат, ҳақиқат ҳукмрон бўлган юрт ҳақиқий жаннатдир.

* * *

Орзу-умид уруғларини сочиш яхши, сепилган уруғларни ундириб олиш учун ғайрат ва меҳнат керак.

* * *

Киши ўзининг дунёга нима учун келиб, нима қилиб кетаётганлигини англамаслиги унинг энг катта бахтсизлигидир.

* * *

Инсон муайян мақсадга томон интилиши билан инсондир.

* * *

Меҳнаткаш халқ белига олтин камар боғлаб, бошига олтин тож кийиб, олтин тахт устида ўтириб савлатига зеб берган шоҳларни эмас, балки қимматли ғояларни илгари сурган ва шарафли ишлар қилган азиз инсонни улуғлайди.

* * *

Ирода — ҳаёт ҳосили, чунки у, аввало, ҳаётда шаклланади ва сайқал топади, синовдан ўтади.

* * *

Сувсиз ерга сув тегирмони қуриб бўлмаганидек, иродасиз ва маслаксиз шахслар билан мустақкам дўстлик бунёд қилиб бўлмайди.

* * *

Шогирдим, инсон деб аталган азиз зотнинг энг буюк тимсоли ҳам, беқиёс мезони ҳам, энг улур идеали ҳам халқдир.

* * *

Кишининг барча қозонган ғалабалари ичида энг муҳими улурвор мақсад йўлида ўз иродасининг метинлигига эришувидир.

* * *

Бефойда хаёл билан шарафли, реал истаклар бир жойда истиқомат қила олмайди.

* * *

Давлатга, шуҳратга мағрурланиб кетмасликнинг ишончли гарови ақл ва темир иродадир.

* * *

Биз болаларимизга буюк алломаларимизнинг келажagini олдиндан башорат қила билганликлари тасодифий ҳодиса эмаслигини айтибгина қолмай, балки улар барча фан асосларини чуқур билганликлари, шу асосда табиат ва жамият тараққиётининг муайян қонуनларини, киши тафаккурининг ривожланиш қонунийатларини аниқ англай олганликларини ёрқин далиллар асосида уқтириб боришимиз лозим.

* * *

Хулқи носоз билан ҳамроҳ бўлиб қолган тақдирда унга эргашиш лақмалик белгиси, уни тўғри йўллай олиши ақл ва иродалилик белгисидир.

* * *

Турли ноз-неъматлар қаршисида ақл-иродани нафсдан устун қўя билиш узоқ умр гаровидир.

* * *

Агар лавозимдаги киши ўзидан бурунчиларнинг йўл қўйган хато ва камчиликларидан ўзи учун керакли хулоса чиқара билмаса, айниқса, уларни такрорласа, бу унинг калтабинлигидан бир нишонадир.

* * *

Ичмайман, чекмайман деб қасамёд қилишдан олдин ироданг билан ҳисоблаш, акс ҳолда субутсиз бўлиб қоласан.

* * *

Дилида эътиқоди ва мустаҳкам иродаси бўлмаган киши билан боғланган турмуш мўрт бўлади.

* * *

Боланинг орзу-истаклари бир буюк минвора бўлса, унинг зинапоясси иродасидир.

* * *

Иродасизлик билан лақмалик эгизакдир.

* * *

Номард ва иродасиз одамга таяниб иш тутган кишининг аҳволи дайди булутдан соябон тутмоқчи бўлган кишига ўхшайди.

* * *

Шогирдим, инсон эътиқоди билан буюк. Эътиқод эса олинган билимларни ва ҳаёт тажрибаларини яхлит ва уйғунлашган ҳолда таҳлил қилиш, умумлаштириш йўли билан ҳақиқатни, борлиқни англаш натижасида шаклланади.

* * *

Мутлақо беташвиш яшаш қийин, лекин ташвиш рўй берган тақдирда тушқунликка тушмай, уни енгиб ўтиш иродали инсоннинг иши.

* * *

Ўзининг беъмани фикрига маҳкам ёпишиб олиб, ўғаларнинг фойдали маслаҳатларини тингламаслик ўжарлик ва калтабинлик белгисидир.

* * *

Ўтмишдаги ҳаёт тажрибаларини ижодий ўрганиш ва такрорлаш оқилларнинг иши, улардан нусха кўчириб, ўзига унвон излаш ақли норасоларнинг иши.

* * *

Фикр хирмонида ҳақиқат қолади, лекин ясама ва уйдирма-тўқималар эса чанг-тўзон каби учиб кетади.

* * *

Кишидаги ташқи ҳусн кўркем бир бўёқки, у давр ўтиши билан ўчиб боради, ақл-одоб эса шундай бир чироқки, инсон қанча камолотга етса, у шунча нурга тўлиб, порлайверади.

* * *

Эътиқодни куйдира оладиган ўт йўқ ва улуғ маслак йўлида курашаётган инсоннинг иродасини бука оладиган куч ҳам йўқ.

* * *

Ҳаёт мақсад, ирода ва қийинчиликлар тўқнашувидан иборат. Қийинчиликлардан чекиниш камолотнинг тўхташидан нишона. Чунки, камолотнинг замири — қийинчиликларни енгиб ўтишда.

* * *

Қўлингнинг қилмишига бошинг билан жавоб берасан, чунки қўлга бош хизматкор.

* * *

Ҳар бир қилиқнинг тизгини ақл ва иродадир.

* * *

Улкан океанларда сузишдан кўра ҳаёт уммонида сузиш мураккаб.

* * *

Сенинг виждон эркинлигинг маънавий камолотнинг билан чамбарчас боғлиқ. Агар виждонинг ноҳўя ишга эрк бермаслигини истасанг, маънавий камолотнинг устида тинимсиз ишла!

* * *

Модомики, бирор оқил одам эл назарига тушган экан, уни эл қалбидан чиқариб ташлаб бўлмайди. Чунки эл қалбини ва эътиқодини ўчирадиган ўчирғич йўқ.

* * *

Ёш дўстим, чин одамийлик ҳаётда учрайдиган қийинчиликлардан чекиниб, енгил ҳаёт йўлини излашда эмас, балки ўша қийинчиликларни енгил учун мавжуд имкониятларни ақл-идрок билан топа билишда.

* * *

Кўзланган мақсад соянг эмаски, ҳамиша ёнингда турса, мақсад сари интилмоқ керак.

* * *

Шогирдим, ақлингта, виждонингта қул бұл, лекин тилингта, иродангта ҳоким бұл!

* * *

Дарёнинг ирмоқлари қанча кўпайса, у шунча теранлашганидек, оқил ва фозил кишиларнинг фойдали фикрлари қанча кўп жамланса, фикр уммони ҳам шунча теранлашади.

* * *

Доно халқимиз: "туяга миниб узоқни кўзлаган яхши",— дейди. Узоқни кўзлаш билан унга оқилона интилоқ оқилларнинг яши.

ИНСОНПАРВАРЛИК, ОДАМИЙЛИК ВА ЁМОНЛИК ҲАҚИДА

Чин инсон қуёшдек ҳотам бўлади, унинг инсоний фазилатларидан одамлар беминнат баҳра олади.

* * *

Ҳақиқат ва адолат йўлида курашган кишига қўлтиқтаёқ бұл, уни букмоқчи бўлган кишининг йўлига тўғаноқ бұл.

* * *

Яхши одам бировга қилган яхшилигини миннат қилмайди.

* * *

Инсон учун энг катта бахт пок одамларнинг қалбида яшашдир.

* * *

Дили пок, кўнгли очиқ одам қайси бир хонадонга қадам қўйса, ўзи билан ўша хонадондагиларга дўстлик ва меҳру

муҳаббат олиб киради. Дили бузуқ, нопок киши кирса, иғво ва фитна уруғини сочади.

* * *

Киши халқнинг ҳурматига тоғ чўққисига кўтарилган одам каби ғоят машаққат билан эришади, аммо кишининг ноҳуя қилмишлари унинг иззат ва ҳурматига тезда путур етказади ва у халқ назаридан қолади.

* * *

Одамларни қўлингдан келганича шарафли ишларга йўлла, бунинг яхши ҳосилини йиғасан, ёмонликка йўлласанг, ўзинг ҳам жабрини тортасан.

* * *

Меҳнатсевар кишининг ажралмас сифати унинг инсон-парварлигидир. Меҳнатсеварлик она бўлса, одамийлик унинг энг яқин дилбандидир.

* * *

Мамлакатимизнинг донгдор кишилари ва пешқадам олимлари суҳбатида бўлсанг, қуёшга боқиб, унинг нурларидан баҳра олганингдек, улардан илму урфон оласан.

* * *

Буюк боболарнинг улуғвор ишлари билан фахрлана билиш керак, лекин шарафли ишлар қилиб, уларнинг фахрли номларини оқлай билиши ҳам керак.

* * *

Ўтнинг иши ёндирмоқ, сувнинг иши эса сўндирмоқ, шунинг учун ҳам ўт кетган жойга сув келтирадилар, яхши одам ўт керак жойда аланга бўлади, сўндириш керак жойда эса сув бўлади.

* * *

Одамларнинг аҳволини сўраш яхши, лекин уларнинг дардларига малҳам бўла билиш ундан ҳам яхши.

* * *

Шундай камтарин одамлар борки, улар ўзларининг юксак фазилатлари билан халқ қалбида абадий қоладилар. Уларнинг номлари авлоддан-авлодга ўтиб боради.

* * *

Ота-онанинг ғазабига йўлиқиш жуда ёмон, аммо халқ ғазабига дучор бўлиш ундан ҳам ёмон.

* * *

Ўзгалар боласининг хулқидан, нуқсонларидан кулиш ўрнига, уни тўғрилашга ёрдам қил, чунки ўз болангда шундай нуқсон пайдо бўлиб қолса, бошқалар ҳам сендан кулиши мумкин.

* * *

Энг яхши дўстларинг идрокинг билан ақлингдир.

* * *

Душманларинг, билгил, нафсинг, нопоклигингдир.

* * *

Ҳақ гапни эшитишни хоҳламай, ундан юз ўгирган шахс тўғрилиқдан узоқда туради.

* * *

Хушбўй гуллар асалариларини ўзига тортса, яхши одам яхши фазилатлари билан кишиларни ўзига шундай жалб қилади.

* * *

Мезбоннинг чеҳраси меҳмон учун ҳозирланган энг ширин таомдир.

* * *

Инсоннинг бошига бирор кулфат тушган вақтда унинг ярасига туз селган кишининг қотилидан фарқи йўқ.

* * *

Бошқаларни ўзингга нисбатан меҳмондўст, очиқ чеҳра бўлишларини истасанг, аввало, ўзинг-шу сифатларга эга бўл.

* * *

Баъзиларнинг кўзидаги энг ёмон камчилик шундаки, улар фақат бошқаларнинг хато ва нуқсонларини кўрадилар.

* * *

Аввало киши гуноҳ қилмаслиги лозим, лекин агар қандайдир гуноҳ қилгудек бўлса, уни эл-юртда мардлик билан ювиши керак.

* * *

Яхши одам кишиларни ҳаёт нарвонининг юқори поғоналарига кўтарилишлари ва бўшаган поғонага қадам қўйишини тиласа, кўнгли қора киши уларни этагидан тортиб, йиқитишни ва ўрнига ўзи чиқиб олишни истайди.

* * *

Олиҳиммат, сахий одам чўлларни гулистон қилиш учун тўлиб-тошиб оқаётган дарёга ўхшайди, у ўзидаги илм-маърифатдан ҳаммани баҳраманд қилади. Бахил ва хасис киши эса бир жойда тўпланиб қолган кўлмакдаги сассиқ сувга ўхшайди, у ўз илмидан ўз халқини баҳраманд қилмайди ва илмини ўзи билан олиб кетади.

* * *

Икки қўшни ўртасида қандайдир ихтилоф чиқиб, уларнинг ғазаб ўти аланга олганида, яхши қўшни алангага сув, ёмон қўшни эса керосин сепади.

* * *

Ҳаётнинг ўзига хос аччиқлиги ҳам, ширинлиги ҳам бор. Уларни татиган киши ҳаётнинг ва одамларнинг қадр-қимматини яхши билади.

* * *

Ҳақиқий инсон одамларга қўлидан келганича ёрдам беришга ҳаракат қилади. Бунинг иложини тополмаган тақдирда, лоақал ёмонлик қилмайди.

* * *

Икки киши ўртасидагина узоқ сақланса, уларнинг дилидаги чипқон йиринг боғлаб зирқирайди, агар улар очиқ гапирсалар, тез ёрилиб, оғриғи ҳам тез тарқайди.

* * *

Жаҳл ғолиб келса фалокатга, ақл ғолиб чиқса, иззат ва ҳурматга элтади, шунинг учун доно халқимиз "бугунги жаҳлнингни эртага қўй",— дейди.

* * *

Кишининг чин дўсти ҳам, ашаддий душмани ҳам бўлади. Биринчиси ақл, иккинчиси жаҳл.

* * *

Жаҳл билан ақл икки кундошга ўхшайди.

* * *

Енгил табиатли одам пайраҳага ўхшаб, бўлар-бўлмасга гувиллаб ёниб кетади ва ўз алангаси билан ўзгаларни ҳам тутақтиради.

* * *

Жоҳил киши бўлар-бўлмасга кекирдагини чўзиб, жони борица бақирганида, ақлли ва идрокли киши бир кулиб қўя қолади, холос.

* * *

Ёнғиндан сўнг уйнинг кўриниши қанчалик хунук бўлса, арзимаган нарса учун жаҳли чиқиб, аразлашиб қолган кишиларнинг бир-бирларига ҳўмрайиб қараши ундан ҳам хунукроқ бўлади.

* * *

Икки қалбнинг ўзаро жаҳолат алангасида ёниши худди ўт кетган уйга ўхшайди, ўт қанчалик тез ўчирилса, уй ҳам, қалб ҳам шунчалик камроқ хароб бўлади, аксинча қанча кучли ва узоқ ёнса, шунчалик кўпроқ вайрон бўлади.

* * *

Жаҳолатга берилиб, қайнаб тошма, ҳаётинг учун зарур бўлган истиқбол ўтини ўзинг ўчириб қўясан.

* * *

Кишилар бир-бирлари билан тутақишиб кетган вақтда сен асло гугурт чақа кўрма, чунки ўт шундай аланга оладики, уни ўчириш сенинг учун амримаҳол бўлиб қолади.

* * *

Жаҳл шундай зарарлики, у жоҳилнигина эмас, ҳатто унга ҳамроҳ бўлган кишиларнинг ҳам умрини эговлайди; ақл шундай бебаҳо кучки, у киши ҳаётини безайди ва умрини тежайди.

* * *

Хасислар ҳар хил бўлади: бир хиллари емай-ичмай бойлик тўплаб, каламушдек ерга кўмадилар; бошқалари эса олган билимлари ва ҳунарларини ҳеч кимга ўргатмай, ўзлари билан гўрга бирга олиб кетмоқчи бўладилар.

* * *

Хасислик билан исрофгарчилик тарозининг икки палласи бўлиб, тежамкорлик ва тадбиркорлик уларнинг ўртасидаги олтин шайиндир.

* * *

Катта ёшдаги кишилар бачканалашиб, ёшларнинг қилиғини қилсалар, ёшлар ўйламай, катта одамнинг қилиғини қилсалар, ҳар икковлари ҳам эл-юрт олдида беқадр бўладилар.

* * *

Одамларни алдаш, уларга хиёнат қилиш ёмон нарса, тулки айёрлиги билан ўз бошига етади.

* * *

Кишининг ақли уни турли фалокатлардан сақловчи бебаҳо, содиқ йўлдошдир. Агар бошга бирор кулфат тушгудек бўлса, ақл кулфатдан қутулишнинг тўғри йўлини кўрсатади.

* * *

Улуғвор, шарафли ишлар қилган одамларга рашк ва ҳасад қилгандан кўра, уларга эргашиб, изларидан бор, ҳурмат ва шараф топасан.

* * *

Агар маст киши ўзининг хунук қиёфасини томоша қила олиш имкониятига эга бўлганда эди, эҳтимол ўз аҳволидан уялиб, бундай шармандаликни қайтиб қилмаган бўлур эди.

* * *

Одамларга қилинган яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайси йўл билан борган бўлса, худди ўша йўл билан ўз эгасига қайтади.

* * *

Одамларнинг мушкулени осон қилишни ҳеч қачон хоҳламаган экансан, ўзинг мушкул аҳволга тушиб қолганингда, биров сенга ёрдам бермаса, асло ажабланма.

* * *

Дили ёруғнинг юзи ёруғ.

* * *

Дардига малҳам истаб ҳузурига кирган кишиларни осмонга боқиб, кибру ҳаво билан қабул қилган мансабдорда на қалб ва на фаросат бор.

* * *

Миннат мардликнинг ашаддий душманидир.

* * *

Кишининг эл-юртга иззат ва ҳурмати унинг қалбида, улқ-атворида, хатти-ҳаракатидадир.

* * *

Қаламнинг касби қоғознинг бетини қоралашдир, лекин қалам ўз соҳибининг кайфиятига қараб, турлича ҳис-туйғуларни ифода қилади.

* * *

Кишилар орасида фахр билан бош кўтариб юришнинг энг муҳим шarti виждон поклигидир.

* * *

Оқил одам нодон билан бўлган суҳбатда ҳам вақтини бекор ўтказмайди, ундан ўзига керакли сабоқ олади.

* * *

Ёшлигидан қарор топиб борган мардлик кишининг содиқ ва қудратли умр йўлдошидир.

* * *

Ниҳол экар экансан, ундан ўзингга келадиган даромадни эмас, балки одамларга етадиган манфаатни ўйлаб эк.

* * *

Бўлар-бўлмасга асабингни бузаверма, азиз умрингнинг кўркам қасрини вайрон қиласан, маълумки, соғлигингнинг пойдевори асабингдир.

* * *

Агар ариқ қазиб сув чиқармоқчи бўлсанг, уни имконинг борича кенг ва чуқур қилиб қазигил, ундан сенинг бир ўзинг эмас, балки кўпчилик баҳра оладиган бўлсин. Кўпчиликка баҳра берган киши, кўп баҳра топади.

* * *

Пичоқнинг қиммати унинг ялтироқлигида эмас, балки ўткирлигидадир, одамнинг қадр қиммати унинг хуш-рўйлигида эмас, балки виждонининг поклигидадир.

* * *

Кишининг чиройи кийимда эмас, ақлу фаросатда. Асаларининг тилидан бол томади, қовоқ арининг тилидан заҳар.

* * *

Кипининг ақли ва идроки ёшига қараб ўсиб бормаса, у катта ҳаёт мактабининг сабоқларидан бебаҳра қолади.

* * *

Сунъий оёқ билан юриб бўлади, лекин бировнинг боши билан "юриш"нинг иложи йўқ.

* * *

Яхшилар маслаҳати билан қилган ишингдан асло кўрқма, ёмовлар маслаҳати билан нотўғри қадам боссанг, изингдан кўрқ.

* * *

Юзнинг кири совун билан, дилнинг кири яхши гап билан кетади.

* * *

Бирор масалада бошқаларни ҳақсиз, ўзингни эса ҳақ дейишдан олдин, яна бир бор яхшилаб ўйлаб кўр: чиндан ҳам шундаймикан?

* * *

Хавф-хатар юз берганда, нодон ва иродасиз киши билан эмас, балки темир иродали, ақли расо киши билан ҳамдам бўл, чунки биринчиси билан кулфатга чуқурроқ ботасан, иккинчиси билан хавф-хатардан тезроқ қутуласан.

* * *

Балоғат ёшга етган бўлса ҳам, қилиғи думбул бола усти сарғайса ҳам, шира тортмаган ғўрага ўхшайди.

* * *

Қалтис ҳазил билан ғалва — ғавғо эгизакдир.

* * *

Шошма-шошарлик хато ва камчиликларнинг доясидир. Номардга яқинлашма, марднинг кетидан қолма.

* * *

Агар виждони пок бирор ярамас муҳитга кириб қолса-ю, бора-бора у муҳитга поклик кирита олса, у чиндан ҳам иродали инсондир, аксинча ўзи ҳам ўша муҳитга мослашиб кетса, бу унинг иродасизлигидир.

* * *

Қилмиши қинғир кишининг сичқондан ҳадиги бор.

* * *

Оқилларнинг таълимоти, ботирларнинг ғайрат-шижоати, хулқи зеболарнинг иффату латофати авлодга бебаҳо меросдир.

* * *

Яхши кунлар келганда, оғир кунларни унутиб юбориш ёмон, оғир кунлар қолдирган сабоқларни унутиш эса ундан ҳам ёмон.

* * *

Одобли одам бўз либосга ўранса ҳам чиройли, лекин нодон зарга ўралса ҳам хунук.

* * *

Ифвогарнинг сўзига ишониш ёмон, аммо унинг тузоғига илиниб, айтганларини қилиш ундан ҳам ёмон.

* * *

Ақлли одамлар кўнгилсиз ҳодиса рўй бермасдан олдин унинг тадбирини кўрадилар, бепарво одамлар эса кўнгилсизлик рўй бергандан сўнг унга қарши чора излайдилар.

* * *

Одамларнинг дилини ноҳақ оғритма, кейин хижолатга қоласан.

* * *

Танга соғлиқ, бошга ақл бойлиги керак.

* * *

Табиат ва жамиятдаги гўзалликлардан завқ олиш жуда яхши, лекин уларга гўзаллик қўша билиш ундан ҳам яхши.

* * *

Яхши хулқ-одоби билан халққа манзур бўлган одам бахтиёр, ахлоқсизлиги билан халқнинг ғазаб-нафратига йўлиққан одам энг бадбахт кишидир.

* * *

Хато ва камчиликларни кўрсатганда, беғараз эътироф қилиб, уни тузатган кишини ҳамма улуғлайди.

* * *

Боланинг ёши билан унинг қилиғи ўртасида мутаносиблик бўлиши керак, акс ҳолда, бачкана қилиқлари билан бошқаларга майна бўлиши мумкин.

* * *

Кишининг қандай кийиниши маълум даражада унинг диди, фаросати ва табиатини кўрсатувчи ойнадир.

* * *

Жаҳл билан ақл пойғасида ақлнинг ғолиб чиққани маъқул.

* * *

Касал кишига биринчи галда ширин сўз, соғайишига ишонч ҳосил қила билиш, қўлдан келганича яхши парвариш, қолаверса дори-дармон керак.

* * *

Танқид қилиш деган сўз инсон дилини вайрон қилиш деган сўз эмас, балки унга оқилона ҳақ гапни айтиб, чин дилдан ёрдам кўрсатишдир.

* * *

Меҳмон чақирининг ўз ўрни ва йўл-йўриғи бор, аввало, меҳмонни беғараз чақирин керак "Сиздан угина, биздан бугина" қабилида меҳмон кутадиғанлар ҳам учрайди.

* * *

Тили аччиқ киши ёмон, лекин бағри тош киши ундан ҳам ёмон.

* * *

Мол-дунё йиққанларнинг ном-нишони ўчади, одамлар дилини обод этганларнинг номи эса тилларга кўчади.

* * *

Дарёларнинг куч ва қудрати уларга қуйилаётган ирмоқларнинг сонига ва кучига қараб ўлчанганидек, яхши инсонларнинг улуғворлиги уларга тақлид қилган одамларнинг сони ва сифати билан ўлчанади.

* * *

Ўлим кўнгилисиз ва хунук ҳодиса, лекин хунук ишлар қилиб тирик юргандан кўра, шарафли ишнинг қурбони бўлган яхши.

* * *

Меҳмон безатилган дастурхон ва лаззатли таом учунгина келмайди, меҳмонга мезбоннинг, аввало, очиқ чеҳраси ва ширин сўзи керак.

* * *

Лавозимдаги кишининг ўтмиш авлод-аждодларига нисбатан ғамхўрлиги унинг ватанпарварлик савиясини кўрсатувчи муҳим бир мезондир.

* * *

"Инсон ўлганидан сўнг қайтмайди",— дейдилар. Тўғри, лекин улуғ инсон ўзининг улуғвор ғоялари, олижаноб ишлари билан барҳаёт.

* * *

Шогирдим, шарафли ишлар қилиш учун ошиққанинг, носоз билан мулоқотда бўлишдан бир умр қочганинг яхши.

* * *

Поклик — руҳий кўтаринкиликнинг дояси.

* * *

Лавозимдаги кишининг эътиборини безовчи улуғвор фазилатлардан бири ҳаёт билан ҳамнафаслиги-ю, халқ билан ҳамдамлигидир.

* * *

"Бошқаларнинг шароити меникидан яхши" — дейишдан аввал, сен халқ олдидаги ўз бурчингни қандай адо этаётганлигингни аниқла.

* * *

Эл қошида қаднинг букилиб, бўйинг ҳам бўлишини истамасанг, тўғри ва ҳақ йўлдан қайтма, виждон амрига қарши иш қилма.

* * *

Атлас-кимхоблар, зарбоф-кийимлар эскиради, лекин кишининг ҳеч эскирмайдиган либоси одобу ахлоқи ва ақл-идрокидир.

* * *

Кишининг фикри ва дили нечоғлик тоза бўлса, унинг эл олдида юзи ҳам шунчалик тоза бўлади. Чунки халқ дили шундай тиниқ ва равшан кўзгуки, ундан юзингни ҳам, дилингни ҳам яшира олмайсан.

* * *

Одамларнинг қалбида бизнинг элга қилган яхшиликларимиз ҳам, нолойиқ қилмишларимиз ҳам тўп-ланади. Биринчиси, устимизга зар бўлиб сочилса, иккинчиси дўл бўлиб ёғилади.

* * *

Шогирдим, гавда ҳаммада ҳам бор, гап бу гавдага одабийлик деб аталган бебаҳо мазмунни кирита билишда.

* * *

Ҳақиқатнинг баҳоси, пок инсоннинг ниқоби,
яхшиларнинг димоғи йўқ.

* * *

Агар сен азиз боболарингдан бирининг тарихини тиклай
олган экансан, бу билан ўзингни ҳам барҳаёт қиласан.

* * *

Ақл билан ахлоқ шундай эгизакларки, улардан бири
кишини ташлаб кетса, дарҳол иккинчиси ҳам ташлаб ке-
тади.

* * *

Агар сендан одамлар баҳра топмасалар, сув бермаган
қудуқдек қуриб қоласан.

* * *

Меҳмонни аввал қовоқ солиб қарши олиб, кейин қўй
сўйсанг ҳам унинг биринчи таассуротини юволмайсан.

* * *

Оқил ва қалби дарё, омилкор табиб, аввало беморнинг
қалбини даволайди.

* * *

Нур чеҳрали уй бекасига эга бўлган хонадон доимо
бўстон.

* * *

Шогирдим, атрофингни ўраб турган табиатни муҳофаза
этиш, сенинг инсоний бурчинг. Чунки у инсоният камо-
лотининг манбаидир.

* * *

Кишининг эл қошидаги ҳурмати бамисоли ниҳол бўлса,
уни озиқлантирувчи илдизи одобидир.

* * *

Чин шифокор беморни пок дил, ширин тил, теран ақл,
зебо хулқ, қайноқ меҳр билан даволайди.

* * *

Ҳаётдаги гўзалликларни аниқ кўра оладиган энг
қудратли микроскоп гўзал қалбдир.

* * *

Ҳақ гапни дадил айта олиш учун кишининг дили, қўли
ва виждони тоза бўлмоғи керак.

* * *

Вужудингдан кўп қон кетса, қувват кетади.
Қалбингдан гар виждон кетса, ҳурमत кетади.

* * *

Ҳар доим жамиятимиз учун, одамлар учун керак бўлиб
яшай олиш инсон учун энг катта бахт.

**ҲАҚҚОНИЯТ, ВИЖДОНЛИЛИК КАБИ ИНСОНИЙ
ФАЗИЛАТЛАР ВА ЮЛҒИЧЛИК, ЛАГАНБАРДОРЛИК,
ИҒВОГАРЛИК ҲАМДА БОШҚА САРҚИТЛАР
ҲАҚИДА**

Адолатсизликка мурасасозлик қилиш ёмон, айниқса за-
рарли сарқитларга кўр-кўрона бўйсуниб ҳаммадан ёмон.

* * *

Чин инсон ҳаққоният учун мустаҳкам туриб курашар
экан, у ҳеч қачон ёлғиз қолмайди, унинг энг қудратли
кўмакчиси пок виждонидир.

* * *

Одамларга хиёнат қилмаган бўлсанг, ҳеч ким гуноҳкор деб изингдан қувиб келмайди.

* * *

Ҳақиқат йўлида курашиб, вақтинча муваффақиятсизликка учраганингда ҳам матонат билан бардош бер, бу матонат ғалабанг гаровидир.

* * *

Виждони пок кишини қанча синовлардан ўтказсанг ҳам, унинг дилидан гард топа олмайсан.

* * *

Буюк сиймоларнинг тарихда қолган ишларини ҳеч ким тарих саҳифаларидан ўчириб ташлашга қодир эмас, тарих дафтарини на ўтда куйдириб бўлади, на сувда оқизиб. Ўт ўчади, тарихни ўчиришга уринганларнинг номи ўчиб кетади, аммо жамият тарихи тарихлигича қолаверади.

* * *

Ҳаром мол шундай бало ва офатки, уни ўз қўлинг билан елкангга ортиб қўйиб, сўнгра ундан қутулолмай, эл-юрт олдида шармандаи-шармисор бўласан.

* * *

Халқ қошида шармандаи-шармисор бўлган бадном башара ерга, халқ олдида ҳурматга сазовор бўлган чеҳра эса элга боқади.

* * *

Аввал ноҳақ ва ножўя иш қилиб қўйиб, сўнгра эл оғзини ёпишга уринма, азим дарёни тўсиб қўйиб бўлади-ю, аммо эл оғзини ёпиб бўлмайди.

* * *

Киши фаолиятида хато ва камчиликлар бўлиши мумкин, одамлар орасида эса бу хато, камчиликларга қарши норозилик шабадаси бошланади, буни сезган киши ўз хатоларини дарҳол тузатмоғи лозим, акс ҳолда бундай шабадалар қўшилиб, бўронга айланиши мумкин.

* * *

Бировга чоғ қазиган киши унинг азобини ўзи қазиган чоғга ўзи йиқилган вақтдагина англайди.

* * *

Жиноят қилиш қанчалик ёмон бўлса, жиноятчини ўз қанотининг остига олиш ундан ҳам ёмон

* * *

Ўзгаларнинг ютуғини кўра олмайдиган ҳасадгўй эл нафратига учрайди, яхшиларга тақлид қилиб, йўл излаган эса муродига етади.

* * *

Бирор кишининг қилаётган иши халқ учун зарарли иш эканлигини кўра била туриб, унинг олдини олиш ўрнига, ўзини четга оладиган ёки унинг зарарли ишларини қўллаб-қўлтиқлайдиган одам жамият учун ғоят зарарлидир.

* * *

Агар булбул калхатнинг овозини жуда ёқимли деб, тўтиқуш патларини гўзал деб, товус юришини чиройли деб мақтар экан, билингки, бу мақтовларнинг тагида бир гап бор.

* * *

Ҳовлиқма, энгилтабиат киши худди пуч ёнғоққа ўхшайди, у бўлар-бўлмасга шовқин солаверади.

* * *

Азиз китобхон, ҳаётингда қандайдир муваффақиятсизлик рўй берган тақдирда ҳам, бу ишда ҳақли эканлигинга виждонинг комил бўлса, асло тушкунликка ва парокандаликка берилма, чунки бу курашда сенинг виждонинг ғолиб.

* * *

Кеккайган теракнинг барглари озгина шамолга титраб турганидек, иродасиз, ҳовлиқма, қўрқоқ кишилар ҳам ҳаёт синовларига бардош беролмай, дод-вой кўтарадилар.

* * *

Сув заминнинг бўш ва ковак еридан ўзига йўл қидирганидек, жиноятчи ҳам иродаси бўш ва маишатга мойил бўлган кишидан ўзига ҳамроҳ излайди.

* * *

Бирор киши нопок ва ноинсоф шахсни кўкларга кўтариб, мақтар экан, билгинки, унинг ўзи ҳам ана шу ёмон сифатлардан холи эмас.

* * *

Тухматчида ҳақиқат йўқ, ҳақиқатчида тухмат йўқ.

* * *

Турар жойинг тор бўлса, бир нави, лекин кўнглинг тор бўлса, у дарди балодир.

* * *

Худбин кишилар жамият бошига битган балодир.

* * *

Қўнчинг кири тез кетади, аммо қалб кирини тозалаш эса оламдан матонат ва машаққат талаб қилади.

* * *

Ёмон хулқдан, заҳарли тилдан, ичкиликдан ҳеч ким бахт топмаган.

* * *

Кўнгли оқ одам айбингни юзингга айтади, ичи қора одам кек сақлайди, чаён каби заҳар йиғиб, пайт пойлайди.

* * *

Дили бузуқ киши қоронғи ва эгри йўлни излайди, дили пок одам ёруғ ва тўғри йўлни танлайди.

* * *

Ерда туриб, қуёшнинг сирини билиб бўлади, аммо ичи қора, писмиқ кишиларнинг кўнглидаги сирини билиш осон бўлмайди.

* * *

Ҳасадчи кишининг қўшнилари ошхонасидан чиқаётган овқат ҳидидан ҳам ғаша келади.

* * *

Одамларнинг муваффақиятларини кўролмайдиган ичи қоранинг кўзи кўр бўлгани яхши, халқ мулкани юлишдан тоймайдиган шахснинг қўли шол бўлгани ундан ҳам яхши.

Шундай киши ҳам бўлади: юзингга қараб тиржаяди, қўл қовуштириб мулозамат ҳам қилади, аммо кўздан ғойиб бўлганинг ҳамона ғийбатингни қилади.

* * *

Тухмат балосига йўлиққан одамнинг чеккан изтиробаи ғоят оғир, лекин у гуноҳсиз бўлса, тухматчи фош бўлади, албатта.

* * *

Тухматчи билан ёлғончи ўртасидаги чегарани аниқлаш жуда қийин, чунки тухматчининг қуроли ёлғончиликдир.

* * *

Ҳақиқатгўйнинг қалби ёруғ кунга, туҳматчининг кўнгли эса қоронғи тунга ўхшайди.

* * *

Булоқни булғатиш — ҳайвоннинг иши, ёшларни бузиш — нодоннинг иши.

* * *

Идкита нокас топишса, софдил кишиларга бўҳтон тоши отилади, икки пок дил учрашса, эл ва юртга яхши дoston туқилади.

* * *

Узунқулоқнинг тили қирқилгани яхши.

* * *

Тирноқ орасидан кир қидирадиган одамлар оқ сутдан ҳам қора доғ излайдилар.

* * *

Ичи қора кишининг дилини чироқ ёқиб ёритолмайсан, оқкўнгил, тоза одамнинг қалбини эса шундай ҳам кўриб бўлади, чунки унинг дилидаги юзида.

* * *

Майпарастлик — шилқимлик ва безориликнинг онаси.

* * *

Бойўғли ҳам, булбул ҳам қуш, лекин бири вайрона-ю хароба излайди, иккинчиси эса гулшан.

* * *

Разил ва худбин кишининг боши бир ифлос қозонки, унда одамлар ҳаётини заҳарловчи ирво ва фитна қайнайди.

* * *

Дили бузук кишининг афт-башарасини унинг ўзига очик кўрсатиб бера оладиган энг яхши, ёрқин кўзгу — танқиддир.

* * *

Қорамтир юзли кишини кўзинг билан кўрсанг, ичи қора кишини зеҳн билан биласан.

* * *

Темирнинг занги осон тозаланади, аммо қалб зангини тозалаш анча маҳол иш.

* * *

Пашша билан ирвогарнинг ҳунарлари бир-бирига жуда ўхшаб кетади: фарқи шундаки, улардан бири кишилар орасида юқумли микробларни тарқатса, ирвогар фиқсу фасод ва бузғунчилик уруғини сочади.

* * *

Кайф-сафо, маишатпарастлик кишини аждарҳо каби ўз комига тортади, иродали ва матонатли инсон унинг домидан четлаб кета олади.

* * *

Тўлқинга кўндаланг қўйилган қайиқ ағдарилади, адолатга қарши қўйилган қадам қирқилади.

* * *

Гул авайлаб ўстирилади, девпечак эса юлиб ташланади, чунки гулдан хушбўй ҳид, девпечакдан эса катта зарар келади.

* * *

Танадаги нуқсонни кийим-кечак билан яшириб бўлади, аммо хулқ-атвордаги нуқсонни ҳеч қандай либос билан яшириб бўлмайди.

* * *

Майпарастлик ва маишатпарастлик — бахтсизлик туюғи.

* * *

Мўрт ёғочга оёқ қўя кўрма, оёқсиз қоласан, номард кишига таяниб иш кўрма, уятга қоласан.

* * *

Молпараст киши бола-чақасини қисиб-қимтиб, емай-ичмай латта-путта, мол-мулк йиғади, бундай кишининг йиққани ўзига насиб этмайди.

* * *

Ифвогарнинг дўсти бўлмайди, чунки ифво бор жойга дўстлик қуши қўнмайди.

* * *

Калтабинлик кулфат онасидир, чунки ўйланмай қилинган иш бошга солар ташвиш.

* * *

Порахўрлик энг жирканчли сарқит, пок виждонли одамга бериладиган пора унга нисбатан энг оғир ҳақоратдир.

* * *

Оғзингдан ножўя сўз чиқиб кетса, уни асло қайтариб бўлмайди, аммо бирор хайрли иш қилмоқчи бўлсанг, ҳеч қачон кечикмайсан.

* * *

Жамоат мулкига хиёнат қилиб, гуноҳни ювиш учун турли диний маросимлар ўтказётган киши худди ўлжасини еб, тумшуғини артаётган тулкига ўхшайди.

* * *

Ичкилик кишидаги энг қимматли бойликни — ақл ва номусни ўғирлайди.

* * *

Баднафс киши худди сувга тўймаган ўпқонга ўхшайди.

* * *

Қўли кир киши ифлос нарсаларни ушлашдан жирканмаганидек, кўнгли кир шахс ҳам ҳар қандай ифлос ишларга қўл уришдан ҳазар қилмайди.

* * *

Ичи қора кишигина ақлли ва истеъдодли одамларга эргашиб ўрнига уларга бахиллик ва ҳасадгўйлик кўзи билан қарайди.

* * *

Гуллар ҳам ҳар хил бўлади: бири жуда кўркем, лекин ҳид бермайди, яна бири унча гўзал бўлмаса-да, ундан яхши ҳидлар таралади, бундай гулга асалари шайдо бўлиб, асло уни ташлаб кетмайди.

* * *

Ўт тушган уйдан қочиб қутилса бўлади, аммо ирво ва жанжал макон бўлган уйда жон сақлаш маҳол.

* * *

Худбиннинг байрами шум ниятларининг ушалган кунидир.

* * *

Х ақиқат юзини ёлғончилик либоси билан яшириб бўлмайди.

Жиноятни яшириш учун қанча кўп уринилса, у шунча тезроқ ошкора бўлади.

* * *

Ёмоннинг ўзидан эмас, қилмишидан ҳазар қил.

* * *

Виждонни нафс ихтиёрига тошшириб қўйган киши охири эл қошида бадном бўлади.

* * *

Чунтаккесарнинг ҳам, юлғичларнинг ҳам, поракўрнинг ҳам касби бир хил, фақат усуллари бўлакча.

* * *

Ёлғончи, ифвогар ва жиноятчининг уйқусида ҳам ором бўлмайди. Ичкиликбозлик, майшатпарастлик бахтсизликка олиб борадиган энг қисқа масофададир.

* * *

Шамол — булут ташийди, ёмон — ифво.

* * *

Молпараст кишига юсак инсоний фазилатлардан кўра мол-мулк, латта-путта афзал кўринади.

* * *

Адолатсизлик билан адолат белашганини сезган он дарҳол адолатта мададкор бўл, чунки адолат ғолиб чиқса, барча учун у бахт ва иқбол келтиради.

* * *

Қалби пок одамларни ранжитадиган, тили бошқа, дили бошқа кишиларни қўллаб, юлғичларни, лаганбардорларни силаб сийпайдиган бошқаларнинг ўзи ҳам бу иллатлардан холи бўлмайди.

* * *

Ёмоннинг қора нияти ташқарига чиқмасдан олдини олингани яхши.

* * *

Азиз тарбиячи, болангизни чақимчилик, иввогарлик касалидан пок сақланг, бу касаллик асабни бузади, умрни қисқартиради ва ниҳоят, дўстликка раҳна солади.

* * *

Бирор даврага киргудек бўлсанг, ўзгаларнинг иввосини қилиш ўрнига, яхшиликларнинг таърифини қил, ундан улфатларинг баҳра олсинлар. Агар бу иш қўлингдан келмаса, лоақал сукут қилинган маъқул.

* * *

Лаганбардорларнинг хусусияти шундаки, у ўз манфаати йўлида бошлиғининг хато ва камчиликларини билса ҳам, уни огоҳлантириш ўрнига кўкка кўтариб мақтайди.

* * *

Халқ мулки муқаддас нарса, уни арақхўр ва маишатпараст кишиларга ишониб, топшириб қўйиб бўлмайди, арақхўр ва маишатпараст бор жойда тўғрилиқ ва ҳалоллик бўлмайди.

* * *

Баъзи тарбиячиларнинг янгиликни кўра билмаслиги тарбия ишига жуда катта зарар келтиради, чунки улар бу касалликни неча юзлаб ёшларга ҳам юқтириши мумкин.

* * *

Улуғ ишларни бунёд этган сиймоларга ҳасад қилиш пасткашларнинг қўлидан келади.

* * *

Ҳаётдаги гўзалликлар ва ширин онларни кўра олмайдиган ва сеза олмайдиган шахс жонли бир гуваладир.

* * *

Пок инсонлар ахлоқи бузуқ кишилар ва уларнинг нопок қилиқларидан қўрқмайдилар, балки жирканадилар.

* * *

Хунук феъл-атвори туфайли турмушда урилиб-сурилиб юрадиган кишилар, оқибат натижада худди қайроқ тош каби сийқа тортиб, сурбет бўлиб қоладилар.

* * *

Порахўрнинг ақли ҳам, виждони ҳам унинг жиргидонида бўлади.

* * *

Кашанда ўзини заҳарлайди, ирвогар ҳаммани заҳарлайди.

* * *

Сув гирдобидан, маишатпарастлар даврасидан ўзингни эҳтиёт қил, ҳар иккаласи ҳам ҳаётинг учун хатарли ёвлардир.

* * *

Ирвогар инсофдан, ёлғончи виждондан маҳрум.

* * *

Худбин шахснинг зарари ёмон, лекин худбин мансабдорнинг элга бўлган зарари ундан ҳам ёмон.

* * *

Мансабга учган одамлардан камтарлик кутма.

* * *

Амалпарастлик йўли билан бойлик топган шахс, амал учун ҳар қандай жирканч ишлардан қайтмайди.

* * *

Ҳақиқий шуҳрат кишидан мақтанчоқлик эмас, балки Ватан ва халқ манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилишни тақозо этади.

* * *

Манманлик ҳам, сунъий шуҳрат ҳам одамлар нафратига сазовордир.

* * *

Чин инсон дил уммони билан тил чашмасининг замири битта.

* * *

Ҳақ гапнинг киши бетига айтилгани яхши, акс ҳолда унга қўшиб-чатиб ташувчилар топилади.

* * *

Юлғичлар билан ҳамтовоқ бўлиб, уларнинг гирдобига кириб қолган киши чақир тиканли чангалзор ичида қолган одамнинг ачинарли аҳволига тушади. У қаёққа интилса, шу томони шилинади.

* * *

Ўзи бирор фойдали иш қилмай, жамоадаги айрим кишиларни бир-бирига қарши қўйиб, четдан томоша қилаётган разил шахсдан жиркансам, унинг қўлида қўғирчоқ бўлиб, ўзаро ўқ отаётган соддадил кишиларнинг ачинарли аҳволидан изтироб чекаман.

* * *

Урушқоқ, беандиша, хулқи носоз кишидан бахт қуши узоқ юради.

* * *

Ифвогар, тухматчи ўз нишонига покдил, виждонли, оқил кишиларни олади, чунки у ўзида етишмаган ана шундай сифатлар учун уларга ҳасад қилади.

* * *

Уйи совуқдан эмас, дили совуқдан қоч.

* * *

Кўнгли қоранинг қилмиши шунинг учун ҳам хавфлики,
у кўпинча пок инсонлар устига гард ёрдиришга интилади.

* * *

Ахлатга пашша ўралашганидек, қўли эгри бошлиқнинг
атрофига юлғичлар йиғилишади.

* * *

Жаҳл устида чиқарилган ҳукм кўпинча ноҳақ бўлади.

* * *

Ифвогарлик — бекорчилик ҳосили.

ДУСТЛИК ВА МУҲАББАТ ҲАҚИДА

Бахт сўзи тўрт ҳарфдан ташкил топиб, у бирлик,
аҳиллик, қамжиҳатлик, тотувлик бор жойни излайди.

* * *

Чин дўст тиниқ ойнага ўхшайди, ойна чеҳрангдаги
дорларни қандай аниқ кўрсатса, ҳақиқий дўст ҳам хато
ва камчиликларингни беғараз, очиқ ва ойдин кўрсатади.

* * *

Дўст қадрини билган кишигина, эл қадрини билади.

* * *

Ҳеч ким ўзи учун дўстни ўйлаб топмайди. У бирга
кечган шод ва уқубатли кунлар, катта ва мураккаб ҳаётнинг
қимматбаҳо ҳосилидир.

* * *

Дўстлашиш осон, аммо дўст қадрини билиш, зарур бўлса, дўст учун жон фидо қилиш кишидан беқиёс мардлик талаб қилади.

* * *

Дўстларинг сендан юз ўгирса, сабабини ўзингдан кўр.

* * *

Яхши дўст қоронғида чироқ бўлади.

* * *

Дўстларнинг бошига туҳмат ёрилганда чин дўст худди ўз бошига маломат тоши отилганидек изтироб чекади ва дўстини бу бўҳтондан қутқариш учун жонини ҳам аямайди.

* * *

Авалло кишининг виждонини чуқур англаб, сўнг уни ўзинга дўст тут.

* * *

Мансабингдан манфаат қидирган, сени тамагирлик таоми билан меҳмон қилган дўстдан қоч.

* * *

Дўстларинг сони билан эмас, уларнинг ҳалоллиги ва содиқлиги билан фахрлан.

* * *

Ота-она ўз фарзандини кимлар билан дўстлашаётганини билиши зарур, чунки кишига унинг дўстларига қараб баҳо берилади.

* * *

Иккита разил одам маълум мақсадни кўзлаб оғиз-бурун
ўпишади-ю, асло дўстлашмайди.

* * *

Ҳақиқий дўстлар бир-бирларига қилган хизматларини
ҳеч қачон миннат қилмайдилар, миннат бор жойда дўстлик
йўқ.

* * *

Ҳасадчи кишилар ҳеч ким билан чин қалбдан дўстла-
шолмайдилар.

* * *

Дўстнинг содиқлигини бошингга бирор кулфат,
қийинчилик тушганда биласан.

* * *

Ҳар бир кишининг узоқ-яқин ўлкаларда ҳақиқий дўст-
лари бўлгани яхши, ундай одам ҳар ерда ҳурмат ва иззатда
бўлади.

* * *

Сен қўшнилариңгни ёмон деб шикоят қилар экансан,
аввало сен ўзингга бир назар ташлаб кўргил, сен уларнинг
иззат-ҳурматига лойиқмисан.

* * *

Қўшнилариңгни туғишган ака-укалариңгдан кам билма,
чунки улар яхши кунларда ҳамдам, бошингга тушган
мусибатлариңгга шерик ва ҳамдари бўладилар, қўмакла-
шадилар, ҳар қайси қўшнинг бир қанотингдир.

* * *

Олдинда сени кўкларга кўтариб мақтаб, орқаворотдан
сени ёмонловчи мунофиқ кишини дўст тутма, чин дўст
бетга айтади.

* * *

Иши тушганда йўқлаб келган киши дўст эмас.

* * *

Жамоада битта бемаъни одам бўлса ҳам, уни тўғри йўлга солишда бепарво бўлиш тўғри эмас, чунки у бутун жамоа шаънига доғ тушириши мумкин: доно халқимиз, "бирники мингга, мингники туманга" деб, бежиз айтмаган.

Дўст, ошноларнинг тўй-ҳашамларига бориш ҳамманинг иши, лекин уларнинг бошига бирор кулфат тушганда дарҳол хабар олиш чин дўстнинг бурчи.

* * *

Кишини ҳамма одамлардан бегона қиладиган нарса унинг хунук феъл-атворидир.

Бир туп гул гулзор бўлмаганидек, ёлғиз киши ҳам жамоа эмас, гуллар қўшилиб гулзор, яхшилар қўшилиб, яхши жамоа бунёд бўлади.

* * *

Нопок кишилар сенинг содиқ дўстингнинг тагига сув қуяётган эканлар, билгинки, улар шу сувни сенинг тагингга ҳам боришини кўзда тутадилар.

* * *

Дўстнинг гапи аччиқ дорига ўхшайди, дори аччиқ бўлса ҳам дардингга даво бўлади.

* * *

Фитначилар тоза мевалар ичига қўшилиб қолган чирик мевага ўхшайди, агар ўз вақтида олди олинмаса, у тоза меваларни ҳам чиритиб юбориши мумкин.

* * *

Ёмон киши ўзига ўхшаганлар билан тезроқ тил топади. Шунинг учун ҳам доно халқимиз "пес-песни қоройғида топади", деган.

* * *

Бирлик йўқолган жойда куч-қудрат камаяди.

* * *

Бир устун билан иморат кўтарилмайди, устунлар қўшилса, ҳатто тоғни ҳам кўтариши мумкин.

* * *

Кишининг ўзи дуруст одам бўлган тақдирда ҳам унинг ҳамроҳлари нопок кишилар бўлса, у халқнинг назаридан қола бошлайди.

* * *

Баъзан шундай юзларига дўстлик ниқобини кийиб олган шахслар учрайдики, ҳаётнинг сокиялигидан ул ниқобнинг остида нима яширинганини билолмайсан, бошингга кулфат тушгудек бўлса, ўша ниқоб остида айёр ва жирканч башара кўринадики, ҳатто ўз кўзларингга ҳам ишонмай қоласан.

* * *

Дўстнинг қўйвини пуч ёнғоққа тўлдиришга мойил киши дўстлик ниқоби яширинган фирибгардир.

Дўстлар кулбасига олиб борадиган йўлни унутиб қўйсанг бора-бора улар ҳам сенинг катта кўчангни ёддан чиқарадилар.

* * *

Райҳону жамбилларга қўшни бўлиб ўсган кўкатларга уларнинг хуш ислари тегади. Оқилу-доноларга ҳамроҳ бўлган кишиларга эса уларнинг яхши хислатлари юқади.

* * *

Яхши дўст кишини ҳурматга сазовор қилади, ёмон дўст эл олдида бодном қилади.

* * *

Қўрқоқ дўст жанг пайтида энг хавфли душман.

* * *

Дўстларга қилинган ҳиёнат, душманга қилинган иноятдир.

* * *

Дўстликнинг кушандаси шубҳа, мустақкам занжир эса ишончдир.

* * *

Яхшиларга ҳамроҳ ва ҳамдард бўлиш бир дунё ором ва шодлик бахш этади.

* * *

Дўстлик-туганмас бойлик.

* * *

Ҳаром тамоқ, суқ киши билан ҳамроҳ бўлма, у сени одамлар орасида ҳижолатга қўяди.

* * *

Умрингнинг охириги онларида севган дўстларинг сенга ҳамроҳ ва ҳамдард бўлар экан, ўлимнинг муҳдиш азоби ҳам енгил ўтади.

* * *

Маслаҳат билан пиширилган таом, муҳаббат билан қурилган турмуш ширин бўлади.

* * *

Қўни-қўшниларнинг ҳурматига сазовор бўлган қизнинг иқболи баланд бўлади.

* * *

Агар кийпининг бошига қандайдир кутилмаган кулфат тушгудек бўлса, унинг биринчи табиби содиқ, софдил турмуш ўртоғи бўлади.

* * *

Эр билан хотиннинг муросаси келишмай, аҳиллик йўқола бошлаган оила, худди қаровсиз қолиб, вайрон бўлаётган ҳовлидек бефайз бўлади.

* * *

Шахсий манфаатпарастлик шундай ёмон нарсаки, у ҳатто бир онадан туғилиб ўсган ака-укаларни ҳам бир биридан жудо қилади.

* * *

Икки фирибгарнинг дўстлиги худди икки маккор тулкининг ҳамроҳлигига ўхшайди.

* * *

Қизингизни ҳам, ўғлингизни ҳам асло севмаган кишисига унаштира кўрманг, чунки булбул ҳам кўнгли хоҳлаган гул шохига танлаб қўнади.

* * *

Шишанг туфайли дўстлашган ҳамроҳ сенга эмас, шишангга дўст, шишасиз қолдингми, дарҳол ташлаб кетади.

* * *

Баъзи бир келин сандиқ тўла сепи билан, лекин бош қутиси бўмбўш келади, яхши келин эса одоб-ахлоқ жавоҳирларини сеп қилиб, бош қутисига жойлаб келади.

* * *

Ёлғончи билан сўзлашма, чунки у билан бўлган дўстлик мўрт бўлади.

* * *

Эр билан хотин бир-бирларига нисбатан бепарво эканлар: бу уларнинг ўрталаридаги самимий муҳаббат йўқлигидандир.

* * *

Бир-биридан ҳадиксирайдиган эр билан хотин мудом нотинч яшайдилар.

* * *

Белингдан куч-қувват кетса ҳассага, кўзинг нури хиралашса, кўзойнакка, бошингга кулфат тушса ёр-биродарлар ва дўстларингга суянасан.

* * *

Агар бир йигит икки қизга муҳаббат изҳор қилар экан, билингки, унинг қалбида чин севгидан асар ҳам йўқ.

* * *

Киши ўз ҳаётининг поклиги учун курашмоғи яхши, лекин бошқалар ҳаётининг яхшилиги учун кураша олса бундан ҳам яхши.

* * *

Ўғлинг яхши улфат ортгирса, уйингга шоду-хуррамлик, бемаънилар билан топишган бўлса, ташвиш ва ҳасрат киради.

* * *

Сен ҳаётда шундай шарафли ишлар қилгинки, дўстларинг сен билан фахрлансин.

* * *

Марднинг безаги матонат, номарднинг ҳунари миннат.

* * *

Ҳеч қайси жамоа билан ишлай олмай, уларни ёмонлаб юрадиган киши ўзига ҳам бир назар ташламоғи лозим, наҳотки ҳамма ёмон бўлса-ю, унинг танҳо ўзи яхши бўлса.

* * *

Бола дўстликка мумкин қадар ёшлигидан одатланмоғи лозим. Агар унинг онгига “мен” ўрнига “биз”, “меники” ўрнига “бизники” деган тушунча сингдириб борилмаса, у ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйишга одатланиб қолади.

* * *

Ҳусн шайдоси сени ташлаб кетиши мумкин, қалб шайдоси эса сен билан бир умрга бирга яшайди.

* * *

Оқил ва содиқ эр ўз рафиқаси учун энг бебаҳо безакдир.

* * *

Икки кишининг муҳаббатсиз қурган турмуши худди совуқ урган дарахтнинг япроғи каби жонсиз бўлади, озгина шамол бўлса, ундай япроқлар дув тўкилганидек, улар ҳам ҳаётнинг кичкинагина тўлқинларига бардош беролмай, бири иккинчисини ташлаб кетади.

* * *

Эр билан хотин ажралишар эканлар, улар ўртасидаги мол-мулк, ҳовли-жой тақсимланиши мумкин, лекин фарзанд қалбини асло тақсимлаб бўлмайди, чунки болага отанинг ҳам, онанинг ҳам меҳри ва ғамхўрлиги керак.

* * *

Синалмаган йўлга йўловчининг кун ботмасдан чиққани яхши, турмуш қурмоқчи бўлган йигит-қиз ҳам ёшлик даврини ўтказиб юрмасдан, ўз вақтида турмуш ўртоғини топгани яхши.

* * *

Енгил ҳаёт кечиритишга одатланиб қолган киши ўз турмуш ўртоғига ҳам бевафо ва бемеҳр бўлади.

* * *

Агар одам бирор бадхулқ кишига ҳамроҳ бўлиб қолса, унга ижобий таъсир кўрсата билса, бу унинг чиндан ҳам

иродали ва оқил инсонлигидан, аксинча, агар унинг таъсирига берилиб қолса, унинг бефаҳм ва иродасиз одамлигидан нишонадир.

* * *

Ота-она ўғил-қизлари дилида ниш ура бошлаган севги, муҳаббат ҳис-туйғуларига бепарво бўлмасликлари керак, чунки баъзи бир тортинчоқ болалар ўз сирларини улардан яширишга уринадилар. Бунинг оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқади.

* * *

Қизим, модомики, бир йигитни севиб, турмуш қурган экансан, булбул каби хушмақом, ширин забон ва хушбўй гул каби муаттар ва назокатли бўлки, оқибатда сен шундай жозибатор рафиқа бўлсанг, қайлигинг гул ошиғи булбул каби бир умрга сенинг муҳаббатинг билан яшайди.

* * *

Эрга вафосизлик билан уни ташлаб кетган аёл эрнинг куясига, хотинини қадрламай ташлаб кетган эр эса хотиннинг куясига учрайди.

Курашда номардга суянма, у сени ташлаб кетади.

* * *

Ўзига умр йўлдош танлашда гўзаллик қидирган эмас, балки ақл ва одоб излаган ютади.

* * *

Чин инсоний муҳаббат кун сайин ҳарорат касб этади.

* * *

Дўстларнинг бошига қандайдир кулфат тушганда, уларга оқ-воҳ қилиб қуруқ ачинмай, балки дўстларини бу кулфатдан олиб чиқиш йўлида мардонавор ёрдам кўрсатган киши чин дўстдир.

* * *

Дил оғриғининг энг яхши малҳами диловар дўстдир.

* * *

Шухрат изидан қувиб, элни ва дўстларингни унутма,
шухратни улар билан орттир.

* * *

Чин инсон учун дўстларига шарафли иши орқали
топилган завқдан кўра ортиқроқ ором бўлмаса керак.

* * *

Оқил ота-оналар болаларига одамлар билан бўлган чин
дўстликни тухфа қилиб қолдирадилар. Оқил фарзандлар
эса ота ва она, қадрдонларини асло унутмайдилар.

* * *

Иноқ жамоа бўлмоқ учун бир маслак ва бир ғоя билан
бирлашмоқ лозим, чунки одамлар жамоаси оддий нарсаларнинг
мажмуаси эмасдир.

* * *

Киши, у ким бўлишидан қатъи назар, ўзи истиқомат
қилаётган жойдаги одамларнинг иззат-икромига сазовор
бўлмоғи лозим, чунки унинг яхши кунда ҳам, бошига
иш тушганида ҳам биринчи галда улар кўмаклашадилар.

* * *

Муҳаббат чироғига ҳам ёқилғи керак. Бу ёқилғи ҳар
икки томоннинг меҳр булоғидир.

* * *

Муҳаббат ниҳоли меҳр булоғидан сув ичиб камол топади.

* * *

Теран, азим дарёлар бешовқин оққанидек, дилида чуқур
ва қудратли муҳаббати бор инсон ҳам севги ҳақида ба-

ландпарвоз гапларни кам қилади. Лекин унинг севгиси севган кишисига кўрсатаётган меҳрибонлигида ва зебо хулқи-атворида намоён бўла боради.

* * *

Жамоа ишининг камолоти унинг аъзолари аҳиллиги ва бирдамлигига боғлиқдир.

Бир ёқлама муҳаббат бир қанотли қушдир.

* * *

Эр ва хотиннинг бир-бирига бўлган хуш фазилатлари оила қасрининг мустаҳкамлигидадир.

* * *

Чин муҳаббат билан қалби зеболик эгизакдир.

* * *

Бир-бирига заҳар сочаётган эр ва хотин ўртасида турган одам уларга нисбатан икки ҳисса ортиқроқ заҳар ютади.

* * *

Чаён чаққудек бўлса, маълум бир пайтгача азобини тортасан, лекин умр йўлдошининг тили заҳар бўлса, умр бўйи.

* * *

Шогирдим, дўстларинг ўртасида игнага ўхшаб, дўстлик чокини мустаҳкамлашга интил, аммо қайчи бўлиб, дўстлик ипини қирқувчилардан бўлма.

Чин севги эгаси севгилисининг оёғига тикан киргудек бўлса, кўзларини чироқ, киприкларини мўйчинак қилиб олиб ташлашга тайёр туради.

* * *

Бир-бирига кўнгилсиз эр ва хотиннинг турмуши қарға билан гулнинг хайрихоҳлигига ўхшайди. Уларнинг бири баҳору ёзни истаса, иккинчиси қаҳратон қишни қўмсайди.

* * *

Қандайдир кўнгилсизлик рўй берган тақдирда эр ва хотин бу нохуш хабарни бир-бирларига жуда эҳтиётлик билан етказишлари улар ўртасидаги меҳр-муҳаббатдан нишона.

* * *

Севги қалб соғинчи билан эгизакдир.

* * *

Дили бўм-бўш кишининг қасридан кўра, қалби дарё инсоннинг кичик кулбаси яхши.

* * *

Муҳаббатга ўхшаб кўринган саробнинг чин севгидан фарқи шундаки, у узоқдан қанча чиройли бўлиб туюлмасин, яқинлашган сайин шунча хунуклашади.

* * *

Дунёга келиб-кетиш шунчаки беш кунлик сайру томоша эмас, балки бу саёҳатга содиқ, ҳамдард ва ҳамдам умр йўлдош керак.

* * *

Баъзи бир ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги муносабат фақат шахсий манфаат асосига қурилади. Бу эса, оилада чин дўстлик ва меҳрибонлик руҳи ҳукмрон бўлмаганлиги оқибатидир.

* * *

Калтабин аёл ўз ҳуснини эри устидан ҳокимлик қуроли қилиб фойдаланишга уринса, вақти келиб ёшлик ҳусни кетади, лекин эр қалбини эса муҳаббат хисларининг нафрат туйғулари эгаллаши мумкин.

* * *

Сеҳрли жилва билан ялтираб, товланиб, бағрига чор-

лайдиган, узоқдаги саробга интилиб, ўзининг пок ва тиниқ чамасидан ажралиб қоладиган калтабин лақмалар ҳам учрайди.

* * *

Дўстингнинг оқилона маслаҳатини олтиндан қиммат бил.

Инсон, айниқса, бетоб бўлганида яқин дўстларини қўмсайди. Улар билан кўришса, дардининг енгиллашганини ҳис этади. Чунки дўстларининг нигоҳи кўзига тўтиё, каломи эса дардига мўмиёдир.

* * *

Севилган ондан бошлаб қиз боланинг баҳори бошланади.

* * *

Болада оила ва мактаб қучоғида шакллана бошлаган дўстлик туйғуси, Она=Ватан гулшанига экилган мевали ниҳолдир.

* * *

Барча мол-мулкларингни тўплаганингда ҳам битта содиқ дўстинг ўрнини боса олмайди.

* * *

Асаб касаллигининг сабаби ҳам, давоси ҳам кўпинча беморнинг ўз уйидан топилади.

* * *

Чин дўстнинг муҳим фазилати оқилона маслаҳат ва ўринли ёрдам бера олишидадир.

* * *

Эр ва хотин ўрталаридаги аҳду-паймон занжирининг биринчи ҳалқаси никоҳ куни тақилган узук билан бошланиб, у фарзандлар билан янада мустаҳкамланади.

* * *

Аёлларимиз таққан зебу-зийнатлар кўзимизни,

қалблардаги муҳаббат жавҳарлари эса дилимизни
қувонтиради.

* * *

Бир гулнинг юзидан бўса олиб, яна бошқасига
пошилаётган ўйноқи шамол вафо нималигини қаердан
билсин.

* * *

Севги қушининг қадрини бил, акс ҳолда у учиб кетади.

* *

Чин муҳаббатни зарҳал ва зарбоф либосдан эмас, балки
инсон қалбидан қидир.

* * *

Гарчи киши жуфт яшаса ҳам қалби танҳоликни ҳис
этади, бу энг оғир ёлғизликдир.

* * *

Баъзан шундай ноаҳил эр ва хотинлар учрайдики, улар
худди кийимга тушган куядек бир-бирларининг умрларини
қирқадилар.

* * *

Кишининг ҳаётда тўғри йўлдан адашиб қолиши
шубҳасиз ёмон, лекин уни тўғри йўлга солувчи дўстлари
бўлмаса, яна ҳам ёмон.

* * *

Умр йўлдошининг сенга бўлган меҳрибонлигини,
айниқса, бошинг ёстиққа етганда аниқ биласан.

* * *

Уйланиш дегани бекинмачоқ ўйнаш эмас, балки икки
ёшнинг катта ҳаёт уммонидаги тўлқинлар ичра ҳамдам
бўлиб, бир манзилга томон интилишидир.

* * *

Меҳнат тақсимида осонроғини, ҳосил тақсимотида эса қуюқроғини талаб қиладиган киши асло дўст бўлмайди.

* * *

Ўз манфаатини кўзлаб, юқорига чиқиб олгач, кишиларни қўлтиқтаёқ қилиб фойдаланиб, иши битгач, уларни тепкилаб ўтиш номардлик белгисидир.

* * *

Тепаликка кўтарилаётган вақтингда қўлтигинга кирган кишининг қандай эканлигини тепадан тушаётганинда яхши биласан.

* * *

Бола-чақаларнинг ташвишини ҳам, оила-рўзгор ишларини ҳам, ҳатто уйинг ғалвасини ҳам хотин устига ортиб қўйиб, биргаликда юк тортаяпмиз деган эр ҳам бўлади.

* * *

Қуйидаги тўрт нарса кишига бебаҳо:

1. Юлғичлик ва кўзбўямачилик билан топилган мулк.
2. Лаганбардорлик орқали қозонилган сохта шухрат.
3. Мансабинг ва дастурхонинг туфайли боғланган дўст.
4. Фақат ҳуснга ошиқ бўлган ёр.

* * *

Севиш фарз, садоқат эса қарз.

* * *

Оилада ака-ука, опа-сингилларнинг ўзаро аҳиллик ва дўстлик руҳида тарбияланишнинг муҳим аҳамияти шундаки, бу фазилат уларнинг бола-чақаларига ҳам кўчади. Маълумки, авлод учун энг яхши мерос дўстлик, аҳиллик туйғусидир.

* * *

Замини бўш дўстлик илдизи мўрт дарахтга ўхшаб омонат бўлади. Чин инсоний дўстлик эса она-ер билан томир-томирларигача боғланиб ўстан чинорга ўхшаб, ҳар қандай бўронларга ҳам бардош беради.

* * *

Яхши қиз яқинидаги қўни-қўшниларидан ортмайди, дейдилар. Чунки унинг барча кирдикори қўшниларига маълум.

* * *

Хотин киши учун эркакдан энг олий мукофот унинг қалб амри билан инъом этган жўшқин беғараз муҳаббатидир.

* * *

Ҳақиқий муҳаббат эгалари бир-бирларидан пок ва беғараз севги кутадилар.

* * *

Оиладаги эр билан хотин ўртасидаги муносабат ҳам тарози каби мувозанат тақозо этади. Улардан бири иккинчисидан ўзини устун қўйишга уринса, бу мувозанатга путур этади.

* * *

Асалини яхши кўриб, арасини қувадиган, боласини севиб, онасини турткилайдиган баъзибир келин-куёвлар ҳам бўладики, уларнинг турмуши омонат.

* * *

Гул муаттарлик касб этгани каби, кишининг ниҳол сингари борган гулшанида қўниб қолиб, ўсиб-унгани ундан ҳам яхши.

* * *

Севилган қиз севган йигитнинг наздида кун сайин тўлишаётган ғунчадек тобора зеболик касб этади.

* * *

Ўзаро садоқатга ва чин муҳаббатга асосланган дўстлик учун масофанинг аҳамияти йўқ.

* * *

Ота-онасиникига бир дастурхон майда гап тугиб бориб, у ерда ҳам гап тугиб қайтадиган тили дастурхон келин дўстликнинг заволидир.

* * *

Юқори поғонага кўтарилаётганларга ҳасад кўзи билан қараш айб, аммо ўз изидан бораётганларнинг йўлига тўғаноқ бўлиш эса ундан ҳам каттароқ гуноҳ.

* * *

Одамовилик қилиб, одамлар билан мулоқотда бўлмаган экансан, ҳаётни билмайсан, чунки ҳаёт одамлар билан барҳаёт.

* * *

Вафо кутишнинг энг муҳим шартларидан бири вафодор бўлишликдир.

* * *

Агар опа-сингиллар, ака-укалар ноаҳил бўлиб, бир-бирларини иғво қилсалар, уларнинг болалари ҳам ўзаро пичоқ қайрайдиган, ноаҳил бўладилар. Чунки улар ноаҳилликка ворисдирлар.

* * *

Ёр инъом этган иззату-ҳурмат инсон учун жуда бебаҳо тухфадир.

* * *

Агар эр билан хотин ўрталарида шубҳа ва ишончсизлик туғилса, хонадонга уруш-жанжал ва унинг кетидан бахтсизлик киради.

* * *

Жаҳли тез, тажанг киши билан мулоқотда бўлган кишининг аҳволи портловчи модда ёнида турган одам каби мудом нотинч бўлади.

* * *

Оғир ишларни енгил бажаришнинг энг яхши чораси бирлик ва ҳамдамликдир.

* * *

Оилада фақат болаларингни эмас, балки эр ва хотин ҳам бир-бирларини яхши қилмишлари учун ўринли, оқилона рағбатлантириб туришлари ўзаро меҳр-муҳаббатни ва ҳамжиҳатликни мустақкамлашга ёрдам беради.

* * *

Баъзан ёшларнинг турмушлари бузилишига уларнинг ўзлари эмас, балки ноаҳил қуда ва қудағайлар ўртасидаги номатлуб муносабат ҳам сабаб бўлади.

* * *

Шогирдим, илму ҳунар ўрганиш билан бир қаторда одамларнинг қалбига тўғри йўл топа билиш каби муомала маданиятини ҳам ёшлиқдан касб эт. Бу сенинг одамлар жамоаси ичида яхши яшашинг учун зарур.

* * *

Ўзига муносиб улфат танлай билиш кишидан катта ақл ва дид-фаросат талаб этади.

* * *

Овсинларнинг ўзаро аҳиллиги ака-укалар ўртасидаги дўстликнинг пойдеворидир.

* * *

Тез қизийдиган нарсалар тез совиганидек, ичкилик ҳаракати билан боғланган ошнолик узоққа бормайди.

* * *

Узатилган қизни “тор қорнимга сиққан, кенг уйимга сиғади?” деб, ноўрин меҳрибонлик кўрсатадиган она уй бузарлардандир.

* * *

Дўстларнинг висоли — қалбининг чироғи.

* * *

Муҳаббат туйғусини ўлчай оладиган бир торозу ясалмаган, лекин унинг кучи ва қудрати бирга кечган ҳаётда синалади.

* * *

Эр ва хотин ҳаёт учун зарур бўлган барча нарсаларни ўзидан кўра умр йўлдошига кўпроқ ишона олса, ҳаёт замири шунча мустаҳкам бўлади.

* * *

Ҳусни бўлиб, лекин қалб кўри бўлмаган умр йўлдош муз ўстига тушган ой шуъласига ўхшайди.

* * *

Ички дунёси бой, иродаси мустаҳкам бўлган инсондаги ҳақиқий муҳаббат ҳар қандай қийинчиликларга бардош бера олади.

* * *

Пок муҳаббатнинг фазилати шундаки, у инсонга ҳаётийлик, тетиклик, қувонч бахш этади.

* * *

Шогирдим, сенинг муҳаббат бобидаги мезонинг улуғвор ахлоқ ва нафосатга асосланган мумтоз орзу-умидлардан ва унинг оқилона интилишидан иборат бўлмоғи лозим. Чунки сен улуғларнинг азиз фарзандисан.

* * *

Бевафога кўнгил бериш ва у билан умр риштасини
борлаш ихтиёрый равишда заҳарли илоннинг бошига
осилишдир.

* * *

Бевафо умр йўлдоши,
Энг оғир маломат тоши.

* * *

Ишрат излаб кўча-кўйда саёқ юрган киши ҳеч қайси
муҳаббат гулшанида қўним топмайди.

* * *

Севгининг ҳам посбони ва кушандаси бўлади. Бири унга
садоқат, иккинчиси хиёнат.

Ўз умр йўлдошига садоқат қилмаган ва оилада ўзининг
ота-оналик бурчини бажармайдиган киши одамларнинг
эътибор ва ҳурматларига ҳам арзимайди.

* * *

Қизларнинг бошини айлантиришни ўзига касб этган
маккорлар ҳам бўлади. Уларнинг тузоқларига дарҳол
лақмалар илинади.

* * *

Оила фақат моддий бойлик тўплашга берилиб кетиб,
унинг маънавий эҳтиёжини унутиш маънавий йўқсил
кишининг иши.

* * *

Биринчи муҳаббат хотираси ўчмас из қолдиради.

* * *

Назокат ва андиша билан пок муҳаббатни ўзида му-
жассамлаштира билиш чин инсоний фазилатдир.

* * *

Устинга ташвиш ортиб қўйиб, ўзини четга оладиган ҳамроҳдан узоқ юр.

* * *

Икки мансабпараст шахс ўртасидаги дўстлик бир-бирини чуқурга тушириш ниятида ўра устига омонат ёпиб қўйилган ниқобга ўхшайди.

* * *

Агар умр йўлдошинг ишдан сўнг уйга ошиқмас экан, сен ўзингга ва унга бўлган муносабатингга бир назар сол.

* * *

Одамлар ўртасидаги дўстликка тўғаноқ бўлган хасадгўй киши, қуёш билан ер ўртасидаги ёмғирсиз булутни эслатади.

* * *

Оила аъзоларининг ҳар бири ўзлигини, бурчини билиб, оқилона иш тутса, турмуш гўзал ва ширин ўтади, акс ҳолда оиланинг иқболига зарар етади.

* * *

Эр ва хотин бир-бири устидан ҳукмронлик ўрнатишга интилиш ўрнига ўзаро меҳрибонликни нечоғлик кучайтирсалар, дўстлик ниҳоли шунча барқ уриб ўсади.

* * *

Болаларимиз ўртасида ўйинчоқлар атрофида бошланган дўстлик, беғубор гўдаклик туйғулари бўлиб, гап уни ана шундай беғубор ривожлантира билишимизда.

* * *

Умр йўлдошинг жаҳолат ўтида ёнаётган вақтда у билан ади-бади айтишма. Акс ҳолда бу ўтга ўзинг ҳам қўшилиб ёнасан.

* * *

Эр ва хотин ўртасида меҳр-вафо билан фарзандлар
иқболи мутаносибдир.

* * *

Оқила қизим, умр йўлдошингни оқилона ҳурмат қил.
Бу мусулмонларга хос чин инсонпарварлик ҳислати бўлиб,
оиланинг бахт-иқболи гаровидир.

* * *

Адашган умр йўлдошни ташлаб кетиш учун унча кўп
ақл керак эмас, лекин уни бу йўлдан қайтариб олиб, тўғри
йўлга йўллаш жуда мушкул ва шарафли иш.

* * *

Инсон ўз уйида мавқега эга бўлиши лозим. Ўз хона-
донига керак бўлмаган киши бошқаларга ҳам керак эмас.

* * *

Чин севги ҳаётга гўзаллик билан эгизак.

* * *

Эр ва хотин ўртасидаги дўстлик дилда бўлмай, тилда
бўлса, бу муҳаббат мунофиқликдир.

* * *

Умр гулшанининг бахт ва саодат билан безатишни иста-
санг, бир қўлингда муҳаббат машъалини, иккинчи қўлингда
эса садоқат гавҳарини тут.

* * *

Бир-бирини гўзал ва шарафли ишлар бунёд этишга даъ-
ват этмайдиган кишилар ўртасида чин севги ҳам, ҳақиқий
дўстлик ҳам йўқ.

* * *

Улуғ уммонларнинг сувли ирмоқларга эҳтиёжи
ошганидек, инсоннинг ҳам мудом дўстларига ва дўстликка
эҳтиёжи ортади.

* * *

Ҳаётни ўйинчоқ, турмуш қуришни эса бекинмачоқ ўйин деб қарайдиган одам калтабинларнинг калтабинидир.

* * *

Хеч қандай қийинчиликларга дуч келмайдиган оила ноёб.

* * *

Агар умр йўлдошингни бир бор алдасанг, ўзингни бир умрга алдайсан.

* * *

Севгининг гаштини ҳам, лаззатини ҳам, ширинлигини ҳам, аччиқ ва оғир оқибатларини ҳам севган ва севилганлардан сўра.

ИНСОН ВА АДОЛАТ ҲАҚИДА

Ўзининг улурвор фазилатлари билан меҳнаткаш халқнинг қалбидан жой олган инсонга тош отиб, беҳурматлик қилган шахс кўкка тушираётган нодондирки, оқибатда у халқ назаридан қолиб, нафратга лойиқ бўлади.

* * *

Тошни олтин билан қанча ёнма-ён қўйма, тошнинг қадри ортмайди, олтин эса беқадр бўлмайди. Шунингдек, чин инсонга ифвогар қанча маломат тошини отмасин, халқ назарида ифвогар обрўли-ю, пок киши эса беобрў бўлиб қолмайди.

* * *

Сохта йўл билан шуҳрат қозониб, юқори кўтарилган шахс ичига енгил газ қамалган пуфак каби парвози қисқа бўлади.

* * *

Маишатпарастлик жиноят кўпригидир.

Илм аҳли ичига кириб қолган ифвогар асаларилар уясига кириб олган қовоқарини эслатади.

* * *

Бола-чақаларидан қизғаниб, емай-ичмай мол йиғадиган каламуш нусха кишилардаги хасислик касали ҳам гўдаклигидаги қизғанчиқлигидан бошланади.

* * *

Бирор лавозимга одам тавлаш зарур бўлиб қолган тақдирда одил раҳбар ўз атрофида гирдикапалак бўлиб юрган парвоналардан эмас, балки кўзга ташланмай, ҳалол меҳнат қилаётган пок дил, камтарин инсонлардан тавлайди.

* * *

Юлғичларнинг юзини ёпиш учун ҳаракат қилган шахс юлғичларнинг пиридир.

* * *

Кўзи ожизлик киши учун анча оғир хасталик, лекин ҳақиқатни, софликни, адолатни кўра билмаслик, ҳис қила олмаслик, жирканч дил сўқирлигидир.

* * *

Қарилликнинг ўзига хос табиий кўнгилсизлик ҳолати бор. Улардан кулган ёш, ўзининг бундай номатлуб қилмишларини бу кўнгилсизликларга ўзи дучор бўлганидан сўнг англайди.

* * *

Худбин киши келган меҳмоннинг қўлига ёки мансабига қараб дастурхон ёзади.

* * *

Шогирдим, одамларнинг сенга берадиган баҳоси, асосан, сенинг инсоний фазилатингга боғлиқ бўлади. Шундай экан,

яхшиларга эргаш, одамларга яхшиликлар қилишдан чарчамас.

* * *

Кишида ижобий фазилатлар қанча кўп бўлса ҳам оз. Лекин носоз хулқ битта бўлса ҳам ортиқча, чунки бир томчи заҳар бир ботмон асални бузиши мумкин.

* * *

Инсон учун энг яхши тожу тахт ва бахт халқ ҳурмати дир.

* * *

Сувдан қуруқ чиқаман, деб ўйлайдиган айёрнинг ҳам эл қошида шармандалиқдан шалоббо бўладиган онлари ҳам бўлади.

* * *

Ичи қора кишининг кулганини ҳам, йиғлаганини ҳам ажратиш қийин.

* * *

Эркак билан аёл ўртасидаги пок, самимий дўстликни ёмонликка йўядиган кишининг ўзи аслида тоза одам эмас. Чунки нопок киши бошқаларни ҳам ўз арши билан ўлчайди.

* * *

Лавозимдаги кишининг дили ва қўли пок бўлса, юзи ёруғ, сўзи ўткир бўлади.

* * *

Жаҳли тез кишига гармдори сепиб қўйиб, унинг аҳволини четдан томоша қиладиган "ҳазилкашлар" ҳам бўлади, лекин бундай ҳазил кўпинча унинг учун қимматга тушади.

* * *

Виждон софлиги таннинг поклиги ҳамда руҳий кў-
таринкиликнинг гаровидир.

* * *

Барча тулкиларнинг тақдири бир хил — эл қошида
шармандаю шаримсолик.

* * *

Шогирдим, ҳақ гап юзингни қуёш нуридек порлоқ, ёлғон
сўз эса қозон куясидек қора қилади.

* * *

Ҳаромхўрлик билан йиғилган мол-мулк — киши
эркиннинг кушандаси. Эркинг кетса, бахту-иқболинг кетади.

* * *

Маълумки, ўлим инсон учун энг оғир кулфат, лекин
киши ҳаётлигида одамлар назаридан қолиб, тирик мурда
бўлса, бу ўта оғир фожиадир.

* * *

Майпараст, маишатпараст ва мансабпарастлар ўртасида
қандайдир ўхшашлик ва яқинлик бор. Улар ўз мақсадлари
йўлида ҳеч қандай пасткашликдан ҳам қайтмайдилар ва
бирлашиб оладилар.

* * *

Кишидаги инсонга нисбатан раҳмдиллик ва меҳрибонлик
ҳам, уларга нисбатан бағритошлик кайфияти ҳам гў-
дакликдан, унинг атрофини ўраб турган ўсимликлар,
қушлар ва қайвонлар дунёсида бўлган муносабатидан шакл-
лана бошлайди.

* * *

Ичи қора аёл қуёшга боқолмайдиган кўршапалакка ўх-
шайди, у ҳатто ўрли билан келинининг ўзаро
иттифоқлигини ҳам кўролмайди.

* * *

Фожиа шундаки, иғвогар киши ўзини ҳаммадан доно, қилмиш разилликларини эса ўринли, ҳатто оқилона деб ўйлайди.

* * *

Носоз одамнинг пойқадами етган жойни дарҳол тозаланг, акс ҳолда унинг изидан шумғия ўсиши мумкин.

* * *

Кўнгли оқ инсонга ҳамма нарса оқдек туюлаверади.

* * *

Улуғликка кўтарилиш учун бир умр риёзат керак, тубанликка тушиш учун эса бир он кифоя.

* * *

Сувнинг гирдобидан ва маишатпарастрларнинг дамидан ўзингни эҳтиёт қил, буларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳаётинг учун хатарли ёвлардир.

* * *

Иғвогар иғво ўтини ёқади, бора-бора ўзи ёққан ўтда ўзи ёнади.

* * *

Иғвогарда виждон, ёлғончида инсоф бўлмайди.

* * *

Ҳатто илон чаққан кишининг тортаётган азоби ҳасадгўйнинг одамлар ютуқларига чидолмай чекаётган изтиробидан юз поғона паст туради.

* * *

Юлғичликнинг ҳосили қўрқинчлидир.

* * *

Шароб кўздан ҳаёни, юздан ифбатни ўғирлайди.

* * *

Ният бузилса, унга асаб қўшилса, кўпинча ҳосили
фожиа бўлади.

* * *

Бирор ташкилотга юлғич хирапашшалар йиғила бошла-
ган экан дарҳол у ерга поклик киритиш лозим.

* * *

Одамнинг йўқотган нарсалари ичида ачинарлиси
йўқотилган инсоний фазилатдир.

* * *

Фақат ўз манфаатинигина ўйлайдиган худбин киши
тулкисимон бўлиб, унинг ҳам қуроли айёрлик ва
фирибгарликдир.

* * *

Дили қора, нияти бузуқ кишининг вақтинча орқага
чекинишидан хотиржамланма. Бўри ҳам орқага чекиниб,
елкангдан олишни мўлжаллайди.

* * *

Башарти киши жуда хушсурат бўлса ҳам, лекин қалби
нопок, хулқи совуқ бўлса, у ранги чиройли, аммо қиди
бадбўй сассиқ алафга ўхшаб одамларни ўзидан қочиради.

* * *

Танқид пок одам учун инсонпарварлик қуроли.
Фитначи учун тинч-тотув турмуш заволдир.

* * *

Гарчи барча жамоа аъзолари сендан қутилишга ҳаракат
қилиб, ҳайдар экан, бунинг сабабини юзингдан эмас,
фёлингдан қидир. Маълумки, бўри афти учун эмас, фёли
учун қувланади.

* * *

Юлғич пулдан ўқ ясаб, порахўрнинг жиғилдонини нишонга олади, чунки порахўрнинг виждони жиғилдонида бўлади.

* * *

Агар яхши одамлар сендан узоқлаша бошлаган экан, дарҳол феъл-атворингга назар сол.

* * *

Кишининг бебаҳо бойлиги бу одамийликдир, одамийликнинг қароқчиси эса баднафслик, ҳаром-хўрликдир.

* * *

Ўзгаларнинг бадбахтлиги ҳисобига ўзига бахт излаган одам энг бадбахт кишидир.

* * *

Агар ичкиликбозлик турли кўнгилсизликларнинг онаси бўлса, калтабиялик унинг дояси.

* * *

Эл назарига кирган азиз одамга ҳасад қилиб, унга тош отаётган шахс ойнинг ҳуснига рашк қилиб, унга лой отаётган нодонни эслатади.

* * *

Ҳаром мулк кетидан хонадонга нотинчлик, бола қошида бевурдлик, эл қошида шармандалик кириб келади.

* * *

Ханжарни қинсиз, ифвогарни қаровсиз қолдириб бўлмайди.

* * *

Қўли ифлос юлғичнинг елкасини қоққан киши ҳам юлғич.

* * *

Осмондагини сапчиб, ердагини қапчиб юрган юлғичнинг ҳам тутқич берадиган вақти бўлади.

* * *

Одамларнинг оёқларидан тортаверма, бу феълинг ўзингни оёқ ости қилади.

* * *

Раҳмдиллик билан қўйиб юборилган чаён эртага ковакда писиб ётиб, яна кўпроқ заҳар тўплайди ва бошқа бир инсоннинг ҳаётини заҳарлайди.

* * *

Гарчи бирор шахснинг жазоланиши кўпчилик пок инсонларни қувонтирган экан, бу унинг ўта нопок ва носозлигидан нишона.

* * *

Аллақачонлар кўмилиб кетган эски ўраларни ковлаб, уларга сув қўйиб, бадбўй ҳид тарқатишдан завқланувчи кимсалар пасткаш, разил ва аблаҳдир.

* * *

Ашаддий иғвогардан сўрабдилар:

— Умрингда бир кун иғвосиз яшаганмисан?

Иғвогар депти:

— Кўриб турибсизки, мен ҳали тирикман.

* * *

Афсуски, қалби пок, оқ кўнгил инсоннинг қўйнига сип-силлиқ бўлиб кириб олиб, сўнгра заҳар соладиган илон нусхалар ҳам бўлади.

* * *

Муҳаббат ниқобига ўралган рашк муҳаббат ниҳолининг илдизига тушган кемирувчи қуртдир.

* * *

Рашк ва шубҳа билан таҳқирланган одамнинг тортган азоби заҳарли илон чаққан кишидан уқубатлироқ бўлади.

* * *

Ичкилик киборли кишини фармонкор қилади.

* * *

Агар яхши одамлар сени кўриб-кўрмасликка олиб, чет-лаб ўтишга ҳаракат қилар эканлар, сен бахтсизларнинг бахтсизисан.

* * *

Қашшоқлик ичида энг оғири одоб-ахлоқ йўқсиллигидир.

* * *

Май гўё кишига ором бергандек бўлиб туюлса ҳам, аслида у ором ва осойишталикнинг энг ёвуз қароқчиси.

* * *

Порахўр катта пулни кўрса, кўзи косасидан чиқиб, оғзи қулоғига етади.

* * *

Ялтироқ тақинчоқларга ўз иқболини алишадиган кишида виждон гавҳари етишмайди.

* * *

Юлғичлар мақтов, маишат, "совға" уруғларини сепиб тузоқ қўяди. Иродасиз бошлиқнинг кўзини мақтов кўр қилади, маишат ақлини, "совға" эса ҳуқуқини ўғирлайди.

* * *

Ваъдага вафо қилиш мардларнинг иши, ваъда бериб, уни ўрнига қўймаслик номарднинг иши.

Ёлгон ва бўҳтон сўз охири бориб ўз эгасининг бошини ейди.

Ёлгон гапириб тумшуғидан илинган каззоб, ўзини оқлаш учун яна юзта ёлгон гап ташийди.

Ёлгончилик билан фирибгарлик эгизаклардир.

КАМТАРЛИК ВА МАНМАНЛИК ҲАҚИДА

Лавозимда кеккайган калтабин шахсларнинг ёнидан жой излаган лаганбардорлар, тоққа чиқувчилар айланма йўл билан кўтарилганларидек, улар ҳам аввал унинг атрофида парвона бўладилар, сўнгра ҳузуридан жой оладилар.

* * *

Лақма бошлиқнинг атрофида парвоналар шундай гирдикапалак бўлиб ўйинга тушадиларки, унинг кўзи бу даврдан ташқаридаги камтарин оммани кўра олмай қолади.

* * *

Киши баландликка зиналардан ўтиб боргани маъқул. Акс ҳолда, бирдан чўққига кўтарилган кишининг кўзи тиниб, боши айланиб қолиши мумкин.

* * *

Лаганбардорларнинг қарсақлари ва мақтовлари лавозимдаги кишининг фаҳм-фаросати, ақли ва заковатини синаш учун ўзига хос бир имтиҳондир.

* * *

Ҳусн ҳам киши учун яхши мукофот. Лекин у билан кўзга ташланишга уриниш жуда хунук одат.

* * *

Якдиллик — яккаликнинг кушандаси.

* * *

Агар раҳбар киши лаганбардорларнинг мақтовларидан талтайиб маст бўла бошласа, айниқса, керак-керакмас

ўринда уларни ҳадеб мақтайверса, бу унинг эл назаридан тушиб қолмишига сабаб бўлади.

* * *

Модомики, раҳбар киши халқ манфаатидан ўз шухратини устун қўя бошлаган экан, бу унинг инқирозга юз ўгиришидан нишонадир.

* * *

Лавозимдан кетиш ҳам икки хил бўлади: давр тақозоси, эл ҳурмати билан кетганлар кўкдан тушган каби жаранглаб эл бағрига қайтадилар. Эл назаридан қолганлар эса ерга тушган лой каби хунук қиёфа касб этадилар.

* * *

Илм учун вақт тополмай, лавозим олиш учун биринчи бўлиб пойга қўядиган кишилардан олим чиқмайди. Лекин манфаатпараст чиқиши мумкин.

* * *

Энг ўткир ва энг равшан кўз хато ва камчиликларни аниқ кўра олади.

* * *

Вақти келиб, арслоннинг кунига сичқон ҳам ярайди. Сичқоннинг қобилиятини менсимаган арслон эса тақдирин сичқонга боғлиқ бўлиб қолганида унинг қадрини пайқайди.

* * *

Баъзан шундай хасадгўй ҳам учрайдики, у ўз муваффақиятсизлигидан кўра ўзгаларнинг ютуқларидан азоб ва изтироб чекади.

* * *

Ютуқлардан марғурланиб кетиш муваффақиятнинг ашаддий кушандасидир.

* * *

Шерга қараб, "мен бир туғишда тўққизта туғаман, сен эса шу гавданг билан битта туғасан" деб, кеккайган қуёнга шер "мен битта туғсам ҳам шер қилиб туғаман ва шер қилиб ўстираман" дебди.

* * *

Кўкка чиқиб олиб, оламни бузгудай бўлиб шовқин солаётган булут ҳам ер баррига қайтиб тинчийди.

* * *

Яхши раҳбарнинг улуғвор сифатларидан бири шундаки, у ўзидан ҳам устунроқ ўринбосар тайёрлагани билан фахрланади.

* * *

Баъзи аёллар гулшанга гулларни томоша қилиш учун эмас, балки ўзини бошқалар томоша қилишларини истаб сайр этишади.

* * *

Истеъдоднингни одамлар эътироф этишлари яхши, лекин бу сenga шуҳратпарастлик учун берилган шаҳодатнома эмас, чунки шуҳратпарастлик истеъдоднинг кушандасидир.

* * *

Мансабпарастлик бор жойда инсонпарварлик ба ҳаққоний раҳбарлик йўқ.

* * *

Мансабпарастлик йўли билан амал қидирган шахс амал учун энг яхши кишиларни, ҳатто Ватанни ҳам, халқни ҳам сотишдан тоймайди.

* * *

Юлғучни пул, калтабинни мансаб қўтиртиради.

❖

Ирмоқлардан ажралган дарё сувсиз қолганидек, дўстан
ажралган шахс ҳам мадорсиз қолади.

* * *

Ўз қадр-қимматини лаганбардорларнинг мақтов ва
қарсақлари билан ўлчаш калтабинликдан нишонадир.

* * *

Шошма-шошарликнинг ҳосили кўпинча пушаймон бў-
лади. Шунинг учун доно халқимиз "етти ўлчаб бир кес",
дейди.

* * *

Шогирдим, ҳовлиқма киши мансаб топса ўшқиради,
мансабдан тушса мулойим тортади. Бундан у яхши одам
бўлиб қолди деб, хулоса чиқарма. Эртага лавозим тегса
яна пишқиради, чунки бу касал унинг қонида, руҳида бор.

Иродасиз киши қайси идишга тушса, ўша идишнинг
шаклига кира борадиган суюқлик каби бешакл бўлади.

* * *

Инсон учун илмнинг ўзи бир безак, агар унинг устига
камтарлик касб этса, нур устига аъло нур.

* * *

Сени ким ва қандай ниятда мақтаётганлигига бефарқ ва
бепарво бўлма, акс ҳолда назардан қоласан.

* * *

Лавозимга ўтирган экансан, бу ўринга сенгача кимлар
келиб ва қандай кетганини яхшилаб билиб ол. Ўзидан
бурунчиларнинг тажрибаларини менсимаслик кибру-ҳаво
белгиси.

* * *

Баъзи бир шахс то юксак поғонага кўтарилиб олгунича
юмшоқ супурги бўлиб, катталарнинг атрофида гирдиқапа-
лак бўлади.

* * *

Мукофот сента бўлган эл назари ва ҳурмати бўлиб, у айна вақтда янги марралар сари интилишинг учун берилган шаҳодатномадир.

* * *

Одамларни таҳқирлашни касб этган киши ўз хулқининг нақадар хунуклигини ўзи шу ҳолатга тушганида пайқайди.

* * *

Хушомадгўйда ору-номус бўлмайди. Ору-номуснинг йўқлиги эса виждоннинг етишмаганлигидан нишона.

Лаганбардор мақтовларининг замирида унинг шахсий манфаатлари ётади.

* * *

Илмий унвон оқил кишиларнинг ақлига ақл қўшади. Калтабин кишининг эса бурни кўтарилади.

* * *

Дарахтнинг қадри унинг бўйига қараб эмас, меваси билан ўлчанади.

* * *

Кибру-ҳаво ва манманлик шундай қалтис қияликки, ундан сирпаниб кетган киши тўппа-тўғри жарликка қулайди.

* * *

Омадинг келиб соянг чўзилса мағрурланма, чунки вақти келиб узун соялар ҳам қисқаради.

* * *

Камтарман деб, гапираверма, камтарлик сени тарк этади.

* * *

Қанча-қанча камтар, улур зотлар фанга буюк ҳиссалар қўшиб, беунвон ўтиб кетадилар. Баъзилар борки, иш қилмай, унвон талабида бўладилар.

* * *

Варракни дайди шамол, калтабин шахсни лаганбардорларнинг мақтови ҳаволантиради.

* * *

Ҳар қанча оқил, нотиқ ва нуқтадон бўлсанг ҳам, агар нутқингдан кибру ҳаво анқиб турса, тингловчилар наздида хунук из қолдирасан.

* * *

Шогирдим, ҳар қандай мартаба топсанг ҳам океанларнинг кичик ирмоқларга эҳтиёжи борлигини унутма.

* * *

Баъзан кишининг тариқчалик ақли бўлмаса ҳам у ўзини ҳаммадан доно ҳисоблайди. Катта-кичикка насиҳатгўйлик қилмасдан туролмайди. Бу касал ҳам кибру ҳаво хасталигининг бир тури.

* * *

Баъзан бир идора бошлиғи айрим мансабпараст шилқим кишиларни ўзига пашшахўрда қиладики, ундай шахс икки нарсани: раҳбарнинг эл назаридаги обрўсини ва ишчан одамларнинг олтин вақтини ўғирлайди.

* * *

Устоз такаббур бўлса, шогирд кибру ҳаволи бўлиши мумкин, чунки шогирд маълум даражада ҳаётта устознинг ақл чироғи билан қарайди.

* * *

Кибру-ҳаво кирган жойдан меҳру вафо қочади.

Мен тарбияланиб бўлдим, тарбияланишга эҳтиёжим йўқ, дейишнинг ўзи тарбиясизликнинг белгиси. Чунки ҳаёт доим ривожланишда. Шундай экан, инсон доимо тарбиялана боради.

* * *

Қаҳрамон деган унвонга муяссар бўлиш инсон учун шараф ва бахт. Бунга эриштирган оммани унутмаслик, янги иқболнинг учун ҳозирланган тахт.

* * *

Тўйларнинг ихчамлиги ҳақида кўп гапиргандан кўра, ихчам тўй қилиб, намуна кўрсатган афзал.

* * *

Камтарлик пок қалб ва тоза виждоннинг ҳосилидир. Сунъий камтарлик эса ҳийлакор ва фирибгар киши қиёфасининг ниқобидир.

* * *

Инсоннинг ҳуснига ҳусн қўшадиган, асло эскирмайдиган энг кўркам либос — камтарликдир.

* * *

Манманлик — касалликдир, унинг дориси камтарликдир.

* * *

Киши қалбида камтарлик билан манманлик доимо курашиб боради.

* * *

Агар кишининг ташқи қиёфаси чиройли бўлса-ю, аммо кибру-ҳавоси баланд бўлса, у бадбашараларнинг бадбашарасидир.

* * *

Такаббурлик шундай ҳуснбузарки, ундан киши чеҳрасида жуда хунук доғ қолади.

* * *

Мансабга мағрурлик ярашмас.

* * *

Камтарлик дононинг, манманлик нодоннинг ишидир.

* * *

Камтарлик ва такаббурлик бир-бирига қарама-қарши икки йўлдир: бу йўлнинг бири сени кишиларга яқинлаштиради, иккинчиси эса одамлардан йироқлаштиради.

* * *

Шуҳратпарастлик манманлик билан мағрурликнинг ҳосилидир, агар уларнинг ҳаммаси жамланса, худбинлик ва расволикнинг ўзидир.

* * *

Манманлик билан мағрурлик қанчалик расволик бўлса, ўз қадр-қимматини билмай ўзгаларга лаганбардорлик қилиш ундан ҳам баттарроқ пасткашлиқдир.

* * *

Одамлар бадбўй нарсалардан қандай ҳазар қилсалар, димоғдор, такаббур кишилардан ундан кўра ортиқроқ жирканишади.

* * *

Дилозор бўлиб хоқон бўлгандан кўра, дил овлаб оддий инсон бўлган афзал.

* * *

Разил кишиларгина сохта шуҳрат кетидан қувадилар,
пок ва мўътабар кишиларга қарши ифлос қўллари билан
туҳмат тошини отадилар.

* * *

Манманлик майдан маст бўлган киши бора-бора сизни,
бизни, ҳаммамизни унутади.

* * *

Ўзини ҳаммадан донишманд деб, ўйлаш ўта ақлсизлик
нишонасидир.

* * *

Мақтовнинг кайфи шаробнинг кайфига ўхшаб кетади.
Мақтов шаробини татиб маст бўлишга ўрганган киши,
худди майпараст кишилардек бора-бора одамийлик
хисларини йўқотади.

* * *

Сергаплик билан мақтанчоқлик бир-бирига дугонадир.
Сергап одам мақтанишни яхши кўради, бу қилиғи билан
одамларнинг меъдасига текканлигини пайқамайди.

* * *

Яхшиларни эл мақтайди. Аммо шундай одамлар борки,
улардан эл безор, чунки улар ўзини ўзи мақтайди.

* * *

Шундай пасткаш одамлар борки, улар аҳмоқни оқил
деб, подонни доно деб, хунукни гўзал деб мақташдан уял-
майдилар.

* * *

Манманлик касалига мубтало бўлган кишилар ўзини
арслон, бошқаларни чумоли фаҳмлайди, аммо чумолилар
бирлашса, мақтанчоқ арслоннинг ҳолига маймунлар
йиғлайди.

Шундай шухратпараст кишилар ҳам борки, улар оналарини ҳаётлигида ҳам ҳурмат қилмайдилар, ҳатто битта нон билан йўқламайдилар. Аммо вафот этганларидан сўнг хўжа кўрсин учун қўлларига даструмом тутиб, дуо ўқиб йиғлайдилар.

* * *

Мақтанчоқ киши оламни менинг оёқларим кўтариб турибди, деб чирқиллаётган читтакка ўхшайди.

* * *

Азим ва чуқур дарёлар шовқинсиз оқади, саёз жилғалар эса сершовқин бўлади, оқил ва ғайратли одамлар кам гапириб, кўп иш қиладилар.

* * *

Мақтанчоқ ва дангаса кишилар тўққиз пуллик иш қилиб, тоғни талқон қилдим, деб шовқин соладилар.

* * *

Кишининг хасталик билан кўзи ожиз бўлиб қолса, айб эмас, аммо кўзини мағрурлик пардаси босса, у барча касалликларнинг энг оғиридир.

* * *

Хушрўйлар чиройли гул каби кўзга яқин бўладилар. Агар улар ўз ҳуснларига мағрурланиб кетсалар, худди қўлма-қўл ўтган гулдек тез сўлиб, назардан қоладилар.

* * *

Мард одам билан номард кишининг муҳим фарқи шундаки, мард киши одамларга сездирмай виждонан яхшилик қилади, номарднинг иши эса миннатдир.

* * *

Бошқаларнинг ишини менсимай, ҳамма ишларни ўзим қиялпман дейдиган мақтанчоқ киши гўё мен қичқирганим учун тонг отаяпти, деб жар солаётган хўрозга ўхшайди.

• • •

Бир-бирига сохта шуҳрат туғдирувчи шуҳратпарастлар ҳам учрайдики, улардан бири иккинчисини буюк мутафаккир деб мақтаса, иккинчиси уни доно деб ҳайқиради.

• • •

Мансабпарастнинг атрофидаги лаганбардорлар унга иссиқда елпигич, совуқда пўстин бўлишга, ҳатто кечаси ҳам устига соябон тутишга уринадилар. Бунга ўрганган мансабпараст бошқалардан ҳам ана шундай лаганбардорлик кутади.

• • •

Соф виждонли, камтар кишини ўз ҳузурида мақтасалар, у ўнғайсизланади, ҳижолат бўлади, кибру-ҳаволи киши эса бундай мақтовлардан хурсанд бўлади, шишиниб кетади.

• • •

Уч нарсани тежаган яхши: вақтни тежа — у қайтмайди; сўзингни тежа — қадринг кетмайди; нафсингни тий — иззатингга путур етмайди.

• • •

Агар халқ ҳурматига сазовор бўлмаган икки шахс кибру-ҳаво билан бир-бирларини кўкка кўтариб "мавлано", деб мақтар эканлар, бундан ҳар иккаласининг ҳам кўзлаган шахсий манфаатлари бор.

• • •

Ҳарчанд билимдон бўлсанг ҳам билимдонлардан ажралма.

• • •

Гули ғунча қуёш нурига рўбару бўлиб, нечоғлик гўзаллик касб этганидек, оқил одам ҳам билимдон инсонлар билан мулоқотда бўлиб, янада кўпроқ ақл ва идрок касб этади.

* * *

Бўйинг баланд, қадинг расо бўлса, қадди паст ва қадди норасодан ҳамда нечоғлик илминг комил бўлса ҳам илму оздан кула кўрма, чунки бу хулқ нодонлик белгисидир.

* * *

Лаганбардорнинг мақтовига учган калтабин кишининг ақл чироғи яна баттарроқ хиралашади.

* * *

Баҳслашганда ўзингнинг нотўғри фикрингни маъқуллашга уринишинг — ўжарлик ва нодонлик белгиси, аксинча, уни беғараз эътироф этиш — доно ва мардларнинг иши.

* * *

Фирибгарлик билан топилган қалбаки шуҳрат; қийшиқ ортилган юк каби манзилга етиб боролмайди.

* * *

Кибру ҳаволи ва такаббур киши ўзининг бу жирканч касалини пайқамайди, ҳатто ўзини камтарларнинг камтари деб ҳисоблайди.

* * *

Киши учун халқ назаридан тушиб қолиш катта бахтсизликдир. Халқ ҳурматини на мансаб, на унвон ва на давлат билан топиб бўлади, лекин халқ ҳурматининг ўзи уларнинг ҳаммасидан кўра ортиқроқ бойликдир.

* * *

Киши ўз қадру-қимматини ақл тарозиси билан ўлчай билиши зарур, акс ҳолда ўзига ортиқ баҳо бериб, манманлик кўчасига кириб қолиши мумкин.

* * *

Баъзилар ҳамма нарсани мен биламан, деб гердаядилар, лекин ундай кишилар билган нарсалар ҳаммага маълум ҳақиқатларнинг бир томчиси эканлигини англамайдилар.

* * *

Адолатли танқидга тан бериш тантилик белгиси, аммо ундан хулоса чиқариб иш тутиш чин инсонийлик бурчи.

* * *

Сени худбин кишилар мақтар экан, бу мақтовлардан фахрланма, аксинча, ўзингга чуқур бир назар ташлаганинг маъқул.

* * *

Билмай қандайдир жузъий хато қилиб қўйиш ҳам айб, лекин қилинган хатодан керакли сабоқ чиқара билмаслик эса айб устига айб.

* * *

Агар қилинган хатоларга ўжарлик жўр бўлса, бемаъни сўзга ёқимсиз куй басталангандек одамлар қалбида нафрат туйғуларини уйғотади,

* * *

Ёмонку — ёмон, лекин "инсонпарварлик" ниқобига яширинган одам ҳаммадан ёмон.

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Бир доно сўз айтган одамнинг ҳар ерда исму шарифи бор.

* * *

Ҳаётнинг ўз жавоҳирларини ўлчайдиган олти тарозиси бор, у кишиларнинг айтган сўзларининг миқдорини ўлчамайди, балки маъносини ўлчайди.

* * *

Отилган ўқ милтиқ нилига, айтилган гап киши оғзига қайтиб кирмайди.

* * *

Сўз хазинасидаги қайси сўзни, қачон ва қаерда ишлата билиш сўзловчининг ақли ва заковатидан далолат беради.

* * *

Мазмунли нутқ сўзлашни истаган киши ўз нутқи устида ўйлаши учун вақтини асло аямаслиги керак, чунки нутқ мазмунининг чуқурлиги — фикрлаш учун сарфланган вақт билан мутаносибдир.

* * *

Айтмоқчи бўлган гапингни, аввало, фикр дошқозонида яхшилаб пишир, сўнгра дил дастурхонига узат, агар у хом-катала сузилса, одамлардан хижолатда қоласан.

* * *

Тўғри одам шартта гапиради, лекин ўйлаб ва ўринли гапиради.

* * *

Ақл билан тил мутаносиб ўсиб боргани яхши, афсуски, баъзи бир сергап одамларнинг тили ақлидан ўзиб кетади.

* * *

Бош оғриғини қўзғатувчи учта жуда ёмон нарса бор: бузуқ ҳавода бўлиш, хунук ва ташвишли хабар эшитиш, эзма киши билан ҳамроҳ бўлиш.

Яхшиларнинг умри узоқ бўлгани яхши, йўловчининг йўли ва сўзловчининг сўзи қисқа бўлгани яхши.

* * *

Сергап кишининг овози бемаъни ва ёлгон гапнинг очиқ дарвозасидир.

* * *

Сувдан ҳолва ясаб бўлмаганидек, бемаъни сўзлар йириндисидан маъноли жумла тузиб бўлмайди.

* * *

Ножўя одамлар орасига тушиб қолгудек бўлсанг, тилингда эҳтиёт бўл.

* * *

Ҳар қандай хушрўй аёлни хунук қиладиган нарса унинг заҳар тилидир.

* * *

Бетга шартга айтилган тўғри сўз тилёғламалиқ билан айтилган ширин сўздан афзал.

* * *

Кўп нарсани яшириб бўлади, аммо айтилган гапни яшириб бўлмайди.

* * *

Дўст ва ёру биродарлардан жудо қилувчи ҳам тил, уларнинг сонини оширувчи ҳам тил.

* * *

Доноларнинг фойдали сўзларини қунт билан эшитган яхши, у сўзларнинг маъносини чақиб, керакли хулоса чиқара билиш ундан ҳам яхши.

* * *

Милтиқ ўқи инсоннинг турли жойига тегиши мумкин, лекин тилдан отилган ўқнинг нишони битта жойга, инсоннинг қалбига тегади.

* * *

Сўзи бамаъни одам қуёш нури каби кишиларни ўзига чорлайди.

* * *

Агар оғзингдан аччиқ сўз чиқишига одатланиб қолган бўлсанг, хушмуомала ва хушфёъл кишилар билан ҳамдам бўл.

* * *

Қизғанчиқлик ёмон фёъл, лекин яхшилардан ёмон сўзни қизғаниш яхши фёъл.

* * *

Ёмон сўз қаҳратон қишдаги ёқимсиз изғиринга ўхшайди, қаерга бориб теккудек бўлса, теккан жойини музлатади.

* * *

Гапи совуқ одам худди музхонага ўхшайди, у билан бир марта ҳамдам бўлган киши қайтиб унинг ёнига бориб музлашни асло истамайди.

* * *

Жиловсиз минилган шўх от минганни йиқятади, жиловсиз тил кишиларнинг азиз умрини қирқади.

* * *

Сергап кишидан маъно кутма.

* * *

Қаерда, кимга нимани ва қай хилда сўзлашишни билиш
— чин нотиклик фазилатидир.

* * *

Тилга ортиқча вазифа юклаб, қулоқни беиш қўядиган
киши ўзи гапиради-ю, аммо бошқаларни асло тингламайди.

* * *

Бефойда гап эгаси — олтин умр ўғриси.

* * *

Оила аъзолари орасидаги дўстликни, ўзаро ҳурматни
мустаҳкамловчи қурол ҳам, улар ўртасида низо ва
ноиттифоқлик турдирадиган ҳам тил.

* * *

Дили хаста кишига айтилган ҳар бир ширин сўз унинг
қалби учун ёқилган машъал, чироқдир.

* * *

Баъзан шернинг қўлидан келмаган иш сичқоннинг
қўлидан келади. Шунинг учун сичқонни менсимаган шер
хато қилади.

* * *

Умуман, инсон, айниқса, яхши одам ҳақида ёмон сўз
айтма бу билан сен ўзингни бадном қиласан.

* * *

Сухбатга қатнашишнинг ҳам ўзига хос бир одоби бор.
У ҳар сўзнинг ўрнини, маъносини, меъёрини, ҳатто
оҳангини ва сўзловчининг сўзини ўз ичига олади.

Бемаза сўз билан бетамизлик қариндош.

* * *

Дил туйғуларингни яхши ёзма баён қила билишинг санъат, агар унга оғзаки нутқда нуқтадовлик қўшилса яна ҳам яхши.

* * *

Энг қудратли нутқ ҳақиқат ифодаланган нутқдир.

* * *

Сергаплик-ку ёмон, лекин ичимдагини топ дейдиган писмиқлик ундан ҳам ёмон.

* * *

Ҳикматли сўз фикр уммонидаги жавоҳирлардан териладиган дурдонадир.

* * *

Баъзи бир сергаплар-анжумани қақилдоқ қушларнинг тўдасини эслатади. Ҳаммаси қақиллайди-ю, биттаси ҳам эпитмайди.

* * *

Тузсиз таом қанчалик бетаъм бўлса, мантиқсиз нутқ ҳам шунчалик бемаъни бўлади. Чунки нутқнинг жавоҳири мантиқдир.

* * *

Носоз улфатдан, дониш китоб яхши, биринчиси ғурбатга, иккинчиси эса гўзалликка ундайди.

* * *

Яхши сўзинг ҳуснинга камол, ёмон сўзинг эса ҳуснинга завол.

* * *

Қўрқоқлик ёлрончиликка олиб ўтадиган кўприкдир.
Маълумки, мард тўғри ва ҳақ гапиради.

* * *

Топшириқнинг моҳиятини яхши англаб олмай ижрога киришадиган бола бир ишни икки марта бажаради. Бу одам унинг ёшлигидан гапга қунт билан қулоқ солишга ўрганмаганлигининг оқибатидир.

* * *

Заҳарли илоннинг заҳарли тишини олиб ташлай оладиган жарроҳ топилади. Лекин болалиқдан тили аччиқ ва сассиқ сўзлашга ўрганиб олган одамнинг тилини ширин тил билан алмаштира оладиган жарроҳ йўқ. Уни қайта ширин забон қилиш тарбиячидан жуда оғир машаққат ва матонат талаб этади.

* * *

Шогирдим, мунозарада гапга чечан, лекин фикри саёз ноҳақ кишини эмас, балки унча сўзамол бўлмаса ҳам, теран ва ҳаққоний фикр юритаётган одамни қўллашни одат қил.

БОЛА ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА

Ўз ота-онасининг қадрини билмаган бола виждон ва ор-номус ҳисларидан маҳрум бўлади. Болага севган, яхши ўйинларини ўйнаб, ҳордиқ чиқариш учун ихтиёр бериш билан бирга, уни олтин умрнинг қадр-қимматини билишга ҳам ўргата бориш керак.

* * *

Бефарзандлик жуда оғир мусибат, агар фарзанд ноқобил бўлса, бу ундан ҳам оғир.

Ёш боланинг қалби очилмаган ғунчадек мусаффо бўлади, унинг поклигини сақлаш биз тарбиячиларнинг қўлида.

* * *

Бир кўйлакни олдин йиртган одам ўзининг тўлаган бой ҳаётий тажрибаларини ёшларга саҳийлик билан ўргатмоғи, ёшлар эса уларни қунт билан ўрганмоқлари керак.

* * *

Ҳар бир ота-она учун яхши фарзандлари билан фахрланиш қанчалик бахт бўлса, менинг отам, менинг онам деб, уларнинг номини иззат-ҳурмат билан тилга олиш фарзандлар учун ундан ҳам катта бахт ва шарафдир.

* * *

Болани шубҳа билан ноҳақ таъқиб этиш, қўполлик билан иззат-нафсига тегиш дилидаги умид ва орзуларини поймол қилади.

Ойладаги катта ёшдаги тажрибали киши қаётида ёшларга кўприк бўлмоғи ва унинг босиб ўтган ҳаёт йўли эса фарзандларига сабоқ бўлиши керак.

* * *

Дуторнинг тори ортиқча тортилаверса узилади, болага ноҳақ танбеҳ берилаверса, унинг қалби эзилади.

* * *

Ота-она фарзанднинг энг меҳрибон икки таянчидир. Шундай экан, уларнинг ҳаётлигида иззат ва ҳурматларини ўз ўрнига қўймоқ ҳар бир ўғил ва қизнинг инсоний бурчидир.

* * *

Бола қалбининг эшигини очувчи калит адолатгўйликдир.

* * *

Фарзанднинг дастлаб чиққан ширин тили ота-она учун умр гиёҳидир, аммо биринчи ноҳўя хатти-ҳаракати эса уларнинг нозик қалбларининг дарз кетишидир.

* * *

Элга ҳалол хизмат қилиб, шон ва шуҳрат қозонган фарзанд ота-онанинг умрига умр қўшади.

* * *

Бола катта ёшдаги кишиларни кўр-кўрона ҳурмат қилмай, балки уларнинг чин инсоний сифатларини онгли баҳолай билишга ёшлигидан ўрганиб бормоғи лозим.

* * *

Болани сояпарвар қилиб ўстириш ярамайди. Ундай бола ҳаётда ноқобил бўлиб қолади. Аксинча, унинг саратоннинг жазирамасига, кишининг изғиринига, ҳаётдаги ҳар қандай қийинчиликларга бардош берадиган, матонатли киши қилиб чиниқтирмоқ лозим.

* * *

Боланинг ўз-ўзини тарбия қилишни ўргана билиши, унинг ўз хатти-ҳаракатларига танқидий қарай билиши билан узвий борлиқдир.

* * *

Боланинг эркатойлиги, тантиқлиги қанча ошса, у ота-онани шунча ташвиш ва таҳликага солади.

* * *

Назар солгин, ҳой ўрлим, осмон ўпар улкан тоғларга! Улар мудом сув юбориб, элни баҳраманд қиладилар-у, лекин сокин турадилар. Улуғ одамлар ҳам бизга ўлмас ғоялар берадилар-у, миннат қилмай, ўзларига камтарликни касб этадилар.

* * *

Ёшлигида ўз айтганини қилдиришга ўрганиб қолган бола катта бўлганда ҳам одамлардан номатлуб ишларни ба-жарилшни талаб этадиган ўжар киши бўлиб қолади.

* * *

Болаларнинг маълум мақсадни кўзлаб, унга эришиш учун муттасил интилишлари уларнинг ўқиш ва иш жа-раёнида учраши мумкин бўлган ҳар қандай қийинчиликларни бартараф қилишлари учун муҳим га-ровдир.

* * *

Боланинг ўткир ақли ва яхши хулқига ишчанлик ва уддабуронлик қўшилса, унинг истиқбали порлоқ бўлади.

* * *

Шогирдим, меҳнаткашлар яратган бебаҳо бойликлардан ибрат ол, энг муҳими, бу бойликларни кўпайтириш учун қўлингдан келганича ўз ҳиссангни қўшишга одат қил!

* * *

Болани табиат ва жамият ҳодисаларига қизиқадиган, кузатувчан қилиб тарбиялаш жуда муҳим, чунки кишидаги илмий тадқиқотчилик кўникмалари шу хилда бошланади.

* * *

Бола фикрини олмосдек ўткир қилиб пешлайдиган чарх мунтазам равишда қилинадиган ҳаётий машқдир.

* * *

Ўқувчи билим олишда нечоғли олдинга кетса ҳам, лекин вақти-вақти билан илгари ўтилган материалга назар ташлаб турмоғи лозим, акс ҳолда, илгари ўрганилган билимлар билан янги олинган билимлар орасидаги алоқа ипти узилиб қолиши мумкин.

Болаларнинг биргалашиб дарс тайёрлашлари яхши, лекин бундан бири етакчи, иккинчиси эса етакловчи бўлиши хавфлидир, чунки етакчи айтиб ва ўргатиб, ўзи яна чуқурроқ ўзлаштира боради, етакланувчи эса фақат тинглаб, доим етакланмишга одатланиб қолади.

* * *

Болани дили севмаган касбга мажбуран йўллаш унинг истиқболи учун зарарлидир.

* *

Ёшлигидан бошлаб, фақат мен яхши ейишим ва кийинишим керак, дейишга одатланган бола катта бўлганида ҳам фақат ўз манфаатини кўзлайдиган худбин бўлиб қолади.

* * *

Болаларнинг уйда ҳам, мактабда ҳам илғор ва калк ҳурматига сазовор бўлган кишилар билан тез-тез учрашиб туриши, улар дунёқарашларининг таркиб топишига ижобий таъсир кўрсатади. Маълумки, бола руҳияти катталарга тақлид қилишга мойил бўлади.

* * *

Фаннинг куч ва қудратини бола онгига чуқур етказа билиш, унда фанга бўлган муҳаббат ҳисларини тарбиялашнинг энг тўғри усулларида биридир.

* * *

Оқиб келаётган сувни тўғри йўлаб, тарай билсак, бизга ҳосил ва озуқа беради, агар уни ўз ҳолига қўйсак, ҳамма ерни вайрон, экинларни пайҳон қилади. Куч ва ғайрати қайнаб-тошаётган болани ҳам ўз вақтида фойдали ишга йўллай олсак, роҳатини кўрамиз, акс ҳолда тошқин сувдек азобу уқубатини тортамиз.

Шогирдим, сен жамиятимизга ҳам, она-Ватанимизга ҳам, ота-онангга ҳам, уларга бўлган садоқатинг, хулқу одобинг, ақлу заковатинг, илму ҳунаринг ва ҳар жиҳатдан камолотинг билан азизсан.

* * *

Болани жаҳондаги барча меҳнаткашларга қардошлик ва дўстлик руҳида тарбиялаш мусулмонлар оиласидаги таълим-тарбия ишининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам бизнинг болаларимиз ҳақиқий байналмилалчилар бўлиб вояга етади.

* * *

Болани хушмуомалалик билан ўз хатолари ва ноҳўя ҳаракатларининг зарарли эканлигига иқрор қилдириш, уни тўғри йўлга бошлаб тарбия беришнинг энг тўғри шаклидир.

Болани ёшлигидан бошлаб мактабдаги болалар ташкилотларининг раҳбарлик ишларига қатнаштириш йўли билан фаол жамоатчи ва ташкилотчи қилиб тарбиялаш яхши, лекин унда кибру ҳаво ва манманлик, айниқса шуҳратпарастлик туйғулари пайдо бўлишига асло йўл қўймаслик керак, чунки манманлик ва мансабпарастлик касали ёшлиқдан ва кичик лавозимдан бошланади.

* * *

Боланинг биринчи бор сўзлаган ёлғон сўзига асло бепарво бўлмаслик керак, чунки у унинг ёлғончилик зуваласини кепчитадиغان хамиртурушдир.

* * *

Боланинг ўжарлиги унга кўрсатилган ортиқча меҳрибонликнинг оқибати бўлиб, бу касалнинг давоси эса уни маҳорат билан тўғри тарбиялашдир.

* * *

Болани бошқалардан эшитган гапини тўтига ўхшаб такрорлашга ўргатмай, балки оз-оздан бўлса ҳам ижодий фикр юрита олишга ўргатиш катта санъатдир.

* * *

Болани ҳадеб етаклайверма, ўз оёғи билан юргани яхши, акс ҳолда соқоли чиқиб, бола-чақали бўлганида ҳам етаклаб юрсан.

* * *

Бола ҳадеб етаклайверма, ўз оёғи билан кетаётганлигини бошқалар пайқаса-ю, лекин унинг ота-онаси кўриб-кўрмасликка олса, бу ҳол боланинг истиқболи учун жуда оғир оқибатларга сабаб бўлади.

* * *

Мевани гуллата билишгина эмас, балки ундан мўл ва ширин ҳосил етказа билиш санъатдир.

* * *

Боланинг фанга бўлган ҳаваси ўзи бир гўзаллик, агар у интилиш либоси билан безатилса, гўзалликка гўзаллик қўшилган бўлади.

* * *

Боланинг, айниқса, ўсмирнинг бўш қолган вақтлари айни замонда биз тарбиячиларнинг ҳам ихтиёрига берилган фурсатдир, чунки боланинг бу фурсатдан қай тарзда фойдаланиши унинг тарбиясида жуда катта роль ўйнайди.

* * *

Боланинг ўз ўртоқларига таяниши яхши, лекин уларга таянч бўлиш ўзининг ҳам муҳим бурчи эканлигини англаши яна яхши.

* * *

Бола ундай қилиш керак, деб қуруқ гап сотадиган эзма кишиларни эмас, балки меҳнатдан, ҳаётдан шавқ-завқ топа оладиган бамаъни, камтарин кишиларни ҳурмат қилади.

* * *

Боладаги истеъдод биз тарбиячилардан аланга кутади.
Агар биз уни алангалатолсак, у порлаб нур бўлади.

* * *

Мажлисни бошқара олиш ҳам ўзига хос бир санъат бўлиб, у кишининг ёшлигидаги жамоатчилик фаолиятининг мевасидир.

* * *

Заминсиз гиёҳ ўсмаганидек, болада ҳам сабабсиз носоз хулқ пайдо бўлмайди.

* * *

Гўдаклар бир-бири билан ўйнашиб, ҳатто жўжахўроз-дек тепкилашиб ўсадилар, лекин билар-билмас уларнинг ўртасига тушадиган ота-она ўт тушган жойга керосин сепаётган бетамизни эслатади.

* * *

Болани ёлғончи билан суҳбатда ўзини қандай тутишга ва ақл билан уни фош қилишга ўргата бориш ҳам зарур. Афсуски, ҳаётда ёлғончилар анча учраб туради.

* * *

Хонадоннинг меҳмондўстлиги ёки меҳмон ёқтирмаслигини болаларнинг хатти-ҳаракатидан биласан.

* * *

Баднафслик касали ҳам гўдакликдан бошланади.

* * *

Ўз фарзандларингнинг пок бўлишини истасанг, ўзгаларнинг фарзандига нопок назар ташлама.

* * *

Ёш болалар уришганда катталар орага тушмаганлари маъқул, чунки гўдаклар тез топишиб кетадилар-у, кўпинча катталар ўртасида кек ва низо қолади.

* * *

Боланинг маишатга эмас, балки илму маърифатга тўймайдиган қилиб тарбиялаш лозим.

* * *

Бақироқлик, уришқоқлик ҳам касаллик, бу касал, кўпинча болаларга ота-онадан, катталардан юқади.

* * *

Баъзи кишилар кўзингга бақрайиб туриб, ёлғонни бичиб-тўқийди, ҳатто йўқ ҳодисани ўз кўзим билан кўрдим дейишдан ҳам уялмайди. Бу иллатнинг хамиртуруши ҳам унинг зуваласига болаликда қўшилади.

* * *

Оилада биринчи фарзандни мустаҳкам оёққа тургаза билиш муҳим аҳамиятга молик, чунки у кейингиларга таянч бўлади.

* * *

Кишиларга беминнат, чин кўнгилдан яхшилик қилиш фазилати ҳам болаликдан, ўқиш жараёнидаги ўзаро ҳамдамлик ва ҳамжиҳатликдан бошланади.

* * *

Боғу роғларни ранго-ранг кўркем дарахтлар, дарахтларни эса зумрад япроқлар безаганидек, уйни бола, болани эса илму ҳунар, одобу ахлоқ безайди.

* * *

Ҳар қандай имкониятинг бўлса ҳам, боланг учун бошқа болалардан ўзини устун қўйишга сабаб бўладиган имтиёзлар беришдан сақлан.

* * *

Болага ажойиб тарбия бера олсанг, у сенга умр қўшади, акс ҳолда умрингни қирқади.

* * *

Болада юқори нафосат бўлиши учун, аввало уни ўраб турган муҳит гўзал бўлиши, бола эса тайёр гўзалликнинг шунчаки томошабини эмас, балки гўзаллик бунёдкори бўлмоғи лозим.

* * *

Айни замонда тарбияшунослик тажриба ва фан ютуқларини менсимай, бола тарбиясига кўр-кўрона киришмоқчи бўлган тарбиячи, қалин ўрмон ичидаги компасиз билар-билмас йўл излаётган йўловчига ўхшайди.

* * *

Болалар ўртасида қандайдир кўнгилсиз ҳодиса рўй берган тақдирда, аввало унинг сабабчиси ким ва нима учун эканлигини аниқламай туриб, ўқувчилар жамоасининг иззат-нафсига тегиш асло ярамайди.

* * *

Бола камолотидаги энг муҳим нарса ҳар бир иштни қилишдан олдин унинг оқибатини ўйлашга одатлантиришдир, чунки пушаймон калтабинлик ҳосили.

* * *

Болаларингни бир-бирига асло ёмонлай кўрма. Акс ҳолда уларнинг эътибор ва эътиқодидан қоласан.

* * *

Болани сабру тоқатга ўргатишнинг ҳам ўрни, вақти ва меъёри бор. Маълумки, айрим кишиларнинг ноҳўя ва заррли хатти-ҳаракатларига ҳам кўр-кўрона сабру тоқат қилавериш заифлик белгиси.

* * *

Ҳақ гап тухматчи билан ёлғончини тўғри нишонга олиб отилган ўқдир.

* * *

Ўз ташаббуси билан иш қилмоқчи бўлганда болага "қўй, қўлингдан келмайди" деб, унинг ташаббусини бўғавериш, уни ношудликка йўллашдир.

* * *

Баъзан бутун синф ўқувчиларидан ўзини устун ва билагон фаҳмлаб, бошқаларни менсимайдиган бола ҳам учраб қолади. Ундай болага қанча кўп билса ҳам, улуғ сиймоларнинг камтарлиги ҳақидаги фикрларни айтиб турмоқ зарур.

* * *

Баъзи бир оилаларда болалардан бирини беҳад пайпаслаб, иккинчисини эса турткилашади. Бунинг оқибатида ота-онага нисбатан уларнинг бирида нафрат туйғулари, иккинчисида эса, эркатойлик кайфиятлари пайдо бўлади.

* * *

Давр бизни катта ҳаётга ундаётган ва тезроқ одим ташлашга қистаётганлигини ёш авлод ҳис этмоғи лозим.

* * *

Биз тарбиячилар, ота-оналар фарзандларимизнинг яхши ва шарафли ишларига, шунингдек, ножўя қилмишларига ҳам маълум даражада шерикмиз.

* * *

Боланинг тамизли ёки бетамиз бўлиши ҳам кўп жиҳатдан биз, тарбиячиларнинг ақлу заковатимизга, фаҳму фаросатимизга боғлиқ.

* * *

Модомики, боланинг гапи совуқ, хулқи хунук бўла бошлаган экан, дарҳол бундай иллатнинг шаклланишига сабаб бўлаётган муҳитни аниқламоқ ва ижобий сифатларни касб этиши учун зарур вазиятни бунёд этмоқ лозим.

* * *

Кексаликда ёш авлодга ўрнак бўлишнинг замири ҳам ёшлиқдан бошланади.

* * *

Қизалоқнинг ёшлигидан қўғирчоққа кийим бичиб-тикишга бошлаган ҳаваси унинг келгусида чевар бўлишидан бир нишонадир.

* * *

Агар биздан таълим ва тарбия олган шогирдларимиз давр талабига муносиб бўлса, улар бизнинг ифтихоримиздир.

* * *

Баъзи бир ота-оналар боланинг истеъдоди, қобилияти ҳамда уларнинг орзулариши тўғри ҳисобга олмай, номуносиб ишга ёки ўқишга ундайдилар.

* * *

Жониворларга бераҳм, қаҳри қаттиқ бола бора-бора бағри тош киши бўлиб қолиши мумкин.

Модомики, болангизни "мен киймасам, емасам ҳам майли, ҳаммаси сенга бўлсин" деб, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган қилиб ўстирган экансиз, у қадрингизни билмас, асло таажжубланманг.

* * *

Ясан-тусанга ортиқча зеб бериб, лекин одоб-ахлоқ тўғрисида ҳамхўрлик кўрсатилмаган бола, устига зар қопланган, ичини эса моғор босган идишга ўхшайди.

* * *

Оила бунёд этишнинг масъулияти ҳақида тегишли тунча олмаган бола, оила қошидаги ўз бурчини англамайди. Турмуш қуришга эса шунчаки ўйин-кулги ва кўнгулхушликдан иборат деб қарайди.

* * *

Боланинг балоғат ёши мустақилликка интилиш давридир. Шунинг учун унинг дил туйғуларини тушуна олмаганлигимиздан шикоят қилса таажжубланманг.

* * *

Қуш ўз уясида болаларини парвозга тайёрлайди, инсон эса оила қучоғида катта ҳаёт уммонида жавлон уришга ўргатмоғи зарур. Акс ҳолда, у ҳаётнинг кучли тўлқинларида парокандаликка учраб қолиши мумкин.

* * *

Биз ёшларни тарбиялашда ўзимиз яшаб ўсган муҳит билан ҳозирги шароитнинг фарқини кўзда тутиб иш кўрмоғимиз лозим. Чунки уларнинг камолотига таъсир кўрсатувчи хабарлар беқиёс кўп ва серқиррадир.

* * *

Баъзи кишидаги ноўрин бўлса ҳам, ўз айтганимни қилдираман дейдиган ўжарлик ёшлигида ота-онаси унинг кўнгли нимани хоҳласа, шунга қараб иш тутганликларининг оқибатидир.

* * *

Болаларга кўрсатилган ҳаддан ортиқ меҳр жавоби кўпинча номеҳрибонлик бўлади.

* * *

Сен ёшларни шундай йўлга бошлагинки, улар сени бир умр эслаб юрсинлар.

* * *

Ота-она учун бола томонидан қилинадиган энг яхши совға, унинг ўз ташаббуси билан қилган яхши ва шарафли ишларидир.

* * *

Оилада барча ишни қиз бола елкасига юклаш ва ўқиши учун шароит турдирмаслик хунук сарқитдир.

* * *

Боладаги қандайдир камчиликни билиб олиб, ундан юз ўгириш тўғри бўлмайди, чунки ҳар қандай нуқсонни бор боланинг ҳам лоақал битта ижобий фазилати булади. Ана шу сифат тарбияга таянч бўлмоғи лозим.

* * *

Болангиз ҳаётда ўз ўрнини топа билмаган экан, бу сизнинг уни ҳаётга тайёрлашга ва иқбол-истиқболга бе-парволигингиздан нишона.

* * *

Оила ва мактаб қучоғида илму одоб, ақлу ҳунар ва риёзат либоси билан безанган соғлом бола қанотли қуш каби ҳаёт бўстонида дадил парвоз қила олади.

* * *

Ҳаётни кузатувчи бола кўп савол беради. Оқилона жавоб бериш унинг зеҳнини баркамол қилади.

* * *

Боланинг меқмон ҳузурида ўзини қандай тутиши, оиладаги бола тарбиясининг бир кўзгуси.

* * *

Оиланинг иқболи-истиқболи, ҳар жиҳатдан тўрри ривожланган хулқи зебо фарзанддир.

* * *

Болангга ёмонлар илашган экан, билгилки, ниҳолингни зарпечак ўраган. Уларни бир-биридан қанча кеч ажратсанг, ниҳолинг иқболи шунча кўнгилсиз бўлади.

* * *

Болада ҳаётни, борлиқни кузатувчанлик бўлмаса, у бефаҳм ва бекфаросат бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам унинг кузатувчанлигини шакллантириш лозим.

* * *

Модомики, қонадонда ўзаро ишонч йўқолиб, қулф-калит қилиш зарурати туғилган экан, бу болаларни тўррилик, ҳалоллик руҳида тарбиялаш масаласи диққатдан четда қолганлигидан нишона.

* * *

Боланинг билтур умид косасини чил-чил синдириб, кейин уни ямашга уриниш калтабиялик белгиси.

* * *

Кишилар тўй-маросимларга ейиш-ичиш учун йиғилмайдилар, балки қариндош-туққанларнинг, дўст-биродарларнинг, қўни-қўшнилари хурсандчилигига ҳамдам бўлиш учун ташриф буюрадилар.

* * *

Юлғич, ҳаромхўрлик билан боқилган боланинг қалбида ҳам, руҳида ҳам маълум даражада юлғичликлардан бир нишона бўлади. Чунки бу хусусият унинг тарбиясида бор.

* * *

Бола бўлар-бўлмас нарсаларга тақлид қилавермаслиги керак, чунки у маймун эмас, балки онгли инсон фарзанди.

* * *

Ҳаётнинг мураккаб, тугунли масалалари бўлади. Фаҳму фаросат билан уларни топиб, еча билиш учун киши болаликдан билим ва малака ҳосил қилиши керак.

* * *

Баъзи бировлар боласини фақат тергашни билади. Бола эса терговни асло ёқтирмайди. Болага унинг қалбини тушунадиган оқил, ҳаётга йўлловчи инсонлар зарур.

* * *

Ўқиш, овқатланиш, дам олиш режими нур, ҳаво, сув каби боланинг ҳаётгий эҳтиёжига айланмоғи лозим.

* * *

Бирор вазифани бажариш зарурлигига болани мажбур этишдан кўра ишонтириш анча қийин ва мураккаброқ. Лекин ишонтириш афзал.

* * *

Шогирдим, вужудинг ерники, кечмишинг эса элники.

* * *

Нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилишга одатланиб бормаган бола кўпинча калтабин бўлиб қолади.

* * *

Бола бирор ноўрин ишни қилишга бошқалардан уялгани яхши, лекин у ўз виждонидан уялса, яна ҳам яхши.

* * *

Табиат ҳам ўзига хос тарбиячи. У ўз ниҳолларини баъзан совуқ бўронларга, жазирама иссиққа ҳам ўргатади. Вақти-вақти билан биллур томчилари билан оҳишта ювади, мулойим шабадаси билан юзларини силаб-сийпаб, эркалайди.

* * *

Тарбиячи бола қошида муҳаббат мавзуини четлаб ўтиши тўғри эмас, бу масала ёшларни турмушга тайёрлашнинг муҳим таркибий қисмидир.

* * *

Болада чақимчилик сезилса, дарҳол олдини олиш керак, акс ҳолда ундан одамлар ўртасидаги дўстликка раҳна солувчи ифвогар етишади.

* * *

Бола қўлига берилган эҳтиёждан ортиқча пул, уни ёмон йўлга етакловчи душман йўлдошидир.

* * *

Боланинг бугунги кўча-кўйда бебош дайдиши — эртага бошингга олиб келадиган тапвиши.

* * *

Боланинг тўйма-тўй изриши — маишат ботқоғига юз ўгириши.

* * *

Болани йиғидан тўхтатиш анча қийин иш, унинг қалбига кулги бахш эта олиш катта санъат.

* * *

Ўз уйида янгалари билан аҳил яшаш қиз боланинг борган ерида қўниши учун муҳим ваколат.

* * *

Боланинг истъёдодини намоеън қилиш учун ҳам истъёдод керак.

* * *

Боладаги ташаббус ҳам ерга сочилган уруғга ўхшаб кетади, уни ўз вақтида парвариш қилинса, ўсиб-унади, қанот ёзади.

ТУРЛИ СИФАТЛАР ҲАҚИДА

Озодалиқнинг давоси тозалиқ қоидаларига риоя қилиш эканлигини болага аяглаб билиш ва озодалиқни унинг кундалиқ ҳаётига сингдириш тарбиячилардан катта истъёдод ва маҳорат талаб этади.

* * *

Фақат ташқи кўринишигина чиройли бўлиб, ичи нурсиз бўлган иморатдан, ичкараси нурли ва кўркем бўлган иморат яхши бўлганидек, инсоннинг ҳам ички дунёси порлоқ ва гўзал бўлгани яхши.

* * *

Юзини пардозлашга зўр бергандан кўра, ақлни пардозлашга кўпроқ уринган маъқул.

* * *

Тоза чинни сал чертсанг, дарҳол жаранглайди, яхши ва ҳушёр фарзанд бир гап айтсанг, дарҳол фаҳмлайди.

* * *

Боладаги яхши хулқлар нозик ниҳолга, ноўрин қилиқлари эса девпечакка ўхшайди. Агар номатлуб қилиқларига ўз вақтида барҳам берилмаса, девпечак нозик ниҳолни қисганидек, ёмон қилиқлар яхши хулқларни бўғиб ташлаши мумкин.

* * *

Бола яшаётган муҳит, мактаб ва оиланинг озода ва тартибли бўлиши унинг озода табиатли бўлиб тарбияланишида муҳим аҳамият касб этади.

* * *

Нафосатдан маҳрум бўлган кишининг қалби гулу ғунча, жамбулу райҳон гаштини қайдан билсин.

* * *

Нафис куй, жозибали мусиқадан лаззатланмайдиган кишининг қалби қуёш нурини бир умр кўрмаган музхонани эслатади.

* * *

Маҳоратсиз санъаткор билан маҳоратли санъаткор ўртасидаги муҳим тафовут шундаки, улардан бирини халқ тушана олмаганлигидан шикоят қилади, иккинчиси эса халқ қалбига ором бахш этганидан мамнун бўлади.

* * *

Доно киши бирор хонадонда меҳмон бўлганида мезбоннинг кайфиятини дарҳол англайди ва ўз хатти-ҳаракатини шунга қараб белгилайди.

* * *

Қафасдан қутулган қуш қайтиб қафасни истамайди. Ботқоққа ботган той, у ерга қайтиб оёқ босмайди.

* * *

Оқил одам инсонга ёмонликни асло раво кўрмасин.

* * *

Саёқ юрган қуш оғридан илинади.

* * *

Отарчи пул овлайди, чин санъаткор эса дил овлайди.

* * *

Овқатланиш тартиби ҳам болаликдан бошланади. Хунук ва пала-партиш овқатланадиган одамлар ҳам учрайдики, одам улар ёнларида овқатланишдан ўзини тортади.

* * *

Қарилликнинг энг кўнгилсиз йўлдоши заифликдир. Қариганда тетик ва бардам юришнинг энг яхши тадбири мунтазам жисмоний машғулотдир.

* * *

Бир марта туҳматга учраган киши, уни бошқаларга асло раво кўрмайди.

* * *

Илоннинг заҳри ҳам ўрни билан тўғри фойдаланилса, дардга даво бўлади, аммо меъёридан ортиқ истеъмол этилган асал кишини касал қилади.

* * *

Бошига бирор кулфат тушган одам ундан ирода ва матонат билан қутула билиш чорасини кўриши керак, агар у тушқунликка берилса, қайғу-алам яна ошади.

* * *

Кўпинча, биз ўзгаларнинг хато ва камчиликларини игнасида ипигача синчиклаб кузатамиз, агар ҳар қайсимиз ўз камчиликларимизни ана шундай ўргана олганимизда бир-биримизни тузатишга бўлган эҳтиёж шунчалик камайдиган бўлур эди.

* * *

Касб танлашда ундан ўзи учун келадиган даромаднинггина ўйлаб иш тутадиган киши, бу касбнинг ҳақиқий эгаси бўлолмайди.

* * *

Оила аъзоларидан юлишни касб этган бола, ҳаммани ҳам юлиб-юлқишни қўмсайди.

* * *

Хушнисор гиёҳлар таомга хушбўйлик берганидек, дин ва фаросат билан қилинган пардоз ҳам аёлларга жозибадорлик бахш этади.

* * *

Ғайрати тўлиб-тошиб турган болани фойдали машғулотдан қайтариш ташна кўкатни сувдан бўришдек гап.

* * *

Болалар ижодий ўйин орқали ўз ҳаётларини бунёд этадилар.

* * *

Дўстлар анжуманнинг энг яхши зийнати, ширин суҳбат оромбахш ашуладир.

* * *

Санъат ва муҳаббат эгизак бўлиб, улар ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлаги.

* * *

Шогирдим, ҳаётда фаоллик ва ташаббускорлик сенинг эл қошидаги қадринг ва иқболингни оширувчи яхши фазилатдир.

* * *

Қоронғи йўлнинг нурли чироғи улуғвор ғоялар зиёсидир.

* * *

Кипининг лавозим даражаси билан ақли камолоти ўртасида мутаносиблик бўлмоғи шарт. Агар ақли лавозимдан паст бўлса, киши эл назаридан қолади.

* * *

Яхши ота-она бўлишнинг энг муҳим шarti яхши инсон бўлишдир.

* * *

Оила аъзолари ўртасида обрў талашини оила обрўсининг кушандасидир.

ДИЛНОМА

МУҚАДДИМА

Қўлингиздаги бу рисола ўз номини тўла ифода этганлиги учун “Дилнома” деб аталади. Мазкур рисола ни яратишда маҳаллий ўқитувчиларнинг узоқ йиллик тажрибаларидан, халқимизнинг бой тарбия меросидан, ўзбек мактаби ва оилаларининг ҳаётий тажрибаларидан ўрганилди ва фойдаланилди.

“Дилнома”да акс этган ахлоқий-тарбиявий масалаларда ўзбек халқига хос энг муҳим фазилатларни ёш авлодда мужассамлаштириш ҳаёт тақозоси эканлиги ҳақида фикр юритилади. Ёш авлодга ахлоқ ва одоб қонуниятларини синдириш рисоланинг асосий мазмунини ташкил этади.

Муаллим ўзининг шарафли касби билан ҳақли равишда фахрланади. У ватанамизнинг қайси ерига борса, шогирдлар “Салом, устоз, ўқитувчим!” деб пешвоз чиқади. Шунда у ўзининг қанчалик бахтиёр инсон эканлигини чуқур ҳис қилади. Ана шу самимият ўқитувчига куч-қувват ва касбига беқиёс муҳаббат бахш этади. Маълумки, ўқитувчи ҳар доим шогирдлари билан ҳамдам ва ҳамдард бўлиб яшайди. Уларнинг бахти ва истиқболига асло бефарқ қарамайди. Рисолада ўқитувчининг ана шу олижаноб фазилати ифода этилади. Ёш авлоднинг бугунги ва эртанги бахт-саодати учун ўқитувчининг қайғуриши, унинг қўлида ўқиб тарбияланаётган ёки катта ҳаёт қучоғига парвоз қилаётган шогирдлари билан ҳамнафас, ҳамдард бўлиб яшаш, ёш авлод учун маънавий жавобгарлик ҳис этиш — ўқитувчининг олижаноб фазилати эканлиги рисолада мунтазам равишда ёритилган.

Мазкур асарнинг биринчи бобида ёш авлодни меҳнатга муҳаббат, меҳнаткаш халқни ҳурматлаш, касб танлаш ва касбни моҳирлик билан ўрганиш каби масалалар ёритилади. Ёшларни тарбиялашдаги бу илмий-тарбиявий муаммолар халқнинг диққат марказида турди ва алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Инсонни меҳнат улуғлайди, деган фикр китобнинг асосий замирини ташкил этади. Умуман, гўзаллик киши учун катта бахт, аммо инсонни безовчи барча сифатлар ичида меҳнатсеварлик бебаҳо зийнатдир. Ахлоқ ва одоб ҳам меҳнат билан туғишган эгизаклардир. Инсон халқ ҳурматиغا сазовор бўлишни истар экан, у қуруқ гап

билан эмас, амалий иш билан ўзини кўрсатиши керак, чунки одамлар сергап, маҳмадона кишиларни эмас, балки ишчан шахсларни ҳурмат қиладилар. Ёш авлодни руҳий жиҳатдан меҳнатга тайёрлашнинг энг муҳим талаби ҳар бир болани ёшлиқдан ақлий ва жисмоний меҳнатга ўргатиб боришдан иборатдир. Китобхон рисоладан бу масала юзасидан зарур бўлган материалларни топа олади. Рисоланинг иккинчи мавзуи инсоний ғоявийлик, эътиқод, билим ва амалиётнинг йиғиндиси деган халқпарвар таълимотдан иборат. Шу билан бирга, улуғвор ғояларга эътиқодли бўлиш, ўз олдига маълум бир мақсад қўя билиш ва бу мақсадга эришиш учун мардлик ва матонат кўрсатиш ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритилади. Унда “модомики, сен улуғвор ғояларни ўз олдинга мақсад қилиб олиб, унга эришиш йўлида мардонавор курашар экансан, сен энг бадавлат ва қудратли инсонсан”, деб таъкидланади.

Асарда ёшларни ватанпарварлик ва байналмилалчилик руҳида тарбиялашга оид фикр ва мулоҳазалар берилади. Она-Ватаннинг бир сиқим тупроғи ўзга элнинг бир ҳовуч олтинидан афзал эканлиги таъкидланади. Шундай қилиб, китобда Ватаннинг улуғворлиги, шон-шарафи ҳар бир ватанпарварнинг ифтихори эканлиги, ватанпарварлик туйғуларининг нақадар улуғворлиги ўз аксини топган. Она-Ватанга хиёнат қилишнинг зарарли оқибатлари ҳам рисолада ифода этилади.

Рисола болларидан бири ота-онани ҳурмат қилишга бағишланади ва унинг бир ерида “ота-онанинг ҳурмат қил, иқбол топасан”, дейилади. Демак, китобда ота-онанинг ҳурмати эл ҳурмати билан эгизак равишда талқин этилади.

Рисоланинг сўнгги боби “Ёшлик — гўзаллик” деб аталган. Бу бобда ёшлик инсон умрининг баҳори сифатида баён қилинади ва ёшликнинг ўзига хос фазилатлари ифодланади. Бу боб уч қисмдан иборат: ёшлик — дўстлик баҳори, ёшлик — муҳаббат баҳори, фарзанд — муҳаббат меваси.

ГЎЗАЛ ВА ШАРАФЛИ ИШЛАР ҲАҚИДА

Умримнинг бебаҳо ҳосили, севган касбимнинг дурдона меваси, ифтихорим бўлмиш шогирдим! Менинг бу мактубим балки сени таажжубга солар. Сенинг ёшинг ҳам улғаяр, ёшлик гулшанига соҳиб бўларсан. Сочларинг ораларидан қораларини излаб топишга қийналиб ҳам қоласан, сен ҳам дилингдаги ҳис-туйғуларингни ўз шогирдларингга баён қилгинг келади. Ана шунда ярим аср ўқитувчилик касбининг жозибали сеҳри билан яшаган муаллимнинг

нима учун қўлига қалам олиб, қалбидаги туйғуларини оқ қоғозлар бетига кўчирганлиги сабабларини чуқурроқ тушунасан.

* * *

Шогирдим, бугунги ҳаётимизни бунёд этишда қанчадан-қанча инсонларнинг кечган олтин умри, чеккан заҳмати, қилган меҳнати, ҳатто, тўкилган мўтабар қонлари кўз олдимизда намоён бўлади. Мен ҳам озми-кўпми ана шу улуғ ҳаёт ичида умр кечирдим, ҳаёт мактаби менга ҳам бебаҳо сабоқ берди. Мен бу катта ҳаёт ичида жуда кўп пок дилли, соф виждонли, улуғвор маслаклар учун жон фидо қилиб курашган темир иродали, инсонпарвар, меҳнатсевар, ажойиб одамлар билан мулоқотда бўлдим. Мен асосий ва мўтабар ҳаёт сабоғини ана шу азиз инсонлардан олдим. Гарчи менда бир озгина ижобий сифатлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам мен ҳамма вақт халқим ишига содиқ бўлган азиз инсонлардан доимо қарздорман.

Биз ҳамма вақт ҳаётдан сабоқ оламиз, ўрганамиз. Меҳнаткаш халқ шу сабоқнинг устозидир. Давр мени ана шу тўплаб олган ҳаёт сабоқларимни шогирдларинг билан ўртоқлаш деб, таклиф қилганини сездим. Шунинг учун фикрларимни сен билан ўртоқлашишга аҳду паймон қилдим.

Мен гўзаллик бунёд этувчи чин инсон бўлишингни ва бунинг учун, ким бўлишингдан қатъи назар, ота-боболаримизга хос муҳим инсоний фазилатларни сенда тўла мужассам кўришни истардим. Бу эса фақат менинг хоҳишим бўлибгина қолмай, балки давр тақозосидир. Бунинг учун биринчи гада:

МЕҲНАТНИ СЕВ ВА МЕҲНАТКАШ ХАЛҚНИ ҲУРМАТ ҚИЛ

Халқимизни меҳнатсевар инсон қилиб тарбиялаш ҳамма вақт тарбиячилик диққат марказида турди.

Маълумки, инсоннинг юксак ахлоқий фазилатларига эга бўлишида ва унинг инсон сифатида шаклланишида халқ манфаати йўлида қилган ҳалол меҳнати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шундай экан, инсонни меҳнатдан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Меҳнат ҳамма вақт инсонни такомиллаштиради. Аммо инсон ўз-ўзидан меҳнатсевар бўлиб етишмайди, у ёшлиқдан бошлаб ўз қобилиятига

яраша онгли равишда қилинадиган меҳнати — унинг камол топишининг пойдеворидир.

Сен темир ироданг билан меҳнатни ўзингта буй-сундиришинг керак. Шунда сенинг энг яқин ва содиқ дўстинг ҳалол меҳнат бўлади.

* * *

Қимматли умрингни қуруқ гап сотишга бағишлама, меҳнатга сарфла. Бу осон эмас, меҳнатни эгаллашда қийналасан, ниҳоят, меҳнатни эгаллайсан, ҳурмат топасан.

* * *

Агар сен оила қучоғида ёшлиқдан бошлаб ўз қобилиятингта яраша меҳнат қилишга одатланмасанг, отананг ва уларнинг бебаҳо меҳнати қадрига ета олмайсан.

* * *

Меҳнатсиз топилган нарсанинг иллоти бўлади, пешана тери билан яратилган нарса лаззатли бўлади, бемеҳнат топилган бойликдан кўра, ҳалол меҳнат ҳосили яхши. Биринчиси ҳаётингта таҳлика солади, иккинчиси хотиржамлик бахш этади.

* * *

Бошқаларнинг меҳнати ҳисобига япайдиган шахс энг номуссиз киши ҳисобланади. Шундай экан, ўз кучинг билан меҳнат қил. Бахтиёрлик — ижодий меҳнат самарасидир.

* * *

Зарарли фикрлар — бекорчилик ҳосили. Фойдали машғулотлар бундай фикр ва тушунчалардан халос этади.

* * *

Азиз ўқувчи, ҳар бир ишни ўз вақтида ўйлаб бажариш бир ҳодисадан пушаймон бўлишнинг давосидир, чунки киши кўпинча ўйламай қилган ёки ўз вақтида бажара олмаган ишлари учун пушаймон бўлади. Шунинг учун халқимиз: “Бутунги ишни эртага қўйма”, деб бекорга айтмаган. Кимки бутунги ишни эртага қўйса, ҳаётдан орқада қолади.

* * *

Бугун халқ учун бирор хайрли иш қилган экансан, эртага ҳам шундай яхши иш ҳақида ҳам ўйла. Шундагина сен хайрли ишларнинг бунёдкори бўласан.

* * *

Сен меҳнатта онгли равишда муносабатда бўл, ҳар бир ишнинг моқиятини ва оқибатини чуқур ўйлаб бажаргил. Яна шуни ҳам унутмагилки, ҳар бир ишни оқилона бошлаганинг яхши, самарали тугатганинг ундан ҳам яхши.

* * *

Она ердан ҳалол меҳнат билан унаётган барча нозу неъмат халқимизнинг пешана тери самараси эканлигини чуқур ҳис этмоғинг, бу шарафли ишга ўз ҳиссангни қўшмоғинг лозим.

ФАН АСОСЛАРИНИ БИЛИШГА, ҲУНАР ЭГАЛЛАШГА ИНТИЛ

Сен ҳар қайси илми, ҳар қайси фанни нима учун билишинг зарурлигини чуқур англаб олмоғинг лозим. Буни пухта ўрганиш катта ҳаёт синовидан ўтиш учун ғоят зарурдир. Чунки илм-фан — ҳаётнинг меваси, у сенинг ҳаётинг учун зарур. Сенинг оилавий ҳаётингда илм-фан асосларини чуқур эгаллаб боришинг етакчи ўринни ўйнайди. Илм-фан асосларини нечоғли чуқур ва пухта эгалласанг, ақлий камолотинг ҳам шунчалик тез ривожланиб боради. Илм-фаннинг айрим қонун-қоидаларини қуруқ ёдлаб олма, балки асосий қонуниятларни чуқур англаб олишга интил. Муҳим фактларни ва турли ҳодисаларга оид мисолларни яхши билиш билан бирга уларни умумлаштириш ва хулосалар чиқара олишга ўрган. Бунинг учун сен ўқиш, ўрганиш жараёнида илм-фан ва тушунчалар системасини мунтазам равишда ўрганиб олишинг лозим.

* * *

Биринчи вазифанг ҳалол ва сидқидиллик билан ўқишдир. Маълумки, билимдон бўлишнинг сиру асрори ҳаракат ва матонат билан ўқиш ва ўрганишдир. Кипининг илму фанга ҳаваси, интилиши унинг ажойиб фазилатидир. Сен фан-техника инқилоб қилган, чунончи, атом

қувватидан халқ манфаати йўлида кенг миқёсда фойдаланилаётган, инсон коинотга парвоз қилган ва коинотшунослик ривожланаётган, риёзиёт, кибернетика каби фанлар ҳар бир соҳада қўлланилаётган ҳамда генетика илми ўсаётган бир даврда яшайсан. Бу тараққиёт сендан фан асосларини жуда чуқур эгаллашингни, ғоявий жиҳатдан пухта куролланишингни талаб қилади. Бунинг учун сен фан асосларини изчил, онгли равишда чуқур эгаллаб олмоғинг лозим. Илғор тарбиячиларнинг ва тарбияшунослик-руҳ фанининг ютуқлари шуни тақозо қилади. Сен унчалик меҳнат қилишни талаб этмайдиган содда масалаларни ечиш билан чекланиб қолма, бемашаққат ечиладиган масалалар сенинг ақлий камолотингнинг ривожланишига етарли ёрдам бермайди, балки бугун сен учун оғир бўлган, лекин устозларинг маслаҳатлари ва йўлланмаларини талаб қиладиган мураккаб масалаларни ечишга ҳаракат қил. Шу билан бирга, эртага у муаммо масалаларни ўзинг мустақил равишда еча олиш усулини ҳам эгаллаб олишга интил. Мураккаб назарий материалларни қунт ва матонат билан ўрган. Шундагина сенинг ақлу камолотинг ривожланади.

* * *

Билмагани сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Ҳар бир касбнинг шайдолари бўлганидек, илмнинг ҳам ўз шайдолари бўлади, агар киши чиндан ҳам илмга муҳаббат қўйса, у ўз мақсади йўлида учрайдиган ҳар қандай машаққатларга ҳам матонат билан бардош бериб, улуғ орзулар сари интилади.

* * *

Илмни эгаллашда машаққатсиз йўл излаган кишидан ҳақиқий олим чиқмайди. Буюк фан арбобларининг ҳаёти шунинг учун ибратлики, улар фаннинг ҳақиқий мухлислари бўлиб, бутун умрларини илмга бағишлаганлар ва халққа илм-фан йўлида хизмат қилишга одатланганлар. Ҳақиқий олимлар асло шухрат орттиришни ўйламаганлар ва ўз манфаатларини кўзламаганлар. Олимларнинг юраклари кенг бўлган, адоват сақламаганлар, ҳаммага ёрдам қўлларини чўзганлар.

* * *

Маълумотим етарли деб асло гердайма, кўп билимлардан бебаҳра қоласан. Биз ўзимизга мўл бўлиб туюлган билимларимизнинг нақадар оз эканлигини ҳаёт мактабининг синовидан ўтганимизда сезиб қоламиз.

* * *

Агар бирор киши ўзини ҳаммадан кўра кўпроқ билимдон ҳисоблар экан, билгилки, у илм тараққиётидан орқада қолган. Ундай киши ҳам орқада қолади. Шундай кишилар борки, улар кўп нарса билса ҳам, кам биламан дейди, бундай кишилар кўзлаган маррасига тез етади, чунки илм доимо ривожланади, илм-фаннинг равнақи учун ўз умрини фидо қилган одамлар доимо барҳаёт бўладилар.

* * *

Эътиқоднинг хатти-ҳаракатингга айланиши учун фан асосларини сидқидиллик билан чуқур ўрганишга интил, жамоат ишларида, ижтимоий фойдали меҳнатда фаол иштирок эт. Оилада ҳам ўз бурчингга эътибор бер. Ватанимизнинг илғор касб эгалари билан тез-тез мулоқотда бўл. Ҳаётимиз бахш этган зўр сабоқлардан бебаҳра қолма, чунки билимларимизнинг манбаи ҳам, мақсади ҳам, мезони ҳам ҳаёт.

* * *

Ёшлик баҳорингни бемеҳнат ўтказиб қўйсанг, умрингни куз фасли етгач, беминнат ҳосилни қаердан топасан? Ёшликни қариликнинг қувват оладиган аккумулятори деса бўлади. Ёшлик қувватини ақл ва фаросат билан шарафли ишларга сарфлагинки, оқибат бу "аккумулятор" қариган чоғингда сенга иззат ва ҳурмат манбаи бўлсин.

* * *

Ёш чоғингдан бошлаб саратон жазирамасига, қишнинг совуқ ва изғиринларига, ҳаётнинг ҳар қандай бўронларига бардош бера оладиган матонатли бўлиб чиниқмоғинг лозим.

* * *

Буюк мутафаккир Алишер Навоий кишининг ўз ҳаётида
яхши ном қолдиришини улуғлаб шундай деган эди:

Бу гулшан ичра йўқдир гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яхшилик ила қолса от.

Вақтни тежаш ва ундан унумли фойдалана билиш улуғ
кишиларга хос бўлган муҳим фазилатлардан биридир.

* * *

Инсон умри бебаҳо. Инсон ўз ҳаётида жуда кўп нар-
саларни топади-ю, аммо ўтган умрини ҳеч қачон топа
олмайди, яъни ўтган умр ҳеч қачон қайтиб келмайди.

* * *

Баъзан бир умрдек топилмас жавоҳир қадрини уни исроф
қилиб бўлганимиздан кейин пайқаймиз ва тежаб, ўринли
фойдалана олмаганимиздан ўкинаемиз.

* * *

Маълумки, исрофгарчиликнинг ҳамма тури ҳам ёмон,
аммо улар ичида ҳаммасидан ачинарлиси умр исроф-
гарчилигидир.

* * *

Доно халқимиз “Инсон дунёга бир марта келади” деб
бежиз айтмаган. Ҳа, ҳар ким бу ёруғ дунёга бир мартагина
саёҳат қилиш имконига эга. Гап бу саёҳатнинг ижобий
яқунланиб ва фойдали “саёҳатнома” қолдира билишидадир.
Бунинг учун сен халқ манфаати, бахт-саодати йўлида ўз
умрингдан оқилона фойдаланмоғинг ва уни мазмундор ўт-
казишинг лозим, лекин бу ўз-ўзидан бўлмайди. Чунки
вақт сенинг ихтиёрингсиз ўтади, шунинг учун ҳам уни
кутиб тура олмайсан, лекин ундан унумли фойдаланиш
сенинг эркингда. Умр қисқа, деб нолиш ўрнига ундан са-
марали фойдаланишга интил. Бир аср умр кўриб, ном-
нишонсиз ўтганлар ҳам кўп, оз умр кўриб абадий ном
қолдирганлар ҳам бор.

Ажойиб фазилатлари ва хатти-ҳаракатлари, гўзал ах-
лоқлари билан эл ҳурматига сазовор бўлаётган кишилар
шоир ва адибларнинг ёзган ранг-баранг ижодларида ҳамияша
улуғланадилар.

* * *

Маълумки, ўзларининг бутун умрларини, ҳаётларини дунёдаги меҳнаткаш халқнинг озодлиги, бахт-саодати йўлига бағишлаган буюк сиймоларнинг номларини жаҳондаги барча меҳнаткаш халқ ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

* * *

Ҳар бир шахс ҳаётнинг мазмундор бўлиши учун энг аввало турмушнинг мазмунини, қадру қимматини чуқур англамоғи зарур, шунинг билан бирга, турмушда уч-райдиган қарама-қаршиликларни тушунмоғи ва ҳаётда уч-райдиган қийинчиликларни оқилона бартараф қила билиши, меҳнат туфайли унга эришиш мумкинлигини англамоғи лозим.

* * *

Яхши орзуларинг ва темир ироданг сенга бир гўзаллик бахш этади, одамийлик, инсонпарварлик сенинг энг юксак фазилатингдир. Шунинг учун сен инсонпарварликни касб эт, меҳридарё одам бўл!

ВАТАННИ СЕВ, ВАТАНПАРВАР БЎЛ

Ватанпарварлик ўз Ватанига, ўз халқига муҳаббат ва садоқат билан қарашдир. Ватанпарварлик ҳар доим тарихий ва аниқ мазмунга эга бўлади.

* * *

Кичининг Она-Ватанга, жонажон халқига муҳаббат билан қараш, жаҳон прогрессив меҳнат аҳлини ҳурмат қилиши — унинг бу ҳиссиёти ёшлигидан — оила ва мактаб қучоғида шакллана бошлайди.

* * *

Ўтмишда азиз боболаримиз ҳам ўз Она-Ватанларини жону дилидан севганлар, унинг иқболи, истиқболи, озодлиги устида қайғурганлар ва фидокорона курашганлар.

Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилган азиз фарзандларнинг номи эл қалбида абадий сақланади.

* * *

Эл бошига тушган мусибатни емириб ташлаган мардларни эл-юрт ҳурмат билан тилга олади, аксинча, Ватанни қадрламаган шахсни элу юрт қадрламайди.

* * *

Сен ҳар доим кишининг ташқи қиёфасига қараб баҳо бераверма, унинг кўнглида нималар борлигини билишга ҳаракат қил, шунда панд емайсан, алданмайсан, афсус ва надомат чекмайсан.

Ватаннинг куч-қудратини тобора ривожлантириб бориш ҳар бир кишининг фахрли бурчидир, Ватанзимизнинг куч-қудратини ва шон-шухратини ошириш, инсон эришган муваффақиятлар эса она-Ватаннинг ифтихоридир.

Азиз шогирдим, Ватан йўлида фидокорона меҳнат қилиб, ғалаба қозонаётган ва эл ҳурматига сазовор бўлаётган жуда кўп Ватан фарзандларини кўзинг билан кўриб турибсан: Искандар ота Дўсов, Мадамиян Маткаримов, Турсуной Охунова, Ризамат ота кабилар она-Ватан ифтихоридир. Улар ўз бахту саодатларини меҳнатда топдилар.

* * *

Одамларнинг қадр-қимматига етмай туриб, киши ҳақиқий ватанпарвар бўлолмайди. Ватан аввало, бу — халқдир. Сенинг шарафли ишларни бажаришинг учун, қаҳрамонлик намуналарини кўрсата олишинг учун халқ мададкоринг ва таянчинг бўлади. Меҳнаткаш халқ сени қўллаб-қувватламас экан, ёлғиз ўзинг ҳаёт бўстонида парвоз қилолмайсан. Сен меҳнат соҳасида зўр ғалабаларга эришаётган Ватан фарзандларининг ҳаётини, фаолиятини чуқур кузатар экансан, уларнинг улуғвор ишлар қила олишлари учун мадад берган, ҳаёт чўққиларига парвоз қилишлари учун куч-қудрат бағишлаган меҳнаткаш халқ эканлигига тўла ишонч ҳосил қиласан. Халқ назаридан қолиб, шон-шухрат, бахтга эга бўлган қаҳрамон йўқ. Ҳақиқий ватанпарвар инсон такаббурликка, фақат ўз манфаатини ўйловчи шахс бўлишига мутлақо йўл қўймайди ва меҳнаткаш халқдан ўз манфаатини устун қўймайди, ҳамма вақт халқ билан бир жон, бир тан бўлади.

ИНСОНПАРВАРЛИК КАСБ ЭТ, ҚАЛБИ ДАРЁ ОДАМ БЎЛ

Инсонпарварлик — одамийлик демакдир. Унинг туб моҳияти эса азиз инсон зотини ҳурмат қилиш, қадр-қимматини билиш ҳамда унинг бахт-иқболи йўлида доимо фидокорлик билан курашиш ва ғамхўрлик кўрсатишдан иборатдир.

Кишилиқ жамияти тарихида барча мутафаккир ва атоқли кишилар одамларнинг бахти ва иқболи ҳақида қайғурганлар ва эзгу-ниятларини айтганлар ҳамда бу йўлда фидокорона курашганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг номлари абадий барҳаётдир.

Инсонпарвар боболаримизнинг ўтмишда жаҳон фани ва маданияти тараққиётига қўшган дурдона ҳиссалари қалби дарё инсонларнинг ҳозирги даврда қўлга киритган оламшумул ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Шогирдим, Она-Ватанимизнинг бахт-иқболга эришишининг туб моҳиятини чуқур англамоғинг, бундай улў ва бахтли ҳаётни бувёд этишда неча-неча минглаб азиз ва муўтабар кишиларнинг кечаги бебаҳо умри, чеккан машаққатлари, ҳатто тўккан қонларини ҳис этмоғинг лозим. Бизнинг порлоқ ишимизда ажойиб боболаримиз руҳи мадаккорлик қилади, улар ўзларининг дурдона сўзлари билан, ўлмас ғоялари билан бизнинг сафимиздадир.

Маълумки, улў боболаримиз чин одамийлик, инсонпарварлик ҳўк сурган бахтиёр кўнларни кўришни, одамлар ўртасида чинакам инсоний муносабатлар бўлишини ва адолатли тузум ўрнатилишини орзу қилганлар, ҳатто бу йўлда жонини фидо қилган азиз инсонлар жаҳонда оз эмас, лекин улар орзу-умидлар бўлиб қолаверди.

Киши ўз-ўзидан ватанпарвар бўлиб қолмайди, албатта. Инсонпарварлик алифбоси болажонликда, ўзидан кичик ёшларга ғамхўрлик қилиш ва меҳрибонлик кўрсата билишдадир. Дилида бола меҳри бўлмаган кишидан одамийлик кутма. Буюк кишиларва, улў мутафаккирлар, қаҳрамонлар, меҳнатда зафар қозонганлар, яхши ота-оналар, устоз ўқитувчилар, ҳақиқий санъат соҳиблари, хуллас, энг яхши одамлар болага меҳрибон бўлганлар.

Болажонлик кишига хос фазилатдир. Мусулмонлар гўдакларимиздан асло кўз узмайди, фарзандларимизга, уларнинг бахт-иқболи тўғрисида ғамхўрлик қилади. Лекин онда-сонда фарзанд қадрини билмайдиган шахслар ҳам учраб туради. Бу ўринда ўзим шоҳид бўлган бир воқеани ҳикоя қилиб беришни истайман.

Бир эру хотин фарзанд кўрдилар, бола ўсиб 7 ёшга етганда негадир ораларидан "ола мушук" ўтиб, уларнинг муросалари келишмай қолди. Қариндош-уруғлари, ёру биродарлари, ҳатто маҳалла-кўйгузар аралашса ҳам ўжарлик қилиб не-не умидлар билан кўрган турмушларини бузиб, ажралишди, турган ҳовлиларини ўртадан бўлиб девор олдилар, бисотларидан катта бир гиламни ўртасидан қирқиб тақсимладилар. Лекин улар бола қалби бўлинмайдиган бебаҳо жавоҳирлигини унутдилар. Вақт ўтиб, биз яна бу оилани муросага келтириш мақсадида йиғилишдик. Ёш фарзанд бир қўли билан отани, иккинчи қўли билан онани маҳкам ушлаб, бегуноҳ қора кўзлари жиққа ёшга тўлди. Бу табиий, бола учун отанинг ҳам, онанинг ҳам меҳри керак. Бағритош ота-оналар инсофга келдилар. Болалар ота-онанинг турмушини мустаҳкамлайди. Улар ярашдилар. Бу воқеа биз учун муҳим сабоқ бўлди. Менинг бу ҳикояни айтишдан мақсадим шуки, ўзингдан кичик ёшдагиларга мудом меҳрибон бўл. Турмуш кўриш чин муҳаббат ва самимий дўстликка асосланган, бола тарбиясини бирга бажариш бурчини ўз зиммаларига олган икки қалб эгалари ўртасида тузилган бир умрлик аҳду паймондир.

* * *

Одамларга яхшилик қилишни кўзда тутиш мўминларга хос инсонпарварликдир. Шундай экан, қўлингдан келганича яхшилик қилишга ҳаракат қил. Агар қандайдир шароит бунга ижозат этмай, иложини тополмай қолсанг, лоақал инсонга ёмонлик қилма. Бировга ёмонлик қилдингми ёки ҳатто ўйлайдингми, демак сен инсонпарварликка доғ туширган бўласан.

* * *

Инсонпарварлик одамларнинг мушкулларини осон қилиш учун иложи борича ҳаракат қилишни кўзда тутати. Аксинча, одамларнинг мушқулларини осон қилишни истамаган, бошингга мушкул иш тушган вақтда сенга биров ёрдам бермаса, асло ажабланмагин.

* * *

Сен қаерга борсанг, яхши ва покиза ният билан қадам қўйгин. Дили пок, кўнгли пок одам қайси бир хонадонга қадам қўйса, ўзи билан ўша хонадондагиларга дўстлик ва

меҳр-муҳаббат олиб киради. Дили бузуқ, нопок киши қадам қўйса, иғво ва фитна уруғини сочиб кетади.

* * *

Чин инсонпарвар киши одамдаги хато ва камчиликларни тузатишга виждонан ёрдам беради. Камчиликларни йўқотишнинг энг яхши воситаси бўлган танқид ва ўз-ўзини танқиддан ақл ва фаросат билан ўринли фойдалана билади.

* * *

Инсонпарвар киши бошқаларнинг камчиликларини кўрсатишда инсонга хос одобни асло бузмайди ва одамларга қўпол муносабатда бўлиб, киши дилини асло вайрон қилмайди. Танқид бировни оёқ ости қилиш дегани эмас, балки кишиларга одилona ҳақ гапни айтиб, чин дилдан ёрдам кўрсатишдир.

* * *

Киши қалбига заҳар сочиш чин инсон учун бегонадир.

* * *

Кишининг чин дўсти ва ашаддий душмани бўлади, улар қайсилар деб сўрасалар, биринчиси ақл, иккинчиси жаҳл десак ўринли бўлади. Дили тор кишига кенг дунё ҳам тор туюлади. Шундай экан, жаҳолатга берилиб қайнаб тошма, чунки ҳаётинг учун зарур бўлган истиқбол ўтини ўзинг ўчириб қўясан. Жаҳл шундай зарарлики, у жоҳилгина эмас, ҳатто унга ҳамроҳ бўлган кишиларнинг ҳам умрини эғовлайди, ақл шундай бебаҳо кучки, у кишининг ҳаётини безайди ва умрини тежайди.

* * *

Инсонпарвар киши қандай вазифа ва лавозимда ишлаганмасин, у одамлар тўғрисида тинмай гамхўрлик қилади. Ҳеч қачон ўз манфаатини меҳнаткаш халқ манфаатидан устун қўймайди. Лавозимда бўлсанг, сенинг безагинг ҳаёт ва халқ билан ҳамнафас бўлишни асло унутма.



Инсон ҳаётда учрайдиган юлғичларга, лаганбардорларга, иғвогар ва маишатпарастларга, мақтанчоқ ва шухратпарастларга қарши кескин кураш олиб бориши керак.



Азиз шогирдим, инсонпарварликни касб этиб, халқ билан бир жон, бир тан бўлиб яша, шундагина улуғ халқимизнинг иззат ва ҳурматига сазовор бўласан. Эл ва халқ ҳурматини истасанг, Ватанни сев, ватанпарвар бўл!

КАМТАР БЎЛСАНГ, ҲУРМАТ ТОПАСАН

Инсон мустақкам иродали бўлиши билан бирга, кибру ҳаводан ҳоли, камтар бўлиши лозим. Камтарлик инсон киёфасини безовчи бебаҳо фазилатлардан биридир. Ҳақиқий камтарлик инсонпарварлик, одамийлик каби жиҳатлар билан муштаракдир. Сен шу нарсани асло унутмаслигинг лозимки, дунёда камтарлик билан эл-юртга ўр-нак бўлган азиз одамлар жуда кўп.

Камтар инсон ўзини ҳеч қачон меҳнаткаш халқдан устун қўймаслиги, аксинча халқ билан доимо бир тан, бир жон бўлиб яшаши, оилада, турмуш шароитида, юриш-туришда, кийинишда ҳам ортиқча зеб-зийнатга берилиб кетмай, оддий яшаши, кишиларга маданий муносабатда бўлиши ва одамларга самимият билан яхшилик қилиши, сохта шухратдан, мақтанчоқликдан ҳоли бўлиши, ютуқлар олдида мағрурланиб кетмаслиги, кибру ҳаво ва манманликка асло йўл қўймаслиги, катта ёшдагиларга ҳурмат, болаларга меҳрибонлик кўрсата билиши, билим доираси қанчалик кенг ва чуқур бўлса: ҳам, ўзини билағон қилиб кўрсатмаслиги, мансабпарастликдан ҳоли бўлиши, мансаб ва шахсий манфаат учун ўзининг кадр-қимматидан кечиб, бошқаларга лаганбардор бўлмаслиги, аксинча халқ манфаати йўлида меҳнат қилиши, ҳар қандай шароитда ҳам одамийликни унутмаслиги каби қатор ажойиб фазилатларга эга бўлиши керак.

Азиз шогирдим, сен чинакам камтарлик касб этмоқчи экансан, менинг қуйидаги ҳаётий хулосаларимни эсингда тут. Аввало, камтарлик пок виждоннинг ҳосили, шундай экан, виждонингни пок сақла, сенинг ҳуснингга ҳусн қўшадиган, асло эскирмайдиган, энг кўркам либосинг камтарликдир. Киши қалбида камтарлик билан манманлик

доимо курашиб боради, агар камтарлик ғолиб чиқса, манманлик барҳам топади. Камтарлик ва такаббурлик бири-бирига қарама-қарши икки йўлдир; бу йўлнинг бири сени кишиларга яқинлаштиради, иккинчиси эса одамлардан йироқлаштиради. Чунки, одамлар бадбўй инсонлардан қандай ҳазар қилсалар, димоғдор, такаббур кишилардан ундан кўра ортиқроқ жирканадилар. Агар кишининг ташқи қиёфаси чиройли бўлса-ю, кибру ҳавоси баянд бўлса, у бадбашараларнинг бадбашарасидир. Сен ҳаётни кузатар экансан, камтарлик доноларга, манманлик нодонларга хос хусусият эканлигига тўла ишонч ҳосил қиласан. Кибру ҳаво, манманлик юқумли касалликдир. Касалликнинг ҳамма тури ҳам ёмон, улар ичида энг жирканчиси такаббурликдир. Дўстим, фожиа шундаки, кибру ҳаволи ва такаббур киши ўзининг айбини пайқамайди, ҳатто ўзини камтарларнинг камтари деб, ўйлайди.

Билгилки, кишининг маънавий камбағаллиги жуда ёмон, аммо ўзининг нуқсонини билмаслиги ундан ҳам ёмон. Энг ўткир ва энг равшан кўз ўз айбини ва камчиликларини аниқ кўра оладиган кўздир. Бундай нуқсонга дучор бўлмаслик учун киши дўстларининг маслаҳатига қулоқ солиши ва ўз қадр-қимматини ақл тарозиси билан ўлчай билиши зарур, акс ҳолда, ўзига ортиқ баҳо бериб, манманлик кўчасига кириб қолади. Шунинг учун ҳам жамоа аъзоларининг ва дўстларнинг адолатли танқиди кишининг тўғри йўлга кириб олиши учун катта ёрдам беради. Адолатли танқидга тан бериш тантилик белгиси, аммо ундан хулоса чиқариб иш тутиш чин инсонлик бурчи.

Киши учун халқ назаридан тушиб қолиш бахтсизликдир. Халқ ҳурматини на мансаб, на унвон ва на давлат билан топиб бўлади. Лекин халқ ҳурматининг ўзи энг юксак бойликдир. Одамлар гердайдан теракнинг соясидан кўра, сада бўлиб ўсган қайрағочнинг соясида кўпроқ ором оладилар. Одамлар дилига озор берувчи амалдор бўлгандан кўра, дилни шод этувчи оддий инсон бўлган афзал. Кибру ҳаво ва манманликнинг энг хунук кўринишларидан бири мақтанчоқликдир. Бу дард ҳам кишида ёшлиқдан бошланади. Мақтанчоқ кишини синчковлик билан кузатсанг, унда ақл ва ҳаёт ҳақидаги тажриба ва тасаввур етишмаганлигига иқрор бўласан. Ўзини ҳаммадан донишманд деб ўйлаш ақлсизлик нишонасидир. Мақтанчоқ кишилар ҳамма нарсани мен биламан, деб гердаядилар. Лекин унинг билган нарсаларининг ҳаммаси маълум ҳақиқатнинг бир томчиси эканлигини англамайди.

Хуллас, ҳар қандай доно бўлсанг ҳам, одамлар олдида ўзингни доно қилиб кўрсатишга уринма, ҳар қанча доно бўлсанг ҳам, билимдонлардан ажралма. Оқил одам

билимдон инсонлар билан мулоқотда бўлиб, яна кўпроқ ақл ва идрок касб этади. Азиз дўстим, шундай экан, мудом халқ билан ҳамдам бўл.

Мақтанчоқ киши сергап бўлади. Сергап одам мақтанишни яхши кўради. У ҳатто шу қилиғи билан одамларнинг меъдасига текканлигини пайқамай қолади. Сергап ва мақмадона киши одамларнинг олтин вақтини бекорга кеткизади. Қолаверса, унинг бемаъни сўзлари бош оғриғига сабаб бўлади.

Баъзи бир калтабин, калтафаҳм, узоқни кўролмайдиган кишиларнинг кибру ҳаво, манманлик ва такаббурлик касб этишларига лаганбардор кишилар ҳам сабаб бўладилар. Манманлик билан мағрурлик қанчалик расво хулқ бўлса, ўз қадр-қимматини билмай, ўзгаларга лаганбардорлик қилиш ундан ҳам баттарроқ пасткашлиқдир.

Дўстим, афсуски, ана шундай пасткаш, лаганбардорлар кўпайиб кетаяпти. Мақтанчоқ кишилардан ҳазар қил, улар ўз манфаатларини кўзлаб, сенинг рўпарангда турли-туман сифатларни ёпиштириб, сени кўкларга кўтардилар, орқаваротдан эса сенинг тўғрингда ифлос гапларни айтишдан ҳам тоймайдилар. Шундай пасткаш кишилар аҳмоқни оқил деб, нодонни доно деб, ҳатто хувукни гўзал деб мақташдан уялмайдилар.

Кўпинча лаганбардорларнинг тузоғига шуҳратпараст ва мансабпараст кишилар илиниб қоладилар. Чунки мақтовнинг кайфи шаробнинг кайфига ўхшаб кетади, мақтов шаробини татиб маст бўлишга ўрганган киши бора-бора одамийлик хислатларини йўқотади.

Азиз дўстим, сен доим камтарин инсон бўлишни унутма.

ОТА-ОНАНГНИ ҲУРМАТ ҚИЛ, ИҚБОЛ ТОПАСАН

Фарзанд деган ўз меҳрибон ота-онасининг белига қувват ва мадор, уларнинг тегиб турган серқон юраклари ва оламни кўрадиган кўз қорачиги демакдир. Ота-онангнинг ор-номусини, ҳаёт ва тинчлигини сақлаш фарзанд учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

(Улуг Ватан уруши йилларида халқнинг ўзбек жангчиларига йўллаган мактубидан.)

Шогирдим. Сен ўз суратингни ҳам, гўзал ёшлик қиёфангни ҳам, ақлу заковатингни ҳам, хулқ-атворингни ҳам аввало ота-онангдан олгансан. Сен уларнинг олтин умри, доимий чеккан машаққатлари, ҳатто тортган жабру жафолари эвазига ўсиб камол топгансан. Сенинг дунёга

келишингни, ўсиб-улғайиб камолотга етишинг учун биринчи сабабчилари ота-онангдир. Ота-онанг жамоли, қора кўзлари, қора қошлари ва сочлари, куч-қудрати, гўзал чеҳраси, қадду қомати — буларнинг ҳаммаси сенда намоён бўлади. Ота-онанг сени катта ҳаётга тақдим қилувчи улуғ зотлардир. Шунинг учун ҳам ота-онани ҳурматлаш ва уларга нисбатан меҳрибонлик кўрсатиш олижаноб инсонга хос улуғвор фазилатлардир.

Жаҳондаги барча улуғ сиймолар ота-онани чуқур севганлар, улар ҳақида ҳамма вақт меҳрибонлик кўрсатганлар. Буюк мутафаккир, шеъриятнинг улуғ султони Алишер Навоий:

Бошни фидо қилғил ато бошиға,
Жисмини қил сатқа ано қошиға.
Тун қунига айланғил нур фош,
Бирисин ой англа, бирисини қуёш.

Қуёш бўлмаса гуллар очилмайди, севги-муҳаббатсиз бахт йўқ, хотин-қизсиз муҳаббат йўқ. Онасиз шоир ҳам йўқ, қаҳрамон ҳам йўқ.

Ота-онани улуғлаш асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эл-юртга хос олижаноб анъаналардан биридир.

Ота-онани ҳурматлаш инсонпарварликнинг таркибий қисми бўлиб, у ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир. Чунки одамлардаги виждон ва ор-номус ота-онанинг қадр-қимматини тушунишдан бошланади. Инсон бўлишнинг алифбоси шу. Чунки барча халқнинг дастлабки тили она тилида “ота-она” дейишдан бошланади, инсоннинг биринчи сўз дебочаси ҳам ота, онадир.

Ота-онани ҳурматлаш сенинг бурчинг эканлиги мактабда, ҳатто боғча қучоғида қулоғингга қўйилган. Бу инсоний бурчингга қанча эрта киришсанг, шунча яхши, бу ишни асло кечиктириб бўлмайди.

Юқорида зикр этганимиз каби, ота-онани ҳурматлаш ва эъзозлаш ҳақида жуда кўп мўътабар инсонлар қимматбаҳо фикр айтганлар. Лекин гап бундай фойдали панду ўғитларга амал қила билишимизда, ота-онани ҳурматлаш сенинг амалий эҳтиёжингга айланмоғи ва кундалик хатти-ҳаракатингга намоён бўлмоғи лозим. Мен тўртта одамнинг ичига кирса, ҳеч кимга гап бермай, ота-онани ҳурматлаш ҳақида узундан-узоқ ваъзхонлик қиладиган, лекин ўзи ота-онанинг иззат ва ҳурматини ўрнига қўймайдиган баъзи бир мунофиқларни ҳам биламан.

Шогирдим, афсуски, отадек азиз зотнинг, оқ сут берган волидаи меҳрибоннинг қадр-қимматини билмайдиган, халқ таъбири билан айтганда, оқпадарлар ҳам учраб туради.

Ундай шахслар Ватанни ҳам, халқни ҳам, умр йўлдошини ҳам, хуллас ҳеч кимнинг қадр-қимматини билмайди. Хуллас, ўз ота-онасининг қадрини билмаган шахс одамийлик сифатларидан бутунлай маҳрум бўлади.

Ватан — она демакдир, она — Ватан демакдир. Инсоннинг Ватанга бўлган муҳаббати унинг ота-онасига бўлган муҳаббатидир. Чин инсон эл бошига тушган ишни ўз бошига тушган иш деб билади.

Мусулмонларнинг ота-онага бўлган муҳаббати элга бўлган муҳаббати билан эгизак эканлиги, айниқса Улуғ Ватан уруши йилларида чуқур намоён бўлди. Қаҳрамон халқимиз она-Ватаннинг шон-шарафи, ор-номуси учун немис-фашист босқинчиларига қарши жон фидо қилиб курашдилар. Ўзбек фарзандлари ҳам беқиёс қаҳрамонлик кўрсатдилар. Ўша оғир дамларда ўзбек халқи жангда она-Ватанни қаҳрамонлик билан ҳимоя қилаётган азиз фарзандларга мурожаат қилиб: “Хавф-хатар остида қолган онани ва отани ўғри, босқинчи ва талончидан ҳимоя қилиш кимнинг вазифаси? Бу, албатта, отасининг пешана теридан нон еган ва онасининг уйқусиз кечаларда аллалаши билан ўсиб-унган ўғил-қизнинг бурчидир”, — деб мурожаат қилди (“Ақл-ақлдан қувват олади”, “Ўзбекистон” нашриёти, Тошкент, 1976, 220- бет.) Ҳар бир халқ фарзанди эл бошига тушган кулфатга қарши мардонавор отланди.

Ота-онанинг ўз фарзандига бўлган меҳр-муҳаббатининг тасвири учун қалам ожизлик қилади. Бу мавзуда неча-неча достонлар, романлар, повестлар, қисқаси, бебаҳо асарлар яратилган ва бундан кейин ҳам кўп асарлар ёзилади. Ота-онанинг фарзандига бўлган муҳаббати қуёш нуридек тиниқ, уммондек теран, ой нуридек шаффоф ва беғараздир. Фарзанд ота-она олтин умрининг энг тотли ва бебаҳо мевасидир.

Маълумки, ҳар биримизнинг фарзандимиз бор. Фарзанд умр меваси, деб бекорга айтилмайди. Боғбон ҳам умид билан кўчат экади. У ширин-шарбат мевалардан баҳраманд бўлишни орзу қилади. Шунингдек, ҳар бир ота-она ҳам ўз фарзандини севиб, ардоқлайди. Болаларини одобли, соғлом, меҳнатсевар, жамиятга фойдали бўлиб ўсишини, бахтли бўлишини орзу қилади. Ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Халқимизнинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, болажонлиги ўтмиш боболаримиздан қолган дурдона меросдир.

Янгигина дунёга келган болани она меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуси билан баррига босиши унинг энг юксак фазилатидир. Мурғак гўдакни ўз бағрига босиб, оқ сут берган она фарзандига узоқ умр, бахт-саодат, энг яхши орзу-истаклар истаб, кечалари ширин уйқусидан кечиб, аллалар айтиб ухлатади, неча-неча вақтлар қўлида кўтариб

ардоқлайди, сўнгра болага атак-чечак қилишни, ширин сўзлашни ўргатади, қисқаси, фарзанд учун жон фидо қилишга тайёр туради.

Фарзанд ота-онага куч-қувват бахш этади. Ота-ларимизнинг “Фарзанд ота-она кўзининг оқу қораси, белининг қувватиدير”, деган қимматли сўзлари фарзандга бўлган меҳру муҳаббатни ифода этади. Ота-она қаерда бўлмасин — ишдами, узоқ сафардами, уларнинг кўз олдида доим болаларининг тимсоли гавдаланиб туради, фикри-зикри болада бўлади.

Ҳар бир ота-онанинг назарида ўз фарзандлари энг кўркам ва жуда яхши бола бўлиб кўринади. Бу ота-онага хос бўлган хусусиятдир. Халқимизнинг “Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига”, деган мақоли ота-онага хос ҳис-туйғуларни кўзда тутди.

ИККИ ҲУРМАТ — ЭГИЗАК

Ота-онангни ҳурмат қилишни истар экансан, энг аввал жамиятимиз учун фойдали инсон бўл, жамиятимиздан ўзингга муносиб ўрин топ ва ҳурматига сазовор бўл. Муслмонларга хос энг олижаноб сифатларни ўзингда тўла мужассам қил. Инсон жамиятдан ажралган ҳолда ёлғиз яшай олмайди. У одамлар билан ижтимоий муносабатда бўлади. Шундай экан, киши учун жамият аъзоларининг ҳурматига сазовор бўлиш катта бахт. Ҳар бир ота-она фарзандининг жамиятда ўз ўрнини топишини ва эл ҳурматига сазовор бўлишини истайди.

Жамият учун, одамлар учун мудом керак бўлиб яшаш инсонга хос хусусият. Аксинча, жамият ва одамлар учун ортиқча бўлиш кишининг оғир кулфатидир.

Бирор киши хайрли, яхши иш қилганини халқимиз сезса, “Сени тарбия қилган ота-онангга раҳмат”, дейди. Яхши фарзанднинг гузал ишлари ота-онанинг обрўсига обрў қўшади. Ноқобил боланинг хунук ишлари эл-юрт олдида ота-онани ерга қаратади. Она юртта ва халқига содиқ бўлган кишидан уни тарбия қилган устози ҳам, ота-онаси ҳам ҳар қанча фахрланса арзийди. Сен шарафли ишларинг билан қанча кўпроқ одамларни бахтиёр қила олсанг, ўзингни ҳам, ота-онангни ҳам шунчалик бахтиёр қиласан.

Шогирдим, сен ўз ота-онанг билан қандай фахрлана олсанг, ота-онанг ҳам сенинг номингни ифтихор билан тилга олади. Бунинг учун ўқув юртингда, иш жойингда, яшаб турган гузарингда хатти-ҳаракатинг, хулқ-атворинг билан кишиларда ижобий фикр қолдир. Сен жамиятимизга

ҳам, она-Ватанимизга ҳам, ота-онангга ҳам уларга бўлган садоқатинг, хулқу одобинг, ақлу заковатинг, илму ҳунаринг, камолотинг билан азизсан. Ахир, юрт-эл хурсанд бўлмаган фарзанддан қандай қилиб, ота-она хурсанд бўлсин!

Мен бу ўринда ўзим кўрган бир воқеани ҳикоя қилмоқчиман: кунлардан бир куни мен укаларим ва ўғилларим билан марҳум отамизнинг қабрларини тартибга солаётган эдик. Қабристонга тобут кўтарган одамлар кириб келишди, бизлар ҳам тобутни кўтаришиб, қабр тепасига бордик. Марҳумнинг жасадини кўмиб бўлгач, гўрков халққа мурожаат қилиб: “Биродарлар, бу одам қандай одам эди?”, — деб сўради. Менимча, бу анъана инсон ўтмиши устидан охирги марта ўтказиладиган халқ суди ва чиқариладиган халқ ҳукми бўлса керак. Фожиа шунда бўлдики, йиғилган жамоадан ҳеч садо чиқмади, жимжитлик ҳукм сурди. Одатда, бундай пайтда одамлар марҳумнинг номини атаб, фалончи яхши дер эдилар. Бу сукунатни бошини қуйи солиб, пешонасини қўли билан ушлаб ўтирган бели боғлиқ икки йигитнинг (улар марҳумнинг ўғиллари экан) пиқиллаб йиғлаган овози бузди. Жамоа тарқалди, марҳумни мазорга олиб келган ёнимдаги бир мўйсафид кишидан “Отахон, нима учун одамлар бу саволга сукут қилиб, жавоб қайтармадилар”, деб сўрадим. У киши: “Эй болам, бунинг тарихи узоқ, мен ўша маҳалладанман. Марҳумнинг бир муштипар, яхши онаси бор эди, бечора онасига кўп озор берди, бу ҳодисани бутун маҳалладагилар яхши билишарди. Бунинг устига бу киши фиқсу фасоднинг макони эди. У ҳамманинг устидан юмалоқ ариза ёзавериб, кўпчиликнинг меъдасига теккан эди, деди. Мен воқеага тушундим, лекин отасининг қилмиши учун халқ қошида оғир изтироб чекаётган болаларнинг бу қаттиқ аҳволига қаттиқ ачиндим.

Суҳбатдошимнинг фикрига қараганда, болаларнинг оналари ҳаёт экан, шояд, болалар оналарига яхши қарарлар, деб умид қилдик.

Ота-онанинг фарзандга бўлган оқилона муҳаббати фарзанднинг иқболи ва истиқболи учун энг яхши руҳий озуқалардан биридир.

Хуллас, кексаларни оқилона ҳурмат қила билиш ақллилик белгиси. Бу фазилат сени ҳам кўркам қилади. Ҳуснингга ҳусн, иқболнингга иқбол қўшади.

Дўстим, ёшлик ажойиб бир қушга ўхшайди. У қуш ҳеч кимга тутқич бермай, тез учиб кетади. Ҳамма нарсани қўриқлашнинг иложи бор, лекин умрнинг қўриқчиси йўқ. Ёшлиқда кексаларни иззат-ҳурмат қилсанг, кексайган чоғингда сен ҳам халқнинг иззат ва ҳурматида бўласан.

Киши ёши улғайган сари қалби вазиклашиб, асаб торлари ниҳоятда нафислашиб қолади. Умуман, инсон кексайган сари, яхши муомала ва ширин сўзнинг гадоси, бола табиат бўлиб қолади. Инсон ўз умрида икки марта болалик даврини бошдан кечиради. Биз одатда биринчисини эркалаймиз, иккинчисидан, афсуски ноўрин куламмиз. Биз одатда бола тарбиясида унинг руҳий ҳамда ёш хусусиятларини чуқур ҳисобга олиб иш кўраммиз. Кексаликда бошланган иккинчи “болалик” даврининг ўзига хос хусусиятларини ҳам билмай туриб, кексалар билан ўринли муносабатда бўла олмайммиз ва ҳурматларини жойига келтира олмайммиз. Шундай экан, ҳар бир фарзанд кексаликнинг ўзига хос хусусиятларини ва уларнинг руҳий ҳолатларини тўғри ҳисобга олган ҳолда иш кўрмоғи лозим.

Аввало, инсон кексалик даврида болаларидан меҳрибонлик, ширин сўз, хушмуомала кутади. Бундай муносабат унинг учун сув ва ҳаво каби ҳаётий эҳтиёжга айланиб қолади, аксинча, озгина қўпол сўз ёки носоз муомала кексанинг дилини чилпарчин қилиши мумкин. Чунки бу хилдаги муомала унга: “Энди умрингни яшаб, ошингни ошаб бўлдинг, нима қилиб юрибсан”, дегандай туюлади. Бундай ноўрин муносабат кексаларнинг шодлигинигина эмас, ҳатто орзу-умидларини ҳам поймол қилиши мумкин. Биласанки, жаҳл келганда, ақл кетади. Инсоннинг бу икки хусусияти бир-бири билан келиша олмайди. Шунинг учун ҳам ихтиёрингни асло жаҳолатга топшириб, кексаларнинг дилини офрита кўрма. Ота-онангнинг ҳурматини бажо келтирмоқчи экансан, уларнинг қошига асло ичиб, маст бўлиб келма. Одобсиз қилиқлар кўрсатма. Бундай ҳолларда уларнинг диллари жуда қаттиқ ранжийди.

Шогирдим, кези келганда, шуни ҳам айтайликки, спиртли ичимлик ичма! Чунки ичкилик шундай нарсаки, у инсоннинг энг бебаҳо бойлигини — ор-номусини вайрон қилади. Қолаверса, у оиладан, бола-чақадан, ота-онадан жудо қилади, чунки ароқ аччиқ, фарзанд ширин, уларнинг бирига қанча яқинлашсанг, иккинчисидан шунча узоқлашасан.

Кексаларнинг руҳий кайфиятлари ҳақида фикр юритар эканммиз, яна шуни ҳам унутмагилки, аввало ҳар ким ҳам узоқ умр кўришни хоҳлайди-ю, аммо жисмоний ва руҳий жиҳатдан қариб қолишини истамайди.

Дўстим, хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам бирин-кетин ва аста-секин, олдинми ё кечми, ҳар биримиз билан умр ўз ишини қилади. Бу ўринда Носир Хисравнинг:

“Тутгил қариларнинг титроқ қўлин,
Қаригач билурсан қарилик йўлин”,

каби фикрларни эсла. Қарилик яқинлашган сайин ёшлик чоғлари кўпроқ қўмсалади, киши ёшлик чоғларида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун ўкина бошлайди, ўзининг кексалигини эслаган вақтида умрининг жуда қисқа эканлигини чуқур ҳис этади.

Шоғирдим, ёшликнинг ўзи бир гўзаллик, чунки гуллаётган ёшликнинг баҳори чиройли ва кўнгилли бўлади. Лекин қарилик даврида эса инсон ўзининг узоқ йиллик умрини яқунлайди, яъни инсон бир умр тўплаган маънавий бойликларини хулосалайди. Инсон умрининг бу фаслида тажриба тўплайди ва ақлу камолотга етади. У ҳаёт берган бебаҳо сабоқларнинг моҳиятини кўпроқ ва чуқурроқ англайди, доно бўлади, ҳар бир ишга ақл-идрок билан қўл уради. Кекса кишининг ҳаёт зинапояларини аниқроқ кўра олади.

Оқил ва сахий кексалар ўзларининг тўплаган умр сабоқларини менсимайдиган, кибру ҳаволи ёшлардан диллари қаттиқ ранжийди. Бас, ёш дўстим, сен кексаларнинг панду насиҳатларини асло камситма! Кам бўлмайсан. Ҳофиз Шерозий тили билан айтганда:

Кекса пандин қайтарма, эй навқирон,
Кекса раъйи ёт бахтидан дарахшон.

Бир кўйлакни олдин йиртган одам ўзининг тўплаган бой, ҳаётгий тажрибаларини ёшларга сахийлик билан ўргатмоғи лозим. Ёшлар эса бу тажрибаларни қунт билан ўрганмоқлари зарур. Катта ёшдаги тажрибали киши ёшларга кўпроқ ибрат бўлмоғи ва унинг босиб ўтган ҳаёт йўли эса фарзандларига сабоқ бўлиши керак. Лекин ақлли бола ота-онанинг ҳаёт тажрибасига кўр-кўрона эргашмайди. Балки унга оқилона ёндошади, ундан танқидий фойдаланади. Энг муҳими, боланинг ўзи ҳам ташаббускор бўлиши лозим. Ота-она учун бола томонидан қилинган энг яхши совға, унинг ўз ташаббуси билан қилинган шарафли ишларидир. Ақлли фарзанд ота-онасининг энг яхши фазилатларига эга бўлади. Бизда ота-онага фарзандларни қарши қўядиганлар ҳам бор. Давлат мулкига хиёнат қилувчи, ичкиликка муккасидан кетган, ифвогар ва бошқа зарарли шахслар анчагина. Бундай ҳаракатлар ўта одобсизликдир. Чунки ота-онага бўлган инсон ҳурмати лавозимга, унвонга ва бойликка боғлиқ эмас. Бу фақат инсоннинг виждонига боғлиқдир. Баъзи бир калтабин ёшларгина “ҳамма нарсани ўзим биламан”, деб ҳаётлари

учун зарур бўлган ота-онанинг фойдали ўғитларини менсимай ўзи билармонлик қиладилар. Ундай калтабин фарзанд омад кела бошлагудек бўлса, дарров ютуқлар олдида эсанкираб, ўзини унутиб, ҳатто ота-оналарини ҳам менсимай қўяди. Ақлли киши эса ота-онани янада кўпроқ иззат ва ҳурмат қилади. Ўзининг бахт-иқболида ота-онанинг катта ҳиссаси борлигини асло унутмайди. Эҳтимол, кибру ҳавога берилган шахс ота-онасига қараганда кўпроқ ўқигандир, лекин ота-оналар ўз бошларидан кечирган воқеаларни фарзанд кечирмаган бўлиши мумкин. Ота-онанинг умр сабоқларини менсимаслик эса ҳаёт мактабининг сабоқларидан юз ўгириш демакдир. Ҳаёт — энг яхши ўқитувчи, унинг сабоқларини менсимаган кишилар ўз қилмишларига пушаймон бўладилар. Афсуски, киши кўпинча ёши улғайгандан сўнг, ота-онанинг қадрини чуқурроқ англайди ва уларнинг иззат-ҳурматини ўз вақтида етарли даражада бажо келтирмаганидан афсусланади. Айниқса, киши ўзи ота-она бўлгач, уларнинг қадрини яна ҳам чуқурроқ англайди. Ҳар бир ота-она фарзандининг носоз йўлга кирмаслиги, ичкиликка берилиб кетмаслиги, кўча-кўйда санғиб, дайдиб юрадиган безорилар билан улфат бўлмаслигини истайди. Ота-онанинг бу хилдаги талабчанлиги фарзандга бўлган ғамхўрлиги ва меҳрибонлигидан бошқа нарса эмас. Ота-она вақти келса, бошининг силаб эркалайди, вақти келса танбеҳ бериб тўғри йўлга йўллайди. Асаларининг заҳри ҳам дардга даво бўлганидек, ота-онанинг талабчанлиги аччиқ туюлса ҳам, унинг ҳосили ширин бўлади. Чунки бу ҳаракатнинг таркибида меҳрибонлик ва ғамхўрлик мавжуд. Улар сенга ҳаёт сўқмоқларидан олиб ўтадиган ва ёрқин йўлни кўрсатадиган меҳрибон раҳнамоларингдир. Ота-онанинг фарзандга бўлган талаб ва йўлланмалари, ўғит-насиҳатларини менсимайдиган бебош бола ўзига ҳам, ота-онасига ҳам ташвиш орттиради ва таҳликага солади. Уларнинг изтироб чекишларига сабаб бўлади. Шундай экан, ота-онанинг панду насиҳатларига қулоқ солиш ва ҳаётий воқеаларда уларга амал қилиш фарзанднинг иззат-ҳурмати дир.

Хуллас, фарзанд ота-онанинг панду насиҳатларига қулоқ солса, унинг моҳиятини англаса ва уларга амал қилса, ундан ҳам яхши, агар унга ўз ташаббусини қўшса, нур устига аъло нур.

Ота-онанинг фарзандига бўлган муҳаббати битмас-туганмасдир. Бу нурли чироқларнинг оддий чироқдан фарқи шундаки, улар фарзандларидан қанча узоқ масофада бўлсалар ҳам, уларнинг меҳр нурларидан фарзандлари бир хилда баҳраманд бўлаверадилар ва уларнинг фикри-зикри болалар билан бирга бўлади.

Эхтимол, сен узоқ сафарда, армия сафида хизматда ёки ўқишдадирсан, уларни тез-тез мактуб билан йўқлаб тур. Қаерда бўлмагин, ота-онанинг сенга бўлган ишончини бебаҳо бойлик, деб бил. Энг муҳими, бу ишончни оқлашга ҳаракат қил. Ишонч йўқолган жойда эса чинакам дўстлик бўлмайди.

Инсон қайин отасини ва қайин онасини ўз ота-онасидан кам кўрмайди. Билгилки, улар сенга асло ёмонликни раво кўрмайдилар. Аксинча, бахтиёр бўлишингни тилайдилар. Қизи яхши-ю, ота-онаси ёмон дегувчи ноинсофлардан бўлма. Қайин ота ва қайин онагни қанча ҳурмат қилсанг, оиланинг бахту иқболлини шунча мустаҳкамлайсан. Умр йўлдошининг муҳаббатини ўзингга ортиқроқ тортасан.

Қиз узатилган жойида, ўғил эса умр йўлдоши билан тиниб-тинчиб кетмаса, бу ташвиш ота-онанинг дилини мажруҳ қилади.

Дўстим, турмуш кўриш деган сўз, бу — бекинмачоқ ўйини эмас, у умр савдосидир. Қиз боланинг турмушга чиқиши ердан кўчирилган ниҳолга ўхшайди. У нозик гулли ниҳол, ўз уйида ўсиб-унгани яхши, лекин борган гулшанига қўниб қолиб, илдиз отиб кетгани ундан яхши. Бу эса уй эгасидан меҳрибонлик ва раҳмўрлик талаб қилади. Икки қалб турмуш деб аталган оғир, айна вақтда шарафли бир юкни умр бўйи тортади. Бу эса кишидан мустаҳкам ирода, ақлу фаросат ва матонат талаб қилади. Умуман, оилага ноаҳиллик кирса, у оиладан барака қочади, агар меҳру вафо кетса, ишончсизлик кирса, оила вайрон бўлади.

Оиланинг барча раҳм-ташвишлари ота ёки она елкасига юкланверса, у филдан бақувват бўлса ҳам, қадди букилиши мумкин. Бевақт ёрган қор дарахт шохларини ерга эгади, ноқобил фарзанд ёки келин туфайли бошга тушган кулфат эл-юрт қошида ота-онанинг қаддини букади.

Бургутнинг қудрати икки қанотида, ота-онанинг куч-қуввати эса фарзандларида. Агар фарзандлар, келинлар ноқобил, ноаҳил бўлишса, ота-онанинг қанотлари қайрилади.

Хуллас, кекса ота-онанинг қанотини қайириш ёки унга бахт-саодат бахш этиш фарзандларнинг қўлида.

Халқимиз:

“Яхши фарзанд — жон озиғи,
Ёмон фарзанд — бош қозиғи”,

деб бежиз айтмаган.

Ота-онанг яхши умидлар билан сенга исм қўйган. Бу исмини оқлаш сенинг қўлингда. Ота-она болаларининг сони билангина эмас, балки уларнинг хулқи, одоби ва ақли билан

фахрланади. Оиладаги ака-ука, опа-сингиллар ўзаро аҳил ва дўст бўлсалар, бу фазилят уларнинг бола-чақаларига ҳам кўчади. Маълумки, авлод учун энг яхши мерос дўстлик, аҳиллик туйғусидир.

Халқда шундай бир ривоят борки, уни шу ўринда бир эслаб ўтиш фойдали.

“Бахт бир хонадоннинг эшигини қоқиб: ”Мен сизга меҳмон бўлмоқчиман”, деди. Уй эгаси: “Гарчи сиз бахт бўлсангиз ҳам мен рафиқам билан маслаҳатлашмай сизни қабул қилмайман, бизда шундай одат бор”, деб ичкарига кирибди ва воқеани умр йўлдошига айтибди. Умр йўлдоши эса унга: “Эй азизим, сиз билан мен бирдамликда, аҳилликда, ҳамжихатликда тотув яшасак, бошқа бахтнинг нима кераги бор. Шунинг ўзи бахт эмасми?” дебди. Мезбон бахт қошига чиқиб, рафиқасининг сўзларини айтибди. Бахт эса: “Мен излаган хонадонимни энди топдим, шу ердан ҳеч қаерга кетмайман”, дебди ва улар бир умр бахтли умр кечирibdилар.

Бу бир ривоят, лекин чиндан ҳам ўғил-қиз турмуш йўлдоши билан аҳил яшаса, ота-онанинг дили шод бўлади, ўзини эса ниҳоят бахтиёр сезади.

Хуллас, оила аъзолари ўртасидаги аҳиллик, айниқса, якдиллик, оила иқболининг пойдеворидир. Чунки якдиллик яккаликнинг кушандасидир.

ОТА-ОНАНГ ИШГА КЕТЯПТИ

Оилада ота-онани ҳурмат қилиш қуруқ гапда эмас, балки амалда уларнинг турмуш эҳтиёжларини яхши билиш ҳамда улар тўғрисида ғамхўрлик кўрсата билишдадир.

Ота-онанинг бахтли ҳаёти устида ғамхўрлик қилаётган асл фарзандлар бизда кўпчиликни ташкил этади. Мен Мулла Шукур исмли оддий ва камтарин, қариллик нафақаси олувчи бир отани яхши билар эдим. У киши алоқа бўлимида 50 йил бир курсида ўтириб хизмат қилди. Шукур ота 83 ёш умр кўриб, вафот этди. Марҳумнинг ҳамма фарзандлари ақли ва фозил, инсонпарвар кишилар бўлиб етишди. Ота пиру бадавлат, мўтабар ва табаррук одам эди. У кишининг ҳаёти шунинг учун ҳам ибратли эдики, умрининг охиригача фарзандларининг меҳру муҳаббатидан баҳраманд бўлди. Болалари унинг ҳол-аҳволдан ҳар доим хабардор бўлишди. Етиш-туриш жойининг, кийим-кечагининг тартибли ва озода бўлиши, ўз вақтида овқатланиши устида ғамхўрлик кўрсатишди. Ёру биродарлари ва улфатлари билан учрашиб маданий дам олиши, кексаликнинг ўзига хос нашьасини суриши устида ҳам ғамхўрлик кўрсатишди.

Мулла Шукур ака ўзи табиатан ниҳоятда серзавқ, пиринсухан одам бўлиб, мусиқа ва классик куйларнинг шайдоларидан эди. Дўстларининг суҳбатида эса улфатларининг сардори эди.

Қариндош-уруғ, қўни-қўшни, ёру биродарларнинг тўй-ҳашами ёки бошларига кулфат тушса, Шукур ака ҳамдам ва ҳамдарди, маслаҳатгўйлари эди. Шунинг учун ҳам одамлар у кишини чин дилларидан севар ва Мулла ака деб атардилар. Шукуржон акани шаҳар ва вилоятларда ҳам яхши билган дўстлари кўп эди. Меҳнат ва тинимсиз ҳаракат у кишининг ҳаётий эҳтиёжига айланиб қолгани учун умрининг охиригача ўз ёшига муносиб машғулотда ва ҳаракатда бўлди.

Кекса отанинг иқболи устида ғамхўрлик кўрсатган фарзандларининг ҳам бахту иқболлари кам бўлгани йўқ. Улар ҳам ўз навбатида эл-юртдан ва фарзандларидан иззат ва ҳурмат кўрмоқдалар.

Шогирдим, сен ҳар кун ишга кетишингда ҳам ва ишдан қайтганигда ҳам ота-онанинг ҳол-аҳволларини бир сўраб қўйсанг, кўнгиллари тоғдек кўтарилиб, бошлари осмонга етади. Бу хилдаги одобинг билан сен уларга руҳий озиқ берасан. Энг муҳими, ота-онангга қилаётган бу хилдаги меҳрибонлигинг билан ўз фарзандларингга ҳам ижобий ўрнак бўласан. Биласанки, болага йиллар давомида қилган қуруқ насиҳатдан кўра бир марта ижобий ўрнак кўрсатиш афзал. Чунки бола эшитгандан кўра кўрганига кўпроқ ишонади. Агар ота-онанг ишлайдиган бўлса, у ҳолда қўлингдан келганича уларга кўмакдош бўл. Ота-онанг ишга кетар экан, у ҳолда руҳий кўтаринкилик билан ишга кузатгил. У сайру томошага эмас, балки халқ хизматига боради. Уйдан хурсанд бўлиб ишга борган кишининг иш унуми сифатли бўлади. Аксинча уйдан хафа бўлиб, дили ранжиб ишга борса, кун бўйи дили хира, руҳий кайфияти паст бўлади. Ахир, халқимиз “Уйда роҳати йўқнинг, кўчада фароғати йўқ”, деб бежиз айтмаган. Ота-онанинг кийим-кечаклари саранжом-саришта турса, уйдан қақмоқдек бўлиб озода кийиниб чиқса, фарзандлар ишга кузатар эканлар: “Соғ бориб, омон қайтинг” деб яхши тилаклар тиласалар, буларнинг ҳаммаси ота-она учун жуда бебаҳо руҳий озиқ бўлади.

Хуллас, фарзандларнинг ота-онага бўлган бу хилдаги меҳрибонлиги ота-она дилининг нурли чироғи ҳисобланади. Ота-она ишдан қайтар экан, фарзандлари очиқ чеҳра ва меҳрибонлик билан қулоч очиб қарши олсалар, бу уларга катта қувонч бахш этади, кун бўйи қилинган меҳнатнинг барча ҳордиғи дарҳол чиқиб кетади. Ширин кайфият билан ишдан қайтган ота-она учун кичкинтойларнинг унинг

қучоғига қувонч билан отилиши, уларнинг лўппи юзларидан олинган ширин бұсалар, фарзандларининг ширин камоли ва ҳурмат-эҳтироми билан берган саломи, умр йўлдошининг чеҳраси ... бундай гўзалликлардан ортиқроқ бир қувонч бўлмаса керак.

Ноиттифоқ оила аъзолари ота-онанинг ишдан қайтишига ғалвалар, жанжаллар, турли фисқу фужурларни тайёрлаб қўядилар. Бундай уйдан ота-она безиб қолади. Бу ўринда доно халқимизнинг бир ҳикоясини эслаб ўтиш ўринлидир. Қаҳратон қишнинг совуқ кунларининг бирида бир одам бошини деразадан бутунлай ташқарига чиқариб изғиринга тутиб турганини кўрган йўловчи таажжубланиб:

— Эй инсон, эсдан оздингми? Шу изғиринда бошингни ташқарида тутишнинг боиси нима? — деб сўради.

У эса:

— Эй дўстим, сен уй ичидаги даҳшатли совуқ бўронни билганингда эди, эҳтимол менга бу саволни бермаган бўлур эдинг, дебди.

Бу хилдаги уриш-жанжалга макон бўлган уйда киши доимо руҳий азобда яшайди.

Яна бир ривоят шу ўринда эсимга тушди. Уни жуда тўлиқ айтмоқчи эмасман. Унинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Шаҳарда қолип тузатадиган бир уста пайдо бўлибди. У ҳаммадан чиройли, бежирим ва сифатли қолип тузатар экан, қандайдир бир беъмани одам унга рашк ва ҳасад кўзи билан қарабди, унинг бунчалик моҳир уста эканлигининг сирини билишга интилиб, бир айғоқчи кампирни унинг уйига йўллабди, устанинг жуда гўзал, хушмуомала рафиқаси борлигини билибди ва уста ўз рафиқасини жон-дилидан севганлигини ҳам сезибди, сўнгра қандай йўл билан бўлмасин, рафиқасини эрига қарши қўйиш учун йўл излабди. Кунлардан бир кун уста уйга қайтса, умр йўлдошининг одатдаги очиқ ва қувноқ чеҳраси ҳамда муҳрибонлиги йўқ. Аксинча, қош-қовоғи солинган қолда устани қарши олибди. Уста паршон қолда ўз дўконига кириб, қолип тузатишга киришибди. Унинг тешаси бехосдан тошга тегибди ва синибди, бу теша унга отасидан мерос қолган экан. Шу кундан бошлаб уста ишнинг рисожи ҳам, сифати ҳам бўлмабди. Унинг қолипи шаҳарда ўз мавқеини йўқотибди.

Ана, шогирдим, бу кичик халқ донишлигидан кўряп-санки, инсон учун уйдаги руҳий кайфияти унинг иқболи ва истиқболи учун қанчалик қимматли. Шундай экан, ота-она ишга кетаётган вақтда руҳий кўтаринкилик билан кузатиш ва у ишдан қайтар экан, қайноқ меҳр билан қарши олиш энг яхши инсоний фазилатдир. Чунки ҳар бир ота-она

ишга руҳий кўтаринкилик билан борса, она-Ватан учун қанчадан-қанча моддий ва маънавий бойлик келтиради.

Эҳтимол, отанг ёки онангнинг дилини бир ярамас шахс ранжитиб қўйган бўлиши мумкин. Буни сезганинг он қўлингдан келганича уларга тасалли бер, овут. Чунки, бундай дилозор шахсларнинг ноўрин хатти-ҳаракати, айниқса, кексаларнинг руҳига ва соғлиғига қаттиқ таъсир қилиши мумкин.

Азиз дўстим, мен юқорида ота-она фарзанд йўлига доим интизор бўлади, деб айтган эдим. Чиндан ҳам она қалби шундай, боласи катта ёшга кириб, хатто соқол-мўйлови чиққан бўлса ҳам, она учун барибир бола. Мен бу ўринда ўз кечинмаларимдан бир нарсани айтмоқчиман. Агар мен бирор мажлис ёки йиғилишдан кечроқ қайтсам, онам доим бедор бўлардилар. “Раҳимжон, келдингми болам” деб мени кўриб, сўнгра хотиржам ухлардилар. Мен кечикиб қолишим эҳтимоли бўлса, онамларни олдиндан қаерда бўлишим ва қачон қайтишимдан огоҳлантириб кетадиган бўлдим. Шогирдим, мен 78 ёшга кирган, 18 та набира кўрган отаман, барибир мени соғ-саломат кўрмагунча нигоҳлари йўлимда бўлади. Дўстим, қачон, қаерга борсанг, ота-онангни хабардор қил ва асло йўлингта интизор қила кўрма, акс ҳолда ота-онангнинг юз хил хаёлга тушишига, ташвиш тортишига сабабчи бўласан.

ЭККАНИНГНИ ЎРАСАН

Ота-онангни ҳурмат қилар экансан, асло уларга ёлғон гапира кўрма ва мутлақо фирибгарлик қилма. Аввало уйга ҳалол меҳнат ҳосилини олиб кел, топан-тутганингни улардан яширма.

Кекса ота-оналарнинг руҳий ҳолатларини ҳисобга олмоқ зарур. Ота-она қанча кексая борсалар, улар шунчалик бир-бирларига суяниб қоладилар. Ота-она ишдан келар экан, биринчи галда умр йўлдошини сўрайди. Агар уйда рафиқаси бўлмаса, унга ҳовли бўм-бўшдек туюлади. Айниқса, улардан бири вафот этиб қолгудек бўлса, иккинчиси фарзандларидан яна кўпроқ меҳрибонлик кутади. Яхши фарзанд отани ёки онани бу даврда асло маънавий ёлғизликка ташлаб қўймайди, аксинча, меҳри яна кўпроқ уларни жалб этади. Яна шуни унутмагилки, ёлғиз қолган ота ёки она учун ҳам оталик, ҳам оналик бурчи унинг зиммасига юкланади. Ота-онанг бемор бўлиб қолгудек бўлса, унга кўпроқ ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсат. Киши оила аъзоларини ҳам, умр йўлдошини ҳам, фарзандларини ҳам унга қанчалик содиқ эканлигини боши

ёстиққа етганда чуқурроқ англайди. Киши оғир бетоб бўлганда яқин дўстларини, бола-чақаларини, ёру биродарларини дили кўпроқ қўмсайди, чунки уларнинг нигоҳи беморнинг кўзига тўтиё, ширин каломи эса дардига мўмиё бўлади. Ана шундай дамларда уларга меҳрибонлик кўрсатиш, ҳамдам ва ҳамдарад бўлиш инсоний бурчимиздир. Кўпинча ота-она ўзининг зарурий эҳтиёжларини бола-ларига айтишга ийманади ва тортинади. Ақлли фарзанд бу эҳтиёжни ўз ақл-идроки билан пайқаб олади. Фарзанднинг ота-онасига ғамхўрлик ва уларга қилган меҳрибонлигидан ўзи учун ором топади.

Шогирдим, яна шу нарсани ҳаётда диққат билан кузатгил: агар ота-онанинг 3—4 нафар ўғил ва келинлари бўлса-ю, улардан бирига кўпроқ борди-келди қилса, бу бесабаб эмас. Аввало ўша ўғил билан келин аҳил яшайдилар, ота-онани меҳр-муҳаббат билан қарши оладилар. Ўзи бундай меҳрибонлик кўрсатишнинг удасидан чиқолмаган баъзи бир келинлар буларга ҳасад қилиб, “арзанда келинлариникига кўп борадилар” деб, киноя қиладилар. Ота-она учун барча фарзандлари баробар, лекин уларнинг осилган қошу қовоғи, шақиллаб турган заҳарли тилидан қочадилар.

Ота-онанинг фарзанд ёрдамига эҳтиёжи бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин бечора ота-она боласининг ноҳўя ҳаракати учун одамлардан уялади, номус қилади, изтироб чекади. Шундайлар ҳам учрайдики, бошига бирор мусибат тушгандагина ота-онасини эслайди. Уларни ўзининг шахсий ғам-ташвишигагина шерик қилади. Наҳотки, ота-она учун фақат унинг ғам-ташвишигина керак бўлса.

Бу ўринда мен, азиз шогирдим, билган оилалардан бирида бўлиб ўтган ачинарли бир воқеани сенга ҳикоя қилмоқчиман.

Бир оилада ота-она жуда кўп қийинчиликлар билан ўғил-қизларини тарбия қилди, вақти келиб қизлар турмушга чиқиб кетишди, чолу кампир катта ўғилнинг қарамоғида қолишди. Ўғил ниҳоят фаровон ҳаётда яшаб, янги ҳовли қуриб олди ва чолу кампирни эски кулбага ёлғиз ташлаб, кўчиб кетди. Кўп йиллар давомида уларнинг ҳолидан хабар олмади. Она оғир касал бўлганда ҳам, ўғли уни олиб кетмайди ва қарамайди. Лекин қизлари доим келиб, хабар олиб турдилар ва ўз уйларига олиб кетиб, чолу кампирга меҳрибонлик билан қараб турадилар ва уларнинг дардларини олиб, руҳларини кўтариб, қўлларидан келган барча чораларини кўрадилар. Аммо кексалик ўз ишини қилади, чолу кампирнинг соғлиғи йил сайин оғирлашиб боради. Оғир аҳволда ётган она ўғлини ва набираларини кўргиси келади. У ўғлининг кўргани

келмагани учун, касал ҳолига қарамай ўзи бориб, бир кўриб келишга аҳд қилади. Қизларининг ёрдамида эшикдан зўрға кириб борган 98 ёшли муштипар кампирни одамгарчиликдан маҳрум бўлган келини уйга киритмайди, қўлларини бураб, ҳайдаб кўчага чиқариб ташлайди. Қизи кампирни уйига қайтариб олиб келади. Фарзандлик бурчини чуқур ҳис этган қиз яна кўпроқ меҳр билан онани тарбия қилаверади. Лекин онанинг соғлиғи тобора оғирлашади. Она эса унга жабр қилган, унинг оғир аҳволдан хабар олмаган фарзандини соғинади, кўргиси келади, тилидан қўймайди. Натижада, ўғли онасини кўргани келади. Она ўғлига мурожаат қилиб: — Ўғлим, мен қўлингда жон берай, мени уйингга олиб кет, жон болам, синглинг ҳам яхши, куёв ҳам яхши, лекин сеникида жон бергим келади, — деди. Ўғли индамади. Қизлар ва куёв-ўғиллари: — Онажон, бу уй ҳам ўзингизнинг фарзандларингизники-ку, деб онага ёлворишади. Ўғли кетади. Она ўғлининг виждонсизлигидан яна кўпроқ изтироб чекади. Лекин қизлар, куёвлар, набиралар — бутун оила аъзолари онани яна кўпроқ муҳаббат билан ўзларига жалб эта бошладилар. Онанинг аҳволи кундан-кунга оғирлашди. Инсон ўлим олдида фарзанд номини тилдан қўймас экан. Она яна ўғли билан келинининг номини эслади, хайрлашгиси келди. Лекин нодон ўғли ҳам, виждонсиз келини ҳам келишмади. Ниҳоят, қизлари маслаҳатлашиб, оғир аҳволда ўғлини кўриш учун илҳақ бўлиб ётган онанинг қошига бошқа бир кишини ўғли ва бир аёлни келини қиёфасида киритишади. Лекин зийрак она пайқади, у ўзича нималарнидир шивирлади, кўзидан нурдек ёш тўкди, бир оз вақт ўтгач, бир умрга кўз юмди. 98 ёшда она вафот этди. Унинг кетидан кўп ўтмай камтарин, хушмуомала, пок дилли ота ҳам вафот этди.

Шу нарса ачинарлики, ота-она вафот этганидан кейин, ўша бағритош келинининг ҳам боши ташвишдан чиқмай қолади. Бир неча болаларидан ажраладилар, ёлғиз бир ўғиллари қолди, у ҳам энди онасига қўл кўтариб, бошига оғир кувларни солмоқда. Доно халқимизнинг "Ҳар ким ўз экканини ўради, арпа эксанг арпа, буғдой эксанг, буғдой ўрасан", деган нақлининг нақадар ҳаётбахш, дурдона фикр эканлигига киши яна бир бор тан беради. Қолаверса, киши билмас экан, унга ўғилдан буюрмадими ё қиздан. Шундай экан, фарзандинг қиздир, ўғилдир — уларнинг бахтини тила, одобли, ахлоқли ва чин инсон бўлиб камолотга етишини ўйла.

Баъзи бир оилаларда кекса чолу кампирларни чиқиштирмай, сиқиб чиқариш каби кўнгилсиз ҳодисалар учрайди, бунга сабаб баъзи бир ота-оналарнинг ёшларни

тарбиялашда йўл қўйган хатоларидир. Баъзи бир ота-оналар болаларни ҳаддан ташқари эркалатишади, нима хоҳласа, шуни муҳайё қилишади. Ҳатто меҳнат қилдирмай, пайпаслаб ўстирадилар. Бола ҳаётнинг қийинчиликларини кўрмайди. Доим тайёрга айёр бўлиб яшайди. Бундай бахтли ҳаётни бунёд этган одамларнинг чеккан заҳматлари, машаққатларини ҳам билмайди. Шу хилда ўсган болалар меҳнаткаш халқнинг ҳам, ўз ота-онасининг ҳам, қайната, қайнасанинг ҳам қадрига етмайди, фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ва манфаатини ўйлайди. Ундайларга кексаларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш малол келади. Ҳатто ўзи учун ортиқча ташвиш деб билади.

Менингча, қариётган киши ўзининг хулқ-атворини тuzатиб бориши лозим. Баъзилар кексайган сайин ширин сўз бўлиб боради, баъзи кишилар эса ёши ўсган сайин тили аччиқ бўла бошлайди. Бундай шахслар ўзларининг ва ёшларнинг ҳаётида кўнгилсизликлар туғилишига сабабчи бўладилар. Ота-оналар, умуан кексалар, ёшларнинг ҳаётида рўй берган ангилликларни ва уларнинг давр талаби асосидаги эҳтиёжларини чуқур англашлари, айниқса, ёшларнинг қарийб 15 йил ўқиш ва касб ўрганиш жараёнидаги қийинчиликларини енгиб ўтганликларини, яъни турмуш қуриш йўлидаги интилишларини, дилларида ниш урган муҳаббат ҳислари ва орзу-умидларини яхши билиб иш қилсалар, оилавий муроса ширин ва кўнгилли ўтади.

Оқил ва фозил оила бошлиғи оила аъзоларининг ўзаро иноқ бўлиб, меҳр-муҳаббат билан яшашлари учун доимо курашади. Оила бир-бири билан боғланган мураккаб жамoadирки, оила бошлиғидан бу жамoанинг ҳар бир аъзоларининг руҳий ҳолатини ўз вақтида кузатиб бориш талаб этилади. Улардан бирортасининг ноҳўя ҳаракати бутун оила жамoасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шогирдим, оқил ва фозил кексалар бор бўлган хонадоннинг файзу иқбол сочувчи нурли чироғи бор. Халқимиз "Қари бор уйнинг зари бор" дейди. Бу чироқ оилани нурафшон қилади. Афсуски, хонадонимизнинг бундай машъал чироқларининг ҳаётбахш нурининг нақадар бебаҳо эканлигини баъзан биз бу чироқлар сўнгач, чуқурроқ англаб қоламиз.

Ота-она оиланинг қарвонбошилари ва йўл кўрсатувчи ёрқин юлдузларидир. Оила бошлиғи катта денгизда сузиб бораётган қайиқни ҳар қандай тўлқинлардан, бўронлардан эсон-омон манзилга олиб бориш учун жон фидо қилиб, олдинга интилаётган капитанга ўхшайди. Оила бошлиғи, оқил, тадбирли, мустаҳкам иродали киши бўлса, оила аъзолари бир-бирлари билан аҳил бўлсалар, у қайиқ ҳар қандай тўлқинларга бардош бериб, кўзланган манзилга етиб бо-

ради. Бунинг учун оилани бахтиёр қилишни истаган ҳар бир фарзанд оилага оз-оз бўлса ҳам, имкони борича қувонч олиб киришга интиломи лозим. Чунки ҳар бир оила аъзосининг келтирган қувончидан оиланинг катта қувончи пайдо бўлади. Инсон қариган чоғида бола-чақаларидан тиниб-тинчиса, ҳамма фарзандлари олижаноб инсон бўлиб вояга етса, ундай кишиларга халқимиз "прибадавлат одам" деб баҳо беради. Бу ҳақ гап. Ота-она ўзи тириклигида ўзига муносиб ўринбосарлар тайёрлаш учун ҳам ғамхўрлик қилади. Агар ўзининг бошлаган шарафли ишлари ва орзу-умидларига муносиб авлодни ворис қилиб кўз юмар экан, у ўзининг бахтиёр умрини боқий ҳисоблайди. Чунки фарзандлари орқали ўзини абадийлаштирганлигига ишонч ҳосил қилади.

Сен, ота-онанинг ҳаётлигида қанчалик ҳурмат қилсанг, вафот этганларидан сўнг ҳам асло унутиб юборма. Вақт-вақти билан қабрларини зиёрат қил. У ерда жамиятимиз учун жон фидо қилган азиз инсонлар мангу уйқудалар. У азиз одамларнинг қабрларини обод, кўркем гулзор ва гулшан қилиб озода сақла.

Сен ота-онанинг ҳаётлигида уларнинг дўстлари ва ёру биродарларини таниб ол, ҳурмат қил ва уларни ота-онанингдан кейин унутиб юборма, дўстлик ипини узиб қўйма. Биз ўз ота-оналаримиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

МАДАНИЙ ХУЛҚ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Юксак инсоний фазилат олижаноб хулқ билан бевосита боғлиқдир. Маданиятли одам инсоний фазилатларни ўзида мужассамлантиришга ҳаракат қилади. Маълумки, мусулмонларга хос маданий хулқ энг илғор маданият бўлиб, у меҳнаткаш халқ асрлар давомида вужудга келтирган ижобий фазилатларнинг энг юксак анъаналарини ўзида мужассамлантиради ва ижодий ривожлантиради, у янги анъаналар билан бойиб боради.

Маданий хулқ кишининг тарбияланганлик мезонидир. У инсондаги ахлоқий поклик, маънавий бойлик ва бошқа ижобий фазилатларнинг мажмуаси бўлиб, ҳар томонлама ривожланган инсоннинг энг гўзал хислатидир.

Умуман, ҳақиқий инсоннинг маданий хулқ-атвори унинг олижаноб ички дунёсини ифодалаш учун замин ҳозирлайди.

Маълумки, инсон жамиятдан ажралган ҳолда яшай олмайди. У одамлар билан ижтимоий муносабатда жамоа бўлиб яшайди. Шунинг учун кишининг маданий жиҳатдан тарбияланиши унинг муомаласида намоён бўлади. Масалан,

биз фалончи жуда хушмуомала одам, деб баҳо берамиз. Бу билан биз мулоқотда бўлган вақтимизда ундан олган таассуротларимизни ифода қиламиз.

Шогирдим, маданиятли киши ўзи билан мулоқотда бўлган одамларни чуқур ҳурмат қилади, ўзининг хатти-ҳаракати билан уларга руҳий озиқ бағишлайди.

Мен бир оилада жуда хунук ҳодисанинг гувоҳи бўлган эдим: Ишдан анча ҳориб-чарчаб келган ота болалари қошига келди. Болалари эса чалқанча ётиб телевизор томоша қилаётган эдилар. Улар на ўринларидан турдилар ва на отасига салом бердилар. Ота бу ўнғайсиз вазиятдан менинг қошимда анча изтироб чекди. Бунга ким сабаб? Бунга ота-онанинг ўзи сабабчидир, чунки ота-она болага ёшлик давридан тўғри тарбия бермаган, шунинг учун ота менинг олдимда мулзам бўлди.

Инсонда маданий хулқ кўникмалари шаклланишида бутун оила аъзолари ўртасидаги ўзаро маданий муомалалари, бир-бирларига бўлган меҳрибонликлари алоҳида аҳамият касб этади.

Сен оқил ва фозил отанг, оқила ва комила онангнинг маданий хулқи, самимий хатти-ҳаракатларидан, бир-бирларига бўлган чуқур иззат-ҳурматларидан ўрнак ол.

Оилада аҳил-тотув яшаш, ўзаро меҳрибонлик кўрсатиш меҳнат билан ҳамнафас бўлган ота-боболаримиздан бизга ётиб келаётган ижобий фазилатдир.

Инсоннинг бошқалар билан муомала қилиш маданиятида унинг нутқи алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Доно халқимизнинг тилга эътибор — элга эътибор ёки тил ақл тарозиси деган фикри бежиз айтилмаган.

Киши сўз хазинасининг бойлиги ва у қайси сўзни қачон ва қаерда ишлата билиши сўзловчининг ақли ва заковатидан, дид ва фаросатидан, маданий камолотидан далолат беради.

Киши маъноли, мазмунли, ифодали ва маданий сўзласа, унинг нутқи таъсирли, тингловчини қойил қолдирадиган бўлади. Бунинг учун нотиж нутқининг мазмунига эътибор этиши билан бирга оҳанг, урғу каби ифодали сўзлаш қоидаларига ҳам риоя қилиши лозим.

Маданиятли шахс жамоа аъзолари ўртасидаги айрим кишиларда учрайдиган камчиликларга ҳам лоқайдлик билан қарай олмайди, балки адолат томонида туриб, уриш-жанжал, ифвогарликларга йўл қўймай, уларни оқилона бартараф қилиш учун йўл излайди.

Маълумки, жамоада битта бемаъни, маданиятсиз, ифвогар одам бўлса ҳам, уни тўғри йўлга солишда бепарво бўлмаслик керак, чунки у бутун жамоа шаънига доғ тушириши мумкин.

Маданий хулқли шахс кишилардаги хато ва камчиликларни танқид қилишни ҳам яхши билади. У ҳеч қачон танқид ниқоби остида одамларнинг инсоний фазилатларини камситмайди, балки чин қалбдан хато ва камчиликларни бартараф қилишга ёрдам беради. Ахир, танқид қилиш деган сўз инсон дилини вайрон ёки уни бадном қилиш деган сўз эмас, балки унга одилона ҳақ гапни айтиб, чин юракдан ёрдам кўрсатишдир. Лекин ҳар ким ҳам танқидга тан беравермайди. Адолатли танқидга тан бериш тантилик белгисидир, ундан хулоса чиқариб иш тутиш ҳақиқий инсоннинг ишидир. Умуман, жаҳолатга берилиш, асабийлик қилиш, одамлар билан жанжаллашиш маданий хулқ эгаси учун мутлақо бегонадир. Ақл ва фаросат билан ҳал этилиши мумкин бўлган масалага уриш-жанжални восита қилиб бўлмайди. Чунки жаҳл билан ақл бир жойга сирмайди.

ЁШЛИК — ГЎЗАЛЛИК

*Бор экан ёшлигу соғлиқ мусаффо,
Ҳар мақсад жиловли қўлда муҳайё.*

Носир Хисрав

Ёшлик— умр фаслининг баҳори. Баҳор эса ёшлик рамзидир. Бу фаслда бутун мавжудот ранго-ранг либос кияди, безанади. Осуда уйқуда ётган табиат оҳиста уйғонади, ҳаёт ва гўзаллик бошланади. Шунинг учун ҳам у кўнгилли ва гўзалдир. Ёшлик баҳорининг ўзи бир гўзалликдир.

Бу даврда ёшлар қанчадан-қанча ажойиб эзгу ниятларга муяссар бўладилар. Улар илму фанга, табиат ва жамият тараққиётининг қонувларини аниқлашга, умуман коинотнинг сирларини билишга интиладилар.

Ривоятларда айтилишича, 25 ёшгача бўлган умр табиатнинг одамга берган бебаҳо ва беғараз эҳсонидир. Ундан оқилона фойдаланиш инсоннинг бурчидир. Тарихга бир назар солсанг, барча буюк сиймолар ёшликда ўз истёодларини намойиш қила олганликларига ишонч ҳосил қиласан. Хотираси ниҳоятда кучли бўлган Алишер Навоий ёшлигидан бошлаб ўз ижодий камолоти устида зўр ғайрат ва матонат билан ишлаган, жуда кўп шеърларни ёд билган. “Йигитлигим замон ва ёшлигим кунлари даврида кўпроқ шеърда ўйин кўрсатувчи шоирларнинг ширин шеърларидан ва рангдор байтларидан эллик мингдан ортиқроғини ёдла-

ганман. Уларнинг завқ ва қувончидан ўзимни овутибман. Махфий нозикликларига уйлаш ва фикрлаш орқали етибман”¹. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий 12 ёшида Лутфийнинг олқишига сазовор бўлган буюк ғазал битган. Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синолар ёшлигидан табиат ва коинот сирларини ечганлар. Энг машҳур риёзиёт илми соҳиблари ҳам шу ёшда буюк кашфиёт эгаси бўлганлар. Машҳур композитор Моцарт ва Бетховенлар ҳам ўлмас асарларини ёшлиқдан ижод эта бошлаганлар. Ёш қалб эгасини оқар дарё каби тўлиб-тошиб турган куч-қудрат ва беқийс катта ғайрат безайди. Шундай ёшлик асло такрорланмайди.

Шундай ёшлик табиатдаги, ҳаётдаги гўзалликларни, айниқса, инсондаги ижобий фазилатларни севиш ва улардан завқланиш нафис дид ва фаросат ҳамда нафосатнинг шакллана бориш давридир.

Дўстим, энг қувончли нарса шундаки, қалби бўстон ёшларимиз навқиронлик ва муҳаббатнинг улугвор хусусиятларини чуқур ҳис этадилар. Унинг моҳиятини яхши биладилар.

Инсонга хос дўстликнинг ибтидоси болалиқдан, ҳатто гўдақлик чоғидан бошланади. Бир кўчада қувлашиб, бир дарёда чўмилишиб, кенг далада юмалашиб, кенг майдонда тўп тепишиб, бирга ўқиб, баҳслашиб ўтган онларни эслаш одамга қанчадан-қанча ором бағишлайди, лекин болалик тутқич бермай, тез ўтиб кетади, ёшлик баҳори ҳам келиб кетади.

Шогирдим, инсоният тарихида ҳақиқий озод ва эркин ижтимоий тузум бунёд этиш учун меҳнаткаш халқнинг асрлар давомида олиб борган мардонавор курашлари натижасида улар ўртасида ўртоқлик, дўстлик, ўзаро ёрдам, ҳамдамлик, ҳамдардлик каби олижаноб фазилатлар шаклланди ва ривожланди. Бу ижобий анъаналар асрлар оша сен билан бизга етиб келди.

Жаҳондаги барча илғор кишилар дўстлик ғояларини тарғиб қилиб келадилар. Ўртоқлик, дўстлик ғоялари бой шарқ адабиётида қадимдан куйланиб келди. Улар меҳнаткаш халқ бошига тушаётган табиий ва ижтимоий бахтсизликларга қарши курашнинг муҳим воситаларидан бири бирлашиш, дўстлашиш, ҳамдардлик эканлигининг моҳиятини яхши тушуниб олдилар. Жумладан, машҳур шоир Ҳофиз Шерозий чин дўстлар билан биргаликда катта душман ҳамласи хатарли эмаслигини чуқур ифодалаб:

¹ Алишер Навоий. “Муҳокамат-ул луратайн”, 61-бет.

“Минг душман менга қасд қилмоқчи ҳалок,
Сендек чин дўст бўлгач алардан не бок”,

деса, истъёдодли сўз усталаридан бири Абу Шукур
Балхий:

“Дўст дўстига жонин қилади қалқон,
Дўстдан ҳам яхшироқ борми ҳеч инсон”,

деб дўстликни улуғлайди.

Абулқосим Фирдавсий дўстлик инсон учун қандай куч-
қудрат бахш этишини қуйидаги мисраларда ифодалайди:

Икки дўст тураркан елкама-елка,
Тоғларни ҳам осон айлади тилка.

Бу шоир ва олимларнинг дурдона асарлари меҳнаткаш
халқнинг ана шундай дўстлик фазилатлари ўз ифодасини
топди.

Шогирдим, инсондаги дўстлик туйғуси, одамлар билан
дўстлашиш ва жамиятда дўст бўлиб яшай олиш ҳам
ёшлиқдан оилада, ўрта ва олий ўқув юртларида, одамлар
билан жамоа равишда қилинган меҳнатда, хуллас ҳаёт
кучоғида бошланадн.

Ҳақиқий дўстлик бирга кечирган шодлик ва уқубатли
кунларнинг, мураккаб ҳаётнинг ҳосилдир. Инсонлар бир-
бирлари билан дўст ва иноқ бўлишлари учун бир маслак,
бир мақсадда ва бир ғоя билан бирлашишлари лозим.

Шогирдим, одамлар орасида ва ҳурматида яшашни иста-
санг, ёшлиқдан бошлаб ҳақиқий дўстликнинг моҳиятини
чуқур англашни ва одамлар билан бирга бир тан-бир жон
бўлиб юришни одат қил. Ёшлиқда бошланган дўстлик кучи
қудратли ва мустақкам бўлади. Доно халқимиз “Кийимнинг
янғиси яхши, дўстнинг эскиси яхши” деб, бежиз айтмаган.
Ёшлик чоғларидан одамлар билан дўстлашганлар, катта
бўлганларида ҳам дўстларининг қадр-қийматини унут-
майдилар.

Содиқ дўстларинг кўп бўлиши сенинг иқболингдир. Энг
бадавлат киши ким деб сўрасалар, кўп содиқ дўстларга
эга бўлган одамни кўрсатиш лозим. Чунки инсон учун
дўстлик бебаҳо бойликдир. Ҳар бир кишининг узоқ-яқин
ўлкаларда дўстлари бўлгани яхши, ундай одам ҳар ерда
иззат ва ҳурматда бўлади.

Доно халқимиз “дўстсиз бошим, тузсиз ошим” дейди.
Демак, дўстларсиз ўтган турмушнинг завқи ва лаззати
бўлмайди.

Дўстим, Улуғ Ватан урушининг оғир ва уқубатли кунларида дўстларининг ҳаётини асраб қолиш учун, она-Ватан учун қўлига граната ушлаб, душман танки остига ўзини тириклайин ташлаган, ёмғирдек ўқ ёғдириб турган душман пулемётига вужудини қалқон қилиб, ўқ йўлини тўсган, дўстликка содиқ қанчадан-қанча Ватан фарзандларини ўзинг жуда яхши биласан. Бизда дўстлик туйғуси Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси билан чамбарчас боғланган. Дўстлар билан ўтган дамлар нечоғлик шоду хуррам бўлса, улардан айрилиқ қанчалик уқубат эканлиги Абу Абдулла Рудакийнинг қуйидаги мисраларида чуқур ифодаланган:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Яхши билгилки, дўстлари ва ёр-биродарлари ташлаб кетиб, ёлғиз қолган киши ана шу ёлғизлик дардида адо бўлади. Кишини ҳамма одамлардан бегона қиладиган нарса эса унинг хунук феъл-атворидир.

Шунинг учун ҳам яхши дўст сенинг учун улуғ давлатдир. Сен барча молу мулкингни йиғсанг, унинг ҳаммаси бир содиқ дўстнинг ўрнини алмаштира олмайди. Аксинча, яхши дўст барча бойликларнинг ўрнини боса олади.

Яхши дўстлардан тузилган жамоанинг бир муҳим фазилати шундаки, улар кўнгилсиз ҳодисалар ва фалокатларнинг олдини олишга ва улардан сақланишга ҳам сенга ёрдам берадилар. Шунинг учун сен дўстларнинг оқилона берган маслаҳатларини олиб иш кўрганинг маъқул. Ҳар ҳолда кўпдан бебаҳо ақл ва маслаҳат чиқади.

Аҳмад Югнакий айтганидек:

Улфати яхши кишининг ўзи ҳам яхши бўлур,
Яхши улфатли кишидан кўп яхшилик келур!

Авалло, сен ўз шахсий манфаатингнинггина кўзлаб дўст қидирма, ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган шахс билан дўстлашма ва эл манфаатини ўйламаган киши асло дўст қадрини ҳам билмайди. Шахсий манфаатпарастлик эса шундай ёмон нарсаки, ҳатто бир ота-онадан туғилиб ўсган ака-укаларни, опа-сингилларни бир-биридан жудо қилади. Беғараз, чин кўнгилдан дўстлаша оладиган инсон билан ўртоқ бўл. Бунинг учун, аввало, кишининг виждонини, ички дунёсини чуқур ўрганиб, сўнгра уни ўзинга дўст тут.

Мансабидан манфаат қидирган, сени таъмагирлик билан меҳмон қилган ҳар қандай “дўстдан” қоч. Яхши дўст ўз дўстивинг қошига таъма ва манфаат учун эмас, балки

садоқат ва виждон амри, мумтоз ниятлар билан ташриф буюради. Икки разил-киши маълум мақсадни кўзлаб, оғиз-бурун ўпишади-ю, асло дўстлашмайди. Икки фирибгарнинг ўзаро “дўстлиги” худди икки маккор шахснинг ҳамроҳлигига ўхшайди. Лекин ўзининг разил ниятини амалга ошириш учун ёмон киши ўзига ўхшашлар билан тезроқ тил топишади.

Дили бузуқ кишидан улфат сайлаб бўлмайди. Агар сен, яъни улфат орттирган бўлсанг, уйингга шоду хуррамлик киради, бемаъниллар билан топишган бўлсанг, ташвиш ва ҳасрат йўлдошинг бўлади. Ҳақиқий дўстлик учун ғараз, гина-кудурат ҳам бегонадир. Абдураҳмон Жомийнинг сўзи билан айтганда:

Қайда келса ғараз устун,
Дўстлик бўлғай остин-устун!¹

Дили пок, оқ кўнгил одамда гина-кудурат бўлмайди. Чунки оқ кўнгил кишининг дил уммони билан тил чашмасининг замири битта бўлади.

Дарҳақиқат, дўстлик чашма сувидек зилол, бегидир ва беминнат бўлади, чунки миннат бор жойда ҳақиқий дўстлик бўлмайди. Ҳақиқий дўстлик ҳасад, рашк, қалбакилик ва риёкорлик каби иллатлардан бутунлай мусаффо бўлади.

Дўстларининг бошига кулфат тушганида улардан юз ўтириб ташлаб кетадиган номард ва мунофиқ киши ўз бошига кулфат тушганида ўзининг бемаъни ҳаракатини пайқайди ва ўкинади, лекин, афсуски, кеч бўлади.

Нодон ва калтабин киши билан ҳам дўстлашма, чунки ундай дўст душмандан кўра хавфлироқ бўлади. Шунинг учун ҳам халқимиз “дўсти нодондан душмани зийрак яхши”, дейди. Қўрқоқ, иродасиз, шижоатсиз, маслаксиз киши билан дўст тутинма! Л.Н. Толстой тили билан айтганда, қўрқоқ киши душмандан хавфли, чунки душмандан эҳтиёт бўласан, дўстга эса ишонасан. Айниқса, қўрқоқ, иродасиз кишиларнинг табиати сотқинликка мойил бўлади. Сотқин дўст эса ҳар қандай хатарли душмандан хавфлироқ бўлади. Айниқса, дўст деб юрган кишининг душман бўлиб чиқса, ҳаддан ортиқ изтироб чекасан. Шарқ донишмандлигида бошингга бир ёстиқ заҳарли илон қўйсалар, ухлаб қолишинг мумкин. Лекин дўст деб юрган кишининг душман бўлиб чиқса, асло ухлай олмайсан.

¹ Жомий. Ҳикматлар хазинаси. “Ёш гвардия”, Тошкент, 1977, 94-бет.

Айниқса, она-Ватан бошига оғир мусибат тушганида, ана шундай маслаксиз, иродасиз, қўрқоқ шахслар сотқинлик, хоинлик қилганлар.

Дўстим, бу ўринда халқ донишмандлигидан қуйидаги бир кичик ҳикояни эслаб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмайди:

Икки ошна ёшлиқдан бирга ўсдилар. Давр келиб иккаласи ҳам ўз бахтини излаб йўлга чиқсалар, икки йўл учрайди. Бири бир томонга, иккинчиси бошқа томонга йўл оладилар. Улардан бири шаҳарма-шаҳар юриб, илму ҳунаор орттиради. Иккинчиси борган шаҳрида подшо сайлаш учун учирилган семурғ куш тасодифан унинг бошига қўниб, шу шаҳарга шоҳ бўлиб қолди. Давр ўтиб, дўсти шу шаҳарга келади. Ҳар ерга қўйилган шаҳар шоҳининг расмига кўзи тушди. Дўстининг иқболидан шодланиб, уни кўришга ошиқди. Подшо саройига бориб, унинг ҳузурига кирди. Подшо уни таниб, танимасликка олди. У куюниб, ёниб “Ахир мен сенинг дўстинг палончиман-ку!” деб ўзини танитди. Подшо эса: “Хўш, мендан нима истайсан”, деди. Дўсти эса “Сендан ҳеч қандай илтимосим йўқ. Шаҳрингга келсам, халқ орасида подшонинг кўзлари ожиз бўлиб қолибди, деган хувук бир хабарни эшитдим. Шунинг учун дўстимнинг ҳолидан бир хабар олай деб, ҳузурингга келган эдим”, дебди-ю, йўлига қайтибди.

Бу ҳикоя шарҳ талаб қилмайди. Бахту иқболнинг кулиб, қанчалик юқори мартабага кўтарилсанг ҳам, меҳнаткаш халқни, дўсту ёр-биродарларингни асло унутма. Кибру ҳавога берилиб, улардан ўзингни устун қўйма. Менингча, касалнинг ҳамма тури ҳам ёмон, лекин улар ичида энг жирканчлиси кибру ҳаво касалидир. Чунки ундай кишидан одамлар ҳазар қиладилар. Шунинг учун камтарликни касб эт.

Шогирдим, агар кишининг олижаноб дўслари бўлмаса, унинг сабабини ўзи чуқур таҳлил қилиши, одамлар билан чин дўстлик учун йўл излаши лозим. Дўст топгандан сўнг, дўстликни кўз қорачигидек асрашга ҳаракат қилиш керак. Чунки дўстсиз яшаган киши халқ назаридан четда қолади. Сени эл ҳурматига олиб кирадиган кишилар ҳам пок дил виждонли, содиқ дўстларинг бўлади. Дўст орттиришнинг тўғри ва ягона усули одамлар билан виждонан ва яхши ниятлар билан дўстлашишдир. Бунинг учун содиқ дўстларга жонингни фидо қилишга тайёр тур.

Сен узоқ сафарга кетганингда ҳам яхши ва садоқатли дўст сенинг йўқлигингни билдирмайди, у оилангдан доим хабардор бўлиб туради. Оқила ва доно кишилар ўзаро маишат ва фароғат учун эмас, балки ҳаётнинг яхши ва қийин кунларида ҳамдам ва ҳамдард бўлиш, бир-бирларининг яхшиликка, эл ҳурматини қозонишга, доимо

камолот топишга даъват этиш мақсадида улфат бўладилар, ҳатто бу яхшилиқ анъаналарини бола-чақаларига ҳам мерос қилиб қолдирадилар. Ундай дўст-улфатларнинг анжуманлари ичкиликбозлик, маст-аласт бўлиб ҳунар кўрсатиш, маишатпарастлик, кишиларни ҳасад ва ғийбат қилиш каби ғайри инсоний урф-одатлардан бутунлай узоқда бўлади. Мен бир нечта ана шундай ажойиб дўстлар анжуманларида бўлганман ва уларнинг нафосат доирасидан унутилмас хотира ва таассурот олганман.

Жумладан, Андижон шаҳрига борган вақтимда улфатлар анжуманида меҳмон бўлган эдим. Улфатлар 29 киши бўлиб, улар турли касб эгалари эдилар. Бу улфатлар анжумани чин маънодаги нафосат давраси эди. Улфатлар бир-бирларига бўлган самимий муносабатлари, айниқса, мезбоннинг меҳмонларга илтифоти инсонни мафтун этади. Улфатлар расман санъаткорлар бўлмасалар ҳам, хуш овозли хонандалар ва истеъдодли созандалар ўтиришга алоҳида файз бағишлайдилар. Буларнинг орасида ҳаваскор қалам соҳиблари ҳам бор. Уларнинг ёзган газаллари улфатлар даврасида муҳокама қилинади. Ўзлари бу газалларга куй басталайдилар. Газалларнинг куйга тушмаган ўринларини биргаликда таҳрир қилишади.

Ўртадаги диловар суҳбат ўтиришга жон киритади. Пардада айтиладиган чиройли аскиялар айтишиб, қоринларини ушлаб қотиб-қотиб кулишиб ҳам олишади. Айниқса, икки улфатнинг мафтункор шўх рақслари мажлисга алоҳида руҳ киритиб, ҳаммага завқ ва шавқ бағишлайди. Хуллас, бу йиғилиш туфайли чиройли, мазмунли, маданий дам олишади. Улфатга оқил ва фозил кишилардан бири жўрабошлик қилади. Даврага ичиб, маст ҳолда келиш ва ножўя ҳунар кўрсатиш қаттиқ тақиқланган. Ҳатто ўз вақтида сабабсиз келмаган ўртоққа жарима ҳам солинади.

Шогирдим, бу ажойиб улфатчилик тарихи ҳам мени жуда қизиқтирди. Шу 31 киши 30 йилдан ортиқдирки, улфатчилик қилишади. Улфат аъзолари бир-бирининг бошига бирор иш тушганда ҳам ҳаммалари ҳамдардлик кўрсатадилар, иморат қуриш лозим бўлса, ҳашар қилишади. Ўзларининг эмас, ҳатто фарзандларининг тарбияси устида ҳам бирга қайгуришади. Агар бирорталари болаларининг нолайиқ хатти-ҳаракати сезилса, улфат уни тўғри йўлга йўллайди, бола тўғри йўл топиб олиши учун унинг ота-онасига ҳамдардлик қилишади. Бу улфатлар даврасига ўз даврида машҳур ҳофиз, марҳум Маъмуржон акалар ҳам ҳавас билан келиб туришган. Уларнинг диловар суҳбатлари, чиройли сўз ўйинлари, буюк маҳорат билан ижро этган ашулалари ёзиб олинган ленталарни қўйиб, эшитиб у азиз одамларни эслаб туришади. Бу ажойиб ул-

фатнинг яна бир аънанаси алоҳида диққатга сазовор. Улфат аъзоларидан иккитаси вафот этгач, бутун жўралар, отадан ажралган бу оилаларга оталик қилишади. Болаларнинг ўқиши, қобилияти, истеъдодига монанд касб тавлаш, қисқаси оиланинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари устида қайғурадилар, ҳатто унинг уйланадиган ўғли, турмушга чиқадиган қизининг тўй маросимларини ҳаммалари бош бўлиб бирга ўтказишган. Отанинг йўқлигини мутлақо сездирмаслик учун ҳаракат қилганлар. Улар ҳар йили маълум бир кунда йиғилиб, марҳум дўстларининг хотирасини эста олишади. Унинг ҳаёти ҳақида фотоальбомлар тузишган, магнит тасмасига ёзиб олишган суҳбатларини қўйиб, уни тартибга солишган. Дўстларининг хотирасини абадийлаштириш ниятида қабрига улфатлари ва фарзандлари номидан эсдалик ёзилган мрамор тош ўрнатилган. Бу улфат жўраларининг тўй ва ўлим маросимларини ортиқча исрофгарчиликка асло йўл қўймасдан ўтказадилар.

Навқирон шогирдим, бу азиз одамлар ўртасидаги дўстликни улуғ Ватанимиздаги барча мўминларга хос дўстликдан бир кичик нишона, деб билгайсан. Мен бу дўстлар ва улфатларнинг тафсилотига кенгроқ тўхталишимнинг боиси шундаки, баъзи бир ёшларимиз ноҳўя кишиларга қўшилиб, ёмон йўлга кириб кетади ва ўзига ҳам, ота-онасига ҳам, хуллас, ҳаммага ташвиш орттиради. Мен бир яхши ота фарзандларининг улфатлари ярамас одамлар бўлганлиги учун унинг бошига оғир ташвиш тушганлигидан қаттиқ изтироб чекдим. Шу кунни ана шу таассуротларим натижасида “Умр сабоқларим” деб атаган хотира дафтаримга қуйидаги мисраларни ёзиб қўйдим:

Носоз бўлса, фарзандларнинг улфати,
Эшик қоқиб келар қўша-қўша кулфати.

Бу ўринда мен сизга икки дугона қизларнинг ўрталарида бўлиб ўтган бир саргузаштни ҳикоя қилмоқчиман:

Ёзнинг иссиқ кунлари эди. Тошкентдаги олий ўқув юрларининг бирида риёзиётдан кириш имтиҳони давом этмоқда. Имтиҳон олинадиган катта хонада 100 нафарга яқин йигит ва қизлар диққатларини бир нуқтага тикиб, қалам тебратмоқдалар. Улар қаторида бир столда ёнма-ён ўтирган оддий, лекин кўркам кийинган икки қиз ҳам фикрга чўмиб, ёзма иш устида фикр юритмоқдалар. Бу қизчалардан бири ёзма ишни тугатди ва яна бир текшириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, уни оққа кўчира бошлаётган эди, ёнида ўтирган ҳамроҳи унинг олдига бир қоғоз ташлади. Унга “Дугонажон, мени кечирасиз, иккита мисолни ечдим, лекин мана шу икки масалани еча олмадим, ёрдам берсангиз”,

деб ёзилган эди. Қиз ўзининг ишени оққа кўчиришни тўхтатиб, қўшни қиз узатган қоғоздаги масалаларни ечишга киришди. Бир масала тенглама қуришга оид эди. Дарҳол берилган масала шартларини аниқлаб, тенгламани қурди. Иккинчи масала мураккаброқ, тригонометриянинг геометрияга татбиқига оид эди. Унинг устида анча ўйлашга мажбур бўлди, сўнгра ечишга киришди. Ҳар иккала масаланинг ҳам ечимини текшириб кўрди. Тўғрилигига қаноат ҳосил қилгач, қўрқа-писа ёнидаги ҳамроҳига узатди. Ёзма ишларини тошшириб бирга эшикка чиқишди-да, бир-бирлари билан кўришишди.

— Сизнинг исмингиз нима?

— Исмин Оқила.

— Сизнинг исмингиз-чи?

— Моҳира.

— Қайси вилоятдансиз?

— Фарғонадан.

— Ажабо, бир вилоятдан эканмиз.

— Мен ёзган ишимдан кўнглим тўқ эмас.

— Агар иккита мисолингизни тўғри ечган бўлсангиз, мен ҳал қилган масалаларнинг ечимига кўнглингиз жуда тўқ бўлсин.

— Физикадан бўладиган имтиҳонга ҳам бирга кирсак.

— Майли, бирга кирамиз.

— Дугона тутинсак, агар насиб қилиб ўқишга кириб қололсак, Оқилахон, бирга турайлик.

— Қани, аввал ўқишга кириб олайлик-чи.

Хуллас, бу икки қиз физика имтиҳонидан ҳам муваффақиятли ўтишди, ўқишга ҳам кириб олишди. “Яхши ният-яхши йўлдош” деганларидек, орзулари ушалиб, бир ётоқда бирга истиқомат қилишди ва доим ҳамдам, ҳамдард дугона бўлиб яшашга ўзаро аҳду паймон қилишди.

Олий ўқув юртида ўқишнинг ўзига хос бир завқи ва гашти бор, шу билан бирга, риёзатлари ва машаққатлари ҳам мавжуд. Бу дугоналар шодликларини ҳам, қийинчиликларини ҳам бирга баҳам кўриб, талабалик ҳаётини бошлашди. Шу тарзда кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўтиб борди. Кунларнинг бирида Моҳира ётоққа бир қиз билан келди ва уни Оқила билан таништирди. Меҳмон қиз жуда узоқ вақт гаплашиб ўтирди, кун қорайиб анча вақт бўлиб қолди. Моҳира меҳмон қизни машинагача кузатиб қўйди. Негадир бу меҳмон қизнинг хатти-ҳаракати Оқилага унча ёқмади. Моҳира ётоққа қайтгач, Оқила билан дугонаси Моҳира ўртасида “баҳс” бошланди.

— Дугонажон, негадир бу танишган қизинг менга ёқмади. У қаердан?

— Шу ерлик. Нега ундай дейсан? У жуда яхши қиз. Бир кўришдан ундай хулоса чиқарма.

— Тўғри, бир кўришдан хулоса чиқариш қийин. Лекин сенга дилимдаги бор гапни очиқ атыпман.

— Бўлмаса, очиқ айт, нимаси ёқмади?

— Ростини айтсам, серпардоз, бунинг устига анча беибо.

— Сен ҳаммани ўзингга ўхшаб уй фариштаси бўлишини истайсан. Ҳатто фаришта ҳам ўзига қарайди. Ҳар ҳолда у қиз бола-ку? Қиз деган ўзига оро бериши ва ташқи қиёфасига қараши керак-да.

— Дугонажон, эҳтимол сен ҳақдирсан, — деди-ю, мутолаага киришди.

Оқила дугонасида аллақандай ўзгаришлар сеза бошлади. Моҳира соатлаб кўзгу ёнида ўзига оро бериб пардоз қиладиган бўлиб қолди. У турли-туман бўёқларни бетига суртишга ва қандайдир номаълум йўл билан топилган қимматбаҳо тақинчоқлар билан безана бошлади. Илгари содда, аммо ўзига ниҳоятда ярашган кийимларни тарк этди. Мода изидан қува бошлади.

Хуллас, Оқиланинг кўз ўнгида биринчи бор учратган оддий ва камтарин Моҳира ўта бошлади. Моҳиранинг ҳозирги қиёфаси ва хатти-ҳаракати Оқилани ташвишга сола бошлади. Унинг устига ерлик янги дугона ётоққа тез-тез келадиган бўлиб қолди. Фалон залда катта концерт, пистон залда рақс ёки қизиқ кино кетяпти деб, уни ҳар куни турли жойга етаклай бошлади. Оқибат Моҳиранинг дарс тайёрлаши, уй машғулотларини бажариши жуда суясиб кетди. Ҳатто Моҳиранинг янги дугонаси билан неча соатлаб давом этадиган ҳингир-ҳингири Оқиланинг жонига тегадиган бўлди ва унинг машғулотига ҳам халал бера бошлади. Лекин у қанчалик Моҳирага тушунтиришга уринмасин, янги ерлик дугонанинг таъсири унга кучлилиқ қилди. Ниҳоят, бир куни Моҳира ётоққа қайтмади. Туни билан Оқила юз хил хаёлга бориб дугонасидан хавотир олиб, мижжа қоқмай тонг оттирди. Эрта билан Моҳира жуда хунук бир қиёфада қайтди. Ўқишга боролмай ётоқда ухлаб қолди. Оқила ўқишга ошиқди. У кутубхонада қолиб, ётоққа кеч қайтди. Бироқ Моҳира ётоқда йўқ эди. У қаергадир кетиб, яна жуда кеч қайтди. Унинг анчагина кайфи бор эди. Дугонасининг юзида ўринсиз кулги ва бачкана қилиқларни кўриб, Оқиланинг тоқати тоқ бўлди-да:

— Дугонам, сенга нима бўлди? — деди.

— Менга нима бўпти? — Кулиб масхараомузлик билан.

— Кеча қаерда қолдинг?

— Қайин онажон, энди сизга қаерда қолганим ҳақида ҳисоб беришим керакми?

— Йўқ, Моҳира адашасан, мен сенга қайин она эмас, жонажон дугона, отаннинг ҳар сафар келганларида “Қизларим, бир-бирингизга туғишган опа-сингилдан ортиқроқ меҳрибон бўлинглар. Ҳар бир қадамни ўйлаб қўйинглар” — деган панд-насиҳатларини унутдингми?

— Ҳа, дугонаминг сен ҳақингдаги фикри бежиз эмас экан. Чиндан ҳам характеринг жуда оғир. Сен билан ҳамроҳ бўлган ҳар қандай одамни юраги тарс ёрилиб ўлади. Ахир, дунёга нима учун келгансан? Бундай ўйнаб-кулиш нималигини ҳам билмайсан.

— Дугонажон, тўғри айтибди. Лекин мен кимлар билан, қачон ва қаерда дам олишни жуда яхши биламан. Аммо сенинг дугонангга ўхшаш улфатлар билан асло нону қатиқ бўлмайман.

— Сен ўша дугонаминг кимлигини яхши билмайсан. У очик, қувноқ қиз, у билан асло зерикмайсан. Сен бўлсанг, кеча-кундуз китобдан бошингни кўтармайсан. Нима, буюк олим бўлмоқчимисан?..

— Буюк олим-ку бўлолмасман, лекин одам бўлсам бас. Менингча, кишига энг улуғ унвон одамлар қошида ҳурматда бўлиш, инсон бўлиш, майли, баҳслашувни қўй. Аммо шу дугонанг ботқоққа тортяпти сени. Мен отангга хат ёзиб, у кишини хабардор қилиб қўйишга мажбурман, буни виждоний бурчим деб биламан.

— Ҳа, сен менинг ота-онаминг кимлигини яхши билмайсан! Бизнинг оилада онамни айтганлари айтган, деганлари деган. Онам менга ҳам: “Қизим, турмуш қурсанг, эрингни елкасида юр, бўлмаса, турмушсиз ўт!” деганлар. Мен онаминг қизиман. Шунинг учун отамга ёзган хатингнинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ, қолаверса, отам уйдан кетиб қолганлар.

— Мен сенинг оилангга аралашмоқчи эмасман. Бизнинг оилада тенглик — қонун, меҳрибонлик — одат. Лекин отанглар билан 3—4 бор ҳамсуҳбат бўлдим, у киши кўп баъмани одам. Онангни кўрган эмасман. Лекин қишлоғингга албатта бораман. Мен отангларга сен билан чин дугона бўлиш учун ваъда берганман.

— Қонингда озроқ рашк ва ҳасадгўйлик борга ўхшайди. Нима, мен бирор ёмон иш қилиб қўйдимми? Қолаверса, ким сенинг гапингга ишонади?

— Йўқ, ёмон иш қилиб қўйдинг деганим йўқ, иш қилишингни олдини олмоқчиман. Рашк ва ҳасад менга бегона, қолаверса, мен сенга нима учун ҳасад қилишим мумкин. Сен дўстнинг кимлигини ҳозирча тушунишинг қийин. Чунки сенинг кўзингни мағрурлик пардаси босган. Лекин айрим ерлик қизлар қишлоқдан келган қизларни йўлдан уради, деб эшитганман. Ростга ўхшаяпти. Майли,

мен ҳақ гапни аччиқ бўлса ҳам айтдим. Хатти-ҳаракатингни ўз виждонингга ҳавола қиламан. Чунки ўз виждонидан уялмаган киши ҳеч кимдан ҳам уялмайди.

Хуллас, ана шу йўсинда икки дугона орасидаги муносабат анча мураккаблашиб борди. Кунларнинг бирида яна бу икки дугона каравотда ётдилар-у, ўрталарида баҳс бошланиб кетди.

Моҳира дугонасига мурожаат қилиб: "Менингча сен ўз ҳаётингга бирор йигитни севмаган бўлсанг керак. Агар сен бирор кишини севсанг эди, бунчалик ҳис-туйғусиз бўлмас эдинг, ўйнаб-кулиб юрган бўлур эдинг".

Оқиланинг дили ранжигандек бўлди, чунки у муҳаббат ҳақида кўп баландпарвоз гап сотган шахс эмас эди: "Муҳаббат ҳақидаги баҳсни қўй, яхшиси ухлайлик", — деди ва тескари ўтирилиб уйқуга кетди. Кунлардан бир куни Оқила ўз қишлоғига бориб келиш учун йўл олди. Лекин тайёра учмай қолиб, кечаси ётоғига қайтиб келди. Ётоғидаги стол усти турли-туман ичимлик ва овқатлар билан тўла эди. Стол атрофидаги Моҳира билан янги дугона ниҳоятда башанг кийинишган, икки йигитнинг маст ҳолда ўтирганлигининг гувоҳи бўлди.

Тасодифан келиб қолганлиги учун ўзи хижолат тортди ва уларга узр изҳор қилди-ю, қайтиб кетишга ҳаракат қилди. Йигитлардан бири унга ёпишиб олди ва уни қолдиришга уринди. Оқила қаттиқ ғазаб билан дугонасига:

— Мен сени бу даражада тубанликка қадам қўйсан деб, ўйламаган эдим. Умуман, қизларнинг ичкиликбозлиги, маишатпарастлиги уларнинг ўта одобсизлигидир, айниқса, ўқиб турган олийгоҳнинг ётоқхонасида бундай жиноий иш билан шуғулланиш таърифдан ташқари тубанликдир. Сен ўқиб турган илм даргоҳи энг азиз ва муқаддас жой. Бу ерда не-не азиз ва мўътабар одамлар таълим олганлар. Меҳри ва қалби дарё устозларимиз қандай яхши ниятлар билан бизга таълим беришган. Сиз, меҳмон қиз, уйингиз шу ерда, шу шаҳарда. Улфатчиликни уйингизда —ота-онангиз олдида қилсангиз бўларди. Ҳамма шароит бордир, — деди-ю эшикни қаттиқ ёпиб жаҳл билан чиқиб кетди. Унинг кетидан йигитлардан бири:

— Моҳира қайнонангизнинг жаҳллари жуда тез-ку? — деди. Иккинчиси эса:

— Моҳиранинг тоқатига балли! — деди.

Хуллас, бу кўнгилсиз ҳодиса жуда хунук якунланди. Моҳира танишган йигит шаҳарда чайқовчилик ва фирибгарлик билан шуғулланадиган бир фирибгар бўлиб чиқди. У биргина Моҳирани эмас, бир неча Моҳирага ўхшаш енгил табиат, иродасиз қизларни қўлга туширганлиги аниқланди ва чайқовчилиги фош бўлиб,

живоий жавобгарликка тортилди. Фожа шундаки, Моҳи́ра ҳомиладор бўлиб қолган эди. Шаҳарлик янги дугона ҳам ўзини Моҳи́радан четга олди. Моҳи́ра ўқишни ташлашга мажбур бўлди. Ота-онасининг қошига боришга ҳам юзи чидамади. У тушқувликка ва парокандаликка берила бошлади. Унинг бу аҳволини сезган Оқила Моҳи́рага ҳамдард бўлди. Болани яслига, ўзини эса ишга жойлашишга бйрлашиб юриб ёрдамлашди. Моҳи́ра сиртдан ўқишни давом эттириши учун унга ёрдам қилиб турди. Бу икки дугона ўртасидаги дўстлик ипи яна тикланди.

Шогирдим, яхшилар билан дўст бўл, ўзинг уларга ўрнак бўл, сен ўз дўстларингни ҳам, улфатларингни ҳам ша-рафли ишларга даъват эт.

Дўст топиш, дўстлик ипини мустаҳкамлаш узоқ вақтни талаб қилади. Лекин дўстлик ипини узиш учун ноўрин ҳаракат кифоя қилади.

Дўстликка қаллоблик ва ёлғончилик ёт. Агар киши дўстларини алдар экан, билгилки, у ўз-ўзини алдайди. Дўстнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдиришга мойил бўлган киши дўстлик ниқобига яширинган фирибгар шахсдир. Башарти дўстларинг сендан юз ўтира бошлашса, ўз хатти-ҳаракатингни ва уларга бўлган муносабатингни чуқур ўйлаб кўришинг лозим.

Баъзи кишилар бўладики, бирор одамни осмонга кўтариб мақтайдилар. Аммо ўрталаридан бирор "ола мушук" ўтгудек бўлса, уни дарҳол ёмонлашади. Олдингда сени кўкларга кўтариб мақтаб, орқаворотдан сени ёмонловчи мунофиқ кишини дўст тутма, чин дўст бетга айтади. Кишига хато ва камчиликларини кўра била туриб, уни аяб индамайдиган "меҳрибон ошнадан" кўра, уни ўринли койиб, аччиқ сўзлар билан тўғри йўлга соладиган "номеҳрибон дўст" яхши. Юзта мунофиқ ошнадан, битта самимий дўст яхши. Дўстнинг ҳақ гапи аччиқ дорига ўхшайди, аччиқ бўлса ҳам, дардинга даво бўлади.

Киши ўз ҳаётининг поклиги учун курашмоғи лозим, лекин бошқалар ҳаётининг поклиги учун ҳам кураша билса, ундан ҳам яхши. Агар одам бирор бадхулқ кишига ҳамроҳ бўлиб қолса, унга ижобий таъсир кўрсата билса, бу унинг чиндан ҳам иродали ва ақлли инсонлигидир, аксинча, агар бадхулқ одамнинг таъсирига ўзи берилиб қолса, унинг бе-фаҳм ва иродасизлигидан нишонадир.

Замон кишиларига хос дўстлик жамоачилик ҳисси билан чамбарчас боғлиқ, жамоа аъзоларининг ҳамжиҳатлиги энг олижаноб фазилатлардан биридир.

Ақлли ота-оналар ўз фарзандларига одамлар билан бўладиган ҳақиқий дўстликни туҳфа қилиб қолдирадилар.

Оқил фарзандлар эса бу дўстликни кўз қорачиғидек асрайдилар ва уни ривожлантириш учун курашадилар.

Шароф Рашидович чин инсоний дўстликни улуғлаб Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган 1958 йилдаги Конференциясидаги сўзлаган нутқида: "Дўстлик муваффақиятларимизнинг гаровидир. Дўстлик халқлар кучига куч қўшади, уларга курашда ишонч бағишлайди, уларнинг иродасини чиниқтиради. Онг тушунчасини оширади. Бизнинг инсоний дўстлигимиз, муҳтарам биродарлар, муҳтарам опа-сингиллар, океандан чуқурроқ, тоғ чўққиларидан баландроқ, олтиндан қимматлироқ, темирдан маҳкамроқ, бўрондан кучлироқдир!".

Сен Тошкент зилзиласини яхши эслайсан, бу оғир дамларда барча қардош жумҳуриятларнинг меҳнаткашлари бир жон-у бир тан бўлиб ёрдамга келдилар. Тошкентнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ҳамкорликда барча халқларнинг бузилмас дўстлиги ўз ифодасини топди. Бу улуғвор дўстликни кўз қорачиғидек асраш, уни тобора ривожлантириш ҳар биримизнинг ватанпарварлик ва байналмилал бурчимиздир.

Ҳали бошингга яхши ва оғир кунлар тушмаган экан, сен дўстларингни кимлигини ва қандайлигини ҳам яхши билмайсан. Катта ҳаёт мактаби дўстликка ва дўстларингга ҳам синов бўлади. Оқил ота-оналар ҳам, меҳрибон ўқитувчилар ҳам ёш авлодга чин дўстликни туҳфа қилиб қолдирадилар. Ақли расо шогирдлар эса бу бебақо меросни кўз қорачиғидек асрайдилар ва ривожлантирадилар.

Дўстлик билан муҳаббат ёнма-ён оқаётган икки ирмоқдир. Бу ирмоқларнинг манзили битта. Улар инсон қалб дарёсига қуйиладилар. Шундай қилиб, галдаги суҳбатимизнинг мавзуи "Ёшлик - муҳаббат баҳори".

ЁШЛИК — МУҲАББАТ МАҲОРИ

*Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.*

А. Навоий.

Азиз шогирдим! Инсоний муҳаббатнинг туб моҳияти нимада, жамият камол топа борган сари севгининг истиқболи қандай бўлади? қаби саволлар юзасидан ёшларимиз ўртасида кўпинча баҳслашувлар, мунозаралар бўлиб туради.

Чин дўстлик туйғусининг ажралмас бир қисми ана шу покиза инсоний муҳаббатдир. Чунки инсон пок муҳаббат

туйғуси билан ғузал. Бутун инсоният тарихида барча тараққийпарвар кишилар, мутафаккир улуғ сиймолар дўстликнинг моҳиятини ғоявий бирлик, инсонпарварлик, одабийлик, халқчилик, ҳамдардлик, пок муҳаббат ва меҳру вафо каби инсоний фазилатлар билан боғлиқ равишда талқин қилганлар.

Инсон вужудини бутунлай ўз тасарруфига олган ишқ ошиқни тиниб-тинчимас эзгулик тугёнларига боғлайди. Тарихга бир назар сол, не-не золимлар ошиқни сиқиб чиқаришга ва муҳаббат эгаларининг иродасини букишга уринадилар. Лекин муҳаббат ҳамон қуёш нуриддек барҳаёт. Темир иродали пок муҳаббат эгалари ҳамма вақт эл қалбида иззатда ва ҳурматда. Кекса тарих муҳаббатнинг алангали ўтида куйган қанчадан-қанча инсон фарзандларини биледи ва уларнинг дилларидаги ажойиб туйғуларни қоғозга кўчирган қанча азиз қалам соҳибларини ҳам биледи. Чунки ҳаёт тўхтовсиз камолотда, у билан бирга инсоний муҳаббат ҳам абадий ривожлана боради. Шундай экан, муҳаббатнинг янгидан-янги зар варақлари очилаверади. Унинг таърифи ва тавсифи учун янги дostonлар, янги романлар, жозибадор ғазаллар, оҳанграбо куйлар, ашулалар, хуллас илҳомбахш санъатнинг хилма-хил дурдоналари ҳам камол топаверади. Маълумки, муҳаббат ҳақида қалам тебратмаган ёзувчи йўқ. Бундай шоир ва ёзувчининг асарларидаги муҳаббат қалблардаги ишқ ва муҳаббат билан мутаносиб бўлади.

Қуёш бор экан, мангу ҳаёт бор, ҳаёт бор экан, муҳаббат бор, муҳаббат мангу.

Шогирдим, ҳаётимизнинг, инсоний муҳаббатнинг мавжудлигига ҳасад кўзи билан қарайдиган айрим кишилар учраб қолади. Муҳаббат анқони уруғи, уни қидириб топиш қийин деб ўйлайдиган, муҳаббатни ўз қаричи билан ўлчайдиган баъзи бир калтафаҳмлар ҳам учрайди.

Табиатнинг энг олий инъоми муҳаббатни тан олмайдиган инсон фарзанди дунёга нима учун келиб, нима қилиб кетаётганлигининг моҳиятини англамаган ҳиссиётсиз бир қуруқ жасаддан иборатдир. Чин инсоннинг жуфтликка бўлган майли билан ундаги маънавий эҳтиёж ва нафосат муштарақ бўлади. Чунки инсоннинг жуфтликка бўлган майлининг замирида руҳий ғизо учун интилиш, маънавий бирлик, қалбдаги муҳаббат ўти ва ғузал ҳис-туйғулар, не-не олижаноб орзу-умидлар ётади.

Кимки ажойиб инсон экан, у муҳаббатни улуғлайди. Муҳаббатсиз киши билан мулоқотда бўлиш одам учун нақадар нохушлик ва кўнгилсизлик эканлиги ҳақида Хувайдо ўзининг бир байтида шундай дейди:

*Муҳаббатдан бўлур муҳаббат пайдо,
Муҳаббатсиз кишидан қоч ҳувайдо.*

Шогирдим, шунини ҳам унутмаслик керакки, пок муҳаббат соф қалбнинг жилосидир. Чин муҳаббат улуғ ҳаётнинг энг тотли, энг шифобахш мевасидир. Муҳаббатнинг моҳиятини англамоқ истасанг, уни дилингдан қидир, чунки муҳаббат макони қалбдир. Ўз дилинг билан суҳбатлашиб кўр. Дилнинг безаги бўлган жавоҳирни ўз қалбингдан топасан. Хуллас, севгини тушунмоқ учун севмоқ лозим. Яна шу нарса аёнки, чин инсоний муҳаббат туйғуларидан бебаҳра шахслар кўпинча ифбатсиз, шафқатсиз, ҳатто ор-номуссиз бўладилар. Ундайлар табиатни, ҳаётни, одамларнинг гўзалликларини ҳам ҳис этолмайдилар, умуман, нафис дид ва фаросатдан ҳам маҳрум бўладилар.

Севги нима? Бу фазилат одамда қай тарзда пайдо бўлади? Нега инсон бу тотли ва айни вақтда жуда машаққатли бўлган, лекин қалбга гўзаллик бахш этувчи дардга мубтало бўлади? деган саволларни ҳар бир қалб эгаси ўз олдига қўяди ва ўз ҳис-туйғулари, кечинмалари ва ҳаётий тажрибалари асосида шу жумбоқни ҳал қилишга уринади. Бу савол қанча азиз одамларни фикр уммонига чўмилтирган. Баъзилар уни инсоний ҳис-туйғулар десалар, баъзилар уни ҳаракатнинг ўзига хос мураккаб шакли сифатида тасаввур қиладилар. Лекин, азиз дўстим, бу фикрларнинг замирида бир умумий ҳақиқат бор, у ҳам бўлса, чин инсоний муҳаббат, умр савдосининг бошланишидир, у кишига кўр-кўрона сажда қилиш ҳам эмас ва кўнгил гулшанига қўниб ўтадиган қуш ҳам эмас. У ҳар қандай жавоҳирдан ҳам қимматли, қуёш нуридек жўшқин, теран чашмадек шаффоф, беқиёс гўзал, барча инсоний фазилатларнинг мажмуасидир. Севги — энг улуғ маънавий бойлик бўлиб, у юрагида ўти, покиза қалби бор инсонга насиб этадиган бебаҳо мўъжизадир. Чин севги-ошиқ ўзининг муқаддас бурчини англаш ва уни адо этиш йўлида оқилона ҳаракат қилиш ва ҳаётга интилиш демакдир. Севги ошиқнинг қувончини ҳам, ғамини ҳам ўз устига ола билишни кўзда тутати. У содиқ дўстликни, ҳамдардликни, самимий ҳурматни, хижрон дардини, бир-бирига интилишни, муҳаббат билан ўзини бахтиёр сезишни, ҳаётни яна ҳам кўркамроқ ҳис қилишни талаб қилади. Муҳаббат инсоннинг тириклик зийнати ва ҳаётий эҳтиёжидир. Қуёш ҳарорати табиат ва ҳаётнинг камолоти учун қанчалик зарур бўлса, муҳаббатнинг нури ҳам инсон камолоти учун шунчалик зарурдир. Ҳақиқий севги кишидаги ёмон иллатларни ўз ўти билан куйдириб ташлайди. Агар ҳар қандай ёмонликдан ҳоли бўлган олижаноб

инсон қалбида ишқ ўти ўрин олса, бу ўт шу ошиқни янада тоблантиради, яна ҳам унинг хулқини гўзаллаштиради.

Чин ва покиза муҳаббат кучи шундаки, у дилдаги қандайдир носоз ҳис ва туйғулардан ҳам тозалайди, танбал, иш ёқмасга эса ғайрат ва шижоат бахш этади.

Шогирдим, муҳаббатнинг тиниқ ва зилол чашмасидан суғорилган, риёзат ва машаққат чекиб, тўсиқларни енгиб, севгининг оташ ўтида тобланган инсоннинг қалби асло зангламайди. Демак, севгисиз яшаш инсоний фазилатлардан бебаҳра қолишдир. Муҳаббатсиз дунё қоронғу бир зулматдир. Муҳаббат Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романида Анвар ва Раъно ўртасидаги мушоирада жуда чуқур ифодаланган:

Анвар:

Ҳамиша хафта кўнгил бу муҳаббат интиҳосидан,
Менинг ҳам этмаса мажнун дебон Раънонинг савдоси

Раъно:

Муҳаббат жомидан нўш айлаган аҳли зако бўлмиш,
Фунуни тибда мажнундир кишининг куйса сафроси.

Шогирдим, инсонни мўътабар этган, меҳри дарё ота-онага фарзандни дилбанд қилган, бола қалбини ота-онага, она-Ватанга, халқга, жаҳондаги барча эркпарвар одамларга ва улуввор идеалларга содиқ ва садоқатли қилган азиз одамларни бир-бирига боғлаган бебаҳо жавоҳир ана шу муҳаббат эмасми, ахир? Улуғ Ватанимизни гўзал гулшан, ҳақимизни умид чашмасидан баҳраманд қилаётган бебаҳо фазилат ана шу улуғ инсоний муҳаббат эмасми? Бизнинг улуғ оҳангдор мусиқамиз, дилрабо ашула ва куйларимиз, жозибатор ғазалларимиз, барча гўзал санъатимиз муҳаббатнинг нурли зиёсининг ҳосили эмасми? Улуғ Ватан урушининг қонли кураш йилларида ҳар бир кишини ёвуз душманга қарши курашга отлантирган она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббат туйғулари эмасми? Муҳаббат ҳаётнинг тақозоси ва бебаҳо мевасидир. Ёшлик сенга илму ҳунар, ақлу заковат, одобу ахлоқ касб этиш, дўстлашиш, севиш ва севилиши, хуллас, ҳар томонлама камол топиш учун берилган фурсатдир. Икки қалб ўртасидаги чин дўстлик уларни пок муҳаббатга олиб ўтадиган кўприқдир.

Чин муҳаббат молу мулкни, бойликни, мансаб ва манфаатпарастликни, шуҳратпарастликни тан олмайди. У бегараз, мусаффо бир туйғудир. Йигит-қизларнинг ғурури ҳам, шуури ҳам, ифтихор туйғуси ҳам ана шу муҳаббатда намоён бўлади. Сен дунёда ана шунинг учун ҳам

бахтиёрсанки, севиш ва севилиш, ўз севгилинг билан турмуш қуриш каби олижаноб ҳуқуққа эгасан. Сенинг бу ҳуқуқ ва бурчинг бахт қомуси билан белгилаб қўйилган.

Инсоннинг муҳаббат туйғуси, унинг инсоний дунё қараши, ахлоқ нормаларига бўлган фидокорлиги унинг сидқидиллиги билан узвий боғлиқдир. Инсоннинг фарзандларига бўлган муҳаббати ҳам унинг ҳаётдаги ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаолиятига бевосита алоқадор. Шундай экан, инсонлар ўртасидаги дўстлик, севги ва муҳаббат икки шахс орасидаги тор доирадаги муносабат эмас, балки у жамиятимиз аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ажралмас бир таркибий қисмидир.

САМИМИЙ УМР ЙЎЛДОШНИ САЙЛАШ

Дўстим, умр йўлдош танлашнинг ўзига хос бир шarti борми? Киши ўз умр йўлдошида қандай фазилатлар ва сифатлар бўлишини истайди? деган фикрлар ҳамманинг диққат марказида туради ва оилави ҳаётнинг энг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Бу соҳада ўтмишда қўйилган талабларни бизнинг ҳозирги ҳаётимизга татбиқ қилиб бўлмайди.

Шогирдим, сен модомики оилани бўлишни истасанг, азиз ота-боболарнинг фойдали анъаналаридан ўрганишинг керак. Сенинг муҳаббатинг улуғвор одобга, гўзал нафосатга, дид ва фаросатга асосланган бўлиши лозим.

Оила қуришдан олдин, унинг иқболи ва истиқболи устида ўйламоқ оқилларнинг иши. Аксинча, баъзилар аввал турмуш қуриб, кейин пушаймон қила бошлайдилар. Маълумки, "кейинги пушаймон, ўзинга душман", дейдилар. Оила қуриш бу шунчаки бекинмачок ўйини эмас, балки бир умр биргаликда эзгулик сари интилишдир. Шундай экан, аввало мен турмуш қуришга тайёрманми? Мен фарзандга ота ёки она ҳамда мен билан бир ёстиққа бош қўядиган кишига доимий умр йўлдоши бўла оламанми? деган савол тўғрисида ўйлаб кўр. Агар бу саволларни ижобий ҳал қила олсанг, шу шарафли муҳаббат уйига қадам қўй. Аксинча, оила қуришнинг мақсад ва моҳиятларини тушунмай, кўр-кўрона турмуш қурган киши, оқибатда афсусланади: киз шу йигитга текканига, йигит шу қизга уйланганига афсус қилади. Сен яхши оила қурмоқчи бўлсанг ва ҳаётнинг қадрига етсанг, яхши оила бунёд этган азиз одамларнинг турмушларини қунт билан кузат, улардан ўзинг учун тегишли хулоса чиқар, уларнинг ҳаёт тарзларини синчиклаб ўрган, ижодий фойдалан. Чунки ҳаёт бизга устоз, халқ эса муаллимдир. Кўпинча турмуш бузишга маишатпараст, манфаатпараст киши сабаб бўлади. Бундай шахс кишини

чин дилдан ҳурмат қила олмайди, умр йўлдошининг ша-
рафини, ор-номусини сақлаш учун кураша олмайди ва уни
дилдан ҳурмат қилиш, унга маънавий бойлик инъом этиш
каби одамийлик фазилатларидан ҳам маҳрум бўлади. Шун-
дай экан, дўстим, турмуш қурмоқчи бўлсанг, севган умр
йўлдошининг ору номусини кўз қорачиғидек сақла, у
билан фахрлан. Кўринганга муҳаббат изҳор қилиб юрган
беҳаёдан узоқроқ юрганинг маъқул. Бундай кишининг
муҳаббати сохта бўлади.

Улуғ мутафаккир ёзувчимиз Ойбекнинг таъбири билан
айтганда, муҳаббат ахлоқий гўзалликдир. Чин севги
қалбдан макон олади, ундан қонга ўтиб, бутун вужудингга
сингади, Умр ўтади, ҳаётнинг аччиқ-чучук дамлари ҳам
ўтади, лекин қалбдан ўрин олган севги бир умр яшайди.
Севга табиат, жамият ҳақидаги фан асосларини чуқур
билиш ҳаётинг учун қанчалик зарур бўлса, севиш-севилиш
сирларини эгаллаш ҳам ажойиб оила қуришинг учун шун-
чалик зарурдир. Дўстим, баъзилар куёв ёки келин танла-
салар, фақат уларнинг данғиллама участкаси-ю, машинаси
ва мол-мулкига қараб тўн бичадилар. Ундай кишилар
кўпинча келин-куёвнинг иқболига ва истиқболига болта
урадилар. Шундай эр ва хотинлар борки, улар керагидан
ортиқ зебу зийнатга, катта уй ёки қўша-қўша гарнитурлар
ва машиналарга эга эмаслар, лекин оддий оила яшаши учун
керак бўлган зарурий шароитлар бор.

Энг муҳими, тотув яшайдилар, ҳаётлари қувноқ ва бир-
бирларига меҳру вафо, садоқатлари бор, очиқ чеҳра-ю
ширин сўзлари бор. Дўстим, мен узоқ йиллар давомида
ёш авлод билан мулоқотда бўлиб, уларнинг суҳбатларида,
мунозараларида ва мушоираларида қатнашдим. Севги нима?
Умр йўлдошини сайлашда асосий талаблар нима? Деган
тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказилди. Бу хилдаги
ҳаётий кузатишлар ва ёшларнинг тарбиявий ишларини
таҳлил этиши шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг бу бўрадаги
талаблари ўринли.

ҲУСН ТҶЙДА, АҚЛ КУНДА КЕРАК

Баъзилар муҳаббатнинг асосий моҳиятини фақат
кишининг ташқи қиёфасидаги ҳуснда деб биладилар. Доно
халқимиз "Ҳусн кўнгли хуши, ақл умр қуши" ва "Ҳусн
тўйда, ақл кунда керак" дейди. Лекин биз ташқи гўзаллик
керак эмас, демоқчи эмасмиз. Инсондаги барча гўзалликни
баҳолай билишнинг ўзи одамийлик белгиси. Маълумки,
халқ дилидан чуқур ўрин олган ҳар бир қалам устаси ва

санъат соҳиби табиатдаги, ҳаётдаги, одамлардаги гўзалликлардан нафис завқ топганлар.

Маълумки, бу борадаги Шарк классик адабиёти, шу жумладан, ўзбек адабиёти ҳам бой анъанага эга. Улар Лайлию Шириннинг, Кумушбибию Раънохонларнинг гўзал қиёфасида, умуман барча қаҳрамонларнинг зебо сиймосида у ўз ифодасини топган.

Айниқса, ёшларимиз инсоннинг ташқи қиёфасидаги гўзалликни нафис дид ва чуқур фаросат билан ҳис этадилар. Аммо биз кишидаги ташқи ҳуснга ортиқча маҳлиё бўлиб, унинг ички дунёсини, маънавий гўзаллик каби муҳаббатнинг моҳиятига енгил-елпи қараш кўпинча кўнгилсиз яқунланишини эслатиб ўтмоқчимиз. Ҳаётда синалган бир ҳақиқат бор. Баъзи бир кишининг ташқи кўриниши анча чиройли бўлса ҳам, унинг хулқ-атвори ўзига тортмайди.

Киши унчалик хушсурат бўлмаса ҳам, иффати, хатти-ҳаракати билан одамни ўзига тортади. Шунинг учун ҳам доно халқимиз "чиройли гўзал эмас, балки севганинг гўзал" деб бежиз айтмаган. Ҳусн ахлоқий гўзаллик билан кўркам. Ахлоқий томондан гўзал бўлмаган ҳусн қалбга ҳарорат бахш этмайди. Севган кишининг ташқи ҳусни ўзига хос бир жозибали куч, лекин у умр ўтиши билан тугаб боради, қалбнинг чиройи эса зеболик касб этиб, доимо яшайди. Чин севги асло қаримайди, тобора тиниқлашади, лекин унинг камол топишининг асосий шарти ҳар икки томоннинг муҳаббат туйғуларини муқаддас билиб, ардоқлаб, ҳаётга, эзгуликка бирга интилишларидир. Умр ўтади, лекин инсонга берилган чин муҳаббат бир умр барҳаёт. Яна ҳаётда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, бир томон иккинчисига қараганда ортиқроқ севиши мумкин, лекин кўпроқ севилган иккинчи томон оқил инсон бўлса, ҳеч қачон ўзини баланд тутмайди, кибру ҳавога берилмайди ва қўлидан келганича ҳамроҳининг дилини кўтаришга интилади, унга инсонпарварлик билан ёндошади. Хуллас, умр йўлдоши танлашда ёлғиз ҳусн қидирган эмас, балки ақл-одоб излаган ютади. Умр йўлдошининг ҳуснини ҳам иложи борича ўзига монанд ва муносибини тошгани яхши. Суратига ортиқча берилиб кетиб, калтабин киши билан турмуш қурган одамнинг ҳаёти кўпинча жуда оғир кечади. Ана шундай ҳусн олдида кўзи хира бўлиб қоладиган кишиларни назарда тутиб, доно халқимиз "Севгининг кўзи кўр бўлади", дейди. Ўзингдан ортиқ чиройли одамга уйланад экансан, билгилки, маъшуқалар унинг йўлини тўсиши ва улар бор бойлигини, куч-қудратини восита қилиши мумкин.

Афсуски, гўзалларнинг кетидан қувадиган, ўнг қўлидан ҳайдаса, чап қўлига қўнадиган пашша каби шилқимлар ҳам бўлади. Ундай шахс пашшадек хира бўлади. Иродасиз

киши маъшуқаларининг мақтовларидан талтайиб кетиб, ўз ҳуснига ортиқча баҳо беради. Ҳуснига андармон бўлиб, умр йўлдоши устида ҳоқимлик қилади ва уни менсимай камсита бошлайди. Бунинг натижасида умр йўлдошининг қалбидаги муҳаббат ўрнини бора-бора нафрат эгаллайди. Ўз ҳуснига ортиқча баҳо бериб, маъшуқаларнинг мақтовларидан талтайиб, кибрланиб умр йўлдошини камсита бошлаган киши эса, ёшлигида сепган бу уруғнинг маҳсулини қариганда йиғиб-териб олади.

Хуллас, ҳусндорлар чиройли гул каби кўзга яқин бўладилар, агар улар ўз ҳуснларига мағрурланиб кетсалар, қўлма-қўл ўтган гулдек тез сўлиб, назардан қоладилар.

Ёш дўстим, умр йўлдошисайлашда энг оқил маслаҳатчи ўз қалбингдир. Чунки юқорида биз йигит ва қизларимизнинг ўзлари учун умр йўлдоши танлаш, қўшгани билан қўша қариш борасидаги айрим мулоҳазаларни сўзлаб ўтдик. Инсон бир-бирини чин дилдан севиши ва ўзи учун умр йўлдоши сайлаши ва у билан турмуш қуриши мумкин. Ҳаётда янги бунёд топган кўп оилалар бахтиёр бўлиб бирга яшамоқдалар. Хуллас, бирга тотув умр кўришининг шарт-шароитлари нимадан иборат деган савол туғилади. Маълумки, маслаҳат билан пиширилган таом каби муҳаббат билан қурилган турмуш ширин бўлади. Йигит ва қиз самимий муҳаббат билан топишса, бир умр ажралмас дўст ва ёр бўлади, самимий турмуш кечиради. Шунинг учун биз ота-оналарга мурожаат қилиб айтаминки, қизингизни ҳам, ўглингизни ҳам севмаган кишисига асло унаштира кўрманг.

Ота-она ўғил ва қизларининг дилида ниш ура бошлаган севи, муҳаббат ҳис туйғуларига бепарво қарамасликлари лозим, чунки тортинчоқ болалар сирларини ота-оналаридан яширишга уринадилар, бунинг оқибатида кўнгилсиз воқеалар ҳам содир бўлади. Йигит-қизлар ҳам дилларида ниш урган муҳаббат туйғуларини ақл ва фаросат билан ота-онага сездирмоғи ва уларнинг фойдали маслаҳатларини қулоққа олмоғи лозим. Ҳеч қайси ота-она ўз фарзандини ўтга ташламайди. Қизининг ҳам, ўглининг ҳам бахтиёр турмуш қуришини умид қилади.

Ўзаро меҳрибонлик қанча кўпроқ ортса, муҳаббат юлдузи яна кучлироқ порлайди. Ўзаро меҳрибонлик муҳаббатни янгидан яшартиради. Агар умр йўлдошинингга бутун қалбингни бағишлай олмасанг, қурган оиланг пойдевори бўш бўлади. Оиланинг мустаҳкамлиги эр ва хотиннинг ўзаро ҳурмати ва меҳрибонлигидадир. Эзгуликнинг моҳияти умр йўлдошининг шодлигини, ташвишини, қайғусини, дарду аламини ўз устига ола билишдадир. Баъзан ҳаётда эр-хотин ўртасида тенглик ва ўз бурчининг

моҳиятини тўғри тушуна билмаслик натижасида кўнгилсиз воқеалар ҳам рўй беради. Бу ўринда бир оилада бўлиб ўтган воқеани сенга ҳикоя қилмоқчиман.

Бир йигит билан бир қиз бир-бирларини яхши кўргандай бўлиб, турмуш қурдилар ва яхши тотув бўлиб яшаб юрдилар. Маълум бир вақт ўтгач, орада бола туғилди. Аёл бола тарбияси билан шуғулланди. Эри эса ўзи севган илмий ишига берилиб кетди, яъни илмий-тадқиқот ишининг сеҳри билан яшай бошлади. Ҳатто у илмий ишига шу даражада берилиб кетдики, оилага, айниқас, ёш умр йўлдошига эътибор бермай қўйди. У рафиқасидан фақат ёзган қўл ёзмаларни оққа кўчириш ва ўз вақтида овқатидан хабар олиш, иш хонасини тартибга солиш каби вазифаларнигина талаб қилди.

Ёш аёлнинг эса эри билан кино, театрларга боргиси келарди. Эр эса турмуш ўртоғи билан маданий дам олиш учун вақт ажрата олмади. Ваҳоланки, инсон ҳар қандай жамоат иши билан банд бўлганда ҳам оила қошидаги бурчини адо этиш учун вақт топиши зарур. Аёл оиладаги уй-рўзғор ишлари ва бола тарбияси, эрининг ижодига ёрдам қилиш билан банд бўлади ва ишлаб турган ишини ташлади. Давр ўтиб, эри фан кандидати деган унвонга муяссар бўлди. Аста-секин бахти кулиб, мавқеи орта бошлади. Фожиа шундаки, унинг атрофида лаганбардорлар кўпайди. Логанбардорларнинг мақтовлари унинг кўзига парда ташлади. Узоқни кўра олмайдиган бўлиб қолди. Мақтовлардан талтайиб, кибру ҳаво пайдо бўла бошлади. Хуллас, энди уйда ўтириб қолган хотин унинг кўзига қолоқ ва хунук кўринади. Уни камсита бошлайди. Ниҳоят, ўртадаги ўзаро ҳурматга путур етади. Натижада улар ажралишади.

Ана, ёш дўстим, бирга ҳаёт кечириш қанча мураккаб ва нозик. Бу икки ёш ўртасида аввало чуқур ва кучли муҳаббат бўлмаган, улар ўртасидаги муҳаббатга ўхшаб кўринган туйғу аслида сароб бўлиб чивқди.

Агар сен ҳар қандай улуғ унвонга ва мартабага эришсанг ҳам, сенга ён қанот бўлган умр йўлдошингни унутма, чунки умр йўлдошининг бахту иқболи устида қайгурмай, фақат ўз фароғати ҳақида ўйлаган киши ҳурматга нолойиқдир. Модомики, турмуш қурган экансан, энди ўзинг учунгина эмас, балки умр йўлдошингни ва фарзандларининг ҳам моддий ва маънавий эҳтиёжи учун қайгурмоқ сенинг инсоний бурчингдир. Инсон вақти-вақти билан "умр йўлдошим иқболи учун нима қила олдим" деб ўз-ўзининг қалби билан суҳбатлашиб олмоғи зарур. Яхши инсон умр йўлдошининг камолоти учун қилган ишларидан ўзи тўла қаноат ҳосил қила олиши лозим.

Шуни унутмаслик керакки, агар кишининг бошига қандайдир кутилмаган оғир кулфат тушгудек бўлса, унинг биринчи ҳамдарди содиқ турмуш ўртоғи бўлади. Турмуш ўртоғининг ҳам, фарзандларининг ҳам сенга қанчалик меҳрибонлигини шунда яхшироқ англайсан. Маълумки, киши касал бўлган вақтида оила аъзоларидан меҳрибонлик кутади. Умр йўлдошининг бир оғиз ширин сўзи унинг қалбига ёқилган чироқ бўлади. Агар яхши одамнинг умр йўлдоши касал бўлиб қолгудек бўлса, у ёшликдаги меҳру муҳаббатини, ёшлик қиёфасини кўз ўнгидан асло кеткизмайди, балки яна кўпроқ меҳру муҳаббат билан унинг ҳаста кўнглини овлайди. Умр йўлдошидан меҳрибонликни ҳар ким ҳам хоҳлайди. Лекин ўзи унга меҳрибонлик кўрсата билиши азиз инсоннинг фазилатидир.

СЎРИ ТАГИДА СЎЛГАН МАЛОҲАТ

Баланд токнинг сўриси тагида қордек оппоқ чойшаб тўшалган кароватда кўрпага ўралиб бир гўзал аёл ётибди. Унинг чеҳрасида ёшликдаги гўзаллик излари ҳануз сақланган, пайваста қошлари камалакдек эгик, узун киприклари остидаги қоп-қора кўзлари эса андек хиралашган. Шу ҳолатда у тепасидаги япроқлар орасидан мўралаб турган узум бошлари унинг мажолсиз ҳолини томоша қилаётгандек. Шу он бир вақтлари ўз отасининг боғидан шу ток навларини олиб келиб эккани, меҳр билан авайлаб парвариш қилгани хаёлидан бирма-бир ўтди. Аммо нима учундир, улар билан видолашгандек кўз ёшлари марварид доналаридек юмалади. Ёнида унинг учун жон фидо қилишга тайёр турган, оғир изтироб билан бошини авайлаб силаётган меҳрибон кишига кўз қирини ташлади. Унинг маъюс боқишларидан қандайдир бир маъно англаган меҳрибон одам ток қайчисини олди-да, олтиндек пишган икки бош узумни узиб, ариқда шарқираб оқаётган зилол сувга чайиб, секин дастурхон устига келтириб қўйди. Бир шингилни олиб, қадрдонига узатди. Аёл мажолсиз қўллари билан узумни олиб лабларига текизди-да, ёнидаги меҳрибон эркакка "сенга охириги марта боқишим бўлса керак, сен билан ўтаётган шу дамларнинг ҳар бир они мен учун ғанимат" дегандек пичирлади. Шу он бу азиз кишига қўйган муҳаббати, бирга кечган ширин умр савдоси бирин-кетин кўз ўнгидан ўтиб, унинг кўз чашмаларидан яна кучлироқ сел келди. Тўхтовсиз тўкилаётган кўз маржонларини ҳамроҳи дастурмол билан артиб қўярди.

— Йиғламанг, азизим, тузалиб кетасиз, — тасалли бера бошлади у, лекин ўзи ҳам чидаб туролмай бўзлаб юборди.

Йироқда танбурнинг мунгли садоси эшитилди. Бу ёқимли куйни аёл кўзларини юмиб тинглади, унинг лабларида мажолсиз табассум кўринди. Бу майин табассум замирида "бу куйни биринчи марта сизнинг ижроингизда эшитганман. Шунинг учун бу куй менга қадрдон", деган маъно бор эди.

Аёл қора кўзларини яна меҳрибон кишига сўнгги марта тикди-да: "мен сиздан розиман, сиз ҳам..." деди-ю, бошқа ҳеч нарса дея олмади. Орадан бир зум ўтгач, сакраб турмоқчи бўлиб, жон-жаҳди билан бошини кўтарди, аммо ноилож яна ёстиққа бош қўйди. Кўзлари аланг-жаланг ҳолда дарахтларга ишора қилиб, "қаранг-а, ҳазонлар тўкиляпти, умри тугаганга ўхшайди" деди.

— Жоним, нега бунақа гапларни гапиряпсиз, — деди эркак дунёда ўзи учун энг азиз бўлган аёлнинг сочларини силаб-сийпалар экан.

Аёл эса бир нафас бўлса-да, ундан кўзларини узолмайди.

— Сиздан илтимос, — деди аёл эрига кўзларини катта очиб қараб, — ўша азиз нури дийдаларимиз Ҳасан-Ҳусанларнинг туғилган кунлари қилган аҳду-паймонларимиз: и сира унутманг. Эсингизда бўлса керак, улар туғилганда қандай ширин орзу-истаклар қилган эдик. Уларига муносиб оқила қизлар, яъни Фотима-Зухролар топилса, бир кунда тўй қилиб, иккаласини ҳам уйлантириб қўяйлик деб, умид қилган эдик. Афсуски, мен тилагимга етолмадим...

— Аёл кўзини юмиб олади... Нега болаларим келишмаяпти-а? Наҳотки, уларни кўролмайд кетсам...

Кўз гавҳаридай қимматли болаларини кўриб қолишга орзуманд бўлаётган онага нима учундир болаларининг кечикканидан изтироб чекаётган ота:

"Жоним, болалар ҳозир келиб қолишади" деса-да, ўзи ҳам баттар бетоқат бўла бошлайди. Аммо ноиложликдан ҳовлида турган бўш челақни қўлига олиб, ариқдан сув тўлдиради ва худди сада қайрағочларидек тўп бўлиб ўсган райҳонларга сув сепади. Улардан сув атрофига гуркираб муаттар ҳид таралди. Сўнгра у ток қайчисини яна қўлига олиб битта оқ ва тўққизил гул узди, унга райҳон қўшиб, беморнинг каравоти ёнидаги гулдонга солиб қўйди ва яна қайтиб келиб ўриндиққа ўтирди.

Шу он кўчадан машинанинг гувиллаган товуши эшитилди ва қўлида сумка, энгида оқ фартук кийган врач, у билан кетма-кет Ҳасан-Ҳусанлар кириб келишди. Болалар оналарига атаб олган ноз-неъматларни стол устига қўйишди-да, сўнгра бири онанинг бошига ўтирди, иккинчиси эса онанинг озиб устихон бўлган қўлларини силаб-сийпалашди. Фарзандларига интизор бўлиб ётган она уларни кўриши билан беҳад шодланиб, мадорсиз лабларини зўрға қимирлатиб, "Раҳмат, болагиналарим", деб улардан

кўз ёшларини яширишга уриди. Дилида "наҳотки дийдорларингизга охириги марта боқаётган бўлсам" деб, ҳолсиз қўллари билан уларнинг пешоналаридан бир-бир силади, сўнгра илтижо қилгандек кўзларини мўлтиратиб:

— Сизлар уйга кириб дамларингизни олинглар, менинг Ҳафизахон опангизда икки оғиз маслаҳатли ишим бор, хўпми, — деди.

Ҳасан-Ҳусанлар бир оталарига, бир меҳрибон оналарига, сўнгра Ҳафизахон опага қараб олишди-да, ноилож ичкарига қараб йўл олишди.

Ўзининг энг яхши дугонаси ва ҳамкасбининг бундай оғир, нажотсиз бўлиб қолганига юрак-бағри эзилган, дўстини сақлаб қолиш учун жонини фидо қилишга тайёр турган Ҳафизахон бемор устида парвона бўлади. Дугонасининг кўрсатаётган бундай илтифоти учун бемор аста шивирлайди:

— Раҳмат сента Ҳафиза, сента қандай қилиб миннатдорчилик изқор қилишимни сира билмайман. Бошимга қачон бир иш тушгудек бўлса, қандай қилиб хабар топиб ёнимга етиб келганингга сира ақлим етмайди...

Аёл яна гапиришга интилса-да, лекин мажолсиз лаблари ва қақраган тили ҳаракатга келмайди. Пиёлага ишора қилиб, сув беришларини илтимос қилади. Ота пиёлада сув тутади. Бемор ҳолсиз кўзлари билан унга узоқ термилди. Шу он қуюқ киприклар остида қайноқ икки томчи ёш кўринди...

Ўз севгилисидан жудо бўлганини кўрган умр йўлдоши гўё унинг ухлаётгандек кўҳлик юзларига юзини босиб дил-дилидан бўзлади. Инги овозини эшитган Ҳасан-Ҳусанлар ичкаридан ўқдай отилиб чиқишди, меҳрибон оналаридан айрилганликларини сезган болалар ва гамхўр дугона — Ҳафиза отанинг фарёдига ҳамоҳанг бўлдилар.

— Наҳотки, сендек азиз инсонни шум ажал орамиздан қолиб олиб кетса-я...

Шу он дугонасининг дилидан яна шундай фикрлар кечади: "Жонгинам, дугонажон, бир вақт сен мени ўлим ёқасидан қутқариб қолган эдинг, аммо мен сенинг олдингда ўз қарзимни адо этишдан оқирлик қилиб қолдим. Афсуски, бу дардинг давоси йўқ экан"... Шуларни дер экан, унинг кўз ёшлари селдай оқар эди.

Шу пайт шамол эсиб, кўкдаги ойнинг юзига чодир тутди ва уни кўздан яширди. Юлдузлар ҳам худди фарёд чекаётгандай милтиллаб қолди, изтиробда қолган дарахтларнинг зумрад япроқлари бу қайғули хабардан оҳиста тебранишга тушди, худди шивирлашгандек, шилдирашиб қолди. Мотамсаро осмон ҳам бу гапга дош беролмай кўз ёшларини қуя бошлади.

Ана, ёш дўстим, бу азиз инсонлар ўртасида боғланган дўстлик ва чинакам севги ҳаётнинг ҳар қандай тўлқинларига бардош берди ва улар бир умр меҳрибон ва ҳамдард бўлиб яшадилар.

Азиз синглим, севга айтадиган алоҳида сўзим бор. Хуш-фёъл, заковатли, иболи бўлиш ақлли қизларнинг фазилатидир. Доно халқимиз, "эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин" дейди. Бу халқ донишмандлигида маълум ҳақиқат бор. Модомики, бир йилгитни севиб турмуш қурган экансан, булбул каби хуш-мақом, ширин забон, хушбўй гул каби муаттар ва назокатли бўлки, оқибатда сен шундай жозибадор рафиқа бўласанки, қаллиғинг опшиқи булбул каби бир умр сенинг муҳаббатинг билан яшайди. Агар эр ва хотин бир жойга интилса, билгинки, уларнинг биттаси айбдор эмас, балки умр йўлдошингни ҳам ҳиссаси бор.

Шогирдим, шуни ҳам эслагилки, агар умр йўлдошинг сендан узоқлаша бошлаган экан, сен ўз фёэлу атворингга, хатти-ҳаракатингга, ёстиқдошингга бўлган муносабатингга чуқур назар солмоғинг лозим. Дўстим, одам вақти-вақти билан ўзини ўзи ўрганиши лозим, бу билан киши ўзи учун муҳим сабоқ олади. Сен шундай олижаноб фазилатларни касб этгилки, бу олижаноб фазилат умр йўлдошингни ўзига жалб этсин, севгилинг сенинг атрофингга парвона бўлсин.

Жозибадорлик, дилраболик аёл киши учун бебаҳо бир гўзалликдир. Аёлларнинг ўзларига хос бўлган иффату ла-тофатлари ва кўркамлик, оналарга хос меҳрибонлик каби фазилатлари мавжуд. Бу фазилатлар хотин-қизларни без-айди.

СЕВГИ САДОҚАТ БИЛАН ГЎЗАЛ

Оила қасрини мустаҳкамловчи жуда муҳим омиллардан яна бири эр ва хотиннинг бир-бирига бўлган вафоси, садоқатдир. Муҳаббат бир гулшан бўлса, унинг боғбони садоқатдир. Узаро қилинган аҳду паймонларга ҳаётда сидқидилдан амал қилиш бирга умр кечирининг энг муҳим эҳтиёжларидан биридир. Агар чин севги пок садоқат билан безанса, у олтин узукка ёқут кўз қўйилганидек гўзаллик касб этади, севги, вафо билан нурга тўлади. Севги шундай бир қушки, садоқат йўқолган жойдан дарҳол учиб кетади. Муҳаббат нуқрадек оқ ва пок бир гулдирки, унга заррача доғ тегса, дарҳол кўзга ташланади ва муҳаббатга хиёнат қилган киши эл назаридан қолади. Шундай экан, муҳаббат гулига гард тегмаслиги керак.

Умр йўлдошинг йўқ бўлса ёмон, агар бор бўлса-ю, бевафо бўлса, ундан ҳам ёмон. Севган кишиси қошида қилинган аҳду паймонларни унутиш лафзи йўқ сохта муҳаббатли шахсларнинг ишидир. Оила қасрининг замирини бевафолик ва бемеҳрлик емиради.

Мен ҳаётда яна шу нарсага чуқур ишонч ҳосил қилдимки, эрга вафосизлик қилиб, уни ташлаб кетган аёл эрининг куясига, хотинини қадрламай ташлаб кетган эр эса, хотиннинг куясига учрайди. Бир уйни ёмон деб тарк этишдан олдин янги борадиган хонадонингни аввалгисидан яхши бўлиш ёки бўлмаслигини ўйлаб кўр.

Умуман энгил ҳаёт кечирिशга одатланиб қолган киши ўз умр йўлдошига ҳам бевафо, бемеҳр бўлади. Кўпинча, бундай ҳол турмуш қургунига қадар кўча-куйда санғиб юрган шахсларда рўй беради. Сен ёшлик баҳорингни саёқ ва бебош ўтказма! Турмуш қурмоқчи бўлган йигит-қиз ёшлик даврини носоз ўтказиб юбормасдан, ўз вақтида умр йўлдоши топгани яхши. Ёшлигида гўзал бўлган қиз йигитларининг бирини ўпоқ, иккинчисини сўпоқ деб, тул қолиши мумкин. Шундай гўзал ҳаётдан ўзига умр йўлдош сайлай олмаган киши умри беҳосил ўтган дарахтга ўхшайди. Зерикиш, тушкунлик, умидсизлик каби кайфиятлардан ҳалос этадиган энг яхши шифокор ҳам оқил ва содиқ умр йўлдошидир.

Ҳаётда икки пок қалб ўртасидаги муҳаббатга раҳна ташловчи, айниқса, эркаклар билан аёллар ўртасидаги самимий дўстликни ёмонликка йўядиган дили носозлар ҳам бўлади. Ундай кишиларнинг ўзларининг қалблари "кир" бўлгани сабабли бошқаларни ҳам ўзларига ўхшатадилар, эшикма-эшик кезиб, ҳар хил иғво, фитна тарқатишдан ҳам тоймайдиган шахс ўз уясини булғатиб, қўшниларининг уйларини булғатиш учун девор ошаётган дайди товуқни эслатади. Ундай шахс ёмғир бера олмайдиган, лекин қуёшнинг нуруни тўсадиган булутга ўхшаб, ўзи одамлар билан дўстлаша олмайди, аммо бошқаларнинг оилавий дўстлигига тўғаноқ бўлишга уринади.

Дўстим, мен ҳаётда бир қанча ёшларнинг оилавий келишмовчиликларини ислоҳ этишга қатнашдим. Бу эса менга бирмунча сабоқ берди. Аввало, эр-хотин ўрталарида қандайдир англашилмовчилик туғилса, ўзлари тил топишга ҳаракат қилганлари яхши. Баъзан севган ва севилган кишилар ўртасида ҳам қандайдир кутилмаган ихтилофлар чиқиб қолиши мумкин. Иложи борича уни мураккаб-лаштирмаслик керак. Оилавий муросада ҳам бирдан ўт чиқмайди, аввал тутун чиқади. Оқил кишилар аланга олмасидан ўчирадилар.

Маълумки, муҳаббат забт этган қалб эгаси ниҳоятда ўткир зеҳн, яхши хулқ ва инсонпарварлик касб этади. Бу ижобий туйғулар унга рўй берган ихтилофларни оқилона баргараф қилишга ёрдам беради. Шунинг учун иложи борича учинчи бир киши эру хотин ўртасига тушмагани маъқул. Айниқса, билар-билмас аралашиб улар ўртасидаги муносабатни мураккаблаштириши мумкин, яъни қош қўяман деб, кўз чиқарганлар ҳам бор. Шунинг учун доно халқимизнинг "Эр-хотин ўртасига эси кетган тушади" ёки "Эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши" деган гапи катта ҳаётий тажрибанинг натижасидир. Лекин эр ва хотин ёшлик қилиб, ўзаро тил топа олмай, ўртадаги муносабат узилиб кетиш хавфи туғилган шароитда бир куйлакни ортиқ йиртган, кўпроқ ҳаётий тажрибага эга бўлган оқил оталар ва оқила оналарнинг жуда эҳтиёткорлик билан панду насиҳат қилишлари натижасида уларнинг турмуш иплари уланиб кетиши мумкин. Яна шу ҳақиқатни ҳам эслагилки, турмуш ипи узиб уланаверса, унинг тугуни кўпаяди, тугун кўпайса, турмушни боғловчи ип мўрт бўлади. Сен дуторга бир назар сол, унинг ипларида тугун кўпайса, овози хунук бўлади. Оиладаги муносабат ҳам шундай, унга тугун туширмасликка ҳаракат қил.

Ёш дўстим, яна шуни ҳам унутмагилки, ўзаро ишончни мустаҳкамловчи бузилмас қулф бу ростгўйлик, ҳаққонийлик ва ҳалолликдир. Аввало ўзинг ҳақингдаги барча ҳақиқатни бўлғуси умр йўлдошингга ўзинг айтганинг маъқул, токи у бошқалардан ҳеч нарсани эшитмасин. Дилидаги ғам ва ташвишни умр йўлдошига очиқ айтмай, ичга ютишдан кўра уни айтиб ошкор қилган афзал. Маълумки, тиканни бадандан чиқариб ташлашнинг анча алами бор, аммо у ичкарига йўл олса, азобу уқубати беҳад ортиқ бўлади. Чунки у вужудда фасод бойлайди. Шунинг учун оилавий муросада қандайдир ноаниқлик рўй берса, уни фаҳму фаросат билан ечиш учун дилда борини бир-бирига очиқ-ойдин айтиш керак. Агар эр ва хотин бир-бирининг дилидаги орзу-умидларини билмаса ва билишга ҳам қизиқмаса, улар ўртасида самимият бўлмайди. Оиланинг қувончи эр ва хотин бир-бирларининг қалбларини чуқур англашида ва дилдаги орзу-умидларни бунёд этиш йўли ўзаро ҳамдамликдир.

Хуллас, оилавий ҳаётда ҳамдамлик, ҳамдардлик ва аҳиллик мушкулларни осон ва кўзлаган манзилни эса яқин қилади.

АЁЛ ЛУТФИ ҲУРМАТГА САЗОВОР

Ўғлим, сенга айтадиган алоҳида сўзим бор. Сен йигитсан. Йигит киши қиз қошида ғайратли, шижоатли бўлиши лозим. Сен ўзингнинг баҳодирлигинг, мардлигинг ва ахлоқинг, ақлий камолотинг, хулқ-атворинг билан рафиқангнинг мадҳига сазовор йигит бўл! Оиланинг кўрки ҳам, безаги ҳам аёллардир, агар уйинг зарҳал билан безалган бўлса ҳам, оқила аёл бўлмаса, у уйнинг файзи ва зиёси бўлмайди. Умуман, эркакнинг рафиқасига кўрсатадиган меҳрибонлиги, парвариши ҳар қандай жавоҳирдан ҳам қимматлидир. Аёл киши эркакдан қалби дарёлик, лутфкорлик, латиф сўз, дилхушлик, ширин ва гўзал муомала, ғайрат ва шижоат кутади. Турмушга чиққан қиз бамисоли кўчирилган нозик ниҳолга ўхшайди. Уни янги бир оила қучоғига кўниб қолиши, палак ёзиб ўсиб=униши эса кўп жиҳатдан унга уйланган йигитнинг меҳру муҳаббати ва кўрсатган гамхўрлигига боғлиқдир. У ёш ниҳолни қанча меҳр билан парвариш қилса, у шунчалик яхши камол топади. Умр боғбони, шуни ҳам асло унутмаслигинг лозимки, бу нозик ниҳол бошқа бир оиланинг муҳитига ўрганган, янги бир муҳитга кириб, унга ўргангунча қиз боланинг руҳий ҳолатида чуқур бурилиш рўй беради.

Менинг назаримда ёшларнинг турмушлари бузилишига сабаб бўладиган қуда-анда райҳон билан жамбул ўртасида ўсган ажриққа ўхшайди. Мен ундай ота-онага “модомики, қизинг борган жойида тинчимаган экан, аввало ўзинг қизингни тиниб-тинчиб кетиши борасидаги қилган ёрдамнинг ва қизингнинг ранжишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатингни виждон тарозисида бир ўлчаб кўр”, дейман. Куёвим ундоқ, куёвим бундоқ деб камситишдан олдин ўз қизим қандоқ деб, виждонинг билан бир чуқур гаплашиб ол! Куёвинг устидан идорама-идора шикоят қилиш ўрнига унинг ҳурматини ўрнига қўйсанг, иззатда ва ҳурматда бўласан. Қизинг тушган хонадонга яхши ният билан қадам қўй, шунда куёвинг эшиги сенга доимо очиқ бўлади.

Икки ёш бир-бирларини севиб турмуш қуришди, лекин қиз ота-онасининг кенжа, эрка қизи бўлгани учун илгари у нимани хоҳласа, муҳайё қилинарди. Қиз ҳаётда ҳеч қийинчилик кўрмаган, у келин бўлиб тушган оила эса оддий оила бўлиб, улар ёмон яшамасалар ҳам, лекин қизнинг отасиникидаги каби кошоналари ҳам, енгил машиналари ҳам йўқ эди. Қиз ўз оиласида ҳеч қандай меҳнатга ўргатилмаган, ҳатто овқат пиширишни ҳам

билмас эди. Янги келин қайнона ва қайноталар қошида ўзини ўнғайсиз сеза бошлади. У “мен оила турмушига ноқобил эканман” деб ўқиниб, ҳатто бир оз умидсизликка ва тушқунликка юз ўгира бошлади. Лекин унинг умр йўлдоши жонига оро киради ва унга яхши таянч бўлди. У ўз ота-онасига келинларининг яшаб ўсган муҳитини тушунтирди. Ўғлининг келинига бўлган меҳру муҳаббатини сезган қайнота билан қайнона ёш келинчакни уй-рўзгор ишларига аста-секин ўргата бошладилар. Келин ҳам оиланинг муҳитини ўрганиш учун интилди. Эри унга йўл-йўриқ кўрсатди ва ўргатди.

Ёш дўстим, оқила қиз ўзи яшаб ўсган муҳитга нисбатан оддийроқ ва камтарин оилага турмушга чиқса ҳам баланд парвозлик қилмайди, балки севган кишиси яшаётган оддий муҳит унга ўз уйидаги ўринсиз имтиёзлардан кўра афзалроқ кўринади. Ҳатто қиз ўз ота-онасига унга ўз вақтида оилавий меҳнатни ўргатмаганлари, беҳад пайпаслаганлари натижасида ҳаётда қийналганлигини айтди. Энг муҳими, улар яхши яшаб кетишди. Эр ва хотин бахтиёр бўлдилар.

Модомики, муҳаббат ва аҳду паймон билан турмуш қурган экансан, йўлингда учрайдиган янги “севги” гирдобига ғарқ бўлмай уни енгиб ўтиб кета олиш сенинг чин инсонлигингдан далолатдир. Пок ва иродали инсоннинг қалбидаги чин муҳаббат йўналишини ўзгартириб бўлмайди. Муҳаббат гулининг ўзга гуллардан фарқи шундаки, у бир марта очилади, холос. Яна ҳаётда пок муҳаббат эгаларининг орасига нифоқ солувчи шахслар ҳам учрайди, гап унга ем бўлмай, ақл ва фаросат билан ундай ифвогар шахсни фош эта билишдадир. Мен яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдим.

Бир йилит билан қиз гўё муҳаббат қўйиб топишишибди. Лекин улар расмий никоҳдан ўтмасдан шундай яшай бошлашибди. Давр ўтиб қиз ҳомиладор бўлибди. Кўп ўтмай, булар бирга яшай олмасликларига кўзлари етибди. Муҳаббат деб ўйлаган туйғулари сароб бўлиб чиқибди. Кечаги муҳаббат бутунги уриш-жанжалга айланибди. Можаро судгача борди. Кечагина севишганларнинг бири даъвогар, иккинчиси эса жавобгар бўлди. Бир-бирларининг устидан нималарни айтмадилар дейсиз. Энди бутун жанжал бола нафақаси устида борди. Бутун муҳаббатнинг оқибати нафақа ундиришга айланди. Бу ишда кимни айблайсан? Наҳотки фақат қиз айбдор бўлса? Қўни-қўшни, қавм-қариндош, жамоатчилик қошида унинг юзи ерга қаради. Бунинг устига болани тарбиялаб вояга етказиш масъ-

улиятини айтмайсизми? Албатта, бу ишда унинг айби йўқ эмас, айби жуда катта, лекин ёлғиз унинг ўзи айбдор эмас-ку! Наҳотки, йигит ҳам моддий, ҳам маънавий жавобгарликдан қочиб, чап бермоқчи бўлса, қани виждон ҳисси? Қани унинг инсонлик бурчи? Наҳотки, у боласига нафақа беришдан ўзини олиб қочса? Наҳотки, унда қалб бўлмаса?

Баъзи бир эр ва хотин мол-мулкка, зебу-зийнатга ҳирс қўйиб, давлат ва халқ мулкига хиёнат қилади. Юлғичлик, аввало кишининг виждонини, қолаверса, ору номусни ҳам ўғирлайди. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаётлари шундай ташвиш ва таҳликада ўтадики, ҳатто хотиржам ухлолмайдилар. Баднафс, юлғич киши аждаҳога ўхшайди, унинг қорни тўйса ҳам кўзи тўймайди. Дунёга нима учун келдинг, ўзингдан нима қолдириб кетяпсан деб сўраганларида, қоринини кўрсатиб, еб-ичиб кетяпман дейдиган нафс бандалари ҳам бўлади. Майшатпарастлик билан мансабпарастлар ўртасида қандайдир ўхшашлик бор. Чунки булар мақсадлари йўлида ҳеч қандай пасткашликдан қайтмайдилар.

Баъзилар зебу зийнатга, бойликка муккасидан кетадилар, ундай кишилар умр йўлдошини жиноят ботқоғига ботиради.

Ёш дўстим, минг афсуски, ҳаётда латта-путта йиғиш учун ҳеч қандай тубанликдан, ҳатто бир кишига, турмушга чиқиб, ундан латта-путта орттириб, яна бошқасидан мол-мулк йиғишни кўзлайдиган баъзи бир разил ва пасткаш шахсларни ҳам учратдим. Бундай шахс виждон ва ор-номус каби энг бебаҳо бойликдан маҳрумдир.

Бир умр халқ учун, Ватан учун ҳалол меҳнат қилган пок бир оиланинг фарзандлари армия сафида бўлиб, бурчини ҳалол ўтаб, ота-онасининг бағрига ёруғ юз билан қайтади. Армиядан қайтгач, ака-ука учун оила бунёд этиш устида ҳам ўйлаш зарур бўлиб қолди. Бу икки эгизак йигитларга икки оиланинг қизларига ўйланиш насиб этди. Улар ўйланмоқчи бўлган қизлар билан қонуний синов муддатини ҳам белгилашди. Ниҳоят, улар бирга яшаш учун аҳду паймон билдиришди. Жуда яхши ниятлар билан никоҳдан ҳам ўтишди. Унчалик дабдабали бўлмаса ҳам тўй маросими кўнгилли ўтди. Ҳамдам йигитлар умр йўлдошлари билан не-не орзу умидлар билан янги оила бунёд этдилар. Укасининг толеига ҳаётнинг оғир-енгилини бошидан кечирган, дунёнинг паст-баландига ақли етган, анча узоқни кўра оладиган бир оила тўғри келади.

Келиннинг отаси 35 йил бир станокда ҳалол меҳнат қилган, она эса кўп бола-чақа, келин-куёв кўрган камтарин, инсон-парвар аёл эди. Бу азиз ота-онанинг фазилатлари қизларига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатган бўлиб, у ҳам ифбатли-латофатли бўлади. Юқорида зикр этилгани каби яхши келин бўлиш учун инсон аввало ўз оиласида яхши қиз бўлмоғи лозим. У ўз оиласининг яхши қизи эди. Ўз хонадонидан янги хонадонга кўчирилган бу ниҳол янги жойга тезроқ ўрнаша қолди. Бу ёш ниҳолни камол топиши устида тушган хонадонидаги қайнота ҳам, қайнона ҳам меҳрибонлик кўрсатишди, ота-онаси ҳам ана шу хонадонда қўниб қолиши учун қўлларидан келганича ёрдам қилишди. Хуллас, келинчак олий маълумот олди. Фарзанд кўрди, бахтини топди. Ана, ёш дўстим, икки оила шароити мос ва монанд бўлса, ҳар икки томон меҳрибон бўлса, ёш ниҳол ўрнашади ва камол топади.

Афсуски, катта аканинг иқболи эса бир оз ўзгачароқ бўлди. Унинг толеяга бошқа бир руҳиятдаги оила тўғри келди. Бу оила мол йиғиш йўлида ҳеч қандай паст-кашлиқдан тоймайдиган оила бўлиб чиқди. Қизнинг ота-онаси қизи тушган хонадонга бўзчининг моксидек қатнаб турди. Шу ота-онанинг таълимини олган қиз ҳам ота-онасининг уйига бир дастурхон гап тугиб бориб, уйдан ҳам гап ташиб келишга ўрганди. Оилавий келишмовчиликка бир масала сабаб бўлди. Келин сотувчи бўлиб ишлаган, унинг қўлида пул кўпайган. Бу сир оилага аён бўла бошлагач, ота-она ҳар икки келин ва софдил ўғилларини ёнига чақириб, қуйидагича насиҳат қилган: “Келинларим, энди сизлар бизга фарзандсизлар. Сизларга учта илтимосим бор. Биринчиси, аҳил яшанглар, бахт топасизлар, иккинчиси уйдан-уйга гап ташиманглар, гап ташийдиган киши дўстликнинг кушандаси бўлади. Ниҳоят, биз қайнонангиз билан 48 йил фақат ҳалол меҳнатимиз ҳисобига яшаймиз, кам бўлганимиз йўқ. Оиламиз ва виждонимиз пок. Сизлардан илтимос, уйга ҳалол меҳнатдан ташқари ҳеч нарса олиб келманглар. Эртасигаёқ бу хабар қизнинг уйига етиб борди, онаси эса келиб, ғалва бошлади. Хуллас, бу ёш ниҳолни қўна олмаслигига ота-онасининг калтабинлиги ва енгил табиатлиги сабаб бўлди. Турмушлари бузилди. Бу меҳнаткаш йигитга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етди.

Ўзинг ўйла, ёш дўстим, наҳотки шу шахслар инсоннинг дунёга келиб кетишининг моҳиятини фақат латта-путта йиғишдан иборат деб англасалар, инсон қадрини оила

ифтихорини латта-путтада, кийим-кечакда деб тушунсалар? Қолаверса, бу ота-оналар, наҳотки қизининг иқболини ўйламасалар, қиз эса ота-онасининг хатти-ҳаракатини тўғри тушуна олмаса, унга танқидий ёндоша билмаса, кўр-кўрона эргашса. Билишимча, у нокас ота-онанинг яна анчагина ўғил-қизлари бор. Уларнинг ҳам бахту иқболига болта ураётганлигини бу латта-путтафурушлар қаердан тушунсин?!

Сенга бу воқеани айтишимдан мақсадим шуки, сен ҳаётда ана шундай худбинлик йўлида ҳеч қандай пасткашлик, шармандаликдан уялмайдиган носоз одамларга бепарво бўлма. Ана шу нарсага эътибор бергилки, уй-рўзгор илми ҳам ўзига хос бир ҳаёт мактабидир. Бу мактаб турмушнинг кўнгилли ўтишига катта ёрдам беради. Кўпчилик аҳил ва тотув оилалар ўз топганларини бир-бирларидан яширмай ўртага ташлайдиган ва бамаслаҳат рўзгор қиладилар. Бундай тадбиркор, режали оилалардаги турмуш фаровон ўтади. Топганини бир-биридан яширадиган каламуш нусхалар ҳам учрайди. Оила турмушини кўнгилли ўтишида зиқналик, хасислик ҳам кўпинча зарар етказди. Ҳаётнинг қонуни қизиқ

Уй-рўзгор ишларида ҳам ўзаро кўмаклашиш, асло сансалорликка йўл қўймаслик керак. Ҳозирги шароит шуни тақозо этади. Чунки эркак ҳам, аёл ҳам жамоат ишида қатнашади. Уй-рўзгор ишларида танбаллик оила иқболининг кушандаларидан биридир. Ёшларимиз уй-рўзгор ишларида ҳам кекса, аммо чаққон, лобар оналардан ўрناق олишлари фойдалидир.

Яхши қайнона келинини уй-рўзгор ишларига ўргатади ва ўз қизидек меҳрибонлик билан оила ҳаётига олиб киради. Баъзан эр ва хотин турмушларининг бузилишига ва ажралиб кетишларига ўз хатосини қайсарлик қилиб эътироф этмаслик ва ўзига нисбатан танқидий ёндоша билмаслик ҳам сабаб бўлади. Бундай ҳол кўпинча кибру ҳаволи, фақат ўзини ўйлайдиган кишиларда рўй беради.

Билгинки, ўжарлик оилани вайрон қилади. Баъзан оилавий турмушнинг бузилишига ўзининг шахсий манфаатини ҳамма масаладан юқори қўйиш сабаб бўлади. Шундай ҳол рўй бермаслиги учун баъзан бир томон оилавий муроса соҳасида онгли равишда иккинчи томонга ён бериши учун зарурат туғилади. Бир томон жаҳолат зулматига айланса, иккинчи томон қуёш бўлиб зулматни ёритмоғи лозим. Лекин бундан иккинчи томон “мен галаба қилдим”

деб кибрланиши ноўриндир. Ҳақиқат ғолиб ён берган томонда.

Менга таниш бир оила бор эди. У оиладаги уй бекаси ниҳоятда тезкор эди. Эри эса узоқни кўра оладиган, анча босиқ киши эди. У ана шу босиқлиги билан рафиқасини енгди. Аёл бора-бора эрининг измига тушди. Улар тўтув яшаб кетишди. Аёлнинг ўзи оқибат “мен тез эдим, умр йўлдошим ўзининг оғирлиги билан мени мафтун этди”, деди. Катталарга ҳурмат, кичикларга меҳрибонлик одат бўлиши лозим. Маълумки, оиладагиларнинг ҳар бири “ҳоким” бўлишга интиладилар. Агар эр ёки хотин бир-биридан “мен устунман” дер экан, билгилки, улар ўртасида на чин дўстлик ва на муҳаббат бўлади. Чунки “сендан мен устунман” деган ибора дўстликнинг заволидир. Чин дўстлик ҳам, чин муҳаббат ҳам тенгликни тақозо этади. Аксинча, тенг бўлмаган қалблар ўртасида дўстлик ҳам, муҳаббат ҳам яшай олмайди. Калтабин киши ўзидаги афзалликни умр йўлдошининг устидан ҳукмронлик қуроли қилиб фойдаланишга уринади. Эр-хотин орасидаги самимий ҳурмат ва меҳрибонлик улар орасидаги олижаноб муносабатнинг қуроли ҳисобланади. Оилавий ҳаётда ёлғиз сенинг манфаатинг эмас, балки оила аъзолари манфаатлари асосий масалалардан ҳисобланади. Бундай тадбир оилани тўғри йўлга бошлайди. Сенинг турмушинг келгуси авлод иқболи учун пойдевор бўлиши керак. Бунинг учун фақат ўз манфаатинг доирасида ўралиб қолмай, баъзан ўз манфаатингдан кечирингга ҳам тўғри келади. Эр ва хотин ўз манфаатларини ўйлаб, умр йўлдошига, фақат менинг айтганимни қилсан, менинг хоҳишим билангина яшайсан деб, турмуш ўртоғи билан ҳисоблашмаса, турмуш бузилади. Ваҳоланки, ҳаётда ҳар бир одамнинг ўзига хос табияти, ғурури ва истак-орзулари ҳамда эришмоқчи бўлган ниятлари бўлади. Бу ҳолатни ҳисобга олмаслик ҳам оилавий муросани мушкуллаштиради. Оилада фақат болаларнигина эмас, балки эр ва хотин ҳам бир-бирларини қилган яхши ишлари учун ўринли ва оқилона рағбатлантириб туришлари ўзаро ҳурмат ва бу ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи омиллардандир.

Эр ва хотиннинг бир-бирига бўлган меҳру вафоси бизга ота-боболаримиздан қолган бебаҳо меросдир.

Мен бу ўринда ёшлик хотираларимдан бир воқеани ҳикоя қилмоқчиман. Мен ёш эдим, опоқойи деб аталган бир олижаноб аёл билан умр йўлдоши Ҳафиз амаки бизга боғ қўшни эдилар. Уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-

муҳаббати ва ҳурматлари, беқийс меҳрибонликлари ҳамма қўни-қўшнилар ва қариндош-уруғларнинг тилларида достон эди. Ҳаммалари уларга ҳавас қилишарди. Ҳафиз амакининг ҳам, опоқойининг ҳам етарли ҳуснлари ва ниҳоятда гўзал хулқ-атворлари, энг муҳими, бир-бирларига бўлган самимий меҳр-муҳаббатлари бор эди. Улар ёшликларидан бир-бирларижа жуда самимий ва меҳрибон эдилар. Доим бир-бирларига очиқ чехра, ширин сўз билан муомала қилишарди. Опоқи Ҳафиз амакини “Мулла ака” деса, амаки опоқини “Тожихоним”, баъзан “Маликам” деб чақирарди. Бу хил фусункор муомала уларга жуда ярашарди. Ҳафиз амаки жуда соҳибкор боғбон эди. У боғда меҳнат қилса, опоқи “мулла акам чанқадиларми? Мулла акамни қоринлари очмадими? Ёнларига кўмакчи керак эмасми, деб ҳазил-мутойиба гаплар билан чой-пой тутиб, амаки олдида доим парвона бўлар эди, қўлидан келганича боғ ишларига ҳам қарашарди. Шунинг учун бўлса керак, опоқи амакига бобо деҳқон десалар, амаки опоқини “Деҳқонойим” деб гап ўйини қилишарди. Деҳқоной деган сўзни мен биринчи бор шу амакидан эшитган эдим. Ҳафиз амаки, айниқса, Завқий сўзи билан айтиладиган “Гиря”ни хиргойи қилганида опоқойим ром бўлиб, берилиб, жону дили билан тингларди. Улар жуда озода, дид ва фаросат билан кийинишарди. Амаки кўчага кетадиган бўлса, опоқи уни ҳазил-мутойиба гаплар билан кузатиб қўярди. Ҳафиз амакининг уйига қайтганлари ҳамма қўни-қўшниларга дарҳол маълум бўлар эди. У киши гузардан хониш қилиб, ашула айтиб келарди. Улар уйларини кулгита тўлдириб, чақчақлашиб ўтиришарди. Опоқи табиатан жуда қувноқ ва шўх аёл эди. Бир куни қизиқ воқеа бўлди. Боғда катта ҳовуз бўлиб, ҳовузнинг тепасида бир туп қизил Наманган олмаси бор эди. Опоқи ҳовузнинг бўйига келиб, “мулла ака, бу ёққа келинг,”— ҳовуз ичидаги олмани кўрсатиб — “анави олмани олиб беринг”, дебди. Амаки бир ёғоч билан олмани тортаётганда опоқи уни орқасидан келиб кийим-кечаги билан ҳовузга итариб юборибди. Амакининг “Ҳой Тожихон, юрагим чиқиб кетаёзди-ю? Бу нима қилганингиз”, деган овози чиқиб қолди. Қўшнилар ва болалар ҳовуз тепасида чувиллашиб тўпланишди. Опоқи ўзини сувга ташлаб амакига сув сепи бошлади. Амаки зўрға сувдан чиқиб олди. Бу воқеага кўп вақт ўтган бўлса ҳам, ҳар замонда опоқи амакига “мулла ака, ҳовузга олма тушибди, олиб берадиларми?” деса, амаки “ҳа, хоним ҳовузга унақа олма бир марта тушади” деб кулиб қўярди.

Амаки ҳам опоқини боғ ичида қувиб тутиб, ҳовузга ташлаб кетидан ўзи тушиб ўйнаб-қулиб, шўхлик қилишар эди. Улар шу тарзда меҳру-муҳаббат билан бирга умр кўрдилар. Ҳафиз амаки олдинроқ вафот этдилар. Мен кейинчалик опоқойининг олдиларига бориб қолсам, “мулла акам ҳозир бор бўлсалар, ҳовузга олма олиш учун тушурармидингиз”, деб ҳазил қилардим. Опоқи:

— Ҳа, болам, Раҳимжон, муллаканг яхши одам эди, — деб хўрсиниб қўярдилар. Уларнинг иноқлиги, дўстлиги бир умр менинг хотирамда ва қалбимда чуқур ўрин олиб қолди.

Дўстим, ёшликни кўркам баҳорга, табиатни гуллар фаслига қиёсладик, баҳор чаманида гуллаган ниҳол мева беради, ёшликни муҳаббат баҳори дедик. Муҳаббат баҳорининг ҳосили, бебаҳо меваси эса ҳар қандай жа-воҳирдан ҳам қиммат туради. Энг азиз ва лазиз мева фарзанддир. Фарзанд эса муҳаббат мевасидир.

МУКАММАЛЛИК, БАРКАМОЛЛИК ҲАҚИДА

Оқила қизим, тарбия тўғрисида жуда мураккаб масалаларни ўртага қўйгансиз. Чиндан ҳам тарбия айниб кетди. Бу ҳар бир кишини ташвишлантиради. Бу — аччиқ ҳақиқат, ундан кўз юмолмаймиз.

Бола тарбияси инсон пайдо бўлгандан бери мавжуд ва доимо ривожланишда, шунинг учун ҳам бу жараён абадий ижтимоийлик касб этаверади. Болага таълим ва тарбия берилар экан, уни ўраб олган ижтимоий муҳитдан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Кейинги даврда тарбияда рўй берган номаъқулчиликларнинг асосий сабабларидан бири ёшлар атрофини ўраб турган ижтимоий муҳитнинг нопок бўлиб қолганидир. Маълумки, тарбияшунослик фани иқтисодий, сиёсий ва маънавий талаблар асосида инсонга таълим-тарбия ва уни ҳаётга тайёрлашнинг умумий қонуниятларидан баҳс юритади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ижтимоий муҳит, яъни жамиятдаги иқлим ҳал қилувчи роль ўйнайди. Муҳит фисқу фасодга, товламачиликка, ахлоқсизлик кўринишларига тўла экан, тарбия ишлари бир маромда олиб борилиши қийин. Биз кўп йиллар адолатли, истиқболли эркинлик ва ҳуқуқлар кенг очиб қўйилган деб ишониб келдик, бу билан фахрландик. Маркс тушунчасига кўра, пролетариат диктатураси кўпчиликнинг озчилик устидан ҳокимлиги, яъни ишчи ва деҳқонлар иттифоқидан иборат бўлиб, давлатни идора қилишда

кўпчилик омма қатнашишини талаб қилар эди. Амалда эса ҳокимият партия ва совет раҳбарларининг қўлидаги ўйинчоққа айланиб қолди. Меҳнаткаш омма мамлакат ишидан четлаштирилиб, бир ҳовуч амалдорларнинг сиёсатини қабул қилишга мажбур этилди. Чин демократия ўрнига маъмуриятчилик кириб келди. Халқнинг ҳуқуқлари кўп ўринларда поймол қилинди. Ҳаққоний фикр айтган кишилар таъқиб остига олинди. Хуллас, ижтимоий адолатсизлик ҳукм сурди. Бугина эмас, бола атрофини ўраб турган табиий муҳит ҳам булғана бошлади. Экологик танглик авж олди. Орол фожиаси, аёллар ва болаларнинг аянчли қисматлари, армиядаги кўнгилсизликлар... Қай бирини айтасиз? Табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш маданияти раҳбарларимизда етишмади. Қисқаси, биз табиий муҳитни ифлослантириб бўлдик. Бу ҳам инсон ҳуқуқлари поймол қилиниши каби бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган яллатлардан эди.

Бола ҳаётда кимга эргашмоғи керак? У намуна оладиган қиёфа етти қават осмонда эмас, балки ўзимиз яшаб турган она заминдадир. Хўш, бола ўрناق оладиган, ҳавас қиладиган кишилар нопок бўлса, мудом ўз манфаатини, ўз нафсини ўйласа, вақтлар ўтиб, худди шу хислатларни болада кўриб, уни айблай оламизми? Умуман, инсон фарзанди ўз маслағи билан, эътиқоди ва улуғвор маслакларга ишончи билан шаклланади, яшайди. Умуминсоний ғояларнинг тағ замини бор. Балки у ҳазрат Навоий даврида вужудга келгандир. Эҳтимол, ундан аввалроқ шакланганмикин? Масалан, Одам Ато Момо Ҳаво била қовушиб, ўз зурриёдларига эга бўлгандан бошлаб тарбиянинг илк зарралари вужудга кела бошлаганмикин? Жамиятни ушлаб турувчи устунлардан бири ҳам ана шу улуғвор маслаклардир, эътиқодлардир. Маслаклар эса темир ирода билан бевосита боғлиқдир, унинг пок виждон ва онгдан таркиб топиб бориши ҳеч кимга сир эмас. Бу босқичларга путур ета бошлаганлиги ёки унга тескари саъй-ҳаракатларнинг авж олиши ёшлар тарбиясини бузиб юбормоқда.

Бу билан узвий боғлиқ бўлган белги шуки, ёш қалб ҳаётдан ўзига ижобий ўрناق қидиради. У катталарга тақлид қилишни, уларга ўхшашни орзу қилади. Минг афсуски, бу борада ҳам катталаримиз, ҳатто кичикларга ижобий ўрناق бўлишга даъват этилган айрим раҳбар кишилар ҳам ўзларининг нопок, ножўя хатти-ҳаракатлари билан "ўрناق" ва таъсир кўрсата бошладилар. Уларнинг айтган сўзлари билан қилган ишлари бир-бирига мос тушмай қолди. Болалар ўз ота-оналари, ўқитувчилари, тарбиячиларидан

одобли, назокатли, ҳимматли, камтарин ва виждонли бўлиш ҳақида кўп ўтиг-насиҳатлар эшитишади. Лекин турмуш баъзан бунга тескари қолни намоён қилиб қўяётгани равшан. Жуда катта лавозимдаги айрим раҳбарларнинг қалтис, қинғир хатти-ҳаракатларини, масалан, давлат ҳамёни билан ўз ҳамёнини адаштириб, омма ва жамият мулкига қўл чўзаётган, ўз оилаларида ижобий ўрнак бўлиш ўрнига болаларига ҳам ноўрин имтиёз бераётган, умуман, халқнинг нафратига дучор бўлаётган шахслар ҳақида оммавий ахборот воситаларидан кўриб ва ўқиб бораёпмиз. Жумладан, мамлакатнинг биринчи шахси ҳисобланган, салкам доҳий даражасида мақталган, сохта шуҳрат изидан қувиб, саноқсиз нишонлар таққан, бутун ҳаётий эҳтиёжи керагидан ортиқ даражада таъминланган Л.И. Брежневнинг ўзи ва оиласи халқ мулкига кўз олайтириб, нафсини қондиргани ҳақида ("Правда", 1988 йил 30 август, Г. Овчаренко, А. Черненко, "Зять и его кумовья") матбуотда ўқидик. Бутун ҳаётий эҳтиёжи таъминланган биринчи шахснинг қилғиликларини билиб турган халқ, қандай қилиб улуғ шахсларга тақлид қилишлари мумкин?! Шунинг учун ҳам бола қалбда жиддий, зиддиятли, шубҳали фикрлар пайдо бўлмоқда. Бир томондан, устоз-мураббийлар ҳалолликка, имонлиликка даъват этсалар, иккинчи томондан йирик шахсларнинг бошқача салбий хатти-ҳаракатларига гувоҳ бўляптилар. Болани бу салбий фикрлардан халос қилмоғимиз керак. Яхшилик уруғини унинг қалбига фақат ижобий таъсир кўрсатиш орқалигина сепа оламиз. Сир эмаски, айна дамда авж олиб кетган уюшган жиноятчилик, маишатпарастлик, юлғичлик, талон-торождлик, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик ҳодисаларини бола ўз кўзи билан кўриб турибди. У эшитганига нисбатан кўрганига кўпроқ ишонади. Биз катта ёшдаги ота-оналар, тарбиячилар болага фақат ижобий ўрнак кўрсатишгагина ҳақлимиз. Сохта шуҳрат кетидан қувган шахслар ҳозир ҳам бор. Улар баҳорда униб чиқадиган замбуруғ ва қўзиқориндек кўриниб кетаверади. Табиат ва жамиятнинг муайян қонуниятига биноан улар қачондир шарманда бўладилар.

Ҳозирги ёшларнинг илмга, фанга бўлган интилиши кам. Мактаб ўқувчиларининг саводхонлик даражаси паст. Бу ҳам, назаримда, юқорйда айтиб ўтган сабабларга бевосита боғлиқ деб ўйлайман. Физика, математика, тил саводхонлиги авчайин ғариб. Мен педагог сифатида кузатиш ва тажриба учун 57 минг ўқувчининг ёзма ишларини таҳлил қилганман. Болалар бошланғич синф ўқувчилари саноқ сонлар устидаги амалларни ҳам билишмайди. Масала ечишга қийналадилар. Физик масала шартидан тенглама

қуришни билмаган бола геометриядан қуришга оид масалага ҳам ақли етмайди. Физика қонуларини қуруқ ёдлаб олгандан не наф? Шу билан бирга адабиёт дарсларида буюк қалам соҳибларининг асарларини таҳлил қилиб ўрганиш ўрнига шпаргалкалар тайёрлаш билан банд бўладилар. Ахир, бу кўчирмакашлик катта даҳшат-ку! Мен Андижон ва Тошкент шаҳарларидаги ёзма ишларни текшириб кўрсам, нуқта, вергулигача бир хил. Начора, расмга туширилган шпаргалкалар у шаҳардан бу шаҳарга “сайр” қилиб юрганга нима дейсиз? Ахир, улар қандай қилиб ижодий камолотга эришсинлар?

Ўқувчини мактабдан бездираётган, танбал ва манман қилиб қўяётган яна бир иллат мухтарам муаллимларимизнинг миллий маданий меросларимизни яхши билмаслигидир. Шунингдек, ўқув-методик қўлланмаларнинг етишмаслигидир. Миллий маданий-маърифий дурдоналар қанча тез чиқарилса, таълим-тарбия шунча яхшиланган бўлиши мумкин. Киши буюк сиймоларнинг фан йўлида чеккан беқиёс риёзат ва машаққатларини қанчалик чуқур англаса, унинг фан асосларини эгаллашга бўлган қизиқиши шунчалик кучли бўлади.

Маълумки, буюк фан соҳиблари, улуғ сиймолар илм шайдоси бўлишган, лекин шуҳрат гадоси бўлган эмаслар. Кишининг билим доираси қанчалик теран ва бой бўлса, у шунчалик камтариндир, одамохундир ва зуккодир. Афсуски, бу хислатлар бугунги кунда болаларимизга юқмаётганга ўхшайди. Нега? Сабаби нимада, ахир? Фан оламида тўққиз пуллик иш қилиб, тўқсон пуллик шуҳрат қидирадиганлар кўпайиб кетди. Улар фанга қўшиладиган катта ҳиссани эмас, бадки катта унвонни кўзлашади. Унвон кетидан қувиб, илмсиз қолган “олим”лар йўқ эмас. Ҳатто ўзининг ҳеч қандай ҳиссаси бўлмаган ҳолда нина билан қудуқ қазиб, илм уммонининг тубига ғаввос бўлиб кириб, жавоҳирлар терган ҳақиқий фан шайдоларининг йўлига тўғаноқ бўлиб, унвонлари ва мансабларидан фойдаланиб, уларга “шерик” бўлаётган нопок шахслар истаганча топилади. Хулоса шуки, фанга тасодифан кириб қолган шуҳратпараст шахслар ёш авлоднинг илму фанга бўлган ҳавас-эътиқодига салбий таъсир кўрсатишмоқда.

Ёшларни фанга қизиқтиришнинг иккита асосий омили бор, деб биламан. Фан тарихига бебаҳо дурдоналар қўшган улуғ боболаримизнинг ибратли ҳаётлари билан ёшларни муттасил таништириб бориш керак. Фанга ҳақиқий ҳисса қўшаётган замондош алломалар билан ёшларнинг учрашув-

ларини уюштиришдан эринмаслик лозим. Бу ишларни фақат мактаб амалга оширади. Маълумки, инсон гулшанга кирса, унга гулларнинг хушнисори тегади, завқ олади. Болаларимиз ҳам устоз-олимлар билан қанчалик кўп учрашсалар, улардаги инсоний фазилатлар ёш авлодга кўчади, илму ҳунарга бўлган ҳаваслари ҳам ортади. Халқимизнинг асрлар давомидаги меҳнат ва кураш жараёнида зарралаб тўплаган ҳаёт сабоқлари тўлиб-тошиб ётибди. Халқ тарбияшунослиги деб шуни айтадилар. Тарбияшунослик фанининг сарчашмаси ва асоси ҳам шудир. Ҳар даврнинг кекса авлоди меҳнат ва кураш жараёнида бой тажриба орттирган. Кейинги авлод эса бу меросни ижодий ўрганиб, ривожлантириши керак. Бусиз маънавий камолот бўлиши мумкин эмас. Тарбиянинг ижтимоий илдиэлари ҳам шунга бориб тақалади. Агар ҳар қайси авлод ўз тажрибасини ўзи билан олиб кетса, тараққиёт тўхтаб қолган бўларди. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги улуғ боболаримиз яратган маънавий бойликларни кўз қорачиғидек асраш, ўрганиш ва турмушда ижодий ривожлантириш ҳаёт тақозосидир. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи беқиёс, бебаҳо анъана ва удумларга эга. “Эл йўқолса ҳам қаъдаси йўқолмайди” деган нақлни эслайлик. Ўзбек халқининг меҳмон кутиш одобидан тортиб, ўз миллий таомларини пиширишдаги санъатигача боқийдир. Буюк ёзувчимиз Чўлпоннинг фикрини олинг-а: “Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!”. Айрим калтабин, фан ва маърифатдан беҳабар, тор дунёқарашга эга оми раҳбарлар халқимизнинг бой мероси ва анъаналарига тош отишди, уни бекор қилишга, воз кечишга даъват этишди. У раҳбарлар ўтиб кетди, ахир мансаб бебаҳо, дейдилар. Аммо халқнинг ўлмас удумлари авлоддан-авлодга кўчиб, яна умр кўрмоқда. Жумладан, Наврўзнинг Шарқ халқларининг миллий байрами эканлигини тушунмаган раҳбарлар, уни динга йўйиб, неча минг йиллар давомидаги ҳақиқатни бекор қилмоқчи бўлишди.

Умуман, оқил инсон ўзининг олис ва яқин ўтмишига, халқнинг боқий удумларига қарши тош отмайди. Ахир, бу новкўрлик била баробардир. Менинг назаримда, ўтмишдан бизгача етиб келган қадриятлар, масалан, чақалоқни бешикка белаш, унга исм қўяётганда қулоғига қичқириниш, бола ёстиғи тагига нон ва пичоқ қўйиниш, аскарликдан соғомон қайтиши, ризқи бутун бўлиши учун йигитга нон тишлатиб қолиш ёки тўйдаги келин саломлари, ҳашарлар, бошга кулфат тушганда ҳамдардлик билдириш ва ҳоказо удумлар замирида халқимиз донишмандлиги ётибдики, булар қачон ва қаерда қўлланмасин, нафақат эзгулик, балки

тарбия учун ҳам хизмат қилади. Бу хил қадриятларни менсимаётганлар ўта гўл, калтабин кимсалардир.

Ўзбек халқи ғирт саводсиз бўлган, деган гап мутлақо ёлгон. Аксинча, бизнинг халқимиз жуда бой, маънавий жиҳатдан юксак эди. Ўтган асрларда беҳисоб шоир, олим ва тарихчилар яратиб берган халқнинг пешонасига шундай тамғани босиш инсофданми? Биз хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам Ер Қуёш атрофида айланавради, у бизнинг хоҳишимизга қилчалик ҳам боғлиқ эмас.

Халқ тарбияшунослигидаги мангу ғояларни йўқотмоқчи бўлишди. Оддий киши хатога йўл қўйса, жамиятга камгина зарари тегиши мумкин. Лекин табиат ва жамият тараққиётининг синалган қонуниятларидан беҳабар ва уларга қарши ўзининг ғайритабiiий хоҳиши билан иш тутадиган бошлиқнинг хатосини тўғрилаш учун қанчадан-қанча кишиларнинг олтин вақти кетди, беқиёс машаққат чекилди, асаблар бузилди. Халқ тарбияшунослиги ўлмайди, у доимо бойиб, яшариб бораверади, биздаги жами кулфатлар айрим раҳбар ёки ҳокимларнинг саводсизлигидан, калтафаҳмлигидан қелиб чиқади. Биз ҳануз бу^а иллатдан қутулолганимизча йўқ.

Кези келганда шуни ҳам эътироф этиш лозимки, халқ маорифининг моддий ва маънавий эҳтиёжи талаб даражасига кўтарилмас экан, олий ва ўрта ўқув юртларини ислоҳ қилиш ҳақидаги гаплар қуруқ сафсата бўлиб қолаверади. Оқил, тадбиркор раҳбар эса халқ маорифининг эҳтиёжлари ҳақида лоақал ўн йил аввал ўйлайди. Билъакс, сўнг кеч бўлади.

Халқ қадриятлари йўқолмайди ва йўқолганларининг тикланишига қаттиқ ишонаман. Ҳаёт — энг катта устоз бўлса, халқ уни бошқараётган муаллимдир. Ўзбек халқининг қандай қадимий анъаналари бўлса, бариси авлод тарбияси учун зарурдир. Халқ донишлигининг қудрати бир дунё фалсафа ифода қилинган мақоллар, масаллар, эртақ-достонларда ҳам сезилади. Боланинг виждон қасри ана шу қадриятлардан тикланади. Нина ўғирлаган туя ҳам ўғирлайди, дейдилар. Ёки, боланинг тарбиясига бепарво қараш катта тезликда чопиб бораётган от жар ёқасига келганда жилов тортишдек бир гап.

Биз тарих, жаҳон фани, маданиятига улкан ҳисса қўшган боболаримиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бир томонда буюк бобокалонларимиз ва иккинчи томонда доно халқимиз турибди. Берунийнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссасини ким билмайди, ким тан олмайди дейсиз? Табиат қайтариб яна бундай буюк сиймони яратиш-яратмаслигини билмаймиз. У биринчи бўлиб Қуёш маркази — гелиоцентрга асос солди.

Ҳиндистонда маслаҳатчи бўлиб ишлаган кезларимда, ҳинд олимларига бобомиз Беруний ҳақида маъруза ўқиганимда, унга қизиқувчилар ўзимиздагига нисбатан кўплигига амин бўлганман. Улар менинг бошимдаги дўшмини кўриб, Абу Райҳон Беруний ҳақида гапириб беришимни илтимос қилишганди. Улар орасида берунийшунослар кўп экан. Мени шу нарсга афсуслантирадими, ёшларимиз тугул катталар ҳам бу олимнинг ҳаётини яхши билмайдилар. Бундай улуғ сиймолар ўйлаб, уларни санаб ўтирмақчи эмасман. Ахир, ўзингиз ўйланг-чи, Октябрь инқилобига қадар халқимизда ҳалоллик, соф виждон, имонлилиқ қанчалиқ кучли эди. Ахир, бизнинг мозийимизда ўзбек хотин-қизлари кўчада маст бўлиб ётишармиди ёки жиноят қилиб қамалганмидилар? Ёхуд, ўз фарзандларини кўчага ташлашармиди? Эшиқларимизда қулф бормиди? Турмушдан ажрашувчилар кўпмиди? Йўқ, бундай иллатлар бизда деярли бўлмаган. Улар бизга қаердан келди? Хотин-қизларимиздаги ифбат, назокат, йигитларимиздаги ғурур, мардлик туйғулари қаёққа кетди. Қандай бебаҳо фазилатлар эди булар!

Ўзбекистонликлар серфарзанд, болажондирлар. Ҳатто ўзи эмаса емайди, киймаса киймайдими, боласига едиради, кийдиради. Кўп болали оилаларнинг ўзига хос тажрибаси шундаки, у ерда бир фарзандли оилалардаги каби муҳайёлик, ортиқча ардоқлаш, эркалашга ўрин йўқ. Энг муҳими, болалар оилада ҳам, жамиятда ҳам меҳнат билан камол топадилар, улғаядилар. Меҳнат асосий тарбиячи. Лекин ҳар дарёнинг ўз кемаси бор деганидек, баъзан биз болаларнинг ўқишига имкон бермаймиз, ҳаддан ортиқ жисмоний меҳнат қилишга мажбур этамиз. Оқибатда болаларнинг билим олиш имкониятлари чекланмоқда.

Бекорчилик ҳам иллатдир. Бинобарин, унинг ҳосиласи ундан ёмон. Жирканч ҳис-туйғу ҳам, ножўя хатти-ҳаракатлар ҳам бекорчиликдан келиб чиқади. Шунинг учун кўп болали оила болаларининг хулқу одоблари айрим ёлғиз болали оилаларга нисбатан ибратли. Ёлғиз фарзандли баъзи оила соҳиблари болага ҳаддан ортиқ имтиёзлар беришади, эркалатадилар, меҳнат қилдиришмайди-да, пайпаслашади. Оқибатда бу хил тарбия олган болалар худбин бўлиб ўсишади, катта бўлишганида ҳам ўз манфаатини ўйлашади. Шахсиятпараст тахминан ўрдакка ўхшайди. Агар шаҳарни сув босса, ўрдак буйнини кериб, “менга нима”, деркан. Бундай болалар ўз ота-онасини ҳам ҳурмат қилмайдилар. Чунки ортиқча кўрсатилган меҳрибонлик меҳрсизлик бўлиб қайтади. Болага кўрсатиладиган меҳр ҳам, талабчанлик ҳам меъёрида бўлсин.

Меъёр бузилар экан, тарбия ҳам айнийверади. Овқатга солинадиган туз кўпроқ тушса — шўр, камроқ тушса — бемаза бўлишига ўхшатаман бу ҳолатни.

Тўғри, биз китоблар, рисоалар чиқаряпмиз. Дўкон ва расталарда ўз харидорини тополмаётган, сарғайиб эскираётган китобларга қараб ачинасан, киши. Аввало, чиқаётган китобларнинг мазмуни, сифати талабга жавоб берадими? Ёшларга мўлжалланган китобга мен бешта талаб қўяман, одатда. Ҳаёт ва тарбия талабларига жавоб берадиган китоблар кам. Номзодлик, доцентлик, профессорлик унвони учунгина хизмат қилувчи китобларни ким ўқийди? Дўкон пештахталарида ётиб-ётиб, макулатурага топширилаяпти. У ер-бу ердан “юлиб” китоб қилиш ҳодисаси одат бўлиб қолди. Қайчилаш билан елимлаш натижасида ҳосил бўлган баъзи “китоб”ни ўша қайчи билан қирқиб, елим билан эшик-деразаларнинг тешик-теликларини беркитишга ишлатадилар. Меҳнат машаққати билан яратилган ҳақиқий китобни эса ардоқлаб, авлоддан авлодга етказадилар. Афсуски, кишига таъсир этмайдиган китоблар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳаёт хулосаси акс этган ва ўқитувчи, ота-оналарнинг фаолияти учун керак бўлган қўлланмалар жуда кам. Ахир, халқимизнинг бебаҳо дурдона китоблари бор-ку. Жумладан, “Қобуснома”, “Донишнома”, “Калила ва Димна”, “Шоҳнома”, “Қутадғу билиг”, “Бўстон”, “Гулистон” каби шоҳ асарлар неча асрлар ўтишига қарамай, ҳануз халқимизнинг севган асари бўлиб яшамоқда. Улуғ боболаримизнинг бу асарларидаги башоратлар, ақида ва донишмандликлар руҳларимизда кезиб юрибди. Биз ўзимизнинг ана шундай бой ва серқирра тарбия меросимиз мавжуд бўлишига қарамай, гўё янги гап деб, айрим рус ва Оврупо тарбияшуносларининг фикрларига ёпишиб олганмиз. Масалан, А.С. Макаренконинг жамоада тарбиялаш назариясини олайлик. Ваҳоланки, А.С. Макаренко яшаган давр бутунлай бошқа эди. У шахсни битта ҳовузга ташлаб, сўнг кўпчилик орасида эритиб юбориш ғоясини илгари сурганди. Бу шахснинг ўрнини йўқотиб юбормайдими? Шахс — туз, ҳовуз — сув. А.С. Макаренко уни ўша сувда эритиб юбормоқчи. Маълумки, жамоа шахслардан бунёдга келади. Ҳар бир шахс ўзига хос хусусияти билан гўзал. Табиат шундай хассос яратувчики, у бутунга қадар бирор одамнинг иккинчи нусхасини яратган эмас, яратмайди ҳам. Шунинг учун борлиқ гўзалки, ҳар бир инсон ўзига хос фазилатлари, қиёфаси ва ҳусни билан борлиқни безайди. Агар ҳамма мутлақо бир-бири билан бир хилда бўлса, у ҳолда инсонлар ўртасида муҳаббат бўлармиди? Хуллас, Макаренко фикрларига ҳам танқидий ёндашиб, ижодий фойдаланиш керак. Энг муҳими, Шарқ

мутафаккирларининг таълим-тарбия ҳақидаги дурдона ҳазиналарини ардоқлашимиз ва ўрганишимиз лозим.

"Фарзанд — умр меваси" китобим қўлёзмаси билан 1955-56 йилларда Ҳиндистонда Жавоҳарлаъл Неру танишганди. У мен билан бир неча марта учрашиб, халқ маорифининг 4 та хусусияти ҳақида баҳслашганди. Тўғри, бировлар мактаб, айримлар оила, учинчи гуруҳ эса жамоатчилик бола тарбиясида ҳал қилувчи роль ўйнайди, дейишяпти. Назаримда, бола тарбиясида самарага эришининг бир қанча шартлари, мезонлари бор. Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг қатъий ҳамкорлиги бўлмоғи керак. Менимча, бола бамисоли икки қанотли қуш бўлса, унинг бир қаноти ота-она, иккинчи қаноти мактаб ва жамоатчиликдир. Агар улар ягона эзгу мақсад томон ҳаракат қилсалар, бола ҳаёт бўстониға парвоз қилаверади. Аксинча бўлса-чи? Унда бола учолмай қулаб тушади. Шундай экан, биз бола камолотини фақат мактабга ёки ота-онага юклай олмаймиз. Мактаб, оила, омма боладан бир он кўз узмай, унинг иқболи, келажаги хусусида мустақил қайғурсин.

Ота-оналар, тарбиячилар зебо хулқлари билан фақат ижобий ўрнак кўрсатишлари керак. Шундагина тарбия мева беради. Оилада, айниқса, онанинг хулқ-атвори қизга кўчади. Шунинг учун доно халқимиз "Онасини кўриб қизини ол", деб қўйибди.

Афсуски, шундай оилалар учраб турадики, айрим оналар болани отага қарши қурол сифатида фойдаланишади ва отага қарши руҳда тарбиялайдилар. Менга шундай бир мактуб келганди. "Домла, сиз ота-онани ҳурмат қилиш ҳақида куйиниб ёзасиз! Лекин ота-оналар ҳам болага меҳру шафқат кўрсатиши керак-ку. Мана, менинг отам билан онам ёмон яшамасдилар. Нима бўлди-ю, отам улфатчиликка берилди, маст бўлиб келадиган одат чиқарди. Онам билан жанжал қилиб турарди. Бечора онам эти устихониға ёпишиб, чўп бўлиб кетди. Отам мастликларида мен икки укам билан бурчакка тиқилиб, йиғлаб ўтираимиз. Укаларим жиззаки, нозикқўнгил бўлиб ўсишяпти. Мен риёзиётдан яхши ўқирдим, ҳозир эса олган баҳойим "3". Бутун фожиа шундаки, отам маст бўлиб келганда, онам ҳам қараб турмайдиган бўлдилар. Шундай оталарга ҳам ўз фикрингизни билдирсангиз". Бизда ўзидан катта ёшдагиларни ҳурмат қилиш қанчалик зарур бўлса, ёш гўдакларга меҳр-шафқатли бўлиш ҳам муҳим одат бўлмоғи лозим. Қаердаки, соғлом руҳ ҳукмрон экан, ўша оиланинг фарзанди ҳам руҳан тетик бўлиб ўсади.

Бола тарбиясининг энг муҳим шarti эр-хотиннинг болага нисбатан бир хилда талаб қўйишлари ва бир мақсад томон йўналтиришларидир. Ҳеч қачон ота болани оқилона

тартибга чақирса, оналар уни ҳимоя қилмасин. Билъакс, бола ота олдида бошқача иш қилишга ўрганиб, иккиюзламачи бўлиб ўсади. Бу руҳият катта бўлганида ҳам сақланади.

Мен динни маданият сифатида, халқимизнинг маънавий хазинаси сифатида ҳурмат қиламан. Эътиқодим эса ўтган асрлар давомида яратилган умуминсоний таълимотлар билан чамбарчас боғланган. Ер юзидаги бошқа динларга нисбатан ёш бўлса ҳам, кенг тарқалган ислом динининг фалсафий-ҳуқуқий, ғоявий асосини ташкил этган ва кишиларнинг ахлоқий хатти-ҳаракат қоидаларини белгилаб берган, барча мусулмон халқлари ҳаёти, тарихи, маданияти ҳамда удумларини акс эттирган, жаҳон маданиятининг хазинасига хос нодир ёдгорликлардан бири "Қуръон"дир.

Эътиқод, имон, маслак бўлмас экан, жамият таянчсиз қолади. Худди шу нарсаларгина уни ушлаб турибди. Шу нуқтаи назардан қараганда, дин инсониятнинг эътиқодига айланган, узоқ даврлар мобайнида инсон унга сиғинган, ишонган. Биз шундай хатога йўл қўйдикки, бир кунда инқилоб қилиб, халқнинг эътиқодини йўққа чиқармоқчи бўлдик. Ўрнига эса марксизмни зўрлаб тиқиштирдик, ўн тўрт аср яшаб қўйган таълимотга эскилик, хурофот деб баҳо бердик. Бу энг катта хатойимиз эди. Биз шунини унутмайликки, халқнинг эътиқодини ўчириб ташлайдиган ўчирғич йўқ. Айниқса, ислом динининг қимматли ёдгорлиги бўлган "Қуръон" ва ҳадислар миллионлаб кишиларга одоб йўл-йўриғини белгилаб берувчи қўлланма ва йўлланма бўлганига шубҳа билан қарадик. Ҳадиснинг ўзи уч нарсадан таркиб топган эди. Булар айни пайтда Муҳаммад Пайғамбарнинг ўзигагина хос фазилатлар ва Муҳаммаднинг ўз умматларига (мухлисларига) ҳавола этган бу хилдаги қоидалари, ниҳоят, пайғамбарнинг инсонлардаги мақбул деб ҳисоблаган хислатларни ўз ичига олган қонуниятлар мажмуасидир. Кўришиб турибдики, "Қуръон" ва ҳадислардаги қоидаларни Муҳаммад Пайғамбар ҳаводан олган эмас, ҳаётдан ўрганган, умумлаштирган. Бу битиклар муҳим таълимий-тарбиявий аҳамиятга моликдир. Масалан, оила бунёд этишда ислом дини қурилажак оила аввало эр-хотиннинг розилиги билангина вужудга келиши зарурлиги, шу билан бирга умр йўлдошини сайлашда солиҳ оиладан солиҳа қизга уйланиш тавсия этилади. Демак, тарбияли, насл-насабли қизга уйланиш йигит учунгина эмас, балки бу оила ўчоғида бунёдга келадиган фарзанднинг комил инсон бўлиб шаклланиши учун ҳам хизмат қилар экан. Шунингдек, оилада эр-хотин ўртасидаги меҳр-шафқат ва садоқат улуғланади. "Қуръон" ва ҳадисларда бошдан-оёқ ҳалоллик, диёнат, инсонпарварлик, оқибатлилик,

маърифатпарварлик ҳамда билим ва ҳунар эгаллашга кенг ўрин берилган. Масалан, билим олиш борасида "Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш" деган гап янги эмас, балки бундан 1400 йил бурун айтилган. "Билим олиш йўргакдан бошланиб, то лаҳадгача зарур". Шундай экан, биз динга нисбатан ҳам йўл қўйган хатоларимизни тузатишга киришганимиз қувончлидир.

Ҳиндистонда ишлаган вақтимда Ж. Неру "Сизлардаги мактаб ва ўқув юрғларида худо йўқ деб ўқитилади. Ундай бўлса, ахлоқ тарбиясини қай тариқа амалга оширасизлар?" деб, савол берганди. Мен жавоб бердимки, мактаб дастурларимизда алоҳида худо йўқ деган таълимот ёзилмаган, ammo биз ўқувчиларнинг фан асосларини пухта эгаллашлари учун жонимизни жабборга берамиз. Лекин бола ҳаётда қайси эътиқодга ёндашмасин, диний таълимотни ёқлайдими, илмий дунёқарашга ён босадими, бу унинг ихтиёри, дегандим. "Қуръон"да белгиланган кўплаб хатти-ҳаракат қоидалари ислом дини бунёдга келгунга қадар халқнинг удумлари, одатлари шаклида мавжуд бўлганига аминман.

Ҳозир маорифчиларимиз мураккаб вазиятга тушиб қолишди. Динни ўқитиш керакми ёки йўқми? Ҳақиқий диндор алломалар билан бир қаторда чала мулла, саводсиз домла, отинойиларнинг пайдо бўлаётганига нима дейсиз? "Қуръон"дан 8 та оятни ёдлаб олиб, ўзини эшон деб эълон қилаётганлар йўқми? Улар ёшларни илму маърифат йўлидан оздиришга уринишмоқда. Бир вақтлар ҳам халқнинг мутаассиблигидан фойдаланиб, шундай кишилар чиқишган. Илғор зиёлилар — Чўлпон, Фитрат, Абдулла Авлоний, Беҳбудий каби фидойилар уларга қарши зарба беришди. Тарихда ҳам айрим бидъат ва хурофотга берилган, ўзини ҳудожўй деб атаганлар аслида ғирт товламачи, фатвогарлар бўлишган. Улар не-не буюк алломаларнинг бошига етганлар.

Кўр-кўрона эътиқод эмас, балки инсон онгли эътиқод эгаси бўлмоғи лозим. Олтин узукни гавҳар кўз беаганидек, эътиқодни ҳам, имонни ҳам маърифий нур билан безаш зарур. Шунда у бениҳоя гўзаллик, теран мазмун касб этади.

Юқорида салбий фатволар ҳақида гапиргандим. Шу хил адолатсиз фатво қурбонларини эслаб қуйидаги сатрларни ёзган эдим:

Шу фатво: фатво-фатво, эҳ, бу фатво!
Шу фатво эрди илм аҳлига ғам юкин ортган,
Шу фатво эрди Мансур халложни дорга тортган.
Фатвогарда инсоф бўлсайди зарра,
Тортилмасди Зикриё бошига арра

Шу фатво неча олимни дарбадар этган,
Шу фатво отага болани оқпадар этган,
Шу фатво Улугбек бошин уздирган,
Шу фатво илму фан қасрин буздирган.
Шу фатво разолатга элни тўлдирган.
Ҳаг сўз айтгани тирик кўмдирган,
Шу фатво одамни қул қилиб соттирган,
Шу фатво Машрабни дорга тортирган.
Машъум шу фатво қилганда тугён,
Ошиғу маъшуқалар бўлган тошбўрон.

Маориф ходимлари, зиёлилар бундай мураккаб вазиятда фақат ақлга таяниб иш тутишларини истардим.

Энг муҳими, ўқитувчи қайси идишнинг ичига кирса, шу идишнинг шаклига кирадиган суюқлик каби маслаксиз, эътиқодсиз, билимсиз, оғмачи бўлмасин. Муаллим ўз кетидан болаларни эргаштира олсин. Ўз устида ишламаган ўқитувчи бора-бора қаровсиз қолган дарахт каби мевадан қолади. Назаримда, устоз ўқитувчи хушнисор атиргулга ўхшаيدди. Болалар эса асалари каби унинг атрофида мудом парвона бўлиб, ўзлари учун маънавий озиқ оладилар.

Мен 60 йил давомида ёшлик гулшанига боғбонлик қилган кекса тарбиячиман. Бутун ижодий фаолиятимни ана шу шарафли касбларнинг фидойиларини улуғлашга қаратдим. Маълумки, ўқитувчи-тарбиячиларнинг нуфузи фақат унинг ўзи учунгина эмас, балки ёш авлоднинг иқбол-истиқболи учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқитувчининг обрўси кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ бўлса, иккинчидан, барча жамоат ташкилотларию ҳукуматнинг улар моддий ва маънавий аҳволини ўнглаш учун қиладиган муттасил гамхўрлигига ҳам боғлиқдир.

Инсонпарварлиги билан жаҳонга машҳур бўлган бугунги ва келгуси халқимиз, авлодимни шодумон, бахтиёр кўриш тилагимдир.

РАҲБАРЛИК ОДОБИНИНГ СЎНМАС ТИМСОЛИ

*Одам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаки эрур ёрлиг иши.*

Умумянсоният тарихида Алишер Навоий каби буюк сиймолар бўлганки, улар жаҳон илми, маънавий маданиятининг хазиналарига беқиёс дурдоналарини қўшадилар, ўзларининг олижаноблиги, улуг инсоний фазилатлари билан ер юзидаги дили пок, барча эркпарвар

одамларнинг эътиқодларини қозониб, уларнинг қалблари тўридан чуқур ўрин оладилар. Абадулабад инсониятнинг иззат-ҳурмат ва эҳтиромида яшайдилар. Энг муҳими, бундай муътабар зотлар фақат ўз элининг севган фарзанди деган олий унвонга сазовор бўладилар. Ана шундай азиз, умумжаҳон фарзандларидан бири улуғ бобомиз Алишер Навоийдир.

1991 йил халқимиз жаҳондаги барча эрқарвар инсонлар билан биргаликда азиз бобомизнинг 550 йиллик таваллудини нишонлаш муносабати билан унинг кўп қиррали ибратли ҳаётини, беқиёс теран ва сермазмун ижодий фаолиятини ўрганиш борасида катта ижодий изланишлар ва илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Мамлакатимизнинг барча ерларида зўр қувонч ва катта мамнуният билан навоийхонлик ижодий кечалари ўтмоқда.

Табиат шундай хассос яратувчики, у бунга қадар бирор одамнинг иккинчи нусхасини яратган эмас, яратмайди ҳам. Шунинг учун борлиқ гўзалки, ҳар бир инсон ўзига хос фазилатлари, қиёфаси ва ҳусни билан борлиқни безайди.

Алишер Навоий шундай кўп қиррали биллурга ўхшайдикки, унинг ҳар бир қирраси жозибали товланиб, ўзига хос зиё сочиб, бизнинг қалбимизни мафтун этиб, мудом руҳимизни мунаввар этиб келмоқда. У бебаҳо биллур қирраларининг таъриф-тавсифини қилиш ва англаб етиш учун эса узоқ давр ва катта истеъдод керак.

Алишер Навоий умуминсоний улуғвор фазилатларни ўзида мужассамлаштиришга бир умр интилган ёрқин сиймолардан бири бўлиб, бениҳоя кенг ва теран билим, ақлу заковат эгаси; пок ахлоқ, зебо одоб, букилмас ирода, ҳаётий ва ижодий мардлик, элига, дўстларига ҳамроз, фидойи, буюк инсонпарвар, ёшларга меҳрибон, кексаларга, айниқса, устозга, ота-оналарга мурувватли, ўта меҳнатсевар, имон-эътиқодли, маърифат гулшанининг хассос боғбони, ҳадсиз тафаккур осмонининг сўнмас чароғон юлдузи, эл эҳтиёжи учун зарур иншоотлар қуриб, савоб орттирган эзгулик тимсолидир.

Айниқса, у ўзининг нозик нафосати, назм уммонида ғаввос бўлиб жавоҳир излаши, бадий юксак, бениҳоя нафис руҳий олами, чуқур фалсафий, халқ дилига ва руҳига монанд ёр ва диёр муҳаббатини тараннум этган, латиф оҳангларга бой ғазаллари, инсоннинг ҳис-туйғуларини бойитувчи асарлари билан халқ тилида ва дилида барҳаёт яшаётган улкан даҳодир.

Навоий яратган ҳар бир асарнинг энг муҳим қиймати шундаки, улар инсонни ақлий камолотга, ахлоқий

покликка, гўзалликка, эзгуликка етакловчи, мумтозликка ундовчи дурдоналардир.

А. Навоий тил жавоҳир хазинасининг бениҳоя бойлиги, бадий нутқ маданиятининг ниҳоят даражада юксаклиги учун курашди ҳамда сўзларнинг маънодош қирраларини жуда чуқур билганлиги сабабли ҳам ўзбек тилининг гўзаллиги, нафислиги, жозибadorлиги, жарангдорлиги, хушнисорлиги ва бошқа нозик хусусиятларини ҳам амалда, ҳам илмий асосда исбот қилди, жаҳонга танитди.

Ватанимиз бошида жуда мураккаб вазият кечаётган ва мамлакатни идора қилиш борасида турли катта хатоларга йўл қўйилаётган бир даврда Алишер Навоий лавозимда ўзини қандай тутганлиги ва ўзига хос иш услуби, раҳбарлик одоби ва давлатни идора қилиш жараёнида фойдаланган хилма-хил воситалари бўлгуси раҳбар учун ўзига хос муҳим тарбия мактабидир.

Аввало, унинг раҳбарлик иш услуби, шунингдек адолат йўлида оғишмай сабот ва матонат билан кураша билиш, халқ билан ҳамдам ва ҳамнафаслик, халқчиллик, Ватан дарди билан яшаш, халоллик, поклик, Ватаннинг осойишталиги учун фидойилик каби улуг сифатлар мужас-сам эди. Бироқ ўз манфаати йўлида элини, Ватанини ҳам сотишдан тоймайдиган, молу мулк кетидан қувиб эл дардини ўйламайдиган, дўстларига, ҳатто энг яқин кишиларига хиёнат қиладиган, фисқу-фужур тарқатиб, сарой аҳли ўртасига нифоқ солиб, ўзига мавқе излаб, сохта шуҳрат изидан қувадиган, ўз инсоний қадриятини ерга уриб, лаганбардорлик қиладиган, бир-бирининг оёқларига болта уриб, лавозимга интиладиган кишилар ҳам А. Навоийга саройдош эдики, улардан халқни, шоҳни, ҳатто ўзини ҳимоя қилиши зарур эди. Навоий бунинг учун ўзида жасорат топа олди ва ҳатто айши-ишратга муккасидан кетган маишатпарастлардан ҳазар қилган бош вазир уларнинг кирдикорларини ақлу заковат билан фoш эта билиш истеъдодига эга эди. Шунингдек, ақл билан ҳал қилиниши мумкин бўлган масалаларга ҳеч қачон уруш ва жанжални восита қилиб олмаслик, энг муҳими, ҳоқон қошида ҳам дилидаги ҳақ гапни жасорат билан айта олиш, уни хато ва номатлуб ишлардан асраб, тўғри йўлга даъват этишга ҳаракат қилиш, ҳатто Маждиддин каби маккор жаллод, аждаҳо комидан тадбир ва ақл ёрдамида омон қолиш фақат Навоийдек улуг зот учун мушарраф эди. Зеро, кўпинча ҳоқоннинг қиличидан унинг муборак қаламининг ўткирлик қилгани, бу буюк сиймонинг ҳокимиятини идора этишдаги

моҳирона услуби, раҳбарлик одобининг ўзига хос тарбия мактаби эканлигидан нишонадир.

Бинобарин, улуғ бобомиз Навоийнинг давлатни идора этиш услуби, эл билан гўзал ва хилма-хил мулоқот воситалари ва унинг ўзига хос раҳбарлик ободини давр талаби асосида ижодий ўрганиб, ундан ўз ўрнида оқилона фойдалана олсак, иш фаолиятимизнинг равнақига ва келгуси истиқболига ижобий таъсир кўрсатишга ишончимиз комилдир.

Мамлакат ҳокимлари хориждаги қабиҳ ниятли мухолифларнинг қўлларида кўр-кўрона қурол бўлиб, мамлакатда ўзаро тахт таллашиб бир-бирларини қатл этаётган фарзандларни, эл-ватани вайрон бўлаётгани, бўлиниб кетаётганлиги шароитида ҳам Навоий одамларни бирликка, дўстликка даъват этган ва бу йўлда жон фидо қилиб курашган. Унинг бу улуғ ватанпарварлиги, айниқса, бугунги кунда яна ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу улуғ сиймонинг нурафшонлиги маорифимиз жонкуярлари, олий ва ўрта мактабларимизнинг тарбиячи жомалари, ота-оналар учун бирдай эзгулик келтиришга хизмат қилади.

ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУНИНГ РАҲБАРЛИК ОДОБИ

(Эсдаликларимдан лавҳа)

Мен ўз ҳаётимда кўп оқил, дониш, азиз кишилар билан мулоқотда бўлиш бахтига сазовор бўлганман. Шунинг учун ҳам китобларимда "Устозим, ҳаёт муаллимим — халқ" деб ёзганман. Ана шундай азиз ва мўътабар зотлардан бири Жавоҳарлал Неру эди. Бу эсдалик 1955-1956 йилларда Ҳиндистон жумҳуриятида ишлаган давримдаги бўлиб ўтган кечинмаларимдан бир лавҳадир.

Мен Маскўпда ўқишни тугатиб қайтганимдан сўнг Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот илмгоҳида директор бўлиб ишлаётган давримда бир воқеа бўлди. Мени Маскўпга чақириб, Ҳиндистонга халқ маорифи ишлари бўйича илмий эмакдош бўлиб боришимни айтишди. Ўшанда Ҳиндистонда совет халқ маорифи системаси ва таълим-тарбиянинг мазмунига бағишланган кўرғазма ташкил қилинган эди. Унга Иттифок педагогика фанлар академиясининг собиқ президенти ака-

демик Михаил Иванович Кондаков раҳбарлик қилди. Кўр-газма мактабгача тарбиядан бошлаб, ўрта, махсус ўрта ва олий таълимнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган бўлиб, 96 тоннадан иборат экспонатлар, кўрғазмали қуруллар мавжуд эди. Ҳиндистон ҳукумати бу кўрғазмага алоҳида эътибор бериб, унга "Деҳлидаги Жайфурҳовуз майдонидан катта бинолар ажратди". Рўзномалар кўрғазмани Жавоҳарлал Неру ўзи очади деб хабар берди. Кўрғазмани ташкил этишда ҳиндистонлик ҳамкасбларимиз, Деҳли дорилфунунининг талабалари ҳам яқиндан ёрдам беришди. Хуллас, белгиланган кўрғазмани очилишига, яъни соат 10⁰⁰ да Жа-воҳарлал Неру етиб келди.

Ҳаммамиз билан у жуда самимий кўришди. Унинг кетидан бизнинг Ҳиндистондаги элчимиз ҳам ҳозир бўлди.

Кўрғазма Ҳиндистон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Очилиш маросимига кўп минглаб кишилар, айниқса халқ маорифи ходимлари ва бошқа касб эгалари ҳам фаол қатнашди. Кўрғазманинг моҳияти ва ундан кутилган мақсад Жавоҳарлал Нерунинг қисқа, лекин мазмунли ва мантиқли қўйидаги нутқида ўз ифодасини топди:

"Бу халқ маорифига оид кўрғазма, — деди Неру, — биз учун уч томонлама муҳим аҳамиятга молик:

Биринчидан, у давлат аҳамиятига эга, чунки авлод чуқур билим ва моҳир ҳунар эгаси бўлса, одобли, ахлоқли, маънавий баркамол, ватанпарвар бўлса, она Ватан қудратли бўлади.

Иккинчидан, бу оила масаласига боғлиқ. Қизларимиз оқила, комила бўлиб, оила қошидаги оналик бурчларини чуқур ҳис этиб болажон бўлсалар, йигитларимиз ақлли, виждонли, меҳнатсевар, оила қошидаги оталик бурчларига содиқ бўлсалар оила бахтиёр бўлади.

Учинчидан, бу таълим-тарбия борасидаги ўзаро ҳамкорликда муҳим аҳамиятга эга. Шу масалани ҳал қилишда бирор давлат ўз тор доирасида чекланиб қололмайди. Мамлакатлар ўзаро тажриба алмашишлари, ҳамкорликда иш олиб боришлари бу муаммони ижобий ҳал қилишда катта рол ўйнайди.

Мен кўпдан Совет мамлакатадаги таълим йўл-ўриқларини кузатиб келаман. Совет мамлакатадаги таълимнинг мазмуни анча чуқур қўйилган, лекин тажрибани бизнинг ўз шароитимиздан келиб чиқиб ижодий фойдаланиш керак, — деб уқтирди.

Сўнгра лентани қирқиб, кўрғазмани очди ва ҳар бир бўлимни жуда синчковлик билан кузатиб чиқди.

Кўргазма икки мамлакат ўртасида тажриба алмашишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Мен авлодимнинг яхши ўқиши, ақлий ва ахлоқий камолоти учун зарурий шароитни яратилганлигини кўриб кўз юмсам, беармон ҳаёт билан видолашишим мумкин, деб қўшиб қўйди.

Олижаноб фазилатли улуг зот билан бўлиб ўтган мулоқот онлари ва унинг ҳаётини кузатиш мени бир умр ўзига мафтун этиб, хотирамда ўчмас из қолдирди. Ва унинг етти фазилати доимо кўз олдимда гавдаланади.

Биринчидан, унинг билим доирасининг кенглиги, тарафлиги, серқирралиги, донишлиги, шунингдек, инсоният тарихини, хусусан фанларнинг ривожланиш тарихини жуда яхши билганлиги туфайли эл эътиқодига кирган давлат арбоби эди. Унинг асарларида бизнинг жаҳон фани ва маданияти хазинасига дурдоналар қўшган улуг боболаримиз ҳақида ҳам жуда қимматли маълумотлар мавжуд. У қамоқда ётган кезларида ҳам умр онларини бекор ўтказмабди. У математика фани тарихи билан шуғулланган экан.

Иккинчидан, ўз она юртини, ўз халқини жону дилдан севиши, унинг бахт-иқболи ва озодлиги, мустақиллиги учун жон фидо қилиб курашган эрқарвар инсон эди.

У бутун ҳаётини Ҳинд озодлик ҳаракатига бахш этган давлат арбобидир. У 1921 йилда Ҳиндистон озодлиги учун инглизларга қарши ташвиқот-тарғибот олиб боргани учун биринчи марта қамалди. Ҳиндистон озодлиги йўлида мардона кураши туфайли унинг ўн йилдан ортиқ умри қамоқда ўтди. Лекин қамоқлар ҳам унинг пўлат иродасини бука олмади, маслагидан, кураш йўлидан қайтара олмади.

Учинчидан, чин инсоний камтарлик, кибр-ҳавога берилмаслик, ўз шахсини кўз-кўз қилмаслик, раҳбарга хос улуг фазилат, арзон ва сохта шуҳрат изидани ҳувмаслик, ички дунёсининг гўзаллигидир.

Мен Ҳиндистонда ишлаган кезларимда кўп байрам маросимларини ҳам кузатганман. Бу маросимларда ўзининг каттакон суратларини намойиш қилиш ёки майдоннинг юқори шоҳсупасига чиқиб олиб дабдабозлик қилиш каби номатлуб хатти-ҳаракатларини кўрмадим. Шуларни эслар эканман, бизнинг руҳиятимизга сингиб кетган байрамларда казо-казоларнинг жамиятга қилган хизмати борми-йўқми, минбарга чиқиб олиб ўзини кўз-кўз қилиши, мсҳнатка халқни кўчаларда, майдонларда тик қўйиши ва ваъз ўқиш кўз олдимда намоён бўлади. Минг афсуски, кўп минбардаги ўша катта шахс нопок, жиноятчи бўлиб чи

Киши ким бўлишидан қатъи назар, ўзи истиқомат қилаётган жойидаги одамларнинг иззат-икромига сазовор бўлмоғи лозим, чунки унинг яхши кунида ҳам, бошига мусибат тушганида ҳам биринчи галда улар кўмаклашадилар.

Ахир, минг-минг йиллар муқаддам доно халқимиз "ҳовли олма, қўшни ол", "ён қўшним — жон қўшним", "ҳовли олишдан аввал қўшнининг кимлигини бил, кейин ҳовли ол, билъакс кейинги ўкинч бефойда", деб айтган панду насиҳатлари уларнинг бебаҳо ҳаётий умр сабоқларидир.

Қўшнилик одоби масаласи Шарқ халқларининг диний эътиқодларининг таркибий қисми бўлган. Пайғамбаримиз қўшни ҳақида васият қилиб қолдирган ҳадисларидан бирида "Ҳар ким Аллоҳ Таолога ва қиёмат кунига ишонса, қўшнисига яхшилик қилсин, меҳмонини ҳурмат қилсин ва яхши, ширин сўзли бўлсин. Агар айтадиган яхши сўзи бўлмаса, унда гапиришдан тилини сақласин"¹, — деганлар. Шундай экан, эндиликда биз учун яхши қўшни бўлиб яшаш учун ҳар биримиз қўлимиздан келганича қўшнилик одобига риоя қилишимиз, бунинг учун ҳаётимизнинг гўзаллик қонуни асосида яшашимиз лозим.

Энг аввало, яхши қўшни бўлишнинг муҳим шарти бир-бирига бўлган чин инсоний ҳурмат ва меҳр-муҳаббатдир. Агар қўшнилар бир-бирлари билан меҳрибон, ҳамдам-ҳамдард бўлсалар, улар ўртасида чин маънодаги ҳақиқий дўстлик ришталари боғланади. Яхши қўшнилар бир-бирларига шодлик кунларида ҳам, қийин кунларида ҳам, айниқса қайғули онларида ҳам ҳамдам ва ҳамдард бўладилар, биринчи бўлиб қўшнилар етиб келадилар. Шунинг учун ҳам доно халқимиз "Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг афзал" деган. Ҳақиқий қўшниликнинг чин маъноси ҳам ана шунда.

Қўшнилик одобининг энг муҳим шартларидан яна бири ўзаро сидқидилдан бир-бирларини ҳурмат қила билишидир. Бу қўшнилардаги барча инсоний фазилатларни тушуна билиш ва баҳолай олиш билан боғлиқдир. Бунинг замирида ўз манфаатини қўшнилар манфаатидан устун қўймаслик, заррача бўлса ҳам худбинликка йўл қўймаслик фазилати туради.

Қаерда худбинлик, шахсий манфаатпарастлик устун келса, у жойдан дўстлик қуши учиб кетади. Шундай экан,

¹ Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-Адаб Ал-Муфрад. "Ўзбекистон" нашриёти, 1990.

яхши қўшни бўлиб яшаш учун қалбидарё ва меҳридарё инсон бўл. Шундагина сен қўшниларнинг ҳурматида яшайсан ва уларнинг қалбларини мафтун эта оласан.

Яхши қўшнилик одоби кибри ҳаво ва манманлик каби иллатлардан бутунлай мусаффо бўлишни тақозо этади. Сен ким бўлишингдан, яъни мартабанг, илму унвонинг, ҳатто моддий шароитинг қандай бўлишидан қатъи назар ўзингни қўшниларингдан заррача бўлса ҳам устун қўя кўрма, чунки чинакам қўшнилик тенгликни тақозо этади. Тенглик йўқолиб ўрнига манманлик, такаббурлик келса, тинчлик йўқолади. Баъзан қўшнилар ўртасида "сендан мен ўзаман" зайлида иш тутиш, ҳатто тўйларда ўзини қўшнидан устун қилиб кўрсатиш каби номатлуб хатти-ҳаракатлар ҳам учраб қолади. Манманлик келган жойдан чинакам дўстлик ва қўшнилик меҳри қочади. Ҳар бир инсон ким бўлишидан қатъи назар, аввало ўзи яшаб турган жойда омманинг, қўни-қўшниларнинг иззат ва ҳурматига сазовор бўлмағи лозим. Инсон ҳурматининг биринчи зинапояси ана шу ердан бошланади. Шу ўринда Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ҳадисларидан бирини эслаб ўтиш жоиздир: "Қўшниларингиз сизни яхши одам дейишаётган бўлса, демак, сиз яхшисиз. Агар улар сизни ёмон одам дейишаётган бўлса, демак, сиз ёмон одамдирсиз."¹

Шунинг учун маҳалла ва кўй-гузардаги меҳнаткаш халқнинг ҳурмат ва иззатига сазовор бўлиш учун ҳаракат қил. Уларнинг тўйларида ҳам, азаларида ҳам ҳар доим қатнаш, улардан четлашма. Акс ҳолда, оммадан ажралиб, ёлғиз қоласан. Ёлғизлик эса энг оғир жазодир. Тўғри, баъзан жамоат иши билан жуда банд бўлиб қолиб, маҳалланинг ўлик-тиригига аралаша олмай қоладиган кишилар ҳам бўлади. Лекин шунда ҳам, иложи борича бу борадаги инсоний бурчини ўташга ҳаракат қилиш керак. Чунки инсоннинг бошидан ҳар турли воқеалар ўтади. Одамлар унинг кунига ярайдилар.

"Қўни-қўшнилари яхши одам эмас, мени ҳурмат қилмайдилар" деб нолишдан олдин "менинг ўзим уларнинг ҳурматига лойиқманми?" деб, ўз қалби билан чуқур гап-лашиб олган маъқул. Чунки ҳурмат ҳар икки томоннинг бир-бирларининг иқболи учун қилинган яхши ишларнинг ҳосилдир. Қўшнилар ўртасидаги ҳурмат ва дўстлик чироғига ҳам ёқилғи керак. Бу ёқилғи эса ҳар икки томоннинг меҳр булоғидир. Агар бир томон меҳр ва инсон-

¹ Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари. "Фан" нашриёти 1990, 26-бет.

парварлик кўрсатса, иккинчи томон ўз манфаатини кўз-ласа, чинакам дўстликка асосланган қўшнилик ривожлан-майди. Икки қўшни бир қўшнинг икки қанотларидир. Қуш эса бир қаноти билан узоққа парвоз қила олмайди. Халқда шундай бир иборатли ҳикоят бор: бир одам ҳаёт тақозоси билан бошқа бир шаҳарга кўчиши керак бўлиб, ўзи истиқомат қилиб турган ҳовлисини сотмоқчи бўлибди. Ҳовлининг баҳоси беш минг сўм экан. Жойни олиш учун келган харидорларга уй хўжаси "ҳовлимнинг баҳоси ўн беш минг сўм туради", дебди. Харидорлар ҳайрон қолишиб, ахир ҳовлингизнинг хариди беш минг сўмдан ошмас эди-ку, деб- дилар. Уй хўжаси эса "тўғри айтасиз, лекин менинг ҳар икки ён қўшнилари ҳовлимдан икки ҳисса қиммат турадилар", дебди. Бу, албатта, ҳикоят, лекин унда бир муҳим ҳақиқат бор. Ҳовлинг кошона бўлса ҳам қўшнинг носозу-нопок бўлса, у жойда роҳат бўлмайди. Ҳаётнинг нотинч кечади. Шунинг учун ҳам яхши қўшни кўчиб кетгудек бўлса, қўни-қўшнилар ачинадилар, хатто қадрдон қўшнидан ажралганлари учун қаттиқ изтироб ҳам че-кадилар. Билъакс, нопоку носози кетса, "фалокатдан қутилдик" деб шодланадилар. Шунинг учун ҳам кишилар ҳовли олмоқчи бўлсалар, аввало, қўни-қўшниларнинг кимлигини суриштирадилар, сўнгра жой оладилар.

ГЎЗАЛ МУНОСАБАТ ВОСИТАЛАРИ — ЯХШИ ҚЎШНИЛИКНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Умуман, яхши инсон яхши ва гўзал хулқи ва зебо одатлари, одамларга бўлган муносабатининг кўркемлиги билан ажралиб туради. Муомола воситаси тил ва сўздир. Шундай экан, бир-бирингиздан руҳий кўтаринкилик бахш этувчи ширин сўзингизни аяманг. Чуқур ўйлаб айтилган яхши сўз қўшниларни мустаҳкам жипслигини бунёд этувчи, ҳамжиҳатликни қарор топтирувчи қудратли воситадир. Тил воситасида қўшниларингиз билан му-лоқотда бўлар экансиз, сўзлаётган сўзларингиз маълум даражада сизнинг маданиятингизни қай даражада эканлигини кўрсатувчи бир мезондир. Доно халқимиз "тил ақл тарозуси" деб бежиз айтмаган. Қўшнилар билан му-лоқотда бўлганда ҳар бир сўзни чуқур ўйлаб, сўнгра сўз-лашни одат қилингиз. Маъносиз, мантиқсиз, бачкана сўзлар улар қошидаги обрўйингизга путур етказди. Сиз мазмун-дор, жозибали ва фойдали суҳбатлар билан уларни ўзингизга мафтун эта олсангиз, ана шундагина қўшнилар

сиз билан бўладиган суҳбатни иштиёқ билан кутадилар ва тез-тез учрашишни истайдилар ва қумсаб соғинадилар. Билъакс, гапи совуқ одам худди музхонага ўхшайди, у билан бир марта ҳамдам бўлган киши унинг ёнига қайта бориб музлашни асло истамайди. Чунки ёмон сўз қаҳратон қишдаги ёқимсиз изғи ринга ўхшайди, теккан жойини музлатади. Қўпол ва ёмон сўзнинг нишони шундай. Қўшнилар билан қўпол муомала ва уларга қарши заҳарли сўз ишлатишнинг оғир уқубатлари ҳақида яна ҳадисларнинг бирида Абу Хурайро айтдилар: Расулulloҳдан: "Ё Расулulloҳ! Фалончи хотин кечалари туриб ибодат қилади, кундузлари рўза тутади ва одамларга хайр-эҳсон ва бошқа яхши ишларни ҳам қилади. Лекин тили билан қўшниларига озор беради. Бунинг оқибати қандай бўлади?" — деб сўралганда, Расулulloҳ: "Бу хотинда яхшилик йўқ, у дўзах аҳлидандир"¹ — дедилар. Умуман инсон ҳақида, айниқса қўшнилариингиз ҳақида ёмон сўз айта кўрманг, бу билан сиз ўзингизни бадном қиласиз. Улар билан суҳбат жараёнида муомала одобига риоя қилинг, ўзингизни ҳамма нарса биладиган, энг оқил одам деб ҳисобламаманг, кибор ва мақтанчоқлик каби ношаён ҳаракатлар қила кўрманг. Чунки такаббур кишининг нутқидан ҳатто кибру ҳавонинг бадбўй нисори анқиб туради. Суҳбатда соддалик, камтарлик, одамийлик, сермазмунлик каби сифатлар суҳбатдошларни ўзига ром эта оладиган фазилатдир. Чунки камтарлик меҳнаткаш халқимизнинг бебаҳо фазилати, шунинг учун ҳам халқимиз камтарин инсонни ҳурмат қилади. Қўшнилар даврасида, суҳбат жараёнида ўзингизни қандай тутишингиз ҳам муҳим аҳамиятга молик. Баъзилар қўлларини паҳса қилиб, ҳаммага ақл ўргатмоқчи бўладилар. Бундай ҳатти-ҳаракат даврадаги оқил кишиларнинг энсаларини қотиради, руҳий кайфиятларини бузади. Қўшнилар даврасида аввало ёшга қараб жой танлаб ўтирмақ лозим. Кексалар пастда қолиб, тўрга чиқишни одат қилмаслик керак. Суҳбатга қатнашишнинг ҳам ўзига хос одоби бор. Қаерда, нимани ва қай хилда гапириш мумкинлигини яхши билмоқ даркор. Сиз гапирмоқчи бўлсангиз, гапингизда анжумандаги одамларга фойдаси тегиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилсангизгина суҳбатга қўшилинг. Сўзлаётган кишилар сўзини шартта бўлиб, ўртага луқма ташламаманг. Айтмоқчи бўлган гапингизни аввало фикр дошқозонида обдан пиширинг, сўнгра уни тил дастурхонига узатинг, агар у

¹ Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-Адаб Ал-Муфрад. "Ўзбекистон" нашриёти 1990, 50-бет.

хомҳатала сузилса, одамлардан ҳижолатга қоласиз. Қўни-қўшнилар даврасида ҳеч қачон сергаплик, эзмалик қила кўрманг. Одамлар сергап, эзмалардан узоқроқ юришни хоҳлайдилар, чунки сергап, эзма шахс одамларнинг олтин умрларини ўғирлайди. Ҳаётнинг сўз жавоҳирларини ўлчайдиган олтин тарозуси бор, кишиларнинг айтган сўзларини миқдорини ўлчамайди, балки маъносини ўлчайди. Қисқа гапириб, кўп маъно англата олиш оқилларнинг иши. Баъзилар қўшнининг уйига чиқиб олиб, неча соатлаб ўтириб, эзмалик қилиб, олди-қочди беъмани гаплар билан ҳамсоясининг меъдасига тегади, хатто чарчатади, изтироб чекишига сабаб бўлади. Бош оғригини қўзғатувчи учта нарса бор: бузуқ ҳавода бўлиш, хунук ва ташвишли хабар эшитиш, эзма киши билан ҳамроҳ бўлиш. Бечора қўшни гапингни тўхтатиб, энди чиқиб кета қол, дўстим, дейишга тортинади. У бефаросат эса бу қилигини нечоғлик бемаънилигини ўзи пайқамайди. Ана шундай бефаросат, нодонлар билан мулоқотда бўлиш оқил инсон учун нақадар уқубат эканлигини образли ифодалаб, Паҳлавон Маҳмуд ёзади:

Уч юз Кўхи Қофни келида туймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ!¹

Яна шу нарса муҳимки, сергап ўзи гапиради-ю, ўзгага гап бермайди. Эзма кишилар қулоқнинг вазифасини ҳам тилларига юклайдилар. Ўзи гапириб, ўзи эшитади-ю, аммо бошқаларнинг фикрини тингламайди. Лекин бу гапларга қўшнилар анжуманида доимо сукут қил деган сўз чиқмайди. Тўғри, сергаплик ёмон, лекин ичимдагини топ дейдиган писмиқлик ҳам ундан ёмон. Айниқса, суҳбат жараёнида одамларни иғво қилишдан сақланмоқ зарур! Қўни-қўшниларни бир-бирига ёмонлай кўрманг. Афсуски, баъзи бир ўз уйида иғвонинг макони бўлган шахс эшикма-эшик кезиб, қўшниларни бир-бирига ёмонлаб, иғво гап ташиб, уларнинг ўрталарига нифоқ ташлашга уринади. Бундай шахс ўз уясини булғатиб, девор ошиб қўшнининг ҳовлисини ҳам булғатмоқчи бўлган дайди товўқни эслатади.

¹ Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент. 1979, 43-бет.

Иғвогарнинг нияти ёмон, аммо унинг тузоғига илиниб, айтганларини қилиш ундан ҳам ёмон. Бильякс, қўшнилари унинг гапига учмай, ақлу идрок билан иш тутсалар, бора-бора ўша иғвогар қўшнилари қошида кимлиги фош этилади ва назардан қолади, қўшнилари ундан ҳазар қила бошлайдилар. Бундай шахс бугун мени сизга ёмонласа, эртага сизни менга ёмонлашдан ҳам тоймайди, у олдинда сени кўкка кўтариб мақтаб туради-ю, сендан нари кетгани он ғийбатингни қила бошлайди. Адолатли, ҳақ гапни очиқ айтишни одат қилган дили пок кишини ҳамма, шу жумладан қўшнилари ҳам ҳурмат қиладилар. Айниқса, тили бошқа дили бошқа кишиларни жуда ёмон кўрадилар.

Баъзан шундай ичи қора шахслари учрайдики, улар ҳатто икки ён қўшнилари билан ҳам чиқиша олмайдилар. Уларга рашк ва ҳасад кўзи билан қарайди. Уларнинг ютуқларини кўра олмайди. Бундай носоз одам қўшнининг ошховасидан чиққан овқат ҳидига ҳам рашк қилади. Ҳатто турли бўҳтонлар тўқийди, юмалоқ аризалари ҳам ёзади. Бундай носоз, албатта, охири бир кун фош бўлади, лекин у фош бўлгунча қанча азиз одамларнинг олтин умри қийналади ва асаблари емирилади. Бундай кишиларга шуни эслатиб ўтиш керакки, "наҳотки, ҳамма қўни-қўшнилари ёмон бўлса-ю, сенинг бир ўзинг яхши бўлсанг".

Азиз дўстим, ҳар бир инсоннинг ўзига хос қандайдир яхши фазилатлари бўлади. Биз ана шу фазилатларни баҳолашни ва ҳурмат қилишни одат қилайлик. Шунда уларнинг ҳурматларига сазовор бўламиз. Бунинг учун қўни-қўшниларининг ҳар бирининг зебо сифатларини қалб гулшанингга ниҳол қилиб кўчир ва уларни тарбия қил, шунда сенинг қалбинг зебо хулқ гулшанига айланади. Шу ҳақиқатни эслагилки, яхши инсон — яхши хулқ-атвор ва кўркем одатларининг мажмуасидир. Бу ўринда шуни эслаш лозимки, агар икки қўшни ўртасида бирорта гап ўтиб, ихтилоф, келишмовчилик чиқиб қолгудек бўлса, гина-гудур сақламай, ҳар икки томоннинг очиқ кўнгил билан уни ўртадан чиқариб ташлаш учун оқилона ҳаракат қилишлари инсонийликдир. Бу эса ҳар икки томондан ҳам қалбидарёлик, одамийлик, инсонпарварлик талаб этади. Инсон баъзан билар-билмас қандайдир хато қилиб қўйиши мумкин. У ҳолда қилинган хатони кечира билишнинг ўзи олижаноб, азиз инсонлар фазилатидир. Қўшнилари ўртасида гина-гудур сақлашни зарарли оқибатлари ҳақида ҳам хадисларда жуда муҳим тарбиявий аҳамиятга молик, бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаган фикрлар айтилган. Савбон

Ибн Баждад (розиёллоху анху) айтадилар: “Икки киши бир-бири билан уч кувдан ортиқ аразлашиб юриб, биттаси вафот этса ёки иккаласи ҳам ярашиб олмай, шу ҳолда ўлса, албатта иккиси ҳам ҳалокатга (Аллоҳнинг қаҳрига) йўтиқади. Қайси бир қўшни ўз қўшнисига зулм қилиб, уни ўз ҳовлисидан чиқиб кетадиган ҳолатга келтирса, албатта ҳалокатга учрайди”¹, дейдилар. Асло жаҳолатга берилиб, ўзини туюлмайдиган қўшнилари билан дилини оғритиб қўйма. Халқимиз, ҳатто “қўшнининг итига тош отма, чунки унинг эгаси бор”, дейди. Умуман, дилозорлик яхши қўшничиликнинг кушандасидир. Ҳарқанча жаҳлинг чиққанида ҳам, яна қўшнинг билан юз-юзга тушишни ва топишиб кетишингни ўйла. Оқил кишилар ақл ва фаросат билан ҳал қилиниши мумкин бўлган масалаларга уриш-жанжални восита қилиб олмайдилар. Аввало икки қўшни ўртасида уриш-жанжал аланга олмайди, балки унинг ту-туни чиқади. Оқиллар аланга олмасидан олдин тадбир топадилар. Кўпинча қўшнилари ўрталарида мураса бузилишига тажанглик, жиззакилик, инжиқлик, урушқоқлик, беандишалик, жаҳолат каби номатлуб хулқ-атворлар сабаб бўлади. Бундай жаҳли тез, тажанг киши билан мулоқотда бўлган кишининг аҳволи портловчи модда ёнида турган одам каби мудом нотинч бўлади. Ҳатто қўшнисининг хўрози қичқирса ҳам ҳамсояси билан адибади айтишиб чиқмаса, кўнгли ўрнига келмайдиган ўта инжиқ жанжал кашандалари ҳам учрайди.

Жаҳолат, уруш-жанжал кирган уйдан бахт ва омад, ҳатто барака қочади. Уруш, жанжал бўлган хонадон ўт кетган уйдек бефайз бўлиб хунуклашади. Фақат ўз хонадонингдагиларни эмас, балки қўни-қўшнилари билан ҳам тинчини бузасан. Доно халқимиз “сен тинч, қўшнинг тинч”, деб бежиз айтмаган. Оилада ўзаро ҳурмат ва иттифоқда яшаш сенинг учунгина эмас, айниқса, фарзанд-ларингнинг ўзаро аҳил бўлиб яшашлари учун ҳам зарур. Фақат ўз фарзандларига эмас, қўни-қўшнилари билан болаларига ҳам гўзал хулқнинг ва одобнинг, оиланинг кўркем фазилятлари билан ўрناق бўлишга ҳаракат қил. Сен қўни-қўшнилари билан самимий бўл, самимий кўриш.

Қўшничиликда болалар ўртасида баъзан қандайдир уриш-жанжал чиқиб қолади. Бундай шароит рўй берганда улар ўртасига тушиб, қўшнилари билан нари-бери гапга

¹ Имом Исмаил Ал-Бухорий. Ал-Адаб Ал-Муфрад, “Ўзбекистон” нашриёти 1990, 53-54-бетлар.

бормаслик лозим. Болалар жўжахўроздек бугун урушиб, эртага ярашиб кетадилар, ўртада катталар ўз қилмишларидан хижолат бўлиб қоладилар. Билакс, ҳар бир ота-она ўз фарзандини оппоғим деб ҳимоя қилиш ўрнига, тартибга чақирса ва яхшиликка ундаса, ўртага асло нифоқ кирмайди, бола ҳам унар-унмасга ота-онасининг ҳимоясига чопадиган бўлмайди. Аммо бу қўни-қўшниларнинг фарзандларининг хатти-ҳаракатига лоқайд қара деган сўз эмас, албатта. Билакс, халқимиз "бир болада етти қўшнининг ҳаққи бор" дейди. Ҳар бир қўшнининг фарзандлари иқбол-истиқболи устида ғамхўрлик қилиш яхши қўшнининг фазилати. Улар номашён йўлга қадам қўйса, уни тўғри йўлга йўллашда ота-онасига ҳамдамлик қилиш қўшнилик бурчидир. Билакс, бунга бефарқ қарасак, бу иллат эртага бошқа болаларга ҳам кўчиши мумкин. Умуман қўшниларнинг бошига келаётган кўнгилсизликни, хусусан болалари носоз йўлга кираётганини кўриб, ўзини кўрмасликка олган киши, ўз бошига келаётган кўнгилсизликлардан ҳам беҳабар қолиши мумкин. Яна шуни ҳам эслаш керакки, айрим калтабин ота-она боласининг нотўғри хатти-ҳаракатини билиб, қўшнилар уни тартибга чақирсалар, у эса боласини оппоғим деб пайпаслаб, қўшнилардан хафа бўлади. Оқибатда боласининг тарбияси издан чиқиб бўлганидан сўнг ўз қилмишига пушаймон бўлади. Бу ўринда шундай бир воқеани эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ кўринади: икки қўшни жуда аҳил ва иноқ бўлиб яшар эдилар. Вақт ўтиб улардан бирининг М. исмли боласи носоз болалар билан улфат бўлиб қолди. У ёлғон гапиришга, ота-онасини алдашга, ҳатто қўл эгрилик каби номатлуб йўлга кира бошлади. Кунларнинг бирида ён қўшнисининг товуғи йўқолди. Уни М. қопга солиб, бозорга олиб кетаётганини кўрган болалар келиб товуқнинг эгасига айтдилар. У чиқиб М. нинг онасига бўлган воқеани айтди. М. нинг онаси эса "ҳай, Ҳайринисо, сиз билан мен қўшни эмас, опа-сингил тутинишган эдик. Энди мени боламни ўғри деб, туҳмат қилаяпсизми? Сатқани қўшни кетинг, деб шовқин кўтарибди. Ҳайринисо опа эса ҳой овсинжон, мен товуқ учун эмас, ўғлингизни ёмон йўлга кириб қолмаслигини ўйлаб сизни хабардор қилай деб чиқиб эдим. Мени нотўғри тушундингиз. Ахир, сиз билан шунча вақт бир девор қўшнимиз, наҳотки, мен болангизга ёмонликни раво кўрсам деб, уйига чиқиб кетди. Орадан кўп вақт ҳам ўтмади. М. нинг қўлида олтин соат пайдо бўлди. Уни кўриб қолган М. нинг отаси боласидан соатни қаердан

олдинг, деб суриштира бошлаган эди, ўртага онаси тушди. Эрига сен нега болани таъқиб қиласан деб, бола қошида отанн ер тепиб қарғай бошлади ва болани бағрига олиб, оппоғим деб, бошини силади. Қисқаси, бола катта ўгриликка қадам қўяди. Бир катта дўкон қоровулини ўлдириб, мол ўғирлаб қўлга тушади. Унга суд қонун асосида тегишли жазо бериб, озодликдан маҳрум қилади. Шунда ҳам она тўғри хулоса чиқармай, боламни суд нотўғри ҳукм қилди деб, юқори ташкилотларга шикоят ёза бошлайди.

Ёш дўстим, одам бирдан катта ўғри бўлмайди. Шунинг учун боланинг қилган кичкина жиноятига ҳам бепарво қараб бўлмайди. Доно халқимиз “игна ўғирлаган туяни ўғирлайди”, деб бежиз айтмаган. Ҳар бир боладан бутун жамоатчилик кўз узмай, унинг иқболи ва истиқболи устида ғамхўрлик қилиши бола тарбиясининг энг муҳим талабларидандир. Агар бола тарбиясига ижобий таъсир этувчи барча таълим ва тарбия воситалари бир нуқтага йиғилса ва бир мақсад сари йўналсагина бола давримиз талабига муносиб инсон бўлиб шаклланади ва камол топади.

ҲАМДАРДЛИК — ЯХШИ ҚЎШНИЛАРНИНГ ФАЗИЛАТИ

Яхши қўшничиликнинг яна бир муҳим шарти ўзаро ҳамдардликдир. Яхши қўшнилар тўйларда ҳам, бошга қайғу-ташвиш тушганда ҳам бирга бўлишади. Масалан, тўй маросимларини олайлик. Қиз бола ёки йигит бирор жойга унаштирилишидан олдин бу оиланинг қандайлиги, йигит ёки қизнинг хулқ-атвори ҳақида совчилар унинг қўни-қўшниларида келиб сўрайдилар. Бу бежиз эмас, “Уйингдаги сирни қўшнингдан сўра” дейдилар. Йигит-қизнинг ҳам, ота-онасининг ҳам бутун сир-асрори қўшниларига маълум. Ана шу дамда қўшниларнинг виждон амри билан ҳаққоний, адолатли айтган фикрлари ижобий бўлиши сенинг ўзингни хулқ-атворингга ва инсоний фазилатларингга боғлиқ. Ҳеч қандай виждонли инсон оқни қора, қорани эса оқ дея олмайди. Демак, қўни-қўшниларнинг ҳурматига сазовор бўлган ўғил-қизнинг толеи баланд бўлади. Халқимизнинг “Яхши қиз қўни-қўшниларида ортмайди” деган ҳикмат бежиз айтилмаган.

Яхши қўшнилар тўй маросимларини замон талабига муносиб, гўзал ва ихчам, нафосатли ўтиши учун бир-

бирларига маслаҳат ва кўмак берадилар. Чунки маслаҳатли тўй тарқамас, дейдилар. Қўшнилар аҳил бўлсалар, тўй маросимлари кўнгилли ўтади. Яхши ва оқил қўшнилар тўй-ҳашамларда сендан мен ўзаман зайлида иш тутиб, ўзини кўрсатиш учун боз-бозликка йўл қўймайдилар. Кези келганда шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ақл-одобли қўшнилар ҳар доим қўни-қўшниларининг осойишталигини бузмаслик учун ҳаракат қиладилар. Айниқса, тўйларда баланд овоз билан тонготар магнитофон қўйиб шовқин-сурон билан қўшнилари нотинч қилмайдилар. Озгина бўлса ҳам қўшнилик одобини билган инсон фақат тўй-ҳашамлардагина эмас, балки оддий кунларда ҳам телевизор, магнитофон ва радиоларни бутун қўшниларига эшиттириб, бақиртириб қўймайдилар. Ахир, қўшниларининг бугунги ораста дам олишлари, уларнинг эртанги ишида кайфият билан самарали меҳнат қилишлари ва меҳнат унумдорлигини яхши бўлиши эмасми? Шундай экан, бу жамият аҳамиятига молик бўлган муҳим масаладир.

Баъзан ёшлар бундай номатлуб ишни қилсалар, катталар уларни тартибга чақиришлари керак. Агар бола ўжарлик қилиб қулоқ солмаса, қўни-қўшни, маҳалладаги катта ёшдаги кишилар биргаликда уни тўғри йўлга йўлласалар ижобий таъсир кўрсатишлари мумкин. Тўй-ҳашамларда ёшларни изғиб юриши, ҳатто дастурхонга ўтириб, ичкилик ичиши каби кўнгилсиз ҳоллар учраб туради.

Болаларни бугунги тўйма-тўй дайдиши,
Эртага бошимизга олиб келадирган ташвиши.

Бундай кўнгилсиз аҳвол рўй бермаслиги учун бутун қўшнилар биргаликда унга қарши курашишлари керак. Афсуски, баъзан бир калтабин кишилар “болани тўйдан чиқариб юборибди” деб гина қилувчилар ҳам учраб қолади. Оқил қўшни эса бундан асло хафа бўлмайди, балки бу ишни қилганларга раҳмат айтади. Чунки ҳар бир ота-она ўз фарзандларини имонли, эътиқодли, ҳалол ва пок инсон қилиб тарбиялаши жамият қошидаги бурчидир. Бу масалага бепарво қараб, қўшниларининг холис ниятларини англамаган ота-она боласи орқасидан оғир уқубат ва эл қошида хижолат тортиши ва виждон азобида эзилиши мумкин. Боланинг маънавий ҳалокати ота-она учун оғир кулфатдир. Кишининг тўйларига-ку ҳамма ҳам келади, лекин бошига кулфат, ўлим тушганда биринчи бўлиб қўшнилар ҳамдардлик қиладилар. Маълумки, тўй бамаслаҳат ўтади,

ўлим эса инсон бошига кутилмаган онда тўсатдан тушади. Яхши қўшниллар ҳам, содиқ дўстлар ҳам, қариндош-уруғлар ҳам шундай уқубатли, қайғули онларда ёнингда таянч ва кўмакдош бўладилар. Улар билан ғаминг енгиллашади.

Бу борада Тошкент шаҳар Шайхонтохур ноҳиясига қарашли "Илғор" мақалла меҳнаткашлари ўртасидаги, қўни-қўшниллар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамдардлик алоҳида диққатга сазовордир. Фақат тўйларда ёки инсон бошига ўлим тушгандагина эмас, қандайдир кутилмаган фалокат рўй берганда ҳам барча қўни-қўшниллар бир жону бир тан бўлиб кўмаклашадилар. Маҳаллада бир воқеа рўй берди. Шу маҳаллада истиқомат этувчи Ватан урушининг қатнашчиси, уруш фахрийси Қосимжон аканинг уйига тўсатдан ўт кетиб қолди. Аввал ўт ўчириш командаси етиб келгунча барча қўшниллар ёрдамга келишди. Ўтти ўчиришга ва рўзгор буюмларни уй ичидан ташқарига олиб чиқиш учун курашишди. Ўт ўчирувчилар ҳам етиб келди, ўт ўчирилди. Ҳар ҳолда ўт-ўтлигини қилди, уй куйиб, анча хароб бўлди. Кекса Қосим отанинг болалари билан уйда яшаш учун шароит қолмади. Буни тушунган қўни-қўшниллар, маҳалла қўмитаси аъзолари дарҳол мас-лаҳат қилишди. Қосим отанинг уйини ҳашар йўли билан тиклашга қарор қилишди. Ҳар ким қўлидан келганича ёрдам беришди. Қисқа муддатда уй эски ҳолатидан яхшироқ қилиб тикланди. Пензионер Қосим ота бола-чақалари билан янги тикланган уйга кўчиб киришди. Бу яхши қўшнилларнинг ҳамдам ва ҳамдардлигининг ёрқин мисолидир. "Илғор" мақалла ақолиси ичида турли касб эгалари бор. Жумладан, маҳаллада инсон соғлигининг побонлари бўлмиш Зикрилла Эгамбердиев, Нигора Иноғомова каби истеъдодли шифокорлар маҳаллада бирорта киши бетод бўлиб қолса, вақт-бевақт уларга мурожаат қилсалар, улар дарҳол ёрдамга ошиқадилар. Беморларга ёрдам бериш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрадилар.

Яна шу нарса алоҳида аҳамиятга моликки, баъзан бирор қўшнининг уйига қандайдир нотаниш, хулқи носоз кишилар келиб, увинг тивчини бузиб, ҳатто ташвишга сола бошлайди. Бундай шароитда қўшниллар асло лоқайдлик билан қарамай, дарҳол унга ёрдамга чиқишлари керак. Шунини унутмаслик керакки, бугун қўшнингга келган бу кўнгилсиз аҳвол эртага сенинг уйингга ҳам келиши мумкин. Бундай шароитда ҳар ким бошига ёққан қорни ўзи курасин зайлида

иш тутиш чин инсонпарварлик ва дўстлик қоидаларига номуносиб ишдир.

Қўшнинг оиласида, эр-хотин ёки келин-қайноналар, болалар ўртасида қандайдир келишмовчиликлар чиқиб қолгудек бўлса, бу ишга билар-билмас аралашмаслик лозим. Йложи борича уларнинг ўзалари тил топиб олганлари маъқул. Акс ҳолда баъзилар қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйишлари мумкин. Баъзан ўртадаги муносабатни яхшилаш ўрнига мушкуллаштириб юборадилар. Агар сенинг аралашувингдан оилани мустаҳкамлашга ёрдамнинг тегишига ишонч ҳосил қилсанг, улар сенга мурожаат қилсалар, оқилона тадбиркорлик билан, масаланинг моҳиятини чуқур билиб аралашиб маъқул.

Бу ўринда бир воқеани эслатиб ўтиш ўринли. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган Фозил ота ён қўшнисининг қизи бўлиб, уни онаси ўз синглисининг ўғлига турмушга чиқишини талаб этади. Қизнинг у йигитга кўнгли йўқ бўлиб, бошқа йигитни яхши кўрарди. Йигит ҳам унга дил боғлаган эди. Шарму ҳаёли қиз истиҳола қилиб, бу гапни ота-онасига айта олмайди. Совчилар келавериб, қизни қўярда-қўймай, қистокқа олишибди. Қиз йиғлабди-ю, ҳеч нарса айтмабди. Маълумки, қиз бола онага яқин сирдош бўлади. Ниҳоят, у онасига дардини айтишга мажбур бўлибди. Она ўжарлик қилиб синглининг ўғлига турмушга чиқасан, деб ўрлабди. Қиз отасига гапиришдан ийманиб, опоқи деб аталган ён қўшнисига кўз ёши билан воқеани айтибди ва амакмининг гапларига отам қулоқ соладилар, улар отамга тушунтирсалар, деб илтимос қилибди. Оқил отахон эса аввало қизни ўзи билан юракдан суҳбатлашибди. "Қизим, ҳеч қайси ота-она ўз боласини ўтга ташламайди, турмуш қуриш шунчаки бекинамчоқ ўйини эмас, бу умр савдоси, севган йигитинг билан оила бунёд этиб, бир умр ҳамдам-ҳамдард бўлиб яшаб кетишга кўзинг етадими, ота-онангни юзини ерга қаратмайсанми? У йигит сенга садоқатли бўлиб яшашига ишонасанми? каби саволлар билан қизнинг кечинмаларини чуқур ўрганибди. Суҳбат жараёнида йигитнинг яхшилигига ишонч ҳосил қилибди. Шундан кейин қизнинг отаси билан суҳбатлашиб кўришга ваъда берибди. Хуллас, қизи яхши кўрган йигит кимлиги, унинг ота-оналари яхши одамлар эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ота-она рози бўлишиб, қизни шу жойга узатишибди. Қизиғи шундаки, қиз билан йигит жуда аҳил ва тотув турмуш қуриб, уч нафар фарзандли бўлишибди. Қизнинг онаси эса куёвни жон-дилидан яхши кўриб қолибди. Лекин

уни кўрса ўзини билмай қилган ишидан хижолат чекар экан. Куёв эса бу оилага ўз ўғилларидан ҳам афзал бўлиб қолибди. Оқил ота қўшнисига ҳар замон ҳазил қилиб: "Яхши куёв топсанг, бир фарзандинг иккита бўлади, у нобоп бўлса, қизингдан ҳам айриласан" деб бежиз айтилмаган, дейди. Фозил ота эса бу қизнинг бахтли ҳаётидан унинг ота-онасидан ҳам кўпроқ қувонди.

Қўшнилар бир-бирларини тўғри йўлга яхшилик сари, гўзал ишлар бунёд этишга йўллашлари, чин қалбдан дўстона, беғараз насиҳат қилишлари ҳақиқий инсоний фазилатдир.

Яхши ҳамсояликнинг яна бир муҳим шартларидан бири қўшнининг иқбол-истигъболига бефарқ қарамаслик, ҳаётда тўғри йўлга йўллаш ва нопок, ношоён хатти-ҳаракатлардан асрашдир. Бу фазилат қўшнилар ўртасидаги ҳамдамликнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Яхши қўшничилик ришталарининг мустаҳкамланишида ўзаро ишонч алоқида ўрин тутади. Бунинг учун қўшнилар бир-бирларининг ишончларини қозонишлари зарур. Ҳа, қаерда ўзаро ишонч бўлмаса, у ерда ҳақиқий дўстлик ҳам бўлмайди. Агар қўшнилар ўртасида шубҳа туғилса, улар орасига уруш-жанжал йўл олади ва кўнгилсизлик рўй беради. Билакс, ўзаро ишонч ва дўстлик ривожланса, ҳар икки хонадонга ҳам бахт-иқбол эшик қоқиб келади. Ўзаро ишонч ҳаётнинг турли вазиятларида бир-бирларини синаш оқибатида бунёдга келади ва мустаҳкамланади.

Ҳисобли дўст ажралмас, деганларидек, қўшнилар бир-бирларининг молу мулкига, омонатларига хиёнат қилмасликлари, олинган нарса ўз вақтида қайтарилиши зарур. Қўшнининг эҳтиёжи тушиб, бирор нарса сўрагудек бўлса, бор нарсаларини қизғанмасликлари керак. Қўли очиклик қўшнилар алоқасини мустаҳкамлайди. Зиқналик ва пасткашлик уларни бир-бирларидан узоқлаштиради. Баъзан кишига арзимаган бир нарса вақт-бевақт жуда керак бўлиб қолади. Айрим зиқна кишилар борки, кўриниб турган нарсаларини қизғанадилар, қўшниларининг ҳожатини чиқармайдилар. Улар эртага ўзларининг шу қўшнига иши тушиб қолиши мумкинлигини унутадилар. Қўшнилар ҳар бир хатти-ҳаракатни виждон амри билан, олижаноблик билан қилишлари лозим. Қўшнилар ўртасидаги иттифоқликни мустаҳкамлашга хизмат этувчи восита — бу ростгўйлик ва ҳаққонийликдир.

"Илғор" маҳалласида кўп йиллар давомида меҳнаткаш халқимизга хос бўлган дўстлик, инсонпарварлик, яхши

қўшничилик аъналарини қарор топган. Ёшларни тарбиялаш борасида маҳалла фаоллари 132-сонли ўрта мактаб жамоаси билан ҳамкорликда жуда фойдали тадбирларни амалга ошириб келишяпти. Жумладан, меҳнат ва уруш фахрийлари, таниқли олимлар ва ёзувчилар билан учрашувлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Энг муҳими, ўзаро яхши қўшничилик ўрнатган ажойиб, гўзал фазилятли кишилар бу борада ёшларга ўрнак бўлмоқдалар. Бундай оилалар шу маҳаллада жуда кўп бўлиб, мен бу ўринда икки қўшни ўртасидаги таҳсинга сазовор муносабатларни мисол қилиб келтирмоқчиман. Маҳалламизга бундан чорак аср муқаддам бир шоир йигит билан журналист йигит келиб қўшилдилар. Улар кўпдан шу маҳаллада яшашни орзу қилар эдилар. Уларнинг эзгу ниятлари ушалди. Янги ўзлаштирилаётган мавзедан давлат уларга ер берди ва бирга иморат қуришди. Ҳамдамлик қурилиш давридаги меҳнатдан бошланди. Қисқаси, мана, йигирма беш йилдирки, улар жуда аҳил ва тотув яшаб келмоқдалар. Маҳалладагилар уларни қўшнилари эмас, балки ака-укалар дейишади.

Улар ўзаро ҳамдамлик қилиш ва бир-бирларидан хабардор бўлиб туриш ниятида деворлари ўртасидан катта эшик ҳам очиб қўйишган. Қайси бирларининг уйларида тўй-ҳашамлар бўлса, иккинчилари ўз ҳовлиларини унинг тасарруфига берадилар. Қозон-товоқ, ўчоқлар қўшнининг ҳовлисида кўчани. Улар ўртасидаги маданий қўшничилик муносабатларининг муҳим, тарбиявий аҳамияти шундаки, ҳар икки хонадоннинг уй бекалари ҳам, фарзандлари ҳам бир-бирларига туғишган опа-сингил, ака-укалардек меҳрибондирлар.

Журналист йигитимизнинг ҳовлисида узун анча яхши ҳосил беради. Шоирнинг ҳовлисида эса яхши гилос бор. Бу мевалар ҳам ўртада баҳам кўрилади. Юзаки қараганда, булар кичик бир нарсалар бўлиб кўринса ҳам, аслида унинг замирида меҳр-муҳаббатдан бунёд бўлган умумий катта ҳурмат мужассам. Уларнинг ўзаро меҳрибон қўшничилик аъналарини фарзандларига мерос бўлиб қолмоқда ва бошқа хонадонлар улардан ўрнак олмоқдалар.

Қўшниларга ва қўшничиликка зарар етадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ҳоли бўлинг, ҳовли жойнинг, кўчаларнинг, оқадиган ариқ сувларининг нечоғли озода бўлиши учун ҳаракат қилинг. Агар ҳар биримиз ўз хонадонимизни, кўчамизни озода сақласак, бутун шаҳримиз озода бўлади. Яшаётган муҳитимиз нечоғли покиза ва

табиатли бўлса, руҳий ҳолатимиз яхши ва турли хасталиклар биздан узоқ юради. Агар қўшни ҳамма ёқни озода, ораста қилиш учун курашса, иккинчиси турли чиқиндиларни ташлаб, кўча-кўйни булғатса, ўртада кўнгилсизлик туғилади.

Маълумки, ўлимнинг ўзи фожа эмас. Чунки олдинми, кейинми, ҳамма ҳам ўлиши табиий. Унинг фожиалиги шундаки, у одамларга яхшилик қилиш имкониятига охириги нуқтани қўяди. Шундай экан, биз умримизнинг ҳар бир олтин онларидан одамларга, шу жумладан, қўшниларимизга яхшилик қилиш учун фойдалана билишимиз керак. Бу эса чин инсонпарвар кишиларга хос олижаноб хислатдир.

Биз ҳар биримиз ўзимиз яшаб турган маҳалла-кўй, гузарларимизда, ўз хонадонимизда ҳамдам-ҳамдард, меҳрибон қўшни ва содиқ дўст бўлиб гўзаллик қонуни асосида яшайликки, бу фарзандларимиз учун, биздан кейинги авлод учун яхши мерос ва ибрат мактаби бўлиб қолсин.

МУНДАРИЖА

Инсон одоби билан гўзал	. 3
“САОДАТНОМА” ҳақида	. 7
Муқаддима	. 9
Инсоний эътиқод, метин ирода	. 11
Меҳнатсеварлик — бебаҳо фазилат	. 14
Илму ҳунар — туганмас жавоҳир	. 16
Ватанпарвар инсон — элита посбон	. 18
Инсонпарварлик — одамга ғамхўрлик	. 20
Одамларга яхши кайфият бахш этиш — қалби зебо кипшининг иши	. 22
Сўз — ақл тарозуси	. 24
Гўзал хулқ — гўзал қалб ифодаси	. 26
Ҳурмат истасанг, камтар бўл!	. 27
Кундалик ҳаёт варақларидан умр дафтари қосил бўлади	. 30
Дўстлик макон қурган уйга бахт эшик қоқади	. 32
Муҳаббат забт этган қалб эзгулик, гўзаллик касб этади	. 34
Оиладаги дўстлик — улур дўстлик бўстонининг ниҳоли	. 35
Бадхулқлик — бахту истиқболнинг заволи	. 41
Ёшлик гулшанининг меҳри дарё соҳиблари	. 46
Ота-она рози — эл рози	. 50
Хулқи зебо фарзанд — Ватан кўрки	. 51
Фазилатлар соҳиби бўл!	. 56
Ётоқхонада яшаш одоби ва нафосати	. 59
Дўстлик — одат, оға-инилик — қонун	. 60
Маданий хулқ гўзаллиги	. 65
Ҳар дарёнинг кемаси бор, пардоз-андознинг чамаси бор	. 68
Маданий муомала — инсон зийнати	. 69
Тилга эътибор — элга эътибор	. 72
Ҳаёт кушандаси	. 73
Режаси борнинг — ихболи бор	. 76
Инсоний ғоявийлик ва темир ирода — улугвор фазилат	. 78
Уқув юртининг ифтихори учун кураш	. 79
Ўқитувчи гўзаллик соҳиби	. 83
Ғоявий баркамол, фаол жамоатчи	. 85
Тарбияга муҳаббат	. 86
Ўқитувчи билими	. 87
Тарбиячи одоби	. 89
Ўқитувчи хизматлари	. 94
Ҳаёт — устоз, халқ — муаллим	118
Ватан ва ватанпарварлик ҳақида	119

Ўқитувчи, тарбиячи, ота-оналар ва улар ҳамжорлиги	122
Меҳнат, меҳнатсеварлик ва илм-ҳунар ҳақида	140
Илм, фан ва ҳунар эгаллаш ҳақида	149
Умр ва уни бефойда ўтказмаслик ҳақида	153
Умрни зое ўтказмаслик ҳақида	156
Эътиқод ва ирода ҳақида	158
Инсонпарварлик, одамийлик ва ёмонлик ҳақида	165
Ҳаққоният, виждонлилик каби инсоний фазилатлар ва юлғичлик, лаганбардорлик, иғвогарлик ҳамда бошқа сарқитлар ҳақида	180
Дўстлик ва муҳаббат ҳақида	193
Инсон ва адолат ҳақида	216
Камтарлик ва манманлик ҳақида	235
Тилга эътибор — элга эътибор	237
Бола тарбияси ҳақида	243
Турли сифатлар ҳақида	260
ДИШНОМА	
Муҳаддима	265
Гўзал ва шарафли ишлар ҳақида	266
Меҳнатни сев ва меҳнаткаш халқни ҳурмат қил	267
Фан асосларини билишга, ҳунар эгаллашга интил	269
Ватанни сев, ватанпарвар бўл	273
Инсонпарварлик касб эт, қалби дарё одам бўл	275
Камтар бўлсанг, ҳурмат топасан	278
Ота-онангни ҳурмат қил, иқбол топасан	280
Икки ҳурмат — эгизак	283
Ота-онанг ишга кетяпти	289
Экканингни ўрасан	292
Маданий хулқ — инсон зийнати	296
Ёшлик — гўзаллик	298
Ёшлик — муҳаббат баҳори	311
Самимий умр йўлдошни сайлаш	315
Ҳусн тўйда, ақл кунда керак	316
Сўри тагида сўлган малоҳат	320
Севги садоқат билан гўзал	323
Аёл лутфи ҳурматга сазовор	326
Мукамаллик, баркамоллик ҳақида	333
Раҳбарлик одобининг сўнмас тимсоли	344
Жавоҳарлал Нерунинг раҳбарлик одоби	347
Қўшнилик одоби ҳақида	350
Гўзал муносабат воситалари — яхши қўшниликнинг пойдевори	353
Ҳамдардлик — яхши қўшнилариинг фазилати	359

РАҲИМЖОН УСМОНОВ

САОДАТНОМА

Тавланган асарлар

Тошкент — “Ўқитувчи” — 1995

Таҳририят мудири *А. Аҳмедов*
Муҳаррир *Сафо Очил*
Бадий муҳаррир *Э. Нурмонов*
Техник муҳаррир *Э. Вильданова*
Мусаҳҳиҳлар *П. Аззамова, З. Фуломова*

ИБ 6148

Теришга берилди 05.06.93. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 29.03.95. Бичими 84×108/32. Офс. қоғози. Кегль 10 шпонсиз. Тип. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.л. 19,32. Шартли кр-отт. 19,53. Нашр.л. 14,59. Тиражи 15000. Буюртма N 36.

“Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 12-13-92.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг ижара китоб фабрикаси. Янгийул ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1995.